

А.Б. АХМЕДОВ, Н.И. ТАЙЛАҚОВ

# ИНФОРМАТИКА

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази  
академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун  
дарслик сифатида тавсия этган*



ТОШКЕНТ “ЎЗБЕКISTON” 2001

## Тақризчилар:

Тошкент Давлат Педагогика Университети “Информатика” кафедраси доценти ф.м.ф. номзоди **Р.Р. Боқиев**, Тошкент давлат тўқимачилик институти қошидаги академик лицей “Олий математика ва информатика” кафедраси мудирлари т.ф. номзоди, доцент **М. Охунбоев**, мазкур лицей ўқув ишлари бўйича директор муовини, олий тоифали ўқитувчи **А.Э. Тангиров**.

**Ахмедов А.Б., Тайлақов Н.И.**

**А90** Информатика: Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун дарслик. — Т.: “Ўзбекистон”, 2001. — 272 б.

1. Муаллифдош.

ISBN 5-640-02999-4

Дарсликда информатика фанининг мазмуни, ривожланиш тарихи, IBM PC туридаги компьютерлар, унинг дастурий таъминоти, хусусан MS DOS операцион тизими, NC қобиқ дастури, Windows 98 муҳити, Microsoft Word, Paint ва Excel дастурлари ҳамда Паскал алгоритмик-тили ёритилган. Барча мавзулар бўйича назорат учун саволлар ва машқлар келтирилган.

Дарслик академик лицейлар ва коллежлар учун мўлжалланган бўлса-да, ундан мазкур фанни ўрганувчи олий ўқув юрти талабалари ҳам фойдаланишлари мумкин.

ББК 32.81я722+32.97я722

А  $\frac{1404000000 - 119}{M341(04)2001}$  2001

## КИРИШ

Инсоният XXI асрга қадам қўйди. Янги аср ўз навбатида жамиятимиз олдига муҳим масалаларни ҳал қилиш вазифасини юкламоқда. Ишлар мажмуини ҳал қилиш ҳар бир фуқаронинг бу жараёнда шахсий иштирокига, ижодий масъулиятли муносабатига ҳамда манфаатдорлигига бевосита боғлиқ.

Маълумки, республикамизда бутун таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишга киришилди. Таълим тизимидаги туб ўзгаришларни амалга ошириш учун академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ташкил қилинди. Лекин академик лицейлар ва касб-ҳунар-коллежлари учун бошқа фанлар каби “Информатика” фани бўйича ҳам махсус ёзилган дарсликлар йўқ. Қўлингиздаги ушбу китоб академик лицейга ўқув предмети сифатида киритилган “Информатика” фани бўйича дастлабки намунавий дарслиқдир. У Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг “Информатика” курси бўйича Академик лицейлар учун тасдиқлаган ўқув дастури (тузувчилар: А.М. Сиддиқов, М.А. Якубова, Д. Каримова, Тошкент, 2000) асосида ёзилди.

Дарслик жами 280 соат ҳажмдаги материални ўз ичига олган бўлиб, 10 бобга бўлинган. Ҳар бир боб ниҳоясида мавзулар бўйича такрорлаш учун саволлар ва машқлар келтирилган.

Дарсликнинг юзага келишида ЮНЕСКО томонидан ишлаб чиқилиб, ривожланган давлатлар таълим тизимида кенг қўлланилаётган “Ўрта таълим учун информатика” (Infortics for Secondary Education A Curriculum for Schools. Copyright UNESCO, Paris, 1994) мактаблар учун ўқув режасига киритилган мавзулар асос қилиб олинди. Бинобарин, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқув режасига “Ахборот технологиялари” фанининг қиритилганига ҳамда янги ташкил этилган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари IBM PC туридаги компьютерлар билан таъминланганлиги ҳам эътиборда турди.

Дарслик академик лицей ва касб-ҳунар коллежи ўқувчиларини информатикага доир билимлар билан қуроллантириш, IBM

РС туридаги компьютерлар, уларнинг дастурий таъминоти ва имкониятлари, алгоритмик тилда дастурлар тузишни ўргатишга ҳамда амалда компьютерлардан фойдаланиш кўникмасини ҳосил қилишга қаратилган. У академик лицей ва касб-хунар коллеждари учун мўлжалланган бўлса-да, ундан олий ўқув юртлиари талабалари ҳамда фаолияти замонавий компьютерлар билан боғлиқ бўлган ходимлар, аспирантлар, ўқитувчилар ҳам фойдаланиши мумкин.

Дастлаб дарслик қўлёзмаси муаллифлар ва уларнинг касбдошлари томонидан Самарқанд давлат архитектура қурилиш институти қошидаги 2-сон техник иқтисодиёт лицейи, Тошкент давлат авиация институти қошидаги “Авиалицей”, Самарқанд молия-иқтисодиёт коллежларида синовдан ўтди, унинг яратилишида бевосита тўпланган тажрибалар асос қилиниб олинди.

Албатта, дарслик камчиликлардан холи эмас. Шу боис дарслик ҳақидаги танқидий фикр-мулоҳазаларни муаллифлар мамнуният билан қабул қиладилар.

*Муаллифлар*

## ИНФОРМАТИКА ФАНИНИНГ МАЗМУНИ ВА ВАЗИФАЛАРИ, РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ



### 1.1. Информатика фанининг мазмуни ва унинг бугунги тараққиёт даражаси

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг унинг олдида иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш учун, маданий ва маънавий янгиланиш учун кенг йўллар очилди. Мустақилликнинг биринчи кунидан бошлаб бозор иқтисодиёти, ишлаб чиқариш, замонавий технологияни татбиқ этиш ва жаҳон иқтисодий алоқалари тизимига киришнинг энг мақбул йўллари қидириш билан боғлиқ бўлган муаммоларни мустақил ечишга тўғри келди.

Шу боис республиканинг барча соҳаларини техник қайта қуроллантириш, замонавий техника ва технология билан таъминлаш ҳамда халқаро замонавий талабларга жавоб берувчи телекоммуникацияли ва компьютерли алоқа тизимини ривожлантириш долзарб масалалардан бири бўлиб қолди. 1991—1994 йилларда Ўзбекистон ҳамдўстлик давлатлари орасида биринчилардан бўлиб ахборотлашнинг яхлит давлат сиёсатини амалга оширишга асос солди.

“Ахборотлаш ҳақида”ги, “ЭҲМ учун дастур ва маълумотлар базасининг ҳуқуқий ҳимояси ҳақидаги”, “Алоқалар ҳақидаги” қонунлар билан Ўзбекистон Республикасини 2010 йилгача ахборотлаш, қайта қуришнинг миллий дастурлари ва телекоммуникацион тармоқни ривожланишининг норматив ҳуқуқий асослари яратилди ва ахборот ресурслари ривожланиши учун иқтисодий, ташкилий шарт-шароит ва кафиллик таъминланди.

Ўзбекистон учун мулкчиликнинг хусусий ва аралаш шаклларига ўтиш, энергетик, хомашё ресурсларидан унум-

ли фойдаланиш даврида компьютер технологияларидан миллий иқтисодни бошқаришда фойдаланиш тобора муҳим бўлиб бормоқда. 1993—1995 йилларда давлат бошқаруви ва банк муассасаларининг инфор­мацион тизимларини компьютерлаштиришга асосий эътибор берилди.

Солиқ қўмитасида маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилишнинг ягона тизими, абитуриентларни тестлар асо­сида қабул қилиш учун компьютер тизими яратилди. Ҳисоб ва статистиканинг халқаро тизимига мос таҳлил қилиш ва статистика давлат муассасаларида компьютер тармоғини янги техник даражада ташкил этилмоқда. Ва­зирлар Маҳкамасига хизмат кўрсатиш тизими автомат­лаштирилган, хусусийлаштириш ва маблағ ажратиш жа­раёнларини маълумот билан таъминлаш ва телекомму­никацион фондли тизимлар яратилган. Банкларга Президент фармони асосида солиқ имтиёзлари берили­ши Ўзбекистон банклар тизимини компьютерлар билан жиҳозлашга имкон берди. Деярли барча тижорат банкла­ри республика миқёсидаги электрон тизимига боғланган. Ишбилармонликнинг такомиллашиши компьютер техни­касидан хомашё ва товар маҳсулотларини ҳисоблаш со­ҳасида фойдаланишга шароит яратиб берди.

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” авиакомпанияси, “Ўзбе­кистон темир йўллари” давлат темир йўл акционерлик корхонасида чипталарни сотишга ва бронлашга автсма­тлашган тизим татбиқ этилган.

Ишлаб чиқаришни ва технологик жараёнларни ком­пьютерлар ёрдамида бошқариш технологиялари хорижий маблағлар билан ишга туширилган етук саноат корхона­ларида фойдаланилди. Айниқса “Зарафшон-Ньюмонт” бирлашмаси, “СамКочАвто” ва “УзДЭУ” автомобил за­водлари, “УзДЭУ электроникс” заводи, “Бухоро нефтни қайта ишлаш бирлашмаси”даги техноло­гик жараёнларни замонавий компьютер­лар ёрдамида бошқариш услублари яра­тилди.



Тошкент шаҳри ва айрим вилоятлар­да автоматлашган радиотелефон ва пей­джинг алоқа тизимлари ишлатилмоқда.

Охирги 3 йил мобайнида компьютер саноати халқаро кўрсаткичлар бўйича ишлашга ўтмоқда. Ўзбекистонда компьютерни жон бошига ҳисоблаш кўрсаткичи Хиндистон ва Хитойдан юқори ва Россияга яқинлашмоқда.

Сиз, азиз ўқувчи, аҳамият берган бўлсангиз, таълим ва маърифатга бутун давлат, миллат ва истиқлол келажаги сифатида қаралмоқда. Республикамизда таълим соҳасида амалга оширилаётган туб ислохотлар, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” таълим тизимидаги ўқув муассасалари педагоглари ва ўқувчилари олдида долзарб вазифаларни қўймоқда.

Муҳтарам ўқувчи! Давлатимиз сизларнинг орангиздан замон талаблари даражасида билимга эга бўлган юқори малакали кадрлар кутмоқда. Чунки замонавий компьютерлардан амалий иш фаолиятида кенг фойдалана оладиган етук мутахассислар ҳамма вақт мамлакатимиз қудратини мустақкамлашга қаратилган барча иқтисодий ва маънавий соҳалар учун ҳамиша зарур. Демак, замонавий компьютерларда ишлаш ва уни ижтимоий ишлаб чиқаришда тутган ўрнини бўлажак мутахассис ўқувчи давриданок билиши зарур.

Сиз, азиз ўқувчи, “Информатика” фанини ўқишга киришаяпсиз. Мазкур фаннинг асосий вазифаси жамиятнинг аъзолари, хусусан ўқувчи ва талабаларни замонавий ахборот ва алгоритмик маданият соҳибига айлантиришдан иборат. Бунда таълим жараёни замонавий компьютерларда мавжуд бўлган дастурий воситалар ёрдамида олиб борилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2000 йил 16 октябрда тасдиқлаган Ўзбекистон узлуксиз таълим стандартларига кўра ўрта махсус, касб-ҳунар таълими учун. Информатика фани бўйича битирувчилар ўзлаштириши лозим бўлган билим ва кўникмалар қуйидагилардир:

— ахборот, ўлчов бирликлари, хусусиятлари, ватанимизда информатика фанининг тараққиёти, алгоритм тушунчаси, дастур, унинг турлари, ШЭХМнинг умумий тузилишини билиш;

— MS DOS операцион тизими, Norton Commander (NC) операцион қобиғи ва Norton Utilities (NU) дастур-

лари ҳақида тушунча, файл тушунчаси, файлнинг турлари ва номланиши, NC да файл устида бажариладиган амаллар, функционал тугмалар ва улардан фойдаланиш, амалий дастурлар ва уларнинг асосий турларини билиш;

✓ Windows нима, Windows дастурининг афзалликлари ва ўзига хос хусусиятларини билиш; ✓

✓ компьютер графикаси тушунчаси, график муҳаррирлари ва уларда тасвир ҳосил қилиш, график муҳаррирларининг матнлар муҳаррирларидан фарқи ва ўхшашликларини билиш; ✓

✓ матн муҳаррирлари ва уларнинг турлари, матнларни киритиш ва хотирада сақлаш, хотирадан ўқиш, уларни таҳрир қилиш усуллари, матнларни шакллантириш, босмага чиқариш усулларини билиш; >>

2— электрон жадвал тушунчаси, уларнинг турлари, электрон жадвалларни ишга тушириш ва улардан чиқиш тартиби, электрон жадвал ячейкалари устида амаллар бажариш қоидаларини билиш; ✓

✓ маълумотлар базаси, уларнинг турлари ва ҳосил қилиш усуллари, маълумотлар базасини ишга тушириш ва ундан фойдаланиш тартиби, маълумотлар базасини бошқариш тизимлари ҳақида тушунчага эга бўлиш; ✓

✓ “ахборот жамияти” тушунчаси, мамлакатимиздаги ахборотга оид қонунлар мазмуни, локал ва халқаро тармоқларни билиш. ✓

✓ Зеро, “Информатика” айна вақтда инсон фаолиятининг турли жабҳаларига кенг қўлланаётган фанлардан бири бўлиб, у яқинда — XX асрнинг иккинчи ярмида юзага келди. ✓

✓ **Информатика** — информация (хабар, ахборот, маълумотлар)ни жамлаш ва қайта ишлашнинг усулларини ўрганади. ✓

Информатика фан сифатида ахборотлаш жараёнлари қонуниятларини ўрганади. Информацион жараён кенг тушунча бўлиб, маълумотларни жамлаш, узатиш, сақлаш, тўплаш, қидириш ва истеъмолчига беришгача бўлган жараёнларни ўзида жамлайди.

Информатика атамаси XX асрнинг 60-йилларида ишлатила бошланган бўлса-да, унинг алоҳида фан сифатида

ажралиши 40—50-йилларга тўғри келади. Бу даврда кўпчилик тадқиқотлар ахборот қидириш муаммолари билан ушвий боғлиқ эди. Айни шу даврда ахборотларни қидириш тизими ва усуллари яратилди.

✓ Информатиканинг юзага келиши ва ривожланишида ҳисоблаш техникаси ва бошқа техник воситаларнинг ўрни беқиёс, чунки ахборотлар бевосита ҳисоблаш техникаси кўмагида қайта ишланади ва бу фан ўзининг хусусий, янги, ностандарт услуб ва усулларига эгадир. ✓

✓ Информация сўзи латинча *informatio* сўзидан олинган бўлиб, ахборотларни тушунтириш ва таҳлил қилиш деган маънони билдиради. ✓

Информация хабар кўринишда бўлади. *Хабар* — бу информациянинг сўзлашув, матн, тасвир, жадвал, сонли маълумотлар ва ҳ.к. кўринишидаги туридир. Хабарлар мазмуни билан қизиқувчилар маълумотни истемол қилувчилар деб юритилади.

✓ Маълумот турлари биологик, социал ва элементар бўлиши мумкин, Кишилиқ жамиятидаги ахборотлар — *социал*, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсидаги ахборотлар — *биологик*, табиатдаги бошқа ахборотлар — *элементар* маълумотлар дейилади.

✓ Маълумотнинг учта асосий хоссаси мавжуд: *атрибутив*, *прагматик* ва *динамик*. Маълумотнинг атрибутив хоссаси шундайки, унингсиз информация мавжуд эмас, *прагматик хоссаси* — маълумотни амалиёт учун қўлланилиш даражасини белгилайди, *динамик хоссаси* — уни вақт бўйича ўзгариш жараёнини белгилайди.

Информатика фанининг ривожланиши маълумотларни жамлаб, қайта ишлаш имкониятига эга бўлган компьютерларнинг дунёга келиши билан бевосита боғлиқ. Чунки маълумотларни қайта ишлашнинг аҳамиятга молик қисми шундай автоматик қурилмаларга юкланаяптики, улар инсон иштирокисиз узоқ муддат давомида маълумотларни бир неча миллион марта тезроқ қайта ишлаш имкониятига эгадир.

✓ **Компьютер** (инглизча *computer* — “ҳисобловчи” маъносини билдиради)нинг яратилиши, халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлаб чиқариш технологияларини тубдан ўзгартириш имкониятини беради. Бу эса ўз навбатида

замонавий ҳисоблаш техникасидан унумли фойдаланишга ва Информатика фанини мукамал ўрганишга чорлайди.

## 1.2. Ҳисоблаш техникасининг яратилиши ва ривожланиш тарихи

Қадим замонлардан бошлаб инсонлар ҳисоблаш ишларини енгиллаштиришга ҳаракат қилишган. Улар дастлаб ҳисоблаш қуроли сифатида қўл бармоқларидан фойдаланишган. Кейинчалик ҳисоблашни ёғоч таёқчалари орқали бажаришган. Хитой, Ҳиндистон ва шарқ мамлакатларида ёзиш ва ҳисоблаш ишларини бажариш учун қадимги ҳисоблаш асбобларидан бири бўлган ҳисоблаш тахтаси — абақдан фойдаланилган.

XVII асрда логарифмлар кашф этилди ва шундан кейин янги ҳисоблаш асбоби — логарифмик линейка яратилди. Шу билан бир вақтда Шиккар, Паскаль ва Лейбницларнинг ҳисоблаш машиналари дунёга келди. Француз олими Блез Паскал томонидан 1642 йилда яратилган жамлаш машинаси биринчи ҳисоблаш машинаси деб ҳисобланади. Айни шу пайтда, Штутгарт шаҳри архивида профессор В. Шиккард 1623 йилда кашф этган ҳисоблаш машинасининг чизмаси топилган. Чамаси бу машина тор доирадаги кишиларга маълум бўлган. У уч қисмдан: жамлаш қурилмаси, кўпайтириш қурилмаси ва оралиқ натижаларини қайд этиш механизмидан тузилган эди. В. Шиккард қурилмаси бевосита қўшиш ва айириш амалларини бажарган.

Таниқли инглиз олими Ч. Беббидж томонидан яратилган механик арифмометр XIX асрнинг яна бир кашфиёти бўлди. Бу машина мураккаб масалаларни ечадиган математик машиналарнинг пайдо бўлишига асос солди. Бу машинанинг хотираси санок филдираклари тўплами тарзида тузилган, дастурни эса перфокарталарда кириш кўзда тутилган. Ўша даврда етарли даражада техника ривожланмаганлиги боис Беббидж бу ажойиб машина яратилишини охиригача етказишга муяссар бўла олмади. Лекин унинг гоёси XX асрда электрсн ҳисоблаш машиналарида ўзининг амалий ечимини топди.

XX асрнинг 30—40-йилларига келиб учта муҳим техник янгилик:

- электромагнит реле;
- иккилик-ўнлик саноқ системаларида маълумотларни кодлаш;
- маълумотларни сақлашга мўлжалланган сунъий хотира яратилди.

Бу эса ўз навбатида аввалги ҳисоблаш машиналаридан тубдан фарқ қилувчи электрон ҳисоблаш машиналари (ЭХМ)ни яратиш имконини берди.

1940 йилда америкалик муҳандис Г. Эйткен яратган ҳисоблаш машинаси арифмометр билан ишлайдиган 20 та оператор ўрнини боса оладиган бўлиб, катта залга жойлашган ва кўп миқдорда электр энергияси истеъмол қилар эди. Бу машина билан электромагнит элементлар базасида машиналар яратиш имконияти узил-кесил ҳал бўлган эди.

Ҳисоблаш техникасининг кейинги тараққиёти электрон лампалар қўлланилишига асосланади. Электрон ҳисоблаш машиналарини яратишга биринчи марта америкалик муҳандис Ж. Атанасов иккинчи жаҳон уруши арафасида уриниб кўрган. Пенсильвания университети олимлари Ж. Моучли ва Ж. Преснер Эккерт лойиҳаси асосида 1946 йилда “ЭНИАК” ЭХМи яратишди. Бу тарихда энг катта электрон ҳисоблаш машинаси бўлиб, оғирлиги 30 тоннани ташкил қилган, 36 квадрат метр майдонни эгаллаган ва 18000 минг вакуум идишларини ўзида сақлаб, ўша давр нархи бўйича 2,8 млн. долларга баҳоланган. “ЭНИАК” ЭХМлари баллистик жадвалларни ҳисоблаш, атом энергетикаси ва коинот ҳисоб-китоблари учун қўлланилган. Бу машинанинг конструкциясини таҳлил қилиш асосида америкалик математик Ж. Фон Нейман ЭХМ яшашнинг асосий принципларини, жумладан, иккилик саноқ системасидан фойдаланиш ва дастурни жорий хотирада сақлаш усуллари ғоясини илгари сурди. Бу ғоя асосида яратилган машиналарда ҳисоблаш жараёни инсоннинг иштирокисиз амалга оширила бошланди.

Кейинроқ АҚШда ва Буюк Британияда “ЭДВАК”, “ЭДСАК”, “СЕАК”, “УНИВАК” ва бошқа турдаги ЭХМлар яратилди. Бу турдаги машиналар ҳисоблаш техникаси тараққиётида янги бир даврни бошлаб берди.

Собиқ иттифоқда биринчи электрон ҳисоблаш машинаси академик С.А. Лебедев раҳбарлигида 1951 йили Украина ФА электрон институтида яратилди ва “МЭСМ” (Малая электронно-счетная машина) кичик электрон ҳисоблаш машинаси деб ном олди. 1954 йили аниқ механика ва ҳисоблаш техникаси институтида С.А. Лебедев раҳбарлигида “БЭСМ” (Большая электронно-счетная машина) катта электрон ҳисоблаш машинаси яратилди, у 2048 та хотира ячейкасига эга бўлиб секундига 9 минг амални бажарар эди. Ўша вақтда у жаҳондаги энг тезкор машина эди.

ЭҲМнинг ривожланиш тараққиётида уларни авлодларга ажратиш қабул қилинган бўлиб, уларнинг ҳар бири элементларининг тайёрланиш технологияси ва жиҳозларининг параметрлари, шунингдек, ҳал этиладиган масалалар дастури билан ажралиб туради.

**Биринчи авлод** машиналари 50-йилларда ишлаб чиқарилган бўлиб, асосий компонентлари электрон лампалардан иборат бўлган. Бу ЭҲМлардаги минглаб лампалар электр энергияни кўп миқдорда талаб қилган, катта миқдорда иссиқлик ажратиб чиқарган ва кўп жойни эгаллаган. Бу машиналарнинг амалларнинг бажариш тезлиги паст, хотира сифими кичик ва тез-тез ишдан чиқиб турган. Дастурлар машина кодида ёзилган. Дастур тузувчи ўзи хотира ячейкасини дастур орқали тақсимлаган.

60-йилларнинг бошларида электрон лампалари ўрнига ярим ўтказгичлар базасида яратилган транзисторлар ишлатила бошланади, бу эса машинанинг массаси, ўлчамлари ва истеъмол қиладиган энергияни, иссиқлик ажралишини кескин камайтириш имконини берди. Ярим ўтказгичли машиналар ЭҲМнинг **иккинчи авлоди** бўлди ва уларнинг ишлаш ишончилиги ва тезлиги анча ошди.

Бу авлодга мансуб машиналарнинг ўзига хос хусусиятларидан бири уларнинг қўлланиш соҳаси бўйича ихтисослаштирилишидир. Бу машиналарда қўйилган масалаларни ечиш учун дастурлаш тилларидан фойдаланила бошланди.

Ишончилик, ихчамлик, ишлатишга қулайлик масалалари ЭҲМ элементлари базасини тайёрлашнинг мутлақо янги технологияси яратилишига олиб келди. Элект-

рон аппаратларнинг стандарт схемалари ва блоклари мураккаб структурали ярим ўтказгичли монокристаллар шаклида тайёрлана бошланди ва улар *интеграл микросхемалар* номини олди.

Аппаратлар блоклари — мужассамланган интеграл схемаларнинг саноатда ишлаб чиқарилиши 60-йилларнинг охирида **учинчи авлод ЭХМларининг** яратилишига олиб келди. Собиқ Иттифоқда яратилган катта ва ўртача ЭХМлар (Урал—11, Урал—12, Урал—15 ва ягона тизимли ЕС ЭХМлари) ва СМ серияли ЭХМлар шулар жумласига киради. Бу машиналардан энг қувватлиси ҳисобланган ЕС—1060 секундига 1,5 млн. амални бажарар эди. ЕСнинг жорий хотираси юзлаб килобайт ва мегабайт билан ўлчанади. Учинчи авлод ЭХМларини жойлаштириш учун махсус жиҳозланган машина заллари талаб қилинар эди.

Катта интеграл схемаларнинг пайдо бўлиши сонли ахборотларни қайта ишлаб чиқадиган дастур асосида бошқариладиган қурилмалар — микропроцессорларнинг яратилишига олиб келди. Саноатда 70-йилларда микропроцессорлар асосида **тўртинчи авлод** машиналари — микро ЭХМ ишлаб чиқарила бошланди. Тўртинчи авлод машиналари таркибига собиқ Иттифоқда яратилган ЭЛЬ-БРУС-2, М-10 ЭХМлари ва ҳозирги замон шахсий компьютерлари ҳам мансуб. Микрокомпьютерлар қурилмаларининг бошқариш қурилмаси битта катта интеграл схемалар тарзида ишланганлиги учун уларнинг ташқи қурилмалари унча катта эмаслиги, ишлаш тезлиги ва баҳоси арзонлиги билан ажралиб туради.

Микроэлектрониканинг ютуқлари асосида шахсий электрон ҳисоблаш машиналари (ШЭХМ) яратилди. Арзон, кичик ҳажмдаги автоном микропроцессорли ҳисоблаш тизими, ШЭХМларнинг оммавий қўлланилиши кўплаб дастурли воситалар, яъни амалий дастурлар мажмуаси (пакети), операцион тизимлар, трансляторлар ва бошқаларнинг яратилишига олиб келди.

Айни вақтда **бешинчи авлод** ЭХМлари устида иш олиб борилаёпти. Ушбу авлод машиналари оддий сўзни “тушунадиган”, чизма, расмларни “кўра оладиган”, товуш-

ларни “эшита оладиган”, секундига 1 млрд. атрофида амал бажара оладиган ва катта ҳажмдаги хотирага эга бўлган ҳолда ихчам бўлиши керак.

Электрон ҳисоблаш машинаси ҳисоблашларни кўп қарра такрорлаш, кўп сонли вариантлар орасидан берилган аломатлар бўйича энг яхшисини танлаш, амалда чекланмаган ҳажмдаги ахборотни сақлаш ва улар орасидан керакли маълумотларни тез топиш хусусиятига эга. Буларнинг ҳаммаси катта ҳажмдаги ҳисоблаш билан боғлиқ бўлган мураккаб илмий-техник масалаларни ҳал этиш, исталган кўламдаги бошқаришни амалга ошириш, ахборот-излаш тизимларни яратиш имконини беради.

Замонавий компьютерлар касалликларга диагноз қўйишга, ўқувчиларни ўқитиш ва тегишли консультациялар беришга, матн ва ҳар хил ҳужжатларни бир тилдан бошқа тилга таржима қилишга ёрдам беради.

### **1.3. Шахсий компьютерларнинг яратилиш тарихи**

XX асрнинг 50-йилларида ишлаб чиқарилган ҳисоблаш машиналари ўта қиммат, катта жой эгаллаб, фаолияти даврида жуда кўп ресурсларни талаб қилар эди. Ҳисоблаш машиналарининг ҳажмини кичрайтириш ва харидсизлигини оширишда 1947 йилда У. Шокли, Ж. Бардин, У. Бреттейн томонидан “Белл” компаниясида яратилган транзисторлар асосий омил бўлди. Транзисторлар кичик ҳажмли бўлиб, ярим ўтказгичларнинг хоссаларига эга бўлган ҳолда электрон лампаларнинг барча вазифаларини амалга оширишга қодир. 50-йилларнинг охирига келиб мустақил равишда икки америкалик олим Ж. Килби ва Р. Нойс интеграл микросхемаларни яратишга муваффақ бўлишди. Кейинчалик улар ҳозирги машҳур Intel корпорациясига асос солишиб, юзлаб транзистор, резистор ва конденсаторлар ўзаро электрон схемалар асосида боғланган силиконли чипларни яратдилар. Интеграл схемалар асосида 1965 йилда Digital Equipment фирмаси томонидан PDP-8 русумли, баҳоси 20 минг доллар бўлган ҳажми музлатгич сингари кичик ҳажмдаги компь-

ютер яратилди. Айни шу даврда интеграл схемаларга асос солинди. 1968 йилда Burroughs фирмаси интеграл схемалар асосида дастлабки компьютерни ишлаб чиқарди.

1969 йилда Intel ўта муҳим бўлган ихтиро, яъни ҳисоблаш қурилмасини чипларда жойлаштиришга муваффақ бўлди. Бу эса катта ЭҲМларнинг имкониятларини сақланган ҳолда ЭҲМ ҳажмларини кескин камайтиришга имкон берди. Натижада 70-йиллардан бошлаб шахсий компьютерларни ишлаб чиқариш ривожланиб, катта ЭҲМларга бўлган талаб камайиб кетди.

1981 йилда IBM (International Business Machines Corporation) фирмаси вазиятни тўғри баҳолаган ҳолда шахсий компьютерлар яратиш учун чекланмаган имкониятларга эга бўлган кичик гуруҳ ташкил этди. Бу гуруҳ ўзининг имкониятларидан тўла фойдаланиб, ўша даврда компьютер яратиш соҳасида эришилган барча ютуқларини тўла қўллаш мақсадида “очиқ меъморчилик” усулини таклиф қилди ҳамда дастлабки IBM PC (Ай-Би-Эм Пи-Си деб ўқилади) номли компьютер ишлаб чиқарди ва у фойдаланувчилар орасида тезда ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. 1983 йилда IBM фирмаси жамоаси 64 Кбайт ҳажмга эга бўлган Intel 8086 микропроцессори асосида IBM PC XT туридаги шахсий компьютерни яратди. 1984 йилда ҳозирги шахсий компьютерларнинг асосини ташкил қилувчи Intel 80286 микропроцессорли IBM PC AT ишлаб чиқарилди. “Очиқ меъморчилик” усули компьютер ишлаб чиқариш борасида бошқа фирмалар учун ҳам катта имкониятлар яратди.

Ҳозирги вақтда IBM энг кўп компьютерлар ишлаб чиқарувчи фирмага айланди. Айни пайтда Intel 80386 SX,— 80486 ва Pentium туридаги микропроцессорлар IBM фирмасида эмас, балки бошқа фирмаларда ҳам ишлаб чиқарила бошланди.

Шахсий компьютерларнинг оммалашишида микропроцессорлар ишлаб чиқарувчи Intel ва MS DOS, Windows 3x, Windows — 95, Windows — 98, Windows — 2000, MS Word, MS Excel ва бошқа амалий дастурларни яратган, ҳамда ривожлантираётган Microsoft фирмасининг муносиб улуши бор.

## 1.4. Ахборотларни кодлаш

Киритилаётган белги ёки ҳарфни компьютер “та-ниш”и учун, улар хотирада сақланиши ўз-ўзидан маълум. Лекин бундай белги ёки ҳарфларнинг икки минг хил кўринишларини сақлаш лозим, бу эса ўз навбатида уларни хотирада сақлаш учун ўта қийин муаммони юзага келтиради. Шунинг учун бу белгилар (рус, латин алифбоси ҳарфлари, тиниш белгилари, арифметик амал белгилари ва ҳ.к.) машинада сонлар (0 ва 1) билан кодланади.

Ахборотни маълум бир қонун-қоида асосида компьютерда қайта ифодалаш кодлаш дейилади.

Деярли барча замонавий компьютерларда ҳар бир белгига 8 бит (1 байт) кетма-кетлик мос келади. Масалан, И ҳарфига 11101001, Л ҳарфига 11101100, К ҳарфига 11101011, Д ҳарфига 11100100, М ҳарфига 11101101 ва ҳ.к. кодлари мос келади.

Масалан, “ИЛМ” сўзи 24 битдан иборат куйидаги кетма-кетлик билан кодланади: 111010011110110011101101,

чунки  $\underbrace{11101001}_{\text{И}}$   $\underbrace{11101100}_{\text{Л}}$   $\underbrace{11101101}_{\text{М}}$

Ихтиёрий ҳарф, солиштириш ва тиниш белгиларининг маълум тизимдаги (ASCII) кодларини бирор алгоритмик, масалан, Паскал тилида System модулидаги chr (x), ord (n) махсус функцияларни ишлатиш орқали аниқлашимиз мумкин (X бобга қаранг).

Эслатиб ўтамыз байт ахборот ўлчови бўлиб,

1 байт = 8 бит,

1 К байт =  $2^{10}$  байт = 1024 байт,

1 М байт =  $2^{10}$  К байт = 1024 К байт,

1 Г байт =  $2^{10}$  М байт = 1024 М байт.

Юқорида келтирилган мисолда кодлаш иккилик санноқ системасида бажарилган. Демак, санноқ системаси ЭХМларнинг арифметик, мантиқий ва физик асосини ташкил этади.

## 1.5. ЭХМнинг арифметик асоси. Санок системалари

Ишчи санок системаларини танлаш ва аниқлаш, операцияларни бажариш тартиби ва сонларни машина хотирасида тасвирлаш ЭХМнинг арифметик асосини ташкил этади. Демак, санок системалари ва улар орасидаги боғланишларни билиш ўта муҳимдир.

Бирор  $N$  сонни ихтиёрий асосли санок системасида ёйилма шаклида қуйидагича ёзиш мумкин:

$$N = a_m g^m + a_{m-1} g^{m-1} + a_{m-2} g^{m-2} + \dots + a_1 g^1 + a_0 g^0 + a_{-1} g^{-1} + \dots + a_{-k} g^{-k} = \sum_{i=-k}^m a_i g^i, \quad (1)$$

бу ерда  $a_i$  — 0 дан 9 гача бўлган ихтиёрий сонлар,  $g$  — санок системасининг асоси:  $m$  ва  $k$  лар мусбат сонлар.

Ихтиёрий асосли сонни ўнли санок системасига ўтказиш учун

$$N = \{(a_m g + a_{m-1}) g + a_{m-2}\} g + \dots + a_0 \quad (2)$$

формуладан фойдаланилади.

Қуйида санок системалари орасидаги боғланишларни келтирамиз (1-жадвал):

*1-жадвал*

Санок системалари	Белгилар																
	0	1	2	3	4	5	6	7	8	9	A	B	C	D	E	R	10
Ўн олтилик	0	1	2	3	4	5	6	7	8	9	A	B	C	D	E	R	10
Ўнлик	0	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16
Саккизлик	0	1	2	3	4	5	6	7	10	11	12	13	14	15	16	17	20
Иккилик	0	1	10	11	100	101	110	111	1000	1001	1010	1011	1100	1101	1110	1111	10000

*Ўнлик саноқ системасидан қуйи саноқ системасига ўтказиш қоидаси.* Ўнлик саноқ системасидаги сон ўтказилиши лозим бўлган саноқ системасининг асосига кетма-кет бўлинади ва бу жараён токи бўлинма бўлувчидан кичик бўлгунга қадар давом эттирилади ва ҳосил қилинган қолдиқ ҳадлар бўлинмадан бошлаб чапдан ўнгга қараб тартибланади (4-мисолга қаранг).

*Ўнли касрни қуйи саноқ системасига ўтказиш қоидаси.* Ўнли саноқ системасидаги каср сонни қуйи саноқ системанинг асосига кетма-кет кўпайтирилади ва ҳосил бўлган соннинг бутун қисми вергулдан кейин кетма-кет олинади (6-мисолга қаранг).

**1-мисол.** 84 ва 386,45 сонларни ёйилма шаклида ёзинг.  
Е ч и ш . (1) формуладан фойдаланамиз:

$$а) 84 = 8 \times 10^1 + 4 \times 10^0 = 80 + 4;$$

$$б) 386,45 = 3 \times 10^2 + 8 \times 10^1 + 6 \times 10^0 + 4 \times 10^{-1} + 5 \times 10^{-2} = 3 \times 100 + 8 \times 10 + 6 \times 1 + 0,4 + 0,05.$$

**2-мисол.** Саккизлик саноқ системасидаги 256 сонни ўнлик саноқ системасига ўтказинг, яъни

$$256_{[8]} \rightarrow x_{[10]}$$

Е ч и ш . Ихтиёрий асосли сонни ўнлик саноқ системасига ўтказиш формуласи (2) дан фойдаланамиз:

$$256_{[8]} = [(2 \times 8 + 5) \times 8] + 6 = 168 + 6 = 174_{[10]}$$

**3-мисол.** Иккилик саноқ системасидаги 1101 сонни ўнлик саноқ системасига ўтказинг, яъни

$$1101_{[2]} \rightarrow x_{[10]}$$

$$Е ч и ш . 1101_{[2]} = [(1 \times 2 + 1) \times 2 + 0] \times 2 + 1 = 13_{[10]}$$

**4-мисол.** Берилган ўнлик саноқ системасидаги сонни иккилик ва саккизлик саноқ системасидаги сонга ўтказинг, яъни

$$а) 13_{[10]} \rightarrow x_{[2]}$$

$$б) 13_{[10]} \rightarrow x_{[8]}$$

Ечиш. Ўнлик саноқ системасидан қуйи саноқ системасига ўтказиш қоидасидан фойдаланамиз:

$$\text{а) } \begin{array}{r|l} 13 & 2 \\ \hline 12 & 6 \quad 2 \\ \hline 1 & 6 \quad 3 \quad 2 \\ & 0 \quad 2 \quad 1 \\ & & 1 \end{array}$$

$$\text{б) } \begin{array}{r|l} 13 & 8 \\ \hline 8 & 1 \\ \hline 5 & \end{array}$$

Демак,

$$13_{[10]} \rightarrow 1101_{[2]}$$

Демак,

$$13_{[10]} \rightarrow 15_{[8]}$$

**5-мисол.** Берилган саккизлик саноқ системасидаги сонни иккилик саноқ системасига ва аксинча иккилик саноқ системасидаги сонни саккизлик саноқ системасига ўтказинг, яъни

$$\text{а) } 46_{[8]} \rightarrow x_{[2]}$$

$$\text{б) } 1101_{[2]} \rightarrow x_{[8]}$$

Ечиш. а) 1-жадвалдан фойдаланамиз, яъни саккизлик саноқ системасидаги 4 сонига иккилик системасида 100, 6 сонига 110 сони мос келади (баъзан у учлик деб юритилади):

$$\text{а) } \begin{array}{c} 4 \\ \downarrow \\ 100 \end{array}$$

$$\begin{array}{c} 6 \\ \downarrow \\ 110 \end{array} \begin{array}{l} \searrow \\ \nearrow \end{array} \rightarrow 46_{[8]} \rightarrow 100110_{[2]}$$

$$\text{б) } \begin{array}{c} 001 \\ \downarrow \\ 1 \end{array}$$

$$\begin{array}{c} 011 \\ \downarrow \\ 3 \end{array} \begin{array}{l} \searrow \\ \nearrow \end{array} \rightarrow 1011_{[2]} \rightarrow 13_{[8]}$$

**6-мисол.** а) 0,125 ўнли қасрни иккилик саноқ системасидаги сонга айлантиринг.

б) 0,3125 ўнли қасрни саккизлик саноқ системасидаги сонга айлантиринг.

Ечиш. Ўнли қасрни қуйи саноқ системасига ўтказиш қоидасидан фойдаланамиз:

$$\begin{array}{r|l}
 \text{а) } 0, & 125 \\
 & \times 2 \\
 \hline
 & 0 \quad 250 \\
 & \times 2 \\
 \hline
 & 0 \quad 500 \\
 & \times 2 \\
 \hline
 & 1 \quad 000
 \end{array}$$

Демак,  
 $0,125_{[10]} \rightarrow 0,001_{[2]}$

$$\begin{array}{r|l}
 \text{б) } 0, & 3125 \\
 & \times 8 \\
 \hline
 & 2 \quad 500 \\
 & \times 8 \\
 \hline
 & 4 \quad 000
 \end{array}$$

Демак,  
 $0,3125_{[10]} \rightarrow 0,24_{[8]}$

**7-мисол.** Берилган саноқ системасида лозим бўлган амалларни бажаринг:

а)  $101,01_{[2]} + 10,10_{[2]}$

в)  $63_{[8]} + 37_{[8]}$

д)  $10111,01_{[2]} - 1001,11_{[2]}$

б)  $1111,1_{[2]} + 111,11_{[2]}$

г)  $34,2_{[8]} + 41,3_{[8]}$

е)  $11,01_{[2]} + 10,11_{[2]}$

Ечиш. Амалларни бажаришда 1-жадвалдан фойдаланамиз:

$$\begin{array}{r}
 \text{а) } 100,01_{[2]} \\
 + 10,10_{[2]} \\
 \hline
 111,11_{[2]}
 \end{array}$$

$$\begin{array}{r}
 \text{б) } 1111,1_{[2]} \\
 + 111,11_{[2]} \\
 \hline
 10111,01_{[2]}
 \end{array}$$

$$\begin{array}{r}
 \text{в) } 63_{[8]} \\
 + 37_{[8]} \\
 \hline
 122_{[8]}
 \end{array}$$

$$\begin{array}{r}
 \text{г) } 34,2_{[8]} \\
 + 41,5_{[8]} \\
 \hline
 75,7_{[8]}
 \end{array}$$

$$\begin{array}{r}
 \text{д) } 10111,01_{[2]} \\
 - 1001,11_{[2]} \\
 \hline
 1101,10_{[2]}
 \end{array}$$

$$\begin{array}{r}
 \text{е) } 11,01_{[2]} \\
 \times 10,11_{[2]} \\
 \hline
 1101 \\
 + 1101 \\
 0000 \\
 \hline
 1101 \\
 \hline
 1000,111_{[2]}
 \end{array}$$

?

## Саволлар

1. Информатика фани нималарни ўрганади?
2. Маълумот нима?
3. Ахборот турларини айтинг.
4. Ахборотнинг қандай хоссаларини биласиз?
5. Атрибутивлик хоссасининг мазмуни нимадан иборат?
6. Ахборот қандай ўлчанади?
7. Иккинчи авлод машиналари биринчи авлод машиналаридан қандай фарқланади?
8. Ҳозирги замон компьютерлари нечанчи авлод машиналарига мансуб?
9. Дастлабки ҳисоблаш машинаси қачон ва ким томонидан яратилган?
10. 1 Кбайт неча битга тенг?
11. 1 Гбайт неча байтга тенг?
12. 300 Кбайт неча битга тенг?
13. 256 бит неча байтга тенг?
14. 1024 Мбайт неча килобайт?
15. Ахборотлар нима учун кодланади?
16. Ўнлик саноқ системасидан қуйи саноқ системасига ўтказиш қоидасини айтинг.
17. Ихтиёрий асосли сонни ўнли саноқ системасига ўтказиш учун қандай формуладан фойдаланилади?
18. Саккизлик саноқ системасидан ўнлик саноқ системасига ўтказиш қоидасини айтинг.
19. Иккилик саноқ системасидан ўнлик саноқ системасига ўтказиш қоидасини айтинг ва мисоллар келтиринг.
20. Саноқ системалари нима учун керак?

!


## Машқлар

Берилган машқларда:

- а) бандидаги сонни ёйилма шаклида ёзинг;
- б) банддаги берилган саноқ системасидаги сонни талаб қилинган саноқ системасига ўтказинг;
- в) банддаги лозим бўлган амалларни бажаринг.

1. а)  $31,556_{[10]} \rightarrow N_{[Ғйилмаси]}$   
 б)  $25,642_{[8]} \rightarrow x_{[2]}$   
 в)  $35,1_{[10]} - 111,011_{[2]}$
3. а)  $932,1_{[10]} \rightarrow N_{[Ғйилмаси]}$   
 б)  $10101,11_{[2]} \rightarrow x_{[10]}$   
 в)  $1011_{[2]} - 10,11_{[2]}$
5. а)  $14,289_{[10]} \rightarrow N_{[Ғйилмаси]}$   
 б)  $1644,4_{[8]} \rightarrow x_{[10]}$   
 в)  $101,1_{[2]} - 10,01_{[2]}$
7. а)  $14,454_{[10]} \rightarrow N_{[Ғйилмаси]}$   
 б)  $449,65_{[10]} \rightarrow x_{[2]}$   
 в)  $15,24_{[8]} - 12,44_{[8]}$
9. а)  $14,41_{[10]} \rightarrow N_{[Ғйилмаси]}$   
 б)  $10101,1_{[2]} \rightarrow x_{[8]}$   
 в)  $101,11_{[2]} - 100,1_{[2]}$
11. а)  $14,44_{[10]} \rightarrow N_{[Ғйилмаси]}$   
 б)  $0,125_{[10]} \rightarrow x_{[2]}$   
 в)  $0,41_{[8]} - 1,45_{[8]}$
13. а)  $21,556_{[10]} \rightarrow N_{[Ғйилмаси]}$   
 б)  $0,145_{[10]} \rightarrow x_{[2]}$   
 в)  $101,01_{[2]} - 101,01_{[2]}$
15. а)  $44,54_{[10]} \rightarrow N_{[Ғйилмаси]}$   
 б)  $51_{[8]} \rightarrow x_{[10]}$   
 в)  $45,4_{[8]} - 44,4_{[8]}$
17. а)  $23,61 \rightarrow N_{[Ғйилмаси]}$   
 б)  $0,48_{[10]} \rightarrow x_{[8]}$   
 в)  $1011,101_{[2]} - 101,1_{[2]}$
19. а)  $45,644_{[10]} \rightarrow N_{[Ғйилмаси]}$   
 б)  $101,101_{[2]} \rightarrow x_{[8]}$   
 в)  $0,41_{[8]} - 1,45_{[8]}$
21. а)  $19,151_{[10]} \rightarrow N_{[Ғйилмаси]}$   
 б)  $1101,1_{[2]} \rightarrow x_{[8]}$   
 в)  $44,24_{[8]} - 1,45_{[8]}$
23. а)  $44,28_{[10]} \rightarrow N_{[Ғйилмаси]}$   
 б)  $101,101_{[2]} \rightarrow x_{[8]}$   
 в)  $101,01_{[8]} - 1,45_{[8]}$
2. а)  $133,33_{[10]} \rightarrow N_{[Ғйилмаси]}$   
 б)  $3,27_{[8]} \rightarrow x_{[2]}$   
 в)  $101,11_{[2]} + 10,101_{[2]}$
4. а)  $191,39_{[10]} \rightarrow N_{[Ғйилмаси]}$   
 б)  $101,11_{[2]} \rightarrow x_{[10]}$   
 в)  $31,33_{[8]} + 6,37_{[8]}$
6. а)  $4,34375_{[10]} \rightarrow N_{[Ғйилмаси]}$   
 б)  $3,173_{[8]} \rightarrow x_{[2]}$   
 в)  $101,1_{[2]} + 10,1_{[2]}$
8. а)  $83,716_{[10]} \rightarrow N_{[Ғйилмаси]}$   
 б)  $101,11_{[2]} \rightarrow x_{[8]}$   
 в)  $3,71_{[8]} + 4,55_{[8]}$
10. а)  $37,481_{[10]} \rightarrow N_{[Ғйилмаси]}$   
 б)  $0,481_{[10]} \rightarrow x_{[8]}$   
 в)  $101,11_{[2]} + 1,01_{[2]}$
12. а)  $14,817_{[10]} \rightarrow N_{[Ғйилмаси]}$   
 б)  $0,361_{[10]} \rightarrow x_{[2]}$   
 в)  $31,42_{[8]} + 11,22_{[8]}$
14. а)  $15,29_{[10]} \rightarrow N_{[Ғйилмаси]}$   
 б)  $0,482_{[10]} \rightarrow x_{[2]}$   
 в)  $1011,01_{[2]} + 10,11_{[2]}$
16. а)  $14,37_{[10]} \rightarrow N_{[Ғйилмаси]}$   
 б)  $0,357_{[10]} \rightarrow x_{[8]}$   
 в)  $101,11_{[2]} + 10,101_{[2]}$
18. а)  $140,751_{[10]} \rightarrow N_{[Ғйилмаси]}$   
 б)  $2,35_{[8]} \rightarrow x_{[10]}$   
 в)  $101,11_{[2]} + 10,101_{[2]}$
20. а)  $124,14_{[10]} \rightarrow N_{[Ғйилмаси]}$   
 б)  $156,101_{[8]} \rightarrow x_{[2]}$   
 в)  $34,3_{[2]} + 10,101_{[2]}$
22. а)  $127,49_{[10]} \rightarrow N_{[Ғйилмаси]}$   
 б)  $148,24_{[8]} \rightarrow x_{[2]}$   
 в)  $101,111_{[2]} + 10,101_{[2]}$
24. а)  $131,49_{[10]} \rightarrow N_{[Ғйилмаси]}$   
 б)  $135,37_{[8]} \rightarrow x_{[2]}$   
 в)  $34,3_{[8]} + 10,101_{[8]}$


# IBM PC ТУРИДАГИ ШАХСИЙ КОМПЬЮТЕРЛАР



## IBM PC компьютерининг асосий қурилмалари

Дастлабки ЭХМларнинг яратилиши даврида, машҳур математик Жон фон Нейман 1945 йилдаёқ компьютер қурилмалари маълумотларни қайта ишлаш учун қандай тарзда универсал ва мақбул бўлиши кераклигини айтиб ўтган эди. Шу боис компьютер тузилишининг асослари фон *Нейман принципи* деб юритилади. Деярли барча замонавий компьютерлар мазкур принцип асосида ишлайди. Фон Нейман принципига кўра компьютер қуйидаги қурилмалардан ташкил топган бўлиши лозим (1-расм):


◆ *Арифметик-мантиқий қурилма* — арифметик ва мантиқий амалларни бажаради.



1-расм.

◆ *Бошқариш қурилмаси* — дастур бажарилиш жараёнини ташкил қилади.

• *Ёдда сақлаш қурилмаси ёки жорий хотира* — маълумот ёки дастурларни ўзида сақлайди.



2-расм. IBM PC компьютери.

**Клавиатура** — белгиларни компьютерга киритишда ишлатилади;


**Тизимли қисм** — компьютер ишини бошқаришни таъминлайдиган асосий қисм ҳисобланади;

**Тизимли қисм таркибига қуйидагилар киради:**

**Микропроцессор** — компьютернинг “мия”си. Компьютерга киритилувчи буйруқлар мажмуасини, маълумотлар алмашинувини таъминлаш ва ҳисоблашни бажаради.

**Жорий хотира** — киритилувчи маълумот ва дастурларни хотирада сақлайди.

**Қаттиқ магнитли диск (винчестер)** ёки юпқа дискет жамловчилари маълумотларни ўқиш ва ёзишни таъминлайди.



**Монитор (дисплей)** — матнли ёки график кўринишдаги маълумотларни экранга чиқариш учун мўлжалланган қурилма ҳисобланади.

Монитор бевосита видеоадаптер қурилмаси бошқарув асосида матнли ёки графикли режимда ишлайди.

Матнли режимда компьютер экрани 25 сатр ва 80 устунга бўлинади. Ҳозирги пайтга келиб сатрлар сони экранда 50 тага оширилиши мумкин. Графикли режимда эса экран телевизор экрани каби у ёки бу рангга эга бўлган нуқталар мажмуаси (мозаика)га бўялади. Бу нуқталар сони ва ранг-баранглик даражаси компьютерда ишлатилаётган адаптерларнинг турига боғлиқ бўлади. Айни вақтда EGA (Enhanced Graphic Adapter — имконияти кенг графикли адаптер), VGA (Video Graphic Array — видеогра-

фик матрица), SVGA (Super VGA) турли рангли мониторлар ниҳоятда кенг тарқалган. Бу адаптерлар ёрдамида экранда 256 хил рангли 800x1300 тагача бўлган нуқталарни ҳосил қилишимиз мумкин.

**Клавиатура** — компьютерга ҳар хил белгиларни киритишни таъминлайди ва фойдаланувчи компьютер ишини бошқаришда ишлатилади. Клавиатура тугмалари *оддий*, *бошқарувчи* ва *вазифали* бўлади. Оддий тугмалар фақат бир белгини хотирага киритиш учун хизмат қилади. Вазифали (F1—F12) тугмалар жорий дастур муҳитига мувофиқ равишда вазифаси турлича бўлиши мумкин. Бошқарувчи (Alt, Shift, Ctrl) тугмалар клавиатура тугмалари вазифасини ўзгартиради.

## Кўшимча қурилмалар

Компьютернинг функционал имкониятларини кенгайтириш мақсадида унинг тизимли қисмига айрим кўшимча қурилмалар уланиши мумкин.

Бундай қурилмалар таркибига қуйидагилар киради:

- **Принтер** (босмага чиқариш қурилмаси) — матнли ёки график кўринишдаги маълумотларни қоғозга чиқариш учун мўлжалланган.

- **“Сичқонча”** — маълумотларни компьютерга киритишни енгиллаштиради.

- **Модем** — телефон тармоқлари орқали бошқа компьютерлар билан маълумотлар алмашинишда ишлатилади.

**Компакт диск учун диск юритувчи (дисковод)** — маълумотларни компакт дисклардан ўқиш ёки унга ёзиш имконини беради.

**Сканер** — график, чизма ва расм кўринишдаги маълумотларни компьютер экранига тасвирий равишда кўчириш имконини беради.

**Стример** — маълумотларни магнит ленталарида сақлаш учун хизмат қилади.

**Овозли харита** — овоз (муסיқа, овоз ва ҳ.к.) ёзиш ва эшитишни таъминлайди.

Айрим кўшимча қурилмалар хусусида кейинчалик батафсилроқ маълумотлар келтирилади.

## Микропроцессор

Компьютернинг энг асосий элементи, яъни “мия”си микропроцессор эканлигини таъкидлаб ўтган эдик. Микропроцессор ҳажм жиҳатидан унча катта бўлмаган, атиги бир неча кв. см.ли электрон схема бўлиб, унинг кўмагида барча ҳисоблашлар ҳамда маълумотлар алмашинуви бажарилади. Микропроцессор юзлаб ҳар хил ҳисоблашларни бажаради, унинг амалларни бажариш тезлиги секундига юз миллион операцияни ташкил қилади. IBM PC туридаги компьютерда асосан Intel фирмаси ишлаб чиқарган микропроцессорлар ўрнатилган. Баъзи компьютерларда AMD, Gygix, IBM фирмаларининг микропроцессорлари ҳам ишлатилган. Intel фирмасининг биринчи универсал Intel — 4004 микропроцессори 1970 йилда ихтиро қилинган бўлиб, 4 битли сўзлар устида секундига 8000 амал бажара олиш қобилиятига эга эди. Intel — 4004 4 Кбайт ҳажмли микропроцессорлар дастурловчи калькуляторлар учун мўлжаллангандир. 1978 йилда ишлаб чиқилган 16 битли сўзлар билан 1 Мбайтли хотирага эга бўлган Intel — 8086 процессорлари IBM PC/XT компьютерларида қўлланила бошланди. Кейинчалик ўртача ҳар 4 йилда микропроцессорларнинг янги — 80286, 80386, 80486 модификациялари ишлаб чиқилиб, улар бир-биридан тактли частотаси тезлиги ва хотира ҳажми билан фарқланади. 1993 йил май ойида Pentium микропроцессори ишлаб чиқилди, ҳозирги пайтда уларнинг тезлиги 450 Мгц га, ҳажми 16 Гбайтга етган модификациялари мавжуд.

### **Хотира турлари ва компьютер имкониятлари**

Микропроцессор ишлатилувчи маълумот ёки дастурларни айнан хотирадан олади ва натижаларни унга ёзади. *Хотира* кўпинча доимий, жорий (оператив) КЭШ, кўшимча ва ташқи хотира деб аталувчи қисмларга бўлинади. Хотирани жорий деб аталишининг сабаби бирор дастур компьютер ишлаш жараёнида ҳосил бўлган маъ-


лумотларни сақлаб туради ва жуда тез ишлайди, яъни микропроцессор ундан маълумотни олиш ёки унга ёзишда деярли вақт сарфламайди.

Компьютернинг имкониятлари бевосита унга ўрнатилган жорий хотира ҳажмига боғлиқ. Компьютерда жорий хотира 1 Мбайт ёки ундан кам бўлса, у фақат MS DOS OT муҳотида ишлашга яроқли. Агар жорий хотира 4 Мбайт бўлса, компьютер MS DOS OT, Windows 3.1. муҳотида ишлайди. 8 Мбайт жорий хотира янги операцион тизимлар, хусусан Windows 95 муҳоти, унда ишловчи MS OFICCE дастурларида ишлаш имконини беради. Агар компьютер жорий хотираси 32 Мбайт ва ундан катта бўлса, локал тармоқларда (Internet, электрон почта — E mail) компьютерлараро суратли маълумотлар ёки видеофильмлар алмашиш ва улар устида ишлаш имконини беради.

Кўпчилик компьютерларда жорий хотирага мурожатни ўта мақбуллаш учун жорий хотира орасига КЭШ-хотира ўрнатилади. Кўп ишлатиладиган маълумотлар КЭШ-хотирада ёзилади, шу боис компьютер зарурий маълумотларни дастлаб КЭШ-хотирадан қидиради, сўнгра зарурат бўлса жорий хотирага мурожат қилади.

IBM PC компьютерида хотиранинг BIOS (доимий хотира), CMOS (ярим доимий хотира) турлари мавжуд бўлиб, уларда компьютер қурилмаларини текширувчи дастурлар, операцион тизимни юклаш ва компьютер қурилмаларига хизмат кўрсатиш функцияларини бажарувчи дастурлар сақланади.


Компьютернинг дастурий таъминоти, махсус, ёрдамчи ва амалий дастурлар қўшимча хотирада жойлаштирилади. Хотиранинг бу кўриниши компьютер имкониятларининг кескин ошишига олиб келди. Қўшимча хотира қаттиқ диск юритувчиси (винчестер) деб аталувчи қурилмада сақланади. Бу хотира 8—10 миллиард атрофидаги белгилардан ташкил топган ахборотларни сақлаш имкониятини беради.



4.319 08 86

## Компьютерга уланадиган курилмалар

Компьютернинг имкониятлари нафақат маълумотларни қайта ишлаш, киритиш ёки чоп қилиш билан чегараланади, балки маълумотларни сақлаш, қидириш-чиқариш ва қайта ишлашда турли хил уланадиган курилма ишлатилганда яққол сезилади. Хусусан, компьютердан




фойдаланувчи кўпчилик замонавий дастурларда ишлаш (MS WORD, Excel 2000, Paint ва бошқа дастурларда) жараёнида “сичқонча” дан фойдаланиши иш жараёнини ўта осонлаштиради. Айрим компьютерларда “сичқонча” ўрнига *трекбол*, *трекпойнт* каби курилмалар ишлатилади. Уларнинг функцияси “сичқонча”

каби бўлиб, уларни ҳам ишлатиш фойдаланувчи зиммасида қолади.

Компьютерга уланадиган курилмалардан яна бири *юмшоқ диск юритувчилари* (дискковод) бўлиб, у деярли барча компьютерларда (тармоқларда ишлайдиганлари бундан мустасно) ҳеч бўлмаганда битта ўрнатилган бўлади. Диск юритувчи дискетлардаги маълумотларни ўқиш ва унга ёзишда ишлатилади. Кенг тарқалган дискетлар одатда 3,5 ёки 5,25 дюйм ҳажмда бўлиб, мос ҳолда уч дюймлик ва беш дюймлик дискетлар деб юритилади (3 ва 4-расмларга қаранг).



3-расм. 5,25 дюймлик дискет.



4-расм. 3,5 дюймлик дискет.

Дискетлар уларга ёзиладиган маълумотларнинг ҳажми билан бир-биридан фарқланади. Одатда уч дюймлик

дискетларга 1,44 Мбайт ҳажмли, беш дюймлик дискетга 360 Кбайт ва ундан кўп ҳажмли маълумот ёзиш мумкин. Шунинг таъкидлаш лозимки, дискетни биринчи маротаба ишлатишдан олдин уни форматлаш лозим. Бу эса махсус дастурлар, хусусан DOS FORMAT дастури ёрдамида bajarилиши мумкин. Дискетни форматлаш босқичлари ҳақида келгусида тўхталиб ўтамиз.

Компьютерга уланадиган қурилмалардан яна бири компьютернинг *монитори (дисплей)* ҳисобланади. У телевизор каби бўлиб, унда матнли ёки график маълумотлар тасвирланади.

Мониторлар рангли ёки рангсиз (монохрон) бўлиб, улар бир-биридан ўлчови бўйича фарқланади. Мониторларда тасвирлар горизонтал ва вертикал бўйича 640×480 нуқтадан 1600×1280 нуқтагача бўлиши мумкин.


**Қаттиқ диск ( Винчестер )** — компьютерда ишлаш жараёнида ишлатиладиган маълумотларни доимий хотирада сақлаш учун ишлатилади. Хусусан, қаттиқ дискда операция тизим дастурлари, матн муҳаррирлари, кўп ишлатиладиган дастурлар мажмуаси, дастурлаш тиллари ва ҳ.к. сақланади. Одатда компьютерлар турига қараб қаттиқ дисклар бир-биридан дискда маълумотларни қанчалик кўп ёки кам ёзиш ҳажми, маълумотларни ўқиш ёки ёзиш тезлиги ва қаттиқ диск уланадиган интерфейс (назорат тури) билан фарқ қилади. Қаттиқ диск ҳажми компьютерни ишлатишда асосий факторлардан ҳисобланади.

**Компакт диск учун диск юритувчилар** компакт дискдан махсус маълумотларни, овозли хариталарни, ўйинларни, маълумотларни ўқиш учун мўлжалланган. Компакт диск ҳажми 640 Мбайтгача бўлиб, унга маълумотлар олдиндан ёзилган бўлади.

**Стример** — магнитли лентали кассетага маълумотларни ёзиш қурилмаси.


Қаттиқ дискдаги маълумотлар нухасини олиб қўйиш учун стример кенг ишлатилади. Стримерлар бир-биридан ҳажми билан фарқ қилади, яъни битта кассетада ҳажми 20 Мбайтдан 40 Гбайтгача маълумот ёзиш мумкин.

**Принтер** (чоп этиш қурилмаси) — ҳар хил (матнли, график ёки расм) маълумотларни қоғозга (зарур ҳоллар-



да плёнкага) чоп қилиш учун хизмат қилади. Принтер қурилмасида маълумотларни оқ-қора рангда ёки рангли тарзда чоп қилиш мумкин. Шу боис принтерлар бир-биридан фарқ қилади. Принтерларнинг юзлаб турлари мавжуд бўлиб, уларнинг одатда матрицали ( нуқтали матрица), пуркагичли (струйный) ва лазерли турлари кенг тарқалган (5-расм).

IBM PC компьютери учун матрицали принтерлар чоп этиладиган маълумотларни нуқталардан ясайди, шу боис унинг чоп қилиш сифати зикр этилган бошқа турдаги принтерларга нисбатан паст бўлади.




5-расм. Чоп этиш қурилмаси.

**Пуркагичли принтерларда** маълумотлар махсус сиёҳдонлар ёрдамида сиёҳ томчиларини пуркаш орқали чоп қилинади.

**Лазерли принтерлар** чоп қилиш сифати юқори бўлган маълумотларни махсус лазерли қурилма ёрдамида оқ-қора ёки айримларини рангли чоп қилиш имкониятига эга.

**Модем** телефон тармоғи орқали бошқа компьютерлар билан маълумот алмашиш имконини берувчи махсус қурилмадир.



6-расм. Факс-модем — маълумотларни узатиш ва қабул қилиш қурилмаси.

**Факс-модем** шундай қурилмаки, оддий модемнинг барча имкониятларига эга бўлиб, қўшимча расмли теле-факс маълумотларни компьютерлараро алмашиш имкониятини яратади. Айни вақтда ишлатилаётган кўпчилик модемлар факс-модемлар бўлиб, уларнинг айримлари, овоз алмашиш имкониятларига ҳам эга. Модемлар ички (электрон платали) ва ташқи (алоҳида турдаги қурилма) бўлиши мумкин. Модемлар бир-биридан маълумот узатиш тезлиги билан фарқланади. Улар одатда секундига 2400 дан 33600 битгача маълумотни узатиш имкониятига эга.

**Мультимедиа** — тасвири маълумотлар билан ишлашга қодир бўлган восита ҳисобланади. “Мультимедиа” сўзи лотинча *media* сўзидан олинган бўлиб, “маълумот ташувчи восита” деган маънони англатади. Мультимедиали компьютерлар сўз, мусиқа ва бошқа овозли маълумотлар, видео маълумотларни қабул қилади ва улар устида ишлайди.

Мультимедиали компьютерлар албатта компакт дисклар учун махсус диск юритувчилар, овозли хариталарга эга бўлиши ҳамда камида Pentium (75 Мгц ёки 486Sx) 25Гц тезликдаги микропроцессор, жорий хотираси 4Мбайт ва қаттиқ диск ҳажми 160 Мбайт ҳамда 640 × 480 нуқтали рангли видео тизимга эга бўлиши керак.

## Компьютер дастурлари

Компьютерда мавжуд дастурларни учта турга бўлиш мумкин.

а) *амалий дастурлар* — фойдаланувчи бевосита ишлаши учун мўлжалланган дастурлар, масалан, матн ва расм муҳаррирлари ва ҳ.к.;

б) *тизимли дастурлар* — компьютер қурилмаларининг ишчи ҳолатини назорат қилувчи ва бошқарувчи дастурлар;

в) *инструментал тизимлар* — компьютер учун янги дастурлар тузишни таъминлаш тизими.

IBM PC компютери учун юз минглаб ҳар хил мақсадда ишлатиладиган амалий дастурлар яратилган ва улардан самарали фойдаланиб келинмоқда. Хусусан, матн муҳаррирлари (WORD, LEXICON, WD, ChiWriter), жадвалли маълумотларни қайта ишлаш (Super Calc, Excel ва ҳ.к.), маълумотлар базасини яратиш (KAPAT, dBASE, Access ва ҳ.к.), кўргазмали қурооллар тайёрлаш (слайд-шоу) дастурлари, молия-иқтисод мақсадида ишлатиладиган дастурлар (С-1 иш ҳақини ҳисоблаш дастурлари), мультфильм ва видеофильмлар яратиш учун ишлатиладиган дастурлар, автоматлаштирилган лойиҳалаш дастурлари (Auto cad, Paint — иншоот қисмларини чизиш ва лойиҳалаш), компьютер ўйинлари, ўргатувчи дастурлар, маълумот тизимлари ва ҳ.к. мақсадда ишлатиладиган дастурлар мавжуд.

Тизимли дастурларнинг кенг синфи қобиқ дастурлар бўлиб, у фойдаланувчининг компьютер билан қулай ва яққол мулоқотини таъминлайди. Хусусан, Norton Commander қобиқ дастури, Windows 3.1 ва Windows 95, Windows 98 учун қулай қобиқ дастурлари шулар жумласидандир.


Тизимли дастурларнинг асосий синфи бу *драйверлар* бўлиб, у операцион тизим билан, хусусан ташқи ёки ички қурилмалар билан ишлаш имконини беради.

Тизимли дастурлар таркибига ёрдамчи айрим дастурларни, масалан, *антивирус*, *архиватор*, компьютерни диагностика қилиш, дискдаги жойларни мақбуллаштириш дастурлари ҳам киради.

## Компьютер тармоқлари ва тўрлари

Компьютерлараро ўзаро маълумотлар алмашинувини таъминлаш учун локал тармоқ ишлатилади. Локал тармоқ фойдаланувчиларга оммавий равишда компьютерда ишлаш ва маълумот алмашиш, дастурларни ишлатиш, оммавий равишда модем, принтер ва бошқа қурилмаларни ишлатиш имконини беради. Локал тармоққа компьютерларни бирлаштириш учун ҳар бир уланувчи компьютерга тармоқли адаптер (плата), керакли миқдорда махсус штикерли сим (кабель) лозим. Локал тармоқнинг фаолиятини тўғри юритиш мақсадида бош компьютер (ўқитувчи) ажратилади, унга локал тармоқлар билан бирлаштирилган ишчи компьютерлар (ўқувчилар) бирлаштирилади.

Агар тармоқда 20—25 та компьютер мавжуд бўлса, улар албатта бош компьютерга эга бўлиши лозим.



7-расм. Компьютер тармоқлари.

Локал тармоқлар фаолиятини юритиш учун махсус дастурий таъминот мавжуд. Windows 3.1, Windows—95 операцион тизимларида локал тармоққа бошқа махсус дастурларсиз ҳам компьютерлар уланиши мумкин.

Махсус тармоқлар учун дастурлар таркибига Novell NetWare ёки Windows NT Server қиради. Баъзан UNIX нинг турли хил вариантларидан фойдаланилади.

Локал тармоқлар вазифаси бўйича бирор корхонада жойлашган компьютерларни бирлаштиради.

Миллионлаб компьютерларни ўзаро бирлаштирувчи тармоқлардан бири InterNet халқаро тармоғидир. Унинг дастлабки варианты АҚШ мудрофаа вазирлигининг буюртмасига мувофиқ 60-йилларнинг охирларида ARPAnet номи билан мазкур вазирлик компьютерларини боғлаш мақсадида яратилган.

Айни вақтда InterNet тармоғидан 40 миллион фойдаланувчи маълумот олмоқда. InterNet ягона марказдан бошқарилмайди, лекин электрон манзиллар гуруҳини таъминловчи оммавий кўмиталар мавжуд. 1995 йилгача InterNet тармоғидан асосан, электрон почта (матнли, файлларни алмашиш) телеанжуманлар, илмий ва оммавий янгиликлар, қидирув хизматлари мақсадида фойдаланилди. Бу эса ўз навбатида InterNet тармоғига оммавий қизиқишни уйғотди ва янги WWW (World Wide Web) бутун жаҳон матнли маълумотлар базасининг яратилишига сабаб бўлди. WWW дастури ёрдамида фойдаланувчи InterNet тармоғига уланган компьютерда Web-серверга электрон манзилни кўрсатиб кириши мумкин.

?

### *Саволлар*


1. Арифметик-мантиқий қурилма қандай амалларни бажаради?
2. Бошқариш қурилмаси вазифасини тушунтиринг.
3. Жорий хотира нима?
4. Қандай ташқи қурилмаларни биласиз?
5. IBM PC компьютерининг асосий қурилмалари ҳақида гапириб беринг.
6. IBM PC компьютерининг қўшимча қурилмалари ва унинг вазифалари ҳақида гапириб беринг.
7. Микропроцессор нима ?
8. Хотиранинг қандай турлари мавжуд?
9. Компьютерга уланадиган қандай қурилмаларни биласиз?
10. Монитор қандай вазифани бажаради?
11. Компьютернинг дастурли таъминоти дейилганда нима-ни тушунасиз?
12. Стример нима?

13. Факс-модем қандай мақсадда ишлатилади?
14. Диск юритувчи қандай мақсадда ишлатилади?
15. Сканер нима?
16. Овозли харита нима учун керак?
17. Принтернинг қандай турлари мавжуд?
18. Компьютер турлари ҳақида маълумот беринг.

!

### *Машқлар*

1. Компьютерни юкланг ва уни ўчиринг.
2. Компьютерни ўчирмасдан қайта юкланг.
3. Ташқи қурилмаларни компьютерга уланг.
4. Диск юритувчига дискет (диск) ўрнатинг.
5. Клавиатура тугмалари жойлашувини тавсифланг.



## MS DOS ОПЕРАЦИОН ТИЗИМИ ВА УНИНГ БУЙРУҚЛАРИ

MS DOS операциян тизими (системаси) (ОТ) IBM PC компьютери муаллифлари IBM фирмаси буюртмасига мувофиқ Microsoft фирмасида 1981 йилда яратилган. Windows — 95 ёки Windows NT замонавий операциян тизимлари яратилган бўлса-да, DOS ОТда яратилган дастурлар ҳанузгача кенг кўламда ишлатилмоқда. Масалан, Windows 3.1 бевосита MS DOS ОТ муҳитида ёзилган операциян тизимдир.

Айни вақтда MS DOS ОТ нинг охириги кенг тарқатилган версияси — 1994 йилнинг май ойида ишлаб чиқилган 6.22 версияси кенг кўламда ишлатилмоқда. MS DOS ОТ нинг 7.0 версияси Windows—95 таркибида мавжуд. Лекин уни алоҳида ОТ деб аташ нотўғри, уни Windows 95 нинг MS DOS ОТ илгариги версиялари билан ишлашни таъминловчи таркибий қисм деб қараш лозим.

MS DOS ОТ нинг асосини IO.SYS ва MS DOS.SYS файллари ташкил этади, улар компьютернинг доимий хотирасида жойлашган.

### 3.1. Компьютер билан дастлабки мулоқот

IBM PC компьютери билан мулоқот бевосита MS DOS ОТ ёрдамида амалга оширилади. **Операциян тизим** шундай дастурки, у компьютер ёқилишиданоқ фойдаланувчи билан мулоқотга киришади, компьютерни бошқаради, оператив хотира ва магнитли дисклардаги жойларни назорат қилади, лозим бўлган дастур ва буйруқларнинг ба-жарилишини таъминлайди .

DOS OT қуйидаги қисмлардан ташкил топган:

— компьютер хотира қурилмасида жойлашган, киритиш ва чиқаришни таъминлаш учун хизмат қиладиган базавий киритиш-чиқариш тизими;

— операцион тизим модулларини хотирага киритиш-ни амалга оширувчи дастур — юклагич;

— доимий хотира қурилмасида базавий киритиш-чиқариш тизимини тўлдирувчи IO.SYS дискли файли;

— MS DOSда юқори савияда асосий хизматларни бажарувчи MS DOS. SYS тизимли файл;

— фойдаланувчи томонидан киритилган буйруқларни ўзида ишловчи DOS нинг буйруқли процессори;

— дискетларни форматлашда, текширишда ва ҳоказо юмушларни бажаришда ишлатиладиган DOS нинг ташқи буйруқлари;

— ностандарт қурилмалар ёки янги қурилмаларга хизмат кўрсатувчи ҳамда DOS нинг киритиш-чиқариш тизимини тўлдирувчи қурилмаларнинг драйверлари.

### 3.2. Компьютерни ишга тушириш

IBM PC компьютери қуйидаги тартибда ишга туширилади:

• агар компьютер кучланишни стабилизатор кўмагида олса, стабилизаторни электр тармоғига улаш;

• зарурат бўлса, босмага чиқариш қурилмаси — принтерни ишга тушириш (ёқиш);

• компьютерни ёқиш, яъни компьютернинг олд (айримларида орқа ёки ён) томонида жойлашган тугмачани босиш;

• компьютер мониторини ёқиш лозим.

Шундан сўнг компьютер экранида компьютернинг ишга тушганлиги ҳақида хабар берувчи операцион тизимнинг қуйидаги таклифномаси пайдо бўлади: C:\>

Таклифноманинг кўриниши фойдаланувчи томонидан ўзгартирилиши ҳам мумкин. Таклифноманинг пайдо бўлиши операцион тизимнинг бирор буйруқ олишга тайёр эканлигидан далолат беради.

### 3.3. Компьютерни ўчириш

IBM PC компьютерини ўчириш қуйидаги тартибда бажарилади:

- бажарилаётган дастур ёки буйруқни тамомлаш;
- магнитли дискетни диск юритувчидан олиш;
- агар ёқилган бўлса, принтерни ўчириш;
- мониторни ўчириш;
- компьютерни ўчириш;
- стабилизаторни ўчириш лозим.

Компьютер ёқилиши билан у барча қурилмаларни тестдан ўтказди ва операцион тизимни, яъни компьютерни бошқариш дастурини юклайди.

Компьютерни автоматик тарзда дастлабки юклаш икки ҳолатда бажарилади:

- компьютер электр тармоғига уланганда;
- компьютердаги “Reset” тугмачасини босганда.

Фойдаланувчи томонидан компьютерни қайта юклаш клавиатура қурилмасидаги “Ctrl”, “Alt” ва “Del” тугмаларини бир вақтда босиш орқали амалга оширилиши мумкин. Компьютер юкланишида жорий хотирадаги маълумотлар тозаланади, доимий хотира (BIOS) даги тизим дастури компьютер қурилмаларини назоратдан ўтказди. Агар дастур хато топса бу ҳақда компьютер экранига хабар чиқаради. F1 тугмачасини босиш орқали фойдаланувчи юклаш жараёнини давом эттириши мумкин.

Компьютерни диск юритувчига тизимли дискет қўйиб ҳам юклаш мумкин.

MS DOS операцион тизими юкланиш жараёнида экранда

#### Starting MS DOS ...

хабари пайдо бўлади. Хотирадан DOSнинг IO.SYS ва MS DOS.SYS файллари ўқилади. сўнгра конфигурация буйруқлари CONFIG.SYS ва AUTOEXEC.BAT файллари ўқилади ва экранда DOS нинг таклифномаси C:\> пайдо бўлади.

### 3.4. Компьютерга маълумотларни киритиш. Клавиатура билан ишлаш

IBM PC шахсий компьютерига маълумотлар одатда клавиатура қурилмаси орқали киритилади. Клавиатура-нинг юқори регистрида жойлашган бош ҳарф ва бошқа белгиларни киритиш учун “Shift” тугмаси (клавиши)дан фойдаланилади. Масалан, кичик “n” ҳарфи киритилиши лозим бўлса, у ҳолда клавиатурадаги “N” ҳарфи ёзилган тугма босилади. Агар катта “N” ҳарфи киритилиши лозим бўлса, у ҳолда “Shift” тугмасини босиб туриб, уни қўйиб юбормай, “N” ҳарфи ёзилган тугмани босиш керак.

“Caps Lock”— бош (катта) ҳарфларни киритиш режими тайинлайди. “Caps Lock” тугмасини қайта босилганда тайинлаш режимдан дастлабки режимга ўтилади. “Caps Lock” режимида “Shift” тугмасини босиб туриб керакли маълумотларни териш, ўз навбатида кичик ҳарфларни киритиш имкониятини беради. Баъзан “Caps Lock” тугмасидан кирилл алфавитига ўтишда ҳам фойдаланилади. Алоҳида сон ёки ҳарф ёзилган тугмалардан фарқли ўлароқ, клавиатура қурилмасида махсус тугмалар ҳам мавжудки, уларнинг айримлари хусусида тўхталиб ўтамиз:

— “Enter” (айрим серияли компьютерларда “Return” ёки “GR”) тугмаси қатор ниҳоясида босилади;

— “Del” (delete — ўчириш) тугмаси стрелка кўрсаткич ёки курсор остида жойлашган белгиларни ўчиришда ишлатилади;

— “Ins” тугмасидан иккита режимда — белгиларни киритиш учун, яъни мавжуд белгини суриб ёки мавжуд белгининг ўрнига янги белгини алмаштириб киритишда қўлланилади;

— “→”, “←”, “↑”, “↓” тугмалари курсорни мос ҳолда ўнгга, чапга, юқорига ва пастга суришда ишлатилади;

— “Home” тугмаси курсорни қатор бошига, “End” тугмаси эса охирига олиб бориш учун ишлатилади;

— “Pg Up” тугмаси экрандаги мавжуд бўлган матндан бир саҳифа юқорида жойлашган маълумотларни, “Pg Dn” тугмаси эса бир саҳифа қуйида жойлашган маълумот-

ларни экранга чиқариш ва кўрсаткични олиб боришда ишлатилади;

— “Num Lock” тугмаси (клавиатура қурилмасининг ўнг қисмида жойлашган) сонларни (0—9) ва нуқта белгиларини киритишда ўнғайлик туғдиради;

— “Esc” тугмаси қандайдир ҳаракатдан чиқишда, масалан, дастур бажарилишини тўхтатишда ишлатилади;

— “Ctrl” ва “Alt” тугмаларидан айрим тугмалар вазифасини, яъни бажарувчи функциясини бир қатор ўзгартиришда фойдаланилади. DOS тизимида фойдаланувчи баъзан махсус тугмалар мажмуаси (комбинацияси) билан иш юритишига тўғри келади. Биз уларнинг айримлари хусусида тўхталиб ўтамиз:

— “Ctrl-Break” амалда бажарилаётган буйруқ ёки дастурнинг ишлашини тугаллаш учун ишлатилади;

— “Ctrl-Alt-Del” DOS ни қайта ишга тушириш учун ишлатилади;

— “Ctrl-Print Screen” ёки “Ctrl-P”дан экрандаги маълумотлар нусхасини қоғозга чиқариш учун фойдаланилади;

— “Ctrl-Alt-F2” миллий клавиатурага ўтиш учун ишлатилади;

— “Ctrl-C” DOS нинг ихтиёрий буйруқ ёки дастури бажарилишини тўхтатиш учун ишлатилади.

### 3.5. Компьютер қурилмаларининг мантиқий номлари

DOS операцион тизимида компьютернинг ҳар бир қурилмаси ўз номига эга. Бу қурилмаларнинг номлари файлларнинг номлари сифатида ишлатилмаслиги лозим, уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

*-A.....Z — дисклар;*

*-PRN — босмага чиқариш қурилмаси — принтер ;*

*-LPT1-LPT3 — принтерга боғланган қурилма;*

*-CON — киритишда клавиатура, чиқаришда эса экран;*

— №11. — барча операцияларни четлаб ўтувчи “бўш қурилма” ва ҳоказо.

Масалан,

**copy litsey prn**

бўйруғи litsey файли мазмунини босма қурилмасига чиқаради ёки

**copy litsey con**

бўйруғи litsey файлининг нусхасини экранга чиқаради. Агар con киритилувчи файлнинг номи сифатида фойдаланилса, масалан,

**copy con litsey**

каби, у ҳолда барча маълумотлар клавиатура орқали киритилиши лозим.

### **3.6. Файл тушунчаси**

Қаттиқ диск, дискет ёки компьютернинг компакт дискларидаги барча маълумотлар файлларда сақланади.

**Файл** — бирор маълумот сақланувчи дискнинг номланган соҳаси. Демак, ҳар бир файл ўз белгисига (номига) эга бўлиши, уни фойдаланувчи ва операциялар тизим тушуниши ва ишлата олиши керак. Дискда маълумотларни бошқа бир йўсинда ёзиб бўлмайди. Ҳаттоки, биргина ҳарфни дискка ёзиш зарур бўлса ҳам, унга ном бериб, файл кўринишида хотирада сақлаш керак.

Файллар икки турда, матнли ва графикли бўлиши мумкин. Матнли файл фойдаланувчи ўқиши учун мўлжалланган. Матнли бўлмаган файллар графикли ёки кодда ёзилган бўлади.

Файллар иш жараёнида, масалан, матнли муҳаррир ёхуд электрон жадвал билан ишлашда ёки бевосита фойдаланувчи томонидан ташкил этилади. Файлнинг асосий белгилари — унинг номи, ўлчами (байт ҳисобида), ташкил этилган санаси (кун, ой, йил), вақти(соат ва дақиқа) ҳисобланади.

Файл асосий номга (кўпи билан саккизта белги) ва кенгайтгичига (кўпи билан учта белги) эга бўлиши мумкин. Файл номи ва кенгайтгичи бир-биридан нуқта билан ажратилади, масалан:

**Autoexec.bat**  
**lex.exe**  
**Litsey.doc**  
**Ном.кенгайтгич**

Файл номи ва кенгайтгичи латин алифбосининг катта ёки кичик ҳарфлари, сонлар ва символлардан иборат бўлиши мумкин.

Файлни номлашда унинг кенгайтгичи берилиши шарт эмас, лекин файл мазмунига кўра кенгайтгич берилса, уни ишлатиш осонлашади. Масалан:

- **.exe, .com** — бажарилувчи файллар;
- **bat** — буйруқли файллар;
- **.bas** — бейсик дастури файллари;
- **.pas** — паскал дастури файллари;
- **.txt, .doc** — матнли файллар;
- **.xls** — электрон жадвалли файллар.

### 3.7. Каталог ва диск юритувчи

Магнитли дискларда файл номлари каталогларда жамланлади. Каталоглар Windows—98 да жилд (папка) деб юритилади. Ҳар бир каталог ўз номига эга бўлиб, унинг ичида бошқа каталоглар жойлашиши мумкин.

Ташқи каталог — *туб*, ички каталог — *ост каталог* деб юритилади. Демак, дискда каталоглар дарахт кўринишида жойлашган бўлади.

Фойдаланувчи ишлатаётган каталог *жорий каталог* дейилади. Каталогда жойлашган файлни ишлатиш учун албатта файлга бориш йўли кўрсатилиши лозим. Йўл каталоглар кетма-кетлиги бўлиб, улар \ белгиси билан ажратилган бўлади. Компьютерларда қаттиқ диск, дискет ва компакт дисклар учун мўлжалланган диск юритувчи-

лар мавжуд бўлади. Уларга мурожаат А, В, С, D, E ҳарфлари орқали амалга оширилади. А ва В дискетлар, E компакт дисклар, С, D, ... лар винчестер қисмлари учун ажратилган бўлади.

Файлга тўлиқ йўл қуйидагича берилиши мумкин:

**[диск юритувчи: ] [йўл \] файлниги номи**

Бунда [диск юритувчи: ] — А:, С:, ... диск юритувчининг номи. [йўл \] — файл жойлашган каталогга ўтиш ва файлниги номи. Агар диск ёки каталог кўрсатилмаса, керакли файл жорий каталогдан қидирилади.

### **3.8. MS DOS таклифномаси ва буйруқни киритиш**

Агар DOS фойдаланувчи билан мулоқотга тайёр бўлса, у ҳолда компьютер экранида қуйидаги таклифнома пайдо бўлади:

**A> ёки C:\>**

Бирор буйруқни компьютерга киритиш учун уни дастлаб клавиатура қурилмасида териш ва сўнгра “Enter” тугмасини босиш лозим. Киритилувчи буйруқ ёки дастурни таҳрир қилиш учун клавиатура тугмаларидан фойдаланиш мумкин. Масалан, “Del” — кўрсаткич остидаги символни, “Back Space” — кўрсаткич олдидаги символни ўчиришда ишлатилади ва ҳоказо.

MS DOS буйруғи бажарилиши учун дастлаб мазкур буйруқ номини ва сўнгра қўшимча номини киритиш лозим.

Буйруқ ёки дастурнинг бажарилишини тўхтатиш учун “Ctrl” ва “Break” тугмалари бир вақтда босилади, агар у ёрдам бермаса, “Ctrl—Alt—Del “ тугмаларини босиб MS DOS ни қайта ишга тушириш керак.

Баъзи ҳолларда охириги айтиб ўтган буйруқ ёрдамида ҳам компьютерни ишга тушириш имконияти бўлмай қолади, у ҳолда компьютер олд қисмида жойлашган “RESET” тугмаси босилади.

A>COPY \*.\*C: — A дискдаги барча файлларни C  
дискка кўчириш учун;

D:\>COPY NORB A: — NORB каталогини D дискдан  
A дискка кўчириш учун;

C:\>COPY LITSEY1 LITSEY2 — LITSEY1 файлини шу  
каталогдаги LITSEY2 файлга кўчириш учун ишлатилади.

COPY буйруғидан бир нечта файлларни бирлаштириш  
ва натижада янги файлни ташкил қилиш учун ҳам фой-  
даланиш мумкин, у ҳолда бирлаштирувчи файллар ора-  
сига + белги қўйилади. Масалан, COPY A1+A2+A3  
A4 буйруғи A1, A2 ва A3 файлларни бирлаштириб янги  
A4 файлини ташкил этади.

### ***Файлларни қайта номлаш***

**REN (Rename)** буйруғи. Файлларни қайта номлаш учун  
REN буйруғи ишлатилади. Бундай вақтда дастлаб файл-  
нинг эски номи, сўнгра эса янги номи ёзилади.

*Буйруқ формати:*

gen [диск юритувчи:] [йўл\] [каталог номи] [1-файл]  
[янги файл]

Масалан,

— C:\>LEX>REN LITSEY.TXT LITSEY.DOC буйруғи  
LITSEY.TXT файлига янги LITSEY.DOC номини беради.

### ***Файлларни ўчириш***

**DEL (Delete)** буйруғи. Файлларни ўчириш учун DEL  
буйруғи ишлатилади.

*Буйруқ формати:*

del [диск юритувчи:] [йўл\] [каталог номи] файл номи

Масалан,

**C:\>DEL WORK** буйруғи **WORK** каталогдаги барча файлларни ўчириш учун;

**C:\>DEL LITSEY.BAS** буйруғи **LITSEY.BAS** файлини ўчириш учун хизмат қилади.

### *Ўчирилган файлларни тиклаш*

**QU буйруғи.** Бехосдан ўчирилган файл ёки файлларнинг эски нусхасини тиклашда **QU буйруғи (MS DOS OTнинг кейинги версияларида UNERASE)** ишлатилади.

*Буйруқ формати:*

**qu [диск юритувчи:] [йўл\] файл номи**

Масалан,

**C:\>QU LITSEY.DOC** буйруғи **LITSEY.DOC** номли файлни мазкур каталогда қайта тиклаш учун ишлатилади;

**C:\>QU \*.TXT** буйруғи мазкур каталогдаги барча қўшимча **.TXT** номли файлларни қайта тиклаш учун ишлатилади, бу ҳолда барча файллар номининг бош ҳарфлари сўралади.

Бехосдан ўчирилган файлни қайта тиклашда экранда куйидаги савол пайдо бўлади:

**Do you wish quick — unerase this file (Y-N)?**

(Сиз бу файлни тиклашни хоҳлайсизми, (Y-N))?

Агар файлни тиклаш зарурати бўлса “Y” — ҳа, акс ҳолда “N” — йўқ жавобини бериш лозим.

### **Файл мазмунини экранда кўриш**

**TYPE буйруғи.** Матнли (текстли) файлни экранга чиқариш учун **TYPE буйруғи** ишлатилади.

*Буйруқ формати:*

**type [диск юритувчи:] [йўл\][каталог номи] файл номи**

Масалан,

C:\>TYPE litsey.txt буйруғи litsey.txt файлини экранга чиқаради. Эcranга чиқаришни тўхтатиш учун “Ctrl-S” тугмаларини кетма-кет босиш лозим, шу тугмаларни қайта босиш эса экранга чиқаришни тиклайди. Эcranга чиқаришни тамомлаш учун “Ctrl-C” ёки “Ctrl-Break” тугмалари босилади.

### ***Матнли файл ташкил қилиш***

Кичик ҳажмдаги матнли файлларни бевосита MS DOS OT да клавиатурадан фойдаланиб ташкил қилиш мумкин. Бунинг учун матн буйруғи берилади.

*Буйруқ формати:*

**Сору сон файл номи**

Буйруқ киритилгач, матн кетма-кет терилади. Ҳар бир қатор ниҳоясида “Enter” тугмаси босилади. Файлнинг ёпилиши учун “Ctrl” + “Z” ёки “F6” тугмаси ва “Enter” босилади. Эcranда қуйидаги

**1 file(s) copied**  
(битта файл нусхаланди)

хабар ва дискда кўрсатилган номли файл пайдо бўлади.

## **3.10. Файлнинг яроқлилигини текшириш**

Агар дискет носоз бўлса (айрим ҳолларда файлларни диск юритувчи ўқиши қийин бўлиб қолади), файл ўқилишини текширишни **Сору** буйруғи билан файлни бўш қурилмага кўчириш орқали бажариш мумкин.

*Буйруқ формати:*

**Сору/ b файл номи nul**

Масалан, Сору /b a:\\*.txt nul буйруқ киритилгач, А дискда барча .txt туридаги файллар ўқилиши текширилади.

***Файлни бошқа каталогга ўтказиш***

MS DOS OT нинг 6-версиясидан бошлаб файлни бошқа каталогга ўтказиш буйруғи MOVE мавжуд. У баъзан файлларни қайта номлашда ҳам ишлатилади.

*Буйруқ формати:*

**Move [/Y] файл номи каталог номи**

Бунда [/Y] кўшимча сўроқларсиз файл ёзилади.

***Файлни қидириш***

Дискда файлни номи бўйича қидириш учун Norton Utilites мажмуасига кирувчи FILE FIND дастурини ишлатиш мумкин.

*Буйруқ формати:*

**File find файл номи**

Масалан, File find : n\*. txt буйруғи n ҳарфи билан бошланувчи .txt кенгайтгичга эга бўлган барча файлларни излаш деган маънони англатади.

***Файлларни таққослаш***

Файлларни жойлашиши, ҳажми (байт ҳисобида), кенгайтгичи бўйича таққослаш учун DOS OT \FC дастури мавжуд.

*Буйруқ формати:*

**FC [параметрлар] 1-файл номи 2-файл номи**

Масалан, fc nti.doc ntil.doc>taj буйруғи nti.doc ва ntil.doc файллар орасидаги фарқни taj файлига ёзади.

*Экрани маълумотлардан тозалаш*

**CLS буйруғи.** Компьютер экранини тозалаш учун CLS буйруғи ишлатилади.

*Буйруқ формати:*

**cls**

Масалан,

C:\>CLS буйруғи орқали экран тозаланеди ва экраннинг биринчи қаторига MS DOS нинг таклифномаси чиқади.

*Файлни чоп қилиш*

**PRINT буйруғи.** Файлларни чоп қилиш учун PRINT буйруғи ишлатилади.

*Буйруқ формати:*

**print [диск юритувчи:] [йўл ] [каталог номи] файл номи**

Масалан,

C:\>PRINT LITSEY.TXT буйруғи LITSEY.TXT файлини чоп қилиш курилмасига чиқаради.

*Диск ёки дискетни форматлаш*

**FORMAT буйруғи.** Дискетларни биринчи мартаба ишлатишдан олдин у билан DOS тизими учун мулоқотга имконият яратилиши лозим.

*Буйруқ формати:*

**format диск юритувчи номи:**

Масалан, А дискетни форматлаш (инициализация қилиш) учун буйруқ қуйидагича берилади:

**C:\>FORMAT A:**

Мабодо, дискетга қандайдир маълумотлар ёзилган бўлса, у FORMAT буйруғи берилиши билан ўчирилади. Буйруқ берилгандан кейин экранда қуйидаги сўров пайдо бўлади:

**Insert new diskette to drive x: and strike enter when ready**  
(дискетни қўйинг ва "Enter" тугмасини босинг).

Агар дискет яроқсиз бўлса, у ҳолда

**Track 0 bad — disk unusable**

(0-йўл яроқсиз, дискетдан фойдаланиш мумкин эмас) хабари пайдо бўлади.

Дискет форматлангандан кейин яна қуйидаги сўров пайдо бўлади:

**FORMAT another (Y/N)?**

(яна форматлаш керакми (Y — ҳа, N — йўқ)?)

Фойдаланувчи эса ўз навбатида керакли маълумотни бериши лозим.

### **3.11. Компьютердан жорий йилнинг куни, ойи ҳақида маълумот олиш ва унга киритиш**

**DATE буйруғи.** Компьютердан йил, ой ва кун ҳақида маълумот олиш ёки бу маълумотларни унга киритиш учун DATE буйруғи ишлатилади.

*Буйруқ формати:*

**date**

Масалан, C:\>DATE –буйруғи экранга кун, ой, йил ҳақида маълумот беради, агар янги маълумот киритиш лозим бўлса “Enter” тугмаси босилади, у ҳолда

### **Enter new date (dd-mm-yyyy)**

сўрови пайдо бўлади. Киритилувчи сатр, масалан, 18-01-2001 каби берилиши мумкин.

### ***Компьютерга жорий вақтни ўрнатиш***

**TIME буйруғи.** Компьютерга вақтни (соат ва минут ҳисобида) киритиш ҳамда ундан маълумот олиш учун TIME буйруғи ишлатилади.

*Буйруқ формати:*

**time**

Масалан,

C:\>TIME <Enter>

Агар TIME кўшимча параметрларсиз берилса, у ҳолда DOS мазкур вақтни киритишни сўрайди. Сиз вақт ҳақида маълумот беришни истамасангиз “Enter” тугмасини босишингиз мумкин.

### ***Маълумот олиш***

MS DOS OT нинг 5 ва 6-версиялари DOS буйруқлари ва уларни ишлатиш кўлами ҳақида қисқача маълумот бериш имкониятига эга. Бунинг учун қуйидаги буйруқ берилади:

**HELP**

*Буйруқ формати:*

**FAST HELP ёки FAST HELP буйруқнинг номи**

MS DOS нинг 6-версиясида махсус маълумотнома бўлиб, уни чақириш учун

**HELP ёки HELP маълумотнома мавзун**

буйруғи берилади. Агар маълумотнома мавзуси кўрсатил-  
маса, маълумотнома мундарижаси экранга чиқарилади.  
Маълумот экранга сигмаса “Page Down” ёки “Page Up”  
тугмалари ёрдамида кейинги ёки олдинги саҳифаларни  
кўришимиз мумкин. “Ctrl — Home” ва “Ctrl — End” мос  
ҳолда мавзу бошига ва охирига ўтиш имконини беради.

Маълумотномадаги жорий мавзуни чоп қилиш ёки  
файлга ёзиш учун “Alt”, “F” ва “P” тугмалари босилади,  
бунда F— файлга, P — принтерга чиқарилишини таъмин-  
лайди.

?

### Саволлар

Қуйидаги бандларга жавоб ёзинг:

1. Компьютерни юклаш.
2. MS DOS OT ни юклаш.
3. MS DOS OT таклифномаси. Буйруқни киритиш.
4. Кириллча шрифтдан лотинча шрифтга ўтиш ва аксинча,  
лотинча шрифтдан кириллча шрифтга ўтиш.
5. Файл яратиш.
6. Файлни ўчириш.
7. Файлни қайта номлаш.
8. Файлни нусхалаш. Бир неча файлни бирлаштириш.
9. Дискдан файлни қидириш.
10. Бехосдан ўчирилган файлни тиклаш.
11. Каталог яратиш.
12. Жорий дискни алмаштириш.
13. Каталог мундарижасини кўриш.
14. Каталогга кириш.
15. Каталогдан чиқиш.
16. Каталогни ўчириш.
17. Файл мазмунини экранга чиқариш.
18. Экрандан маълумотларни тозалаш.
19. Файлни чоп қилиш.
20. Дискни форматлаш.
21. Компьютердан жорий йилнинг куни, ойи ҳақида маълумот  
олиш ва унга ўрнатиш.
22. Компьютердан жорий куннинг вақти ҳақида(соат, ми-  
нут ва дақиқа) маълумот олиш ва унга ўрнатиш.
23. Компьютерни ўчириш.



## *Машқлар*

1. С дискдан А дискка ўтинг.
2. “Дарс жадвали” ҳақида матнли файл ташкил қилинг.
3. Файл номини ўзгартиринг.
4. Файлни ўчириг.
5. Файлни қайта тикланг.
6. “Ўқувчи” каталогини ташкил этинг. Каталогга кириг ва ундан чиқинг.
7. Файл мазмунини экранга чиқаринг.
8. Экранны маълумотлардан тозаланг.
9. Файл нусхасини чоп қилиш қурилмасида олинг.
10. Бир нечта файлни бирлаштириб янги файл ҳосил қилинг.



#### 4.1. Қобик дастурлар ҳақида умумий маълумотлар

MS DOS ОТ муҳити билан ишлаш дастурлари орасида энг оммавийлашган қобик дастур Peter Norton Computing фирмаси томонидан яратилган Norton Commander (NC) қобик дастури ҳисобланади. Одатда DOS муҳитида фойдаланувчилар файл ва каталоглар яратиш, қайта номлаш, нусха олиш, ўчириш каби бир қатор ишларни бажаришига тўғри келади. Бундай ҳолларда NC қобик дастуридан фойдаланиш қулай. NC қобик дастуридан бошқа MS DOS муҳити билан ишлаш учун мўлжалланган бир қатор қобик дастурлар, хусусан Volkov Commander (NC қобик дастурига ўхшаш), Pie Commander, Command Processor, Qdos, Path Minder, Xtree, Victoria каби дастурлар яратилган бўлиб, улар кўпчилик мамлакатларда, жумладан, бизнинг республикамизда ҳам оммалашмади. Ҳатто Windows қобик дастурининг дастлабки версиялари NC га ўхшаш қилиб яратилган. Norton Commander қобик дастури ёрдамида DOS нинг ихтиёрий буйруғини бажариш билан бир қаторда:

- файл яратиш, қайта номлаш, кўчириш ва уни ўчириш;
- дискдаги каталог мазмунини яққол кўриш;
- дискдаги каталог дарахти (шажараси)ни кўриш, керакли каталогларга ўтиш;
- каталог яратиш, қайта номлаш, кўчириш ва ўчириш;
- матнли ёки архивланган файлларни кўриш;
- матнли файлларни таҳрир қилиш, дискетга ёзиш;

— маълумотлар базаси ва электрон жадваллар билан ишлаш;

— тугмалар мажмуаси ёрдамида яна бир қатор ишларни бажариш мумкин.

Norton Commander дастурининг бир неча версиялари яратилган. Хусусан, NC

C:\TP55				C:\Специальный папко				
С. I	Имя	Имя	Имя	С. I	Имя	Размер	Дата	Время
RNR2RUS	linzad	pas	tp71	norbek	КАТАЛОГ	21.12.00	11.30	
tp15e28e \$\$\$	lnl1	pas	turbo	nc	КАТАЛОГ	21.12.00	10.53	
linzad	bak		turbo	КОПИЯД 1	КАТАЛОГ	13.12.00	13.39	
l2	bak	l2	basal00	НИМ	КАТАЛОГ	3.12.00	16.54	
indp	bak	natsf	graficad	TP55	КАТАЛОГ	30.10.00	17.42	
odtest	bak	nadp	graph	PLATINUM	КАТАЛОГ	11.10.00	17.49	
sl15	bak	noname	graph0	TP	КАТАЛОГ	7.06.00	19.51	
soni	bak	nytil	libzch	DATA	КАТАЛОГ	17.05.00	22.55	
all	bgj	obost	selad100	SETUP	КАТАЛОГ	17.05.00	22.55	
cja	bgj	odtest	win1100	FONTS	КАТАЛОГ	17.05.00	22.51	
ega_ga	bgj	sf	dilnosa	SOUND	КАТАЛОГ	17.05.00	22.51	
herca	bgj	sf1	igota25%	DOCUME 1	КАТАЛОГ	12.05.00	21.11	
asl	dat	soni	my	MSOFFICE	КАТАЛОГ	12.05.00	21.10	
arl	exe	sos	nytil	TP60	КАТАЛОГ	12.05.00	20.48	
curgraph	exe	ss	post_72	AUDIOG 1	КАТАЛОГ	2.04.00	21.02	
flfat	exe	turbo	ss	TEL	КАТАЛОГ	23.12.99	20.36	
turbo	hip	turbo	ssd	REFTS	КАТАЛОГ	28.09.99	19.02	
asl	pas	tp71	r00	TUTORIAL	КАТАЛОГ	6.05.99	18.12	
Выбрано 12 055 байт в 2 Файлов				nc	КАТАЛОГ	21.12.00	10.53	

C:\TP55>

Помощь 2Вызов 3Чтение 4Правка 5Копия 6НовИмя 7НовКат 8Чдаг-е 9Меню 10Выход


1-расм. NC қобик дастурида ишлашда экраннинг умумий кўриниши.

дастурининг 5.0 версияси ишлаши учун компьютерда 512 К байт ҳажмда оператив хотира ва магнит дискда 4.5 М байт бўш жой бўлиши зарур. NC дастурининг инглизча ва русча версиялари мавжуд, масалан, инглизча версиясидаги Edit банди, русча версияда *Правка*, *Delete* банди *Удал* деб берилган.

#### 4.2. Norton Commander дастурини юклаш ва ундан чиқиш

NC дастурини танлаш учун MS DOS муҳитида NC буйруғи клавиатурада терилади ва “Enter” тугмаси боси-

лади. Натихада компьютер экранида иккита дарча (панел) очилади (1-расм). NC дастуридан чиқиш учун F10 (Quit — *Выход*) тугмаси босилади. Экраннинг ўрта қисмида NC дастуридан чиқиш ҳақида сўров пайдо бўлади. Сўровга жавобан NC дан чиқиш учун клавиатурада Y (русча версияда D) тугма, акс ҳолда N (русча версиясида H) тугмаси босилади.




2-расм. Ёрдам олиш.

NC дастурида кўшимча маълумот ёки ёрдам олиш учун F1 тугмаси босилади (2-расм). Агар файл нухаси олиниш жараёнида F1 тугмаси босилса, экранда файлларни кўчириш ҳақида маълумот пайдо бўлади. Маълумот тўлалигича экранга жойлашмаса, “↑”, “↓”, Home”, “End”, “PgUp”, “PgDn” тугмалари ёрдамида керакли жойгача суриш ёки саҳифалаш билан кўрилади. Маълумотноманинг куйи қисмида Next (*Далее*), Previous (*Назад*), Index (*Указатель*), Cancel (*Отмена*) ёзувлари жойлашган тугмалар мавжуд бўлиб, уларда “→” ёки “←” тугмалар ёрдамида кўчириш орқали ҳам бошқа экранга ўтиш мумкин. Бу тугмалар куйидаги мақсадда ишлатилади:

- Next (*Далее*) — маълумотноманинг навбатдаги мавзусига ўтиш;
- Previous (*Назад*) — маълумотноманинг олдинги мавзусига ўтиш;
- Index (*Указатель*) — маълумотнома мундарижасини чиқариш;
- Cancel (*Отмена*) — маълумотномадан чиқиш.

### 4.3. NC менюсида ишлаш


NC менюсига кириш учун F9 (PullDn ёки меню) тугмасини босиш kifoya. Натижада экраннинг юқори қаторида бирор банд ажратилган ҳолда Left (*Левая*), Files (*Файл*), Disk (*Диск*), Commands (*Команды*), Options (русча версиясида йўқ), Right (*Правая*) бандлари пайдо бўлади (3-расм). NC дастурининг 5.0 версиясида Tools (*Утилиты*) банди қўшилган бўлади.



3-расм. NC менюси.

Керакли банд “→”, “←” тугмалари ёрдамида танланади ва “Enter” тугмаси босилади ва экранда меню ости буйруқлари пайдо бўлади. “↑”, “↓” тугмалари ёрдамида меню ости буйруқларини танлаб “Enter” тугмасини босиш ёрдамида маскур буйруқни бажариш мумкин.

Менюнинг Чап (*Левая*) қисмига (3-расм) мурожаат этилганда экранда иккиламчи дарча ҳосил бўлади. Бу дарча бандларида файлларнинг қисқа номи ва қўшимчаси, тўла номи ва қўшимчаси, ҳажми, ёзилган санаси ва вақти, кўриниши, хотирада файллар ва каталоглар банд қилган ҳажм, каталогларнинг жойлашишини аниқлаш, ҳар бир каталогда жойлашган файллар сони ва хотирада ҳосил




4-расм. Буйруқлар қисми.


қилган умумий ҳажмини аниқлаш каби вазифалар амалга оширилади.

Бундан ташқари файлларнинг номлари ва қўшимчаларини алифбо бўйича, ҳажм катталиклари ва ёзилган саналари бўйича тартибга солиш мумкин. Бунинг учун керакли бандларга мурожаат қилиб, NC жадвалларининг ўнг ёки чап қисмида (4-расм) тегишли маълумотларни ҳосил қилиш мумкин.

*Команды* қисмининг бандларидан фойдаланиб каталогларни ва файлларни ахтариш, экранда сатрлар сонини кўпайтириш ёки камайтириш, фойдаланилаётган компьютер тизимининг имкониятлари ҳақида маълумот олиш мумкин. Масалан, фойдаланувчи учун зарур бўлган файлни тез топиш учун *Поиск* қисмига мурожаат қилинганда экранда иккиламчи дарча ҳосил бўлиб, у ерда *Найти файл* сатрига изланаётган файлнинг белгиси ёзилади ва *Старт* фаоллаштирилади (5-расм). Бу қисмнинг иккинчи гуруҳ бандларида жадваллар ўрнини алмаштириш, олиб



5-расм. Файл излаш.



6-расм. NC конфигурациясини ташкил қилиш.

ташлаш, солиштириш, мослаштириш каби амалларни бажариш мумкин.

Компьютердан фойдаланувчи иш жараёнида баъзи файлларга мунтазам мурожаат қилиши мумкин. Бу ишни осонлаштириш учун ўрганилаётган қисмнинг тўртинчи гуруҳида *Фойдаланувчининг менюси (Меню пользователя)* банди мавжуд. Файлларнинг кўшимчалари устида қайта ишлаш учун кўшимчалар муҳаррири келтирилган.

*Команды* қисмининг охириги банди *конфигурация* деб аталиб, бу ерда NC конфигурациясини ташкил қилиш мумкин (6-расм).

#### 4.4. Клавиатура ва “сичқонча”ни ишлатиш

Бир дарчадан иккинчи дарчага ўтишда “Tab” тугмаси босилади. NC дастурида сўров майдонларида юришда ҳам “Tab” ёки “Shift”, “Tab” тугмалари мажмуасидан фойдаланилади. Майдон матнли, ёки бир неча режимли бўли-

ши мумкин. Майдонда керакли буйруқни танлаш айнан кўрсаткич (стрелка) турган майдондагина бажарилади. Бошқа майдонга ўтиш учун “→”, “←” тугмаларидан фойдаланилади.

“Home” ва “End” тугмалари ёрдамида майдон бошига ва охирига ўтиш, “Del” тугмаси ёрдамида кўрсаткичнинг чап томонидаги, “Bask Space” тугмаси ёрдамида кўрсаткич ўнг томонидаги белгини ўчириш мумкин.

NC дастурида ишлашда экранда қизил рангли тўғри тўртбурчак шаклида “сичқонча” кўрсаткичи пайдо бўлади. Бу тўғри тўртбурчакни “сичқонча” ёрдамида экраннинг керакли жойига силжитишимиз мумкин.

NC да “сичқонча” ёрдамида:

— бирор файлни, меню бандларини, сўровга жавобларни танлаш;

— каталогга кириш;

— менюдаги меню ости буйруқларини танлаш;

— буйруқларни бекор қилиш ва яна бир қатор ишларни бажариш мумкин.

#### **4.5. NC дарчаси ва унинг устида амаллар**

NC дарчасида дискдаги каталог ва файллар мундарижаси, дискдаги каталоглар дарахти, диск ва каталог ҳақида маълумот, файл мазмуни, ажратиб кўрсатилган файл сони ва ҳажми, архивланган файллар мундарижаси ва яна бир қатор маълумотлар акс этади.

Экрандаги NC нинг бир дарчаси ҳамма вақт фаоллашган, иккинчиси фаоллашмаган, фаоллашган панел мавзуси алоҳида ажратилган бўлади. NC даги барча ҳаракатлар одатда фаоллашган дарчада бажарилади.

Дарчаларда бажарилиши мумкин бўлган амаллар 1-жадвалда келтирилган.

Бир дарчадан иккинчисига ўтиш учун “TAB” тугмаси босилади.


№	Функционал тугмалар	Вазифаси
1.	“Ctrl-U”	Дарча ўрнини алмаштириш
2.	“Ctrl-P”	Кераксиз дарчани экрандан олиш ва экранга чиқариш
3.	“Ctrl-O”	Дарчани экрандан олиш ва экранга чиқариш
4.	“Ctrl-L”	Фаоллаштирилмаган дарчани олиб ташлаш ва чиқариш
5.	“Ctrl-F1”	Чап дарчани экрандан олиш ва уни экранга чиқариш
6.	“Ctrl-F2”	Ўнг дарчани экрандан олиш ва уни экранга чиқариш
7.	“Ctrl-F3”	Дарчада алифбо тартибида каталог ва файлларни саралаш
8.	“Ctrl-F4”	Дарчада алифбо тартибида файл кенгайтгичи бўйича саралаш
9.	“Ctrl-F5”	Дарчада файл ва каталогларнинг ташкил этилган санаси бўйича саралаш
10.	“Ctrl-F6”	Файлларнинг ҳажмини камайиш тартибида саралаш
11.	“Ctrl-F7”	Дарча, каталог, файлларни асл ҳолда кўриш
12.	“Ctrl-F9”	Ажратилган файл ёки файллар гуруҳини чоп қилиш
13.	“Alt-F1”	Чап дарчага керакли дискет мундарижасини чиқариш
14.	“Alt-F2”	Ўнг дарчага керакли дискет мундарижасини чиқариш

#### 4.6. Функционал тугмалар

НС дастурида экраннинг қуйи қисмида функционал тугмалар вазифалари ҳақида қисқа маълумот жойлашган (1-расмга қаранг). Бу функционал тугмалар ва тугмалар мажмуасининг қисқача тавсифини келтирамиз (2-жадвал).

№	Буйруқ ёки вазифали тугмалар	Вазифаси
1.	F1 (Help ёки <i>Помощь</i> )	НС билан ишлаш жараёнида тугмалар вазифаси ҳақида маълумот (ёрдам) беради.
2.	F2 (Menu ёки <i>Вызов</i> )	Фойдаланувчи менюси рўйхатидаги буйруқни ишга туширади.
3.	F3 (View ёки <i>Чтение</i> )	Файл мазмунини кўришда ишлатилади. Матнли, архивланган, электрон жадваллар ва бир неча матн муҳаррирларида тайёрланган ҳужжатларни кўришда ишлатилади.
4.	F4 (Edit ёки <i>Правка</i> )	Файлни таҳрир қилишда ишлатилади.
5.	F5 (Copy ёки <i>Копия</i> )	Файлдан нусха олишда ишлатилади. Экран ўртасида файл кўчириладиган манзил ҳақида сўров пайдо бўлади. Фойдаланувчи файл кўчириладиган манзил (диск ва каталог)ни кўрсатиши лозим, акс ҳолда файл иккинчи дарчадаги очилган каталогга нусхаланади.
6.	F6 (Renov ёки <i>Новое имя</i> )	Файл ёки каталогни қайта номлашда ишлатилади. Файл ва каталогни янги ном бериш билан керакли жойга кўчириш ҳам мумкин.
7.	F7 (MkDir ёки <i>Новый каталог</i> )	Янги каталог ташкил қилиш учун ишлатилади.
8.	F8 (Delete ёки <i>Удаление</i> )	Файл ёки каталог (файллар гуруҳи ёки каталоглар)ни ўчиришда ишлатилади.
9.	F9 (PullDn ёки <i>Меню</i> )	НС бошқарув менюсини экранга чиқаради. Бу меню ёрдамида лозим бўлган буйруқларни ҳам бажариш мумкин.
10.	F10 (Quit ёки <i>Выход</i> )	НС қобиқ дастуридан чиқишда ишлатилади.

Юқорида жадвалда келтирилган функционал тугмаларнинг файл ва каталоглар билан ишлашга оид вазифаларини НС менюсининг Файл бандларида кўриш мумкин (7-расм). Бундан ташқари маълум мақсадлар учун файлларни ажратиб олиш (*выделить файлы*) ёки ажратиб



7-рasm. Файллар билан ишлаш.

олишни бекор қилиш ҳамда ўрнини алмаштириш ва қайтадан ташкил қилиш каби вазифаларни амалга оширишимиз мумкин. Файлларни қисмларга бўлиш ёки жамлаш Ctrl-F10 га мос келувчи бандда бажарилади.


#### 4.7. NC да диск билан ишлаш

Дискетни форматлаш учун NC менюсига F9 билан кириб, Disk (Диск) менюси остидан FORMAT Diskette (Форматировать дискету) бандини танлаш лозим. Сўнгра экранда Drive (Дисковод) бандида форматланадиган дискет танланади. Size (Размер) бандида мазкур дискет ҳажми берилади. FORMAT Type (Тип форматирования) бандида форматлаш режими, Safe (Безопасное) бандида дискет

текширилади (илгари форматланган дискетлар учун Quivck (*Быстрое*) режимда дискет текширилмай зудликда форматланади.

Дискетга махсус белги қўйиш учун Options (*Опции*) сўровидан фойдаланилади. Агар дискет тизимли (системали) диск қилиниши жоиз бўлса, Make System Disk (*Создать системный диск*) бандига белги қўйиш лозим.

Дискетдан нусха олиш учун Copy Diskette (*Копировать дискету*) банди NC нинг Disk (*Диск*) менюсидан танланади ва Source (*Источные*) сўровномасида кўчириши лозим бўлган маълумот (дискет ёки файл), Target (*Получатель*) бандида кўчирилиши лозим бўлган манзил кўрсатилади.



8-расм. Дискетлар устида амаллар бажариш.

Дискетда белгини алмаштириш учун Disk (*Диск*) менюсида Label disk (*Метка диска*) банди танланади ва янги белги киритилади.

NORTON COMMANDER дастурида ишлаш жараёнида NC функционал тугмалар вазифалари келтирилган қуйидаги жадвалдан фойдаланиш мумкин (3-жадвал).

№	Буйруқ ёки функционал тугмалар	Бажарувчи вазифаси
1.	"F1-Help"	Функционал тугмалар вазифаси ҳақида маълумот олиш
2.	"F2-User Menu"	Фойдаланувчи буйруқлари менюсини чиқариш
3.	"F3-View"	Файлни кўздан кечириш
4.	"F4-Edit"	Файлни таҳрир қилиш
5.	"F5-Copy"	Файл ёки файллар гуруҳидан нусха кўчириш
6.	"F6-RenMov"	Каталогларни қайта номлаш ва бошқа каталогга кўчириш
7.	"F7-MkDir"	Ички каталоглар ташкил этиш
8.	"F8-Delete"	Файл, файллар гуруҳи ёки каталогни ўчириш
9.	"F9-PullDn"	НС менюси
10.	"F10-Quit"	НСдан чиқиш
11.	"Shift-F3"-View	Файлни кўздан кечириш Файлнинг номи сўралади
12.	"Shift-F4"-Edit	Файлни таҳрир қилиш Файлнинг номи сўралади
13.	"Shift-F5"-Copy	Файл ёки файллар гуруҳидан нусха олиш. Қайси файлни қаерга кўчириш сўралади
14.	"Shift-F6"-Renmov	Файллар ёки каталогларни қайта номлаш ва бошқа каталогга кўчириш, қайси файл ёки каталогни қандай, қаерга кўчириш лозимлиги сўралади
15.	"Shift-F9"	НС да мавжуд режимни сақлаш
16.	"Alt-F3"-View	НСнинг махсус дастури ёрдамида файлларни кўздан кечириш
17.	"Alt-F4"-Edit	Альтернатив муҳаррири ёрдамида файлни таҳрир қилиш
18.	"Alt-F7"-Search	Дискдаги файлни қидириш
19.	"Alt-F8"-History	Олдиндан киритилган буйруқларни кўздан кечириш ва қайта бажариш
20.	"Alt-F9"-Egahn	Экранда 25 талик сатрдан 43 талик сатрга ўтиш
21.	"Alt-F10"-Tree	Бошқа каталогга зудлик билан ўтиш



## Саволлар

### Қуйидаги бандларга жавоб ёзинг:


1. Файл яратиш ва унга маълумот ёзиш.
2. Файл мазмунини кўриш.
3. Файлни таҳрир қилиш.
4. Файлни нусхалаш. Бир неча файлни бир вақтда нусхалаш.
5. Файлни қайта номлаш, файлни чоп қилиш.
6. Файлни ўчириш.
7. Каталог яратиш.
8. Каталогга кириш ва ундан чиқиш.
9. Каталогни қайта номлаш.
10. Каталогни ўчириш.
11. Дарчада каталог дарахтини кўриш. Бошқа дискка ўтиш.
12. Ўнг ёки чап дарчага диск мундарижасини чиқариш.
13. Дарчалар билан ишлаш, улар ўрнини алмаштириш, чап ёки ўнг дарчадан олиб ташлаш, бир дарчадан бошқа дарчага ўтиш.
14. Дискдан файлни тез қидириб топиш.
15. Дискдаги жойни аниқлаш.
16. Файллар гуруҳининг ташкил этилган санаси, ҳажми, алифбо бўйича номи билан саралаш ва ҳ.к.
17. ОС нинг бошқа меню буйруқлари билан ишлаш.
18. ОС дан чиқиш.
19. Қобик дастурлар қандай мақсадда ишлатилади?
20. Қобик дастурларнинг қандай турларини биласиз?
21. ОС қобик дастури қайси фирма томонидан яратилган?



## Машқлар

1. ОС қобик дастурида дарчалар ўрнини алмаштиринг. Кераксиз дарчани экрандан олинг.
2. Фойдаланувчи менюсини ташкил этинг.
3. Матнли файл ташкил қилинг ва уни дискка ёзинг.
4. Дискдаги файл мазмунини экранга чиқаринг ва таҳрир қилинг.
5. Каталог ва туб каталоглар яратинг. Каталогга киринг ва унда файл ташкил қилинг.

6. Каталоглар дарахтини экранга чиқаринг.
7. Каталогларни тез топиш усулини компьютерда кўрсатинг.
8. Файллар гуруҳини белгиланг ва уларни бошқа каталогга кўчиринг.
9. Каталоглар ҳақида маълумот олинг.
10. Дискдаги файлларни солиштиринг ва фарқини аниқланг.



### Умумий маълумотлар

MS DOS муҳитида ишловчи матн муҳаррирлари орасида Е.Н.Веселов ва “Микроинформ” фирмаси ҳамкорлигида яратилган **Лексикон** матн муҳаррири алоҳида ўрин тутади. Мазкур матн муҳаррири кўмагида рус ва инглиз тилида ҳар хил ҳужжатлар, хат, ҳисобот, мақола, тижорат хабарлари каби бир талай матнли маълумотларни зудликда тайёрлаш ва чоп қилиш мумкин. Бу матн муҳаррири ёрдамида ўзбек шрифтида (кирилл алифбосига қ, ф, ҳ, ў ҳарфларини қўшиш назарда тутилмоқда) ва латин алифбоси асосидаги ўзбек тилида ҳар хил маълумотларни ҳам осонлик билан тайёрлаш мумкин.

Лексикон матн муҳаррири кўмагида:

- матнни киритиш, таҳрир қилиш ва кўздан кечириш;
- қатор ораллиқлари абзацини ўрнатиш;
- автоматик тарзда матнни саҳифаларга бўлиш;
- матн қисмини ажратиш ва уни керакли жойга нусхалаш;
- ҳужжат мундарижасини тузиш;
- ҳар хил шрифтларда — оддий, қуюқ, оғма, тагига чизиб ёзиш;
- бир вақтда бир нечта ойнада бир нечта ҳужжатни тайёрлаш, таҳрир қилиш, биридан иккинчисига кўчириб ўтиш каби бир қатор ишларни бажариш мумкин.

#### 5.1. Лексиконни юклаш ва ундан чиқиш

Лексикон матн муҳарририни юклаш учун LEXICON каталогига кириб, lex.exe файли устига кўрсаткич (курсор) келтирилиб “Enter” тугмаси босилади.

Лексиконда тайёрланган бирор файлни юклаш учун LEXICON каталогида lex “файл номи” “Enter” буйруғи берилади.

Лексикондан чиқиш учун F10 тугмаси босилади, “→”, “←” тугмалари ёрдамида “Выход” сўзи ёзилган банд танланади ва “Enter” тугмаси босилади. Агар таҳрир қилинаётган файлда қўшимча тузатишлар бўлмаса, Лексикон ўз ишини якумлайди, акс ҳолда экранда “В окне несохранённый текст” хабари пайдо бўлади. Фойдаланувчи бу ҳолатда қуйидаги буйруқлардан бирини танлаши мумкин:

**Enter** — маттни сақлаш учун;

**Esc** — маттни хотирада сақламай Лексикондан чиқиш учун;

**Бўшлиқ** (пробел) — Лексикондан чиқишни бекор қилиш учун.

Лексиконда функционал тугмалар вазифаси, матн қисмини ажратиш, уни махсус жойга нусхалаш, абзац чегараларини ўрнатиш, форматлаш учун F1 тугмаси босилади.

## 5.2. Лексикон менюси билан ишлаш

Лексикон экранининг юқори икки қаторида матн ва унинг қисмлари устида турли хил амаллар бажариш учун мўлжалланган Лексикон менюси жойлашган. Биринчи қаторда “Для входа в меню нажмите F10” матни ҳамда ойналар номери 1 2 3 4 5 6 7 8 9 0 жойлашган. Ойналар номери орасида тегишли ойна тартиби ажралиб туради. Бир ойнадан бошқа ойнага ўтиш учун “Alt”+“0” + “Alt” + “9” тугмалар мажмуасидан фойдаланилади.

Менюга кириш учун F10 тугмаси босилади ва керакли банд “←”, “→”, “Home”, “End” тугмалари ёрдамида танланади. Танланган банд бажарилиши учун “Enter” тугмаси босилади.

Менюдан таҳрир қилинаётган матнга қайтиш учун “Esc” босилади.

**Лексикон бош менюси буйруқлари** тавсифи қуйидагича:

**Текст** — матн устида амаллар бажарилиши, яъни юк-лаш, хотирада сақлаш, босмага чиқариш ва ҳ.к.;

**Лексика** — матннинг тўғри ёзилганлигини текшириш;

**Абзац** — матн абзаци (хат боши)ни тўғрилаш, формат-лаш, параметрларини танлаш;

**Фрагмент** — матн қисмлари устида амаллар бажариш, яъни ажратиш, ўрнига қўйиш, ўчириш ва ҳ.к.;

**Страницы** — матнни саҳифаларга бўлиш, параметрла-ри (қатор оралиғи, саҳифа тартиби ва ҳ.к.) ни ўрнатиш, мундарижа тайёрлаш;

**Найти** — матндан сўз қидириш;

**Заменить** — матндан сўз қидириш ва уни алмашти-риш;

**Метка** — “*Перейти*” банди ёрдамида тез қайтиш им-конини берувчи ҳужжатда тегишли жойга белги қўйиш;

**Прыг** — матнда олдиндан белги қўйилган жойга ўтиш;

**Шрифт** — матн терилишида одатдаги, оғма, қуюқ (қора), тагига чизилган ҳарфларни ёзиш учун шрифт ўрна-тиш, матндаги шрифтни алмаштириш;

**ДОС** — MS DOS муҳитига ўтиш (қайтиш Exit буйруғи билан);

**Выход** — Лексикондан чиқиш.

### 5.3. Матнни киритиш ва таҳрир қилиш

Матнни одатда клавиатурада териб киритилади. Даст-лаб кўрсаткич (курсор) экранда керакли жойга келтири-лади. Киритилаётган матн кўрсаткич турган жойга жой-лашади.

Агар кирилл алифбосидан лотин алифбосига ўтиш лозим бўлса, F9 тугмаси босилади. “Сичқонча” билан иш-лаш жараёнида менюнинг маълумотнома қаторида “рус”/”лат” банди устида “Сичқонча”нинг чап тугмаси-ни босиш лозим. Айрим клавиатура драйверлари ҳар хил бўлганлиги сабабли кирилл алифбосидан лотин алифбо-сига ўтиш, баъзан икки марта “Shift”ёки “Ctrl” билан ҳам-корликда босилганда амалга оширилиши мумкин.

Матнни янги хат боши (абзац)дан бошлаш учун қатор ниҳоясида “Enter” тугмасини босиш лозим, акс ҳолда

кўрсаткич автоматик равишда қатор ниҳоясидан янги қатор бошига келади.

Матндаги ортиқча белгиларни олиб ташлаш учун кўрсаткич мазкур белги олд томонига келтирилади ва “Del” тугмаси ёрдамида ўчирилади. “Back Space” тугмаси кўрсаткич чап томонидаги белгиларни ўчиришга хизмат қилади. “Shift+Del” тугмалар мажмуаси кўрсаткичдан ўнг томонда турган барча белгиларни қатор охиригача ўчириш учун хизмат қилади. “Shift” + “Back Space” тугмалари мажмуаси кўрсаткич олдида жойлашган барча белгиларни қатор бошигача ўчириш учун хизмат қилади.

Қаторни иккига бўлиш учун бўлинадиган матн майдонига кўрсаткич келтирилади ва “Enter” тугмаси босилади. Икки қаторни бирлаштириш учун биринчи қатор охирига кўрсаткич келтирилади ва “Del” тугмаси босилади. Қаторда белгилар жойлашиши мақсадга мувофиқ бўлмаса, қатор бошига ёки хат бошига кўрсаткич келтириб, мазкур хат бошини “Ctrl+F8” тугмалар ёрдамида форматлаш мумкин.

#### **5.4. Матн қисмини ажратиш ва шрифт ўрнатиш**

Матннинг бирор қисми устида амаллар бажариш учун уни даставвал ажратиш лозим. Ажратилувчи қисм қаторлар ёки қаторнинг маълум бир бўлаги бўлиши мумкин. Қаторни матндан ажратиш учун, мазкур қатор бошига кўрсаткич келтирилади ва F3 тугмаси босилади ва “↑”, “↓”, “Home”, “End” тугмалари ёрдамида керакли қисм ажратилади. Ажратилган қисмни ўчириш ёки “чўнтакка” олиш учун “Ctrl”+“F3” тугмалар мажмуаси биргаликда босилади.

Қаторнинг маълум бир бўлаги ажратилиши лозим бўлса, кўрсаткич ажратилиши керак бўлган қисм бир бурчагига келтирилади, сўнгра “Shift”+“F3” тугмалари босилади ва “→”, “←”, “↑”, “↓” тугмалари ёрдамида керакли матн қисмига борилади. Ажратишни бекор қилиш F4 тугмаси ёрдамида бажарилади ёки менюдан “Фрагмент” банди танланиб, “Enter” тугмаси босилади, сўнгра “Снять Выделение” бандига кўрсаткич келтирилиб “Enter” босилади.

Матн қисмини ажратишни “Фрагмент” менюсида “Выделить” банди ёрдамида ҳам бажариш мумкин.

“Чўнтакка” олинган матн ёки матн қисмини нухалаш ёки бошқа жойга ўрнатиш учун кўрсаткич матн нухаланаётган қисмига келтирилади, сўнгра “Shift+F4” тугмаси босилади.

Ажратилган матн қисмида шрифтни ўзгартириш ҳам мумкин:

“Alt+F2” — таъкидлаш (тагига чизилган ҳолатда) режимида ўтказиш;

“Alt+F3” — оғма (курсив) шрифтига ўтказиш;

“Alt+F4” — қуюқ шрифтга ўтказиш.

Ажратилган матн қисмини абзац каби форматлаш (“Ctrl+F8”), чалга суриш (“Ctrl+F5”), ўнгга суриш (“Ctrl+F6”), ўртага олиш (“F8”), абзацнинг чап чегарасига силжитиш (“Alt+F5”), абзацнинг ўнг чегарасига силжитиш (“Alt+F6”), чоп қилишни “Текст”, “Печать” бандлари ёрдамида бажариш мумкин.

Шрифтни ўрнатишда унинг тартибидан ҳам фойдаланиш мумкин. “Alt+F1” тугмалари бир вақтда босилганда Лексикон шрифт тартибини киритишни сўрайди. У ҳолда қуйидагилардан бири кўрсатилган мақсадда берилади:

0 — одатдаги шрифт;

1 — оғма (курсив) шрифт;

2 — қуюқ шрифт;

3 — қуюқ оғма шрифт;

4 — қуйи индекслар;

5 — юқори индекслар;

7 — грек ҳарфлари ва математик белгилар.

Лексикон матнли муҳарририда ишлаш жараёнида қўл келадиган асосий буйруқлар қуйидаги жадвалларда ўз ифодасини топган.

1-жадвалда меню билан ишлаш буйруқлари жамланган.

2-жадвалда Лексиконда ишлаш тартиби ва айрим тугмаларнинг вазифалари келтирилган.

№	Функционал тугмалар	Бажарадиган вазифаси
1.	“F1”	ёрдам сўраш
2.	“F10”	менюга кириш
3.	“Home”	менюда юриш
4.	“Enter”	менюда керакли бандни танлаш
5.	“Esc”	менюдан чиқиш
6.	“← “	чапга юриш
7.	“→ “	ўнга юриш
8.	“↑“	юқорига юриш
9.	“↓“	пастга юриш
10.	“Home”	қатордаги биринчи белгига бориш
11.	“End”	қатордаги охириги белгига бориш
12.	“Pg Up”	бир саҳифа юқорига юриш
13.	“Pg Dn”	бир саҳифа пастга юриш
14.	“Shift — ↑ “	матннинг бошига бориш
15.	“Shift— ↓ “	матннинг охирига бориш

№	Функционал тугмалар	Бажарадиган вазифаси
1.	“Ins”	белги ўрнига ёки орасига янги белги қўйиш
2.	“F9”	кириллчадан лотинча шрифтга ўтиш ва аксинча
3.	“Del”	кўрсаткич турган белгини кўчириш
4.	“Backspace”	кўрсаткичдан олдин турган белгини ўчириш
5.	“F3” ёки “Ctrl-F3”	кўрсаткич турган қаторни ўчириш ёки чўнтакка олиш
6.	“Ctrl-F3”	матнда ажратилган қисмни чўнтакка олиш
7.	“Shift-F9”	экраннынг матнли ёки графикли режимини танлаш
8.	“Shift-F10”	“Аргумент” F “Текст” режими
9.	“Абзац”, ”Перенос”	сўзларни янги қаторга кўчириш режими
10.	“Абзац”	абзацнинг ўнг четини тўғрилаш режими

3-жадвалда матннинг ажратилган қисми устида бажариладиган амаллар мажмуи келтирилган.

3-жадвал

№	Қаторли қисм	Бўлакли қисм	Бажарадиган вазифаси
1.	"F3"	"Shift-F3"	ажратишни бошлаш
2.	"←", "→"	"←", "→", "↑", "↓"	керакли қисмни ажратиб олиш
3.	"F4"	"F4"	ажратишни бекор қилиш
4.	"Ctrl-F3"	"Ctrl-F3"	ажратилган қисмни ўчириш
5.	"Ctrl-F4"	"Shift-F4"	чўнтакка олинган қисмни ўрнига қўйиш
6.	"Ctrl-F5"		ажратилган қисмни чапга силжитиш
7.	"Ctrl-F6"		ажратилган қисмни ўнгга силжитиш
8.	"Ctrl-F8"		хат боши каби форматлаш

4-жадвалда матнни форматлаш устида бажариладиган амаллар келтирилган.

4-жадвал

№	Функционал тугмалар	Бажарадиган вазифаси
1.	"F8"	кўрсаткич турган қаторни ўртага келтириш
2.	"Ctrl-F8"	кўрсаткич турган матнни қатор бошидан охиригача бирор кўринишда форматлаш
3.	"Shift-F7"	кўрсаткич турган хат боши чегарасини тўғрилаш
4.	"Ctrl-F2"	топилган қаторни алмаштириш
5.	"Shift-F8"	саҳифаларни бўлиш

5-жадвалда матннинг ажратилган қисмини тегишли шрифтлар билан алмаштириш амаллари келтирилган.

5-жадвал

№	Функционал тугмалар	Бажарадиган вазифаси
1.	“Alt-F1”	Шрифтни рақам бўйича қўшиш: 0-одатдаги шрифт 1-оғма шрифт 2-ярим қуюқ шрифт 3-ярим қуюқ оғма шрифт
2.	“Alt-F2”	Ажратиб олинган матнда таъкидлаш режимини қўшиш ва ажратиш
3.	“Alt-F3”	Ажратиб олинган матнда оғма шрифтни қўшиш ва ажратиш
4.	“Alt-F4”	Ажратиб олинган матнда ярим қуюқ шрифтни қўшиш ва ажратиш

Лексикон матн муҳарририда машқ сифатида “Ўзбекистон Республикаси Давлат Мадҳияси”нинг матнини теринг ва натижани чоп қилинг.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат

**М А Д Ҳ И Я С И**

*Абдулла Орипов шеъри,  
Мутал Бурҳонов мусиқаси*

Серқуёш, хур ўлкам, элга бахт, нажот,  
Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон!  
Яшнагай то абад илм-у фан, ижод,  
Шухратинг порласин токи бор жаҳон!

*Нақарот:*

Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон,  
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!

Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,  
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони,  
Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот!  
Истиқлол машъали, тинчлик посбони,  
Хақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

### *Нақарот:*

Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон,  
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!  
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,  
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

?

### *Саволлар*

**Қуйидаги бандларга жавоб ёзинг.**

1. Лексикон матн муҳарририни юклаш.
2. Экрандан менюга чиқиш ва аксинча менюдан иш дарчасига қайтиш.
3. Ёрдам олиш.
4. Матнни киритиш. Кириллча шрифтдан лотинча шрифтга ва аксинча ўтиш.
5. Матнни таҳрир қилиш.
6. Матнни сақлаш.
7. Матнни дискетдан экранга чақириш.
8. Матн қисмлари билан ишлаш.
9. Матнни форматлаш.
10. Матнни саҳифаларга бўлиш.
11. Шрифтлар билан ишлаш.
12. Ойналар билан ишлаш.
13. Жадваллар тузиш.
14. MS DOS га чиқиш ва ундан қайтиш.
15. Матнни чоп қилиш.
16. Лексикондан чиқиш.

!

### *Машқлар*

Лексикон матн муҳарририда қуйидаги матнларни тайёрланг ва натижани чоп қилинг.

1. Гуруҳингиздаги қиз болалар анкета маълумотлари ҳақида ҳужжат тайёрланг.

2. Чораклик синов натижалари ҳақида маълумотли ҳужжат тайёрланг.

3. Ўзбекистондаги тарихий ёдгорликлар ҳақида маълумотли ҳужжат тайёрланг.

4. Тошкент шаҳридаги темир йўл вокзали рейслари ҳақида маълумотли ҳужжат тайёрланг.

5. Тошкент шаҳридаги автовокзал рейслари ҳақида маълумотли ҳужжат тайёрланг.

6. Фарғона шаҳридаги кинотеатрлар ҳақида маълумотли ҳужжат тайёрланг.

7. Зарафшон воҳасидаги шаҳарлар ҳақида маълумотли ҳужжат тайёрланг.

8. Фарғона дам олиш хиёбонлари ҳақида маълумотли ҳужжат тайёрланг.

9. Шаҳардаги шоҳ кўчалар ҳақида маълумотли ҳужжат тайёрланг.

10. Шаҳрингиздаги театрлар ҳақида маълумотли ҳужжат тайёрланг.

11. Пойтахт метрополитени ҳақида маълумотли ҳужжат тайёрланг.

12. Техника олий ўқув юртлари ҳақида маълумотли ҳужжат тайёрланг.

13. Шаҳардаги коллежлар ҳақида маълумотли ҳужжат тайёрланг.

14. Фирма мижозлари ҳақида маълумотли ҳужжат тайёрланг.

15. Лицейингиз ҳақида маълумотли ҳужжат тайёрланг.

16. Дўстларингиз ҳақида маълумотли ҳужжат тайёрланг.

17. Ҳафталик режангиз ҳақида маълумотли ҳужжат тайёрланг.

18. Фарғона воҳасидаги тарихий обидалар ҳақида маълумотли ҳужжат тайёрланг.

19. Ўзбекистон ёзувчилари ҳақида маълумотли ҳужжат тайёрланг.

20. Ўзбек журналистлари ҳақида маълумотли ҳужжат тайёрланг.

21. Ўзбекистон телевидениеси суҳандонлари ҳақида маълумотли ҳужжат тайёрланг.

22. Профессор-ўқитувчиларингиз ҳақида маълумотли ҳужжат тайёрланг.

23. Шаҳрингиздаги йирик ташкилотлар ҳақида маълумотли ҳужжат тайёрланг.

24. Вилоятингиздаги туманлар ҳақида маълумотли ҳужжат тайёрланг.

25. Кунлик иш режангиз ҳақида маълумотли ҳужжат тайёрланг.

26. Ҳафталик дарс жадвали ҳақида маълумотли ҳужжат тайёрланг.

27. Республикада фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар ҳақида маълумотли ҳужжат тайёрланг.

28. Йирик банклар ҳақида маълумотли ҳужжат тайёрланг.



### Бошланғич маълумотлар

Windows операцион тизими Microsoft фирмаси томонидан IBM PC туридаги компьютерлар учун махсус яратилган дастур бўлиб, унинг фойдаланувчилар учун қулай бўлган имкониятлари мавжуд. Тизим кўмагида ОС дастури каби файл ва каталог яратиш, нусха олиш, қайта номлаш, ўчириш, матнли файлларни чоп қилиш, бир вақтда бир нечта каталог ва файллар мажмуаси билан яққол график режимда ишлаш мумкин. Шу боис бу дастурни айти вақтда миллионлаб фойдаланувчилар ўз амалий иш фаолиятларида кенг қўллашмоқда.

Microsoft фирмаси гарчанд Windows дастурини дастлаб 1983 йилда яратган бўлса-да, йилдан-йилга уни тақомиллаштирмоқда. Дастлаб, Windows 3.x версиялари, яқин ўтган даврда Windows 95, орадан уч йил ўтиб Windows 98 версиялари бутун жаҳонга, хусусан Ўзбекистонга ҳам кириб келди. Жорий йилдан бошлаб Windows 2000 версияси ҳам ишлатила бошланди.

Республикада айти вақтда олий ва ўрта махсус билим юртлари ўқув жараёнида кўпроқ Windows 3.1-3.11 версиялари, Windows 95 ҳамда Windows 98 версиялари ишлатилмоқда. Шу боис, биз барча Windows дастурлари учун ягона умумий маълумотлар хусусида (гарчанд улар бир-биридан фарқ қилса-да) ҳамда Windows дастури кўмагида ишловчи WORD, Excel, Paint дастурлари ҳақида қисқача маълумот берамиз.

## 6.1. Windowsни юклаш ва ундан чиқиш



Windowsни юклаш учун MS DOS операцион тизими буйруқлар сатрида win буйруғи клавиатура орқали киритилиб **Enter** босилади ёки NC дарчасидан Windows каталогига кириб, win.com файли устига кўрсаткич келтирилиб **Enter** босилади. Натижада экранда дастлаб

Windows белгиси туширилган зарварақ, сўнгра таъминлаш дастури очилади. Замоनावий компьютерларда Windowsнинг зикр этилган охирги версиялари ишлатилаётганлиги сабабли улар асосий операцион тизимга айланган. MS DOS операцион тизими ва NC қобиқ дастурлари ва улар асносида яратилган дастурларга эҳтиёж бир оз сусайди. Шу боис кўпчилик компьютерлар юкланиши билан Windows 98 қобиқ дастури бевосита ишга тушади. Унинг таркибидаги бошқа дастурларга мурожаат этиш **Пуск** (Юклаш) тугмаси ёрдамида бажарилади.


Windows дан чиқиш учун **Пуск** тугмасининг **Завершение работы** бандига кириб у ерда компьютерни ўчириш, қайтадан ишга тушириш, MS DOS режимида ишга тушириш ёки компьютер ишлашини вақтинча тўхтатиш каби ишларни бажариш мумкин. “Alt-F4” тугмаларни биргаликда босиб Windows дан чиқиш ҳам мумкин, бунда чиқиш ҳақидаги компьютер сўровига “OK” (“ҲА”) ни “сичқонча” кўрсаткичи билан танлаб жавоб бериш зарур.

*Эслатма.* Айрим компьютерларда юклаш жараёни фойдаланувчи томонидан ўзгартирилган бўлиши ҳам мумкин.

## 6.2. Windows иш столи ва унинг ёрлиқлари

Windows дастури юкланганидан кейин экранда Windows 98 дастурининг таъминлаш дарчасида “Иш столи” ҳосил бўлади (1-расм).

Иш столида тизим ва амалий дастурларга мос келувчи ёрлиқларнинг турли кўринишлари ҳосил бўлади:



1-расм. Windows 98 таъминлаш дастурининг кўриниши.

• **Мой компьютер (Менинг компьютерим)** — дисклар билан ишлаш, янги файл ва каталоглар яратиш, компьютерни ва ташқи қурилмаларни созлаш каби вазифаларни бажаради.

• **Мои документы (Менинг ҳужжатларим)** — фойдаланувчининг амалий дастурларда ишланган ҳужжатлари жамланади.

• **Проводник (Бошловчи)** — файл ва каталоглар устида амаллар, файлларни излаш ва ишга тушириш каби вазифаларни бажаришга мўлжалланган.

• **Портфель** — Internet тизимида фойдаланиш учун танланган ҳужжатлар сақланади.

• **Корзина** — нокерак дастурлар, файллар ва каталоглар узил-кесил йўқотилиши олдидан вақтинча сақлаш учун мўлжалланган дастур.

Айни вақтда компьютерингизда Windows нинг инглизча ёки русча версияси ўрнатилган бўлиши мумкин. Windows нинг инглизча версияси компьютерингизда ўрнатилган бўлса, тизим ва татбиқий дастурлар ёрликлари инглизча тавсифда берилган бўлади.

Шуни эслатиб ўтамизки, Windows 3.1-3.11 версияларининг таъминлаш дастури Windows 95 ва Windows 98 версиялариникидан фарқ қилади.

Иш столига янги жилд ёки ёрлиқларни қўшиш учун “сичқонча”нинг ўнг тугмаси бирор бўш жойда босилади ва ҳосил бўлган мулоқот дарчасидан **Создать** банди фаоллаштирилади. Натижада ҳосил бўлган иккиламчи мулоқот дарчасидан керакли бўлими танлаб олиниб, иш столида тизим кўргазмаси бўйича янги ёрлиқ ёки жилд ҳосил қилинади. Сўнгра уларга зарурий дастурлар мажмуасини жойлаштириш ва ном бериш орқали фойдаланишимиз мумкин.

### 6.3. Пуск тугмаси ва унинг бўлимлари билан ишлаш

Иш столида мавжуд ёрлиқ ва жилдлардан фойдаланган ҳолда тизим ёки амалий дастурларни бевосита фаоллаштириш ва юклаш имкониятига эга бўламиз. Шу билан бирга компьютер хотирасида мавжуд барча дастурларни иш столида ҳосил қилиш мақсадга мувофиқ эмас.

 Windows Update	Windows дастуридаги ўзгаришларни назорат қилади ва тасдиқлайди
 Программы	Windows нинг барча дастурлари рўйхати
 Избранное	Web-саҳифа учун танланган файллар
 Документы	Охирги мурожаат этилган 15 та ҳужжат рўйхати
 Настройка	Тизим ёки иш столининг ҳолатини созлаш
 Найти	Файл ва жилдларни ахтариш
 Справка	Ёрдамчи маълумотларни олиш
 Выполнить...	Web-саҳифани очиш ёки амалий дастурларни ишга тушириш
 Завершение сеанса ИванЕ...	Windows дан чиқиш
 Завершение работы...	Компьютерни ўчириш ёки қайта ишга тушириш

2-расм. Пуск тугмаси тавсифи.





3-расм. Windows 98 да “ПРОГРАММЫ” бандида юриш.

Бу дастурларга мурожаат этишнинг самарали усули **Пуск** (Юклаш) тугмасини ишга туширишдир. **Пуск** тугмаси менюси тавсифи 2-расмда келтирилган.

**Пуск** тугмаси ёрдамида **Программы** бўлимига мурожаат этилганда, иккиламчи дарча ҳосил бўлиб, ундан фойдаланувчи ўзи учун зарур деб ҳисоблаган дастурларни танлаши мумкин. Бу дастурлар орасида асосийлари вирусдан компьютерларни ҳимояловчи, файлларни архивлаштирувчи, **Office**, стандарт, бошловчи ва амалий дастурлар ҳисобланади. Масалан, **Программы — Стандартные — Служебные** кетма-кетлигидан фойдаланган ҳолда диск ҳолатини назорат қилиш, тозалаш, текшириш каби ишларни амалга ошириш мумкин (3-расм).

Мазкур менюга янги бўлимлар ёки бандлар қўшиш учун **Настройка** бўлимида **Панель задач и меню “Пуск”** банди орқали **Панель задач** мулоқотли дарчасига кириб, **Настройка меню** қисмига ўтилади. Бу ерда **Обзор...** тугмаси орқали керакли дастур таклиф этилган жадвалдан танлаб олиниб мос келувчи ёрлиқлар қўйилади.

**Панель задач** дарчасида **Параметры панели задач** банди масалалар сатри (экранда энг қуйи сатр)ни таҳрир қилиши мумкин.




4- расм. Пуск менюсига янги бўлимлар қўшиш.

## 6.4. Windows дастурлари дарчиси ва менюси

Windowsнинг барча дастурлари дарчада жойлашган бўлиб ўз меню сатрига эга бўлади, яъни ҳар бир дастур учун алоҳида муҳит яратилган бўлиб, у ерда махсус буйруқлар ва кўрсатмалар мавжуд. Дастур ойнасининг юқори қаторида дастур номи, тагида меню сатри жойлашган. Ҳар бир менюда шу гуруҳга мансуб бандлар мавжуд, бу бандлар ўз навбатида қисм-бандларга бўлинади. Қисм-бандларнинг баъзилари кўрсаткичига эга ва улар навбатдаги дарчаларига эга бўладилар (5-расм).

Меню билан ишлаш учун “сичқонча” тугмасини меню қаторида босиш лозим, сўнгра меню ости буйруқларини кўрсатувчи тўртбурчак шаклида соҳа очилади. Керакли буйруқни бериш учун мос буйруқ банди танланади ва “сич-



5- расм. Windows татбиқий дастурлари менюси.

қонча” тугмаси босилади. Агар бошқа бирор буйруқ киритилиши учун олдингисини бекор қилиш лозим бўлса, шу менюдан ташқари жойда “сичқонча” тугмаси босилади.

Хусусан, **Windows 98 Microsoft Access** татбиқий дастурида

“Файл”, “Вид”, “Вставка”, “Сервис”, “Окно”, “?”

асосий меню бўлимлари мавжуд бўлиб (5-расм), биз уларнинг мисолида деярли барча татбиқий дастурлар учун умумий бўлган бўлимлар вазифалари билан танишиб чиқамиз .

“Файл” буйруқлар тўпламидаги бандлар қуйидаги вазифаларни бажаради(1-жадвал).

*1-жадвал*

Создать	Янги файл ташкил қилишда ишлатилади
Открыть	Хотирадаги файлни экранга чиқаради
Закрыть	Экранни файлдан тозалайди
Сохранить	Файлни хотирага киритади
Сохранить как	Файлни бирор ном билан хотирада сақлайди
Версии	Файлнинг бирор вариантини сақлаб қолади
Параметры страницы	Саҳифа учун ҳошия, варақнинг ўлчами, қоғозни узатиш усули берилади
Предварительный просмотр	Ҳужжатлар билан дастлабки танишув
Печать	Ҳужжатларни чоп этиш усулини аниқлаш
Отправить	Файлни танланган йўналиш бўйича жўнатади
Свойства	Файл хоссалари ҳақида маълумот олиш

Жадвалда келтирилган асосий бандлар ўз навбатида иккиламчи дарчага эга бўлиб, бу ерда банднинг вазифалари ва имкониятлари акс эттирилади. Масалан, қаралаётган қисмнинг **Свойства** банди фаоллаштирилганда, иккиламчи дарчада файлнинг умумий хоссаси, яратилган ҳужжатнинг муаллифи, ташкилоти ҳақида ахборот, ҳужжатнинг ўзгартирилганлиги ҳақидаги статистика ва таркиби ҳақида маълумотлар олиш мумкин (6-расм).

Общие | Документ | **Статистика** | Состав | Прочие

Создан: воскресенье 31 декабря 2000 19:57:00  
 Изменен: суббота 31 марта 2001 13:15:50  
 Открыт: суббота 31 марта 2001  
 Напечатан: вторник 23 января 2001 21:33:00

Автор изменений: Ahmedov Akram Burhanovich  
 Редакция: 15  
 Общее время правки: 185 мин

Статистика:	Характеристика	Значение
	Страниц:	15
	Абзацев:	153
	Строк:	2055
	Слов:	1610
	Символов:	10750
	Символов и пробелов:	12685

OK

Отмена

6-расм. Хоссалар.

	Отменить ввод	Alt+Backspace
	Повторить ввод	F4
	Вырезать	Shift+Del
	Копировать	Ctrl+Ins
	Вставить	Shift+Ins
	Специальная вставка...	
	Вставить как гиперссылку	
	Очистить	Del
	Выделить все	Ctrl+Доп. 5
	Найти...	Ctrl+a
	Заменить...	Ctrl+p
	Перейти...	F5

7-расм. Саҳифани таҳрир қилиш.


“Правка” қисмида жорий саҳифага тегишли таҳрир қилиш ишларини амалга оширувчи бандлар мужассамлашган (7-расм). Бу бандларнинг вазифалари билан танишиб чиқамиз (2-жадвал).

## 6.5. Правка бўлими бандлари ҳақида умумий маълумотлар

2-жадвал

1.	Отменить ввод	Олдинги ҳаракатни бекор қилади
2.	Повторить ввод	Олдинги ҳаракатга қайтади
3.	Вырезать	Саҳифанининг ажратилган қисмини хотиранинг алмаштириш (буфер) қисмига жўнатади.
4.	Копировать	Саҳифанининг ажратилган қисмининг нусхасини олишга тайёрлайди.
5.	Вставить	Ажратилган қисмни керакли жойга олиб кўяди
6.	Очистить	Саҳифани тозалайди
7.	Выделить все	Барча файлларни белгилайди
8.	Найти	Файлда керакли белги ёки сўзни топади
9.	Заменить	Бирор сўзни керакли сўз билан алмаштиради
10.	Перейти	Керакли саҳифага ўтиш имкониятини беради


*Эслатма.* Менюнинг қолган бандлари ва уларга тегишли қисм-бандлар ҳар бир татбиқий дастурлар учун алоҳида кўринишга ва вазифаларига эга бўлади. Шу сабабли қолган қисмлар билан ҳар бир дастурда алоҳида танишиб чиқамиз.



8-расм. Ускуналар панели.

Жорий дастур исми қаторининг ўнг қисмида дастурни ёпиш, дарчани кенгайтириш ёки йиғиш учун махсус тугмалар мавжуд (8-расмда кўрсаткич орқали берилган) ва улар “сичқонча” кўрсаткичи орқали фаоллаштирилади. Худди шунингдек, **Windows** дастурларидан фойдаланишда ускуналар панели муҳим аҳамиятга молик. Бу ерда берилган тугмалар меню бўлимларидаги кўпчилик бандларнинг вазифасини бажаради:


- **Верх** тугмаси уст каталогига ўтказди.
- **Вырезать** белгиланган файл (қисм ва ҳ.к.) ни алмаштириш буферига ўтказди.
- **Копировать** белгиланган қисмнинг нусхасини алмаштириш буферига ҳосил қилади.
- **Вставить** алмаштириш буферига объектни ишчи соҳанинг керакли қисмига жойлаштиради.
- **Удалить** тугмаси босилиши натижасида белгиланган қисм йўқотилади.
- **Свойства** тугмаси белгиланган қисмнинг хусусиятлари ҳақида маълумотни экранга чиқаради.
- **Вид** тугмаси дарчада маълумот берилиш усулини бошқаради.



9-расм. Ускуналар панелини созлаш.

Ускуналар панелидаги тугмалардан фойдаланиш учун “сичқонча”нинг кўрсаткичи улар устига келтирилиб чап тугмаси босилади.

Ускуналар панелида янги вазифали тугмалар ҳосил қилиш учун дастур менюсида **Вид** қисмининг **Панель инструментов** бандидаги **Настройка** бўлимига мурожаат қилинади. Натижада экранда иккиламчи дарча ҳосил бўлиб (9-расм), у ерда **Панель инструментов**, **Команды** бандларидан фойдаланган ҳолда жорий дастурнинг **Меню** қисмлари ёки ускуналар панелига ўзгартиришлар кириштиш ва янги вазифали тугмалар ҳосил қилиш мумкин. Масалан, ускуналар панелида янги тугмалар ҳосил қилиш учун **Настройка (Созлаш)** нинг **Панель инструментов** даги керакли қисмга “сичқонча”нинг кўрсаткичи олиб келиниб, чап тугма босилган ҳолда, ускуналар қаторида керакли бўлимлар ҳосил қилинади.






10-расм. Тизим дастурлари мулоқотли дарчаси.

Одатда тизим дастурлари дарчасида фойдаланувчи томонидан қатъий ўзгартиришлар киритилмайди. Шу сабабли уларга хос бўлган дарчалар мулоқот учун мослаштирилган бўлади. Масалан, **Специальные возможности (Махсус имкониятлар)** дастурига мурожаат этилганда, дарча 10-расм кўринишига эга бўлиб, у ерда ногиронлар учун керакли мослаш ишларини амалга ошириш мумкин бўлади.

## 6.6. Менинг компьютерим дастурида ишлаш

**Менинг компьютерим** ёрлиғи файл ёки дискларни кўриш учун қулайлик туғдиради ва у ерда қуйидаги қисм ёрлиқлар ҳосил бўлиши мумкин.

	Г — Қаттиқ дискни кўриш
	Г — Тармоқдаги дискни кўриш
	Г — Компакт дискни кўриш
	Г — Компьютер тизимини созлаш
	Г — Чоп этишни созлаш
	Г — Web-саҳифаси ҳужжатлари
	Г — Тармоқдаги компьютерлар билан боғланиш
	Г — Жилдларнинг мазмуни билан танишиш



11-расм. Менинг компьютерим дарчаси.

Бирор дискнинг мазмуни билан танишиш учун иш столидаги **Менинг компьютерим** ёрлиғига “сичқонча”нинг кўрсаткичи олиб келиниб, чап тугма икки марта босилди, натижада экранда ҳосил бўлган дарчага мурожаат этилади (11-расм).

Бу дастур менюси бўлимлари Windows учун умумий бўлган бандлардан тузилган. Шу сабабли бу дастур менюси устида тўхталмаймиз. Мазкур дастурдаги асосий ёрликлардан бири **Бошқариш панели** бўлиб, у унинг устида “сичқонча” кўрсаткичи босилгандан сўнг фаоллашади.

## 6.7. Бошқариш панели

Бошқариш панели компьютерни фойдаланувчининг эҳтиёжига боғлиқ равишда бажарилаётган ишлар кўлами ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда бирор кўришни энг мақбул усулда ҳосил қилиш имконини беради.

Бу дастур менюси амалий дастурлар каби бўлиб, дастлабки иккита бўлимида одатдаги бандлар (1, 2-жад-



вал) қатнашади. Вид қисмининг бандлари номлари ўхшаш бўлса-да, амалга ошираётган вазифалари дастурнинг ички талабларига мослаштирилган.

Вид	Переход	Избранн
Панели инструментов		
Строка состояния		
Панели обозревателя		
Как веб-страница		
Круглые значки		
Мелкие значки		
Список		
Таблица		
Упорядочить значки		
Выстроить значки		
Обновить		
Свойства папки		

Ускуналар панели;
Саҳифа ҳолатини аниқлаш;
Саҳифанинг ишчи кўриниши;
Интернетга мурожаат;
Ёрлиқни йирик кўриниши;
Ёрлиқни майда кўриниши;
Дастурларнинг рўйхати;
Тўла маълумотли кўрин.
Ёрлиқларни тартиблаш;
Ёрлиқни жойлаштириш;
Ишчи соҳани янгилаш;
Жилдларнинг хоссаларини аниқлаш;

Масалан, **Панель инструментов** бандига мурожаат этиб, дарчадаги ёрлиқларни турли кўринишда экранда ҳосил қилишимиз мумкин.

**Панели обозревателя** бандидаги **папки** (жилдлар) қисм-бандини фаоллаштириш орқали қаттиқ дискдаги ихтиёрий жилднинг моҳияти ва мазмунини бошқариш панелининг ишчи саҳифасига чиқаришимиз мумкин (12- расм).

Бошқариш панелидаги ёрлиқлар вазифаси ва имкониятлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз:



Мультимедиа

Аудио, видео ва компакт дисклар учун дастурларни ўрнатиш.




Сеть

Компьютерни локал тармоқларда ишлаши учун мослаштириш.



Шрифты

Тизим ва амалий дастурларда ишлатиш учун шрифтлар ўрнатиш.



12- расм. Жилд ва дискларни шарҳлаш.



Система

Жорий компьютер тизими ҳақида умумий маълумотлар жамланган.



Экран

Экран кутиш ҳолатидаги тасвирни танлаш, дарчаларни расмийлаштириш.



Модем

Компьютерни ташқи тармоқларга улаш.



Свойства  
обозревателя

Интернет тармоқлар билан боғланишда хавфсизликни таъминлаш.



Установка  
оборудования

Янги қурилмаларни улаш учун керакли дастурни ўрнатиш.



Дата и время

Компьютерга жорий сана ва вақтни ўрнатиш.



Пароли

Компьютерда фойдаланувчилар фаолиятини тартибга солиш, калит ўрнатиш.



Специальные  
возможности

Ногиронлар учун махсус имкониятлар яратиш.



Язык и стандарты



Пользователи



Компьютер ишлатилаётган мамлакат учун пул, ўлчов бирлиги танлаш.

Компьютерда кўп фойдаланувчилик ҳолатини ташкил қилиш.

Тавсия этилаётган ҳар бир дастур ўзининг мулоқот дарчасига эга бўлиб, у ердаги кўрсатмалар асосида компьютернинг имкониятига керакли ўзгартиришлар киритиш мумкин. Юқорида қайд этилган дастурларнинг орасида **Экран, Система, Специальные возможности, Шрифты, Установка и удаление, Принтеры** ёрликларига фойдаланувчи бошқаларига нисбатан кўпроқ муурожаат қилади.

## 6.8. Экран ёрлиги

Мазкур дастурга муурожаат этилганда мулоқотли дарча ҳосил бўлиб, унда **Фон, Заставка, Оформление, Эффекты, Интернет, Настройка** каби қисмлар мавжуд.





13-расм. Иш столининг кўриниши, ёрликларни ўзгартириш ва дарча қисмларининг рангларини танлаш.

**Фон** фаоллаштирилганда иш столидаги кўринишини берилган файллар рўйхатидан танлаб олиш имконияти ҳосил бўлади. Худди шу сингари **Оформление** қисми фаоллаштирилиб дарчаларнинг ранглари, шрифтларини танлаш ва ўзгартириш мумкин (13-расм). Бунинг учун танлаб олинган дарча бўлагининг ранги ва ёзувлари **Размер** ва **Цвет** тугмалари орқали ўзгартирилади. **Эффекты** қисми орқали иш столидаги дастур учун белгиланган ёрлиқларнинг кўринишини ўзгартириш мумкин. Бунинг учун **Сменить значок** тугмасига мурожаат қилинади ва экранда иккиламчи мулоқот дарчаси ҳосил бўлиб, у ердан керакли ёрлиқ нишони танлаб олиниб, белгиланган дастурнинг янги ёрлиғи сифатида ишлатилиши мумкин. **Настройка** банди ёрдамида экрандаги рангларнинг жи- лоланишини яхшилаш, янги ранглар ҳосил қилиш, шакл- ларни ранглашда тўлдириш усулини танлаб олиш мум- кин бўлади.

## 6.9. Хужжатларни чоп этиш

Бошқариш панелининг **Принтеры** ёрлиғига мурожаат қилиш орқали компьютерга янги принтер улаш имкони- ятини яратиш ёки мавжуд принтер ишини тартибга со- лиш мумкин. Бунда чоп этишни тўхтатиш — (**Приоста- новить печать**) ёки навбатни бекор — (**Очистить очередь**) қилиш мумкин. **Свойства** банди орқали қоғозларнинг ўлчамини, узатиш ва чоп этиш усулини танлаш, тасвир- ларни (**Графика**) ҳосил қилиш усулини белгилаш каби бир қатор амалларни бажариш мумкин.

**Установка принтера** қисми орқали компьютерга янги принтерни улаш учун сошлаш ишларини бажаришимиз мумкин, бу ерда мавжуд рўйхатдан ёки диск юритувчи- дан киритиш орқали керакли принтер адаптерини ўрна- тиш ва янги принтер учун портларни танлашимиз мум- кин бўлади (14-расм).




14-расм.

## 6.10. Бошловчи. Файл ва жилдлар устида амаллар

**Проводник** (Бошловчи) дастури Windows 98 тизимида моҳияти бўйича Norton Commander қобиқ дастурининг файл ва каталоглар устида бажариладиган тегишли буйруқларини ўзида мужассамлаштирган. Дастурнинг ўз меню сатри бўлиб, унинг бандлари **Менинг компьютерим** менюсидан деярли фарқ қилмайди ва номланиши айнан сақланган. Лекин таҳририй дарча икки қисм — ўнг ва чап бўлақлардан иборат. Дарчанинг чап қисмида жилдлар дарахти, ўнг қисмида эса белгиланган жилдга мос кичик жилд ва файллар рўяхати келтирилган (15-расм). Жилдлар дарахтида ҳар бир ёрлиқ олдидаги † белгиси жорий жилд кичик жилдга эга эканлигини, — белгиси жилднинг тўла очилганлигини билдиради.

Бирор файлни бир жилддан иккинчисига ўтказиш учун, белгиланган файл “сичқонча”нинг кўрсаткичи олиб келиниб, чап тугма босилган ҳолда силжитилиб, ўтказилаётган жилднинг устига олиб борилади ва тугма қўйиб юборилади. Бирор файлни нусхасини олиш учун юқоридаги амал клавиатурадаги “Ctrl” тугмаси босилган ҳолда амалга оширилади. Файл ёки жилдлар гуруҳини белгилаш учун, уларнинг ёнида “сичқонча”нинг чап тугмаси босилади. Натижада ажратиб олинган гуруҳ ёрлиқлари-

нинг ранги ўзгаради. Улардан нусха олиш ёки кўчириш юқоридагига айнан ўхшаш бўлади. Бошловчи дарчасида барча файллар бажараётган вазифаларининг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда мос ёрликлар орқали ифодаланadi. Бу ёрликларнинг тури кўп бўлиб, уларнинг моҳиятини тушуниш учун **Менюнинг Вид** қисмидаги **Свойства** банди фаоллаштирилади.



15-расм. Бошловчи дастурининг дарчаси.

Ҳосил бўлган мулоқотли дарчада **Типы файлов** бўлими орқали керакли маълумотга эга бўлишимиз мумкин. Бирор керакли файлни топиш учун **Менюнинг Сервис** қисмидаги **Поиск** бандига мурожаат қилиниб, ҳосил бўлган мулоқотли дарчада изланаётган файлнинг белгиси кирилади (16-расм).

**.EXE** қўшимчага эга бўлган файл ёрликларини фаоллаштириш орқали мазкур дастурни ишга тушириш мумкин.

Бошловчи дастурига ўхшаш вазифаларни **Менинг ҳужжатларим** ёрлигини фаоллаштириш орқали ҳам бажариш мумкин. Бу ерда алоҳида олинган фойдаланувчи томонидан ҳосил қилинган ҳужжатлар мажмуаси жамланган бўлади.



Демак, **Менинг ҳужжатларим** дастурида меню **Файл** қисмининг бандлари умумий ҳолдан бир мунча фарқ қилади. Шу билан биргаликда жорий ҳолатнинг имконияти ва вазифаларидан келиб чиқиб, **Менинг ҳужжатларим** дарчасида меню бўлимларининг баъзи бирлари бўлмаслиги ҳам мумкин. **Файл** бўлимининг **Отправить** бандидан фойдаланиб жилд ва файлларнинг нусхаси юмшоқ ёки қаттиқ дискларда ҳосил қилиниши мумкин.

Баъзи ҳолларда татбиқий дастурларга мурожаат қилмасдан файлнинг мазмунини аниқлаш зарур бўлади. Бундай ҳолларда **Быстрый просмотр** бандидан фойдаланишимиз мумкин.

**Файл** ва жилдларни ҳажмини қисқартириб сақлаш учун **Архивлашнинг** турли усулларига мурожаат қилишимиз мумкин.

**Файл** бўлимининг бошқа бандлари юқорида таъкидланган умумий ҳоллардан деярли фарқ қилмайди.


**Windows** да бажариладиган вазифаларнинг кўлами жуда кенг бўлиб, уларни амалга оширишда фойдаланиш учун қулай ва тузилиши содда бўлган ёрдамчи дастурлар мавжуд.

## 6.11. Калькулятор

**Калькулятор** — чўнтак калькулятори вазифаларини бажариб, икки хил режимда: оддий ва муҳандислик вариантыда ишлаши мумкин(17-расм ). Оддий калькулятор тўрт арифметик амални бажаради, берилган қийматлардан илдиз чиқаради, фоизни ҳисоблайди ва тескари қийматни аниқлайди. Муҳандислик калькулятори бундан ташқари тригонометрик ва мантиқий функцияларни ҳисоблайди, қиймат ва бурчакларни турли саноқ системаларига ўтказиш ва бошқа вазифаларни бажаради.

Калькуляторни ишга тушириш учун **Пуск** тугмасида **Программы, Стандартные** кетма-кетлигида **Калькулятор** банди фаоллаштирилади.

Мазкур дастур ўз менюсига эга бўлиб, у учта бўлимдан иборат: **Правка, Вид** ва **Справка**. **Правка** бўлими ёрдамида киритилаётган ифодаларни нусхасини олиш ва



17-расм. Оддий ва муҳандислик калькулятори.

зарур бўлган жойларга қўйиш мумкин. **Вид** бўлимида калькуляторнинг оддий ва муҳандислик кўринишлари танланади. **Справка** бўлимида калькуляторни самарали ишлатиш учун зарур маълумотлар жамланган.

Калькуляторнинг қийматларни киритиш дарчасидан сўнг қийматларни 16, 10, 8 ва 2 лик саноқ системаларига ўтказиш ва бурчакларни радиан ва градусларда бериш учун мўлжалланган Hex, Dec, Oct, Bin тугмалари алоҳида қаторда жамланган. Бир саноқ системасидан иккинчисига ўтишда ҳақиқий сонларнинг каср қисми ташлаб юборилади.

Калькулятор функционал тугмаларининг вазифаларини ва клавиатурада мос тугмаларни жадвал кўринишида акс эттирамиз (3-жадвал).

Тугма	Тугмалар мажмуи	Вазифаси
Sta	Ctrl+S	Статистик ҳисоб ва Ave S Sum ва dat ни ишга тушириш
Ave	Ctrl +A	Қийматлар, Inv Ave эса квадратлар ўрта арифметиғини ҳисоблаш
Sum	Ctrl+T	Қийматларнинг Inv + Sum квадратлар йиғиндисини ҳисоблаш
S	Ctrl+D	Қийматларнинг ўртача фарқланишини ҳисоблаш
Dat	Ins	Қийматни статистика дарчасига киритиш
Inv	I	Тригонометрик, статистик, даражали функцияларнинг тескарисини аниқлаш
Нур	Н	Sin, cos, tg функцияларни гиперболик кўринишга ўтказди
Mc	Ctrl +L	Хотирадаги қийматни йўқотади
Mr	Ctrl+R	Хотирадаги қийматни кўрсатади
Ms	Ctrl+M	Қийматни хотирага киритади
M+	Ctrl+P	Қийматни хотирада қўшади
F-E	V	Қийматнинг табиий ёки экспоненциал кўриниши
dms	M	10 ли санок сист.бурчакни град-мин-сек ўтказиш
x^y	y	x ни у даражага кўтариш
1/x	r	x га тескари қийматни топиш
n!	!	Факториални ҳисоблаш
Mod	%	Қолдиқни ҳисоблаш
And	&	Мантиқий кўпайтириш
Or		Мантиқий қўшиш
Xor	^	Инкорли мантиқий қўшиш
Lsh	<	Чапга разрядли силжитиш
int	;	Ҳақиқий соннинг бутун қисми

*Эслатма.* Вазифаси белгиланиши орқали аниқ кўрсатилган тугмалар устида тўхталмадик.

Калькуляторда амаллар бажариш тартиби ҳақида қис-  
қача тўхталиб ўтамыз:

*Оддий ҳисоблашларни бажариш.*

1. Биринчи қийматни киритинг.
2. Арифметик амал тугмаларини босинг.
3. Кейинги қийматни киритинг.
4. Қолган оператор ва қийматларни киритинг.
5. “=” тугмасини босинг.

*Статистик ҳисоблашларни бажариш.*

1. Биринчи қийматни киритинг.
2. Sta ва Dat тугмаларини кетма-кет босинг.
3. Dat тугмасини ҳар сафар босиб, қолган қийматлар-  
ни киритинг.
4. Sta тугмасини босинг.
5. Зарурий статистик функциянинг тугмасини босинг.

*Муҳандислик ҳисоблашларини бажариш.*


1. Саноқ системасини танланг.
2. Биринчи қийматни киритинг.
3. Керакли операторни танланг.
4. Кейинги қийматни киритинг.
5. Кейинги оператор ва қийматларни киритинг.
6. “=” тугмасини босинг.

Шундай қилиб, калькулятор ёрдамида унча мураккаб  
бўлмаган статистик ва муҳандислик ҳисоблашларни ба-  
жариш мумкин.

## **6.12. Stylus — таржимон дастури**

Мазкур дастур ёрдамида файлда жойлашган ёки бево-  
сита киритилган матнларни таржима қилиш мумкин, бу-  
нинг учун Stylus менюси бўлимларидан фойдаланилади  
(18-расм).

Мазкур дастур менюси бўлимлари моҳияти жиҳати-  
дан Windows нинг амалий дастурлари менюсига деярли  
ўхшаш. Фарқланиш **перевод** ва **словари** бўлимларида мав-  
жуд бўлиб, бу ерда таржима қилиш учун луғатлар мажмуа-  
си берилган, ундан таржима қилиш усули танланади.




18-расм. Stylus дастури дарчасининг умумий кўриниши.

Меню куйсида жойлашган ускуналар панели ёрдамида зарурий вазифалар тез ва ўнфай амалга оширилиши мумкин (19-расм).

### Stylus дастурининг маълумот панели

Вид бўлимидаги Информационная панель мазкур панелни дарчанинг пастки қисмда ҳосил қилади.



19-расм. Ускуналар панелининг вазифалари бўйича тақсимланиши.

Маълумот панели таркибига учта қўйилма киради ва улар “сичқонча”нинг ўнг тугмасини босиш орқали чақирилади.

**Используемые словари** (Ишлатилувчи луғатлар) таржима қилишда фойдаланишимиз мумкин бўлган ва компьютер хотирасидаги мавжуд луғатлар рўйхатини келтиради.

**Незнакомые слова** қўйилмаси мавжуд луғатларда аниқланмаган номаълум сўзлар рўйхатини беради. Бу сўзларни таржима қилмасдан захирада сақлаш учун **зарезервированные слова** қўйилмасига ўтказилади.

Используемые словари	Незнакомые слова	Зарезервированные слова
Название	Имя файла	Тип словаря
Первый словарь	C:\Program Files\Stylus31\ER\default.udc	Пользовательский
Ищи	C:\Program Files\Stylus31\ER\eee.udc	Пользовательский

**Зарезервированные слова** қўйилмасида таржима қилиниши зарур бўлмаган (масалан, Windows) сўзлар рўйхати сақланади.

Ҳужжатни таржима қилиш.

1. **Файл** менюсидан **Открыть** бандини танланг.

Таржима учун ҳужжат турли хил форматларда берилиши мумкин ва улар компьютер учун қулай форматларга ўтказилади.

2. **Открыть** мулоқотли дарчасининг матнлар соҳасидан керакли файлни танлаб олинг ва **Открыть** тугмасини босинг.

3. **Конвертировать файл** мулоқотли дарчасида таржима қилиш йўналиши аниқланади ва бошланғич матн экранда ҳосил бўлади.

4. Ҳужжат таржима қилиш учун тайёр. **Перевод** бўлиmidан **Весь текст** банди фаоллаштирилгандан сўнг экранда ўнг дарчада бошланғич ҳужжат, чап дарчада эса унинг таржимаси ҳосил бўлади .

5. **Файл** бўлимида **сохранить** банди орқали таржима бирор ном остида сақлаб қўйилади.

Натижада таржима қилинган ҳужжат керакли форматда ҳосил бўлади ва уни бирор матн муҳарририда қайта ишлаш мумкин.

Юқорида келтирилган ёрдамчи дастурлардан ташқари фойдаланувчининг шахсий блокнотини ташкил қилиш, тадбиркорларнинг вақтини тўғри тақсимлашга ёрдам берувчи, маърузалар учун слайдлар ҳосил қилувчи, мусиқа эшитиш дастурлари мавжуд. Ҳар бир фойдаланувчи ўз олдига қўйган вазифалардан келиб чиқиб, бу дастурлар билан алоҳида танишиб чиқиши мумкин.

?

### *Своаллар*

**Қуйидаги бандларга жавоб ёзинг:**

1. Windows ни юклаш.
2. Пуск (Start) тугмаси тавсифи.
3. Windows иш столида янги ёрлиқлар ҳосил қилиш.
4. Программы бўлимларининг вазифалари.
5. Windows дастурлари менюси ҳақида умумий маълумот.
6. Менюнинг Файл бўлимининг барча дастурлар учун умумий бўлган вазифалари.
7. Менюнинг Правка бўлими тавсифи.
8. Windows амалий дастурлари ускуналар мажмуаси тавсифи.
9. Ускуналар панелида янги тугмалар ҳосил қилиш.
10. Менинг компьютерим ёрлигининг вазифалари.
11. Менинг компьютерим дастурининг менюси асосий бўлимларининг тавсифи.
12. Менинг компьютерим дастурида Вид бўлими вазифалари.
13. Бошқариш панели ва унинг асосий ёрлиқлари.
14. Экран ёрлиғи ва унда амаллар бажариш тартиби.
15. Бошловчи дастурида файл ва каталоглар устида амаллар.
16. Бошловчи дастурида файлларни ахтариш.
17. Windowsдан чиқиш.



Microsoft Word

## MICROSOFT WORD 97 MATH МУҲАРРИРИ. ҲУЖЖАТЛАРНИ ЯРАТИШ ВА ТАҲРИР ҚИЛИШ

### Умумий маълумотлар

**Word** — Windowsнинг амалий дастурларидан ҳисобла-  
ниб, матнли ҳужжатларни тузиш, кўздан кечириш, таҳ-  
рир қилиш ва чоп этиш учун хизмат қилади ва Windows  
иловалари гуруҳига киради.

**Word** — матнли ва тасвирий маълумотлар устида юз-  
дан ортиқ операцияларни бажарувчи ва матнли дастур-  
лар синфига кирувчи энг такомиллашган амалий дастур-  
лардан бири ҳисобланади.

**Word** ёрдамида ихтиёрий кўринишдаги ҳужжатни жуда  
тез ва юқори сифатли тайёрлаш мумкин. Дастурнинг яна  
бир қулайлик томони шундан иборатки, унда бир нечта  
ҳужжатлар билан ишлаш, яъни уларни кўшиш, биридан  
иккинчисига керакли жойни олиб кўчириш, матн ёнига  
тасвир тушириш, ҳарфларни исталган шаклда етарлича  
катта ўлчамда чоп этиш мумкин.

Шунга қарамасдан, **Word** ҳам айрим “камчиликлар”  
дан ҳоли эмас. Масалан, математик ифодалар ва кимё-  
вий формулаларни киритишда катта қийинчиликлар  
мавжуд. Бундан ташқари жуда мураккаб таркибли поли-  
график (атласлар, албомлар, журнал муқовалари) маҳсу-  
лотларни тайёрлашда фойдаланиш ўнғай эмас.

### 7.1. Word ни ишга тушириш ва ундан чиқиш

**Word** дастури одатда дастурлар диспетчерининг  
Microsoft Office бўлимида жойлашган бўлади. **Word** дас-  
турини ишга тушириш учун “сичқонча” кўрсаткичини

**Word** ёрлиғининг устига келтириб, унинг чап тугмасини икки марта босиб, одатдаги усулда ишга тушириш мумкин.

Windows 98да **Word**ни ишга тушириш учун “ПУСК” тугмаси ёрдамида “ПРОГРАММЫ” бандига кирилади ва сўнгра **Microsoft Word** “сичқонча”нинг кўрсаткичи ёрдамида танланади ва унинг чап тугмаси босилади. Натижада экранда дастлаб **Microsoft Word** эскизи туширилган ойна, сўнгра **Microsoft Word** нинг иш столи ҳосил бўлади(1-расм).


Дастурдан чиқиш қуйидаги ихтиёрий беш усулдан бири орқали бажарилиши мумкин:

— Кўрсаткични ойна иловасидаги тизим менюси бошига келтириб, икки марта босиш билан;

— Ойна иловасининг тизим менюсини очиб ва Close (закрыйт) буйруғини танлаш билан;

— “Alt”+“F4” клавиатура тугмаларини биргаликда босиш билан;

— “Ctrl”+“Esc” клавиатура тугмаларини биргаликда босиш билан;



1-расм. Microsoft Word иш столининг умумий кўриниши.

— “File-Exit” (**Файл-Выход**) горизонтал менюдаги буйруқларни танлаш билан.

Агар **Word** ойнасини ёпиш пайтида ҳужжатга айрим ўзгаришлар киритилган бўлиб, у дискда сақланмаган бўлса, экранда “**Хотите ли вы сохранить изменения в документе?**” деган савол чиқади, у ҳолда ўзгаришни дискда сақлаш учун “**Да**”, ўзгаришни сақламаслик учун “**Нет**” ёки таҳрир қилишни давом эттириш учун “**Cancel — Отмена**” тугмалари танланади.

## 7.2. **Word** менюсининг бўлимлари

Бу дастур ўз муҳитига эга бўлиб, бажарилаётган амаллар меню қисмлари орқали тартибга солинади.

**Меню** қуйидаги қисмлардан иборат:

**Файл, Правка, Вид, Вставка, Формат, Сервис, Таблица, Окно, ?.**

Бу қисмларнинг ичида **Файл** ва **Правка** вазифалари барча бандлари **Windows** нинг барча амалий дастурларидаги каби умумийдир. Менюнинг **Файл** бўлимида янги ҳужжатни тайёрлаш учун янги ойна очиш, олдинги сақланган файлларни хотирадан чақириш, жорий файлни ёпиш, тайёрланган ҳужжатни дискка ёзиш, янги ойнадаги ҳужжатга ном бериб сақлаш, барча ойналардаги ҳужжатларни сақлаш, керакли файлни қидириб топиш, саҳифалар тартибини ўзгартириш, матннинг саҳифада қандай жойлашганлигини олдиндан кўриш, матнни (матрицавий, лазерли) принтерларда бир нечта нусхада, агар зарурат бўлганда матннинг танланган жойини чоп этиш, охириги 4 та таҳрир қилинган файллар номини кўриш ҳамда **Word** матн муҳарриридан чиқиш каби бир қатор ишларни амалга ошириш мумкин.

Менюнинг **Правка** бўлимида бажарилган операцияни рад этиш ва қайта такрорлаш, белгиланган жойни қирқиб олиш ва керакли жойга қўйиш, танланган жойни ўчириш, ҳужжатнинг барча жойини танлаш, матндан керакли сўзни излаб топиш ва уни алмаштириш каби ишларни амалга ошириш мумкин.

Қолган бўлимлар **Word** матн муҳаррири саҳифаси устида зарурий вазифаларни бажаришга мўлжалланган.


### 7.3. Вид бўлими. Ҳужжатларнинг турли кўринишлари

Менюнинг Вид бўлими фаоллаштирилганда саҳифаларнинг турли хил кўринишларини ҳосил қилиш мумкин. Бу бўлимда ҳосил бўлган бандлар моҳияти куйдагича:

<b>Вид</b>	оддий ҳужжатларни киритиш;
 <b>Обычный</b>	ҳужжатларни экрандан ўқиш;
 <b>Электронный документ</b>	саҳифани чоп этишга мослаш;
 <b>Разметка страницы</b>	ҳужжатнинг тузилишини кўриш;
 <b>Структура</b>	асосий ҳужжатни таҳрир қилиш;
<input type="checkbox"/> <b>Главный документ</b>	ускуналар панелини соzлаш;
<b>Панели инструментов</b>	саҳифа ўлчамини белгилаш;
<input checked="" type="checkbox"/> <b>Линейка</b>	ҳужжатнинг электрон тузилиши;
 <b>Схема документа</b>	
<b>Колонтитулы</b>	
<b>Сноски</b>	колонтитулга ўзгартишлар киритиш;
 <b>Примечания</b>	
 <b>Во весь экран</b>	экранни саҳифа билан тўлдириш;
<b>Масштаб...</b>	ҳужжатнинг экрандаги масштаби.


Вид бўлимининг дастлабки учта банди ёрдамида ҳужжатларнинг экрандаги турли кўринишларини ҳосил қилиш мумкин.

2-расмда ҳужжатларнинг экрандаги энг оддий кўриниши берилган. Бу кўринишда ҳужжат саҳифаларга бўлинмайди. Ҳужжатларни чоп этиш усулини экранда ҳосил қилиш учун **Разметка страницы** банди фаоллаштирилади. Бу ҳолда ҳужжат саҳифаларга ажратилган, ҳошиялари ва



2-расм. Ҳужжатларнинг оддий кўриниши.


сўз боши белгиланган кўринишда экранда ҳосил бўлади (3-расм). Шунинг билан биргаликда ҳужжат хотирада кўп жой эгаллайди, натижада тасвирли саҳифаларни варақлаш учун кўп вақт сарфланади.



3-расм. Ҳужжатнинг саҳифаланган кўриниши.

Компьютер экранида ҳужжатни кўздан кечириш ва таҳрир қилишни осонлаштириш учун **Электронный документ** бандига мурожаат қилинади.

Натижада ойнада иккита дарча ажралади ва ўнг дарчада саҳифа, чап қисмида саҳифаларнинг дастлабки сатри берилиб, улар ёрдамида ҳужжатнинг ихтиёрий қисмига тезкорлик билан ўтиш имконияти мавжуд бўлади (4-расм). Бунинг учун “сичқонча” кўрсаткичини чап дарчадаги керакли сатрга олиб келиб, “сичқонча”нинг чап тугмаси босилиши зарур.



4-расм. Ҳужжатнинг электрон кўриниши.

## 7.4. Ҳужжатни расмийлаштириш ва саҳифага тасвирлар тушириш


Меню нинг **Вставка** бўлими ёрдамида ҳужжатни саҳифалаш, саҳифаларни рақамлаш, номлаш ва уларга расмлар жойлаштириш каби вазифаларни амалга ошириш мумкин. Бунинг учун бўлимнинг қуйидаги бандларидан фойдаланилади:

 Вставка	саҳифанинг жорий қисмини бўлак-лаш;
Формат	саҳифаларни рақамлаш;
Сервис	ҳужжатнинг ёзилиш санаси ва вақти;
Таб.	саҳифага матнларни қўшиш;
Разрыв...	ҳисоблаш учун жойлар ҳосил қилиш;
Номера страниц...	клавиатурада йўқ белгини киритиш;
Дата и время...	эслатмаларни қўшиш;
Автотекст	саҳифага иловани қўшиш;
Поле...	расм ва жадвални номлаш;
Символ...	кесишувчи мурожаат;
 Примечание	мундарижа ва кўрсатмалар;
Сноска...	ҳужжатга расм ва тасвирларни тушириш;
Название...	тасвирдаги устки ёзувлар;
Перекрестная ссылка...	файл мазмунини қўшиш;
Оглавление и указатели...	саҳифада расм, формула ҳосил қилиш;
Рисунок	
 Надпись	
Файл...	
Объект...	

Шарҳланган бандларнинг баъзилари иккиламчи дарчаларга эга. Масалан, **Символ** бандига мурожаат этилганда, экранда клавиатурада мавжуд бўлмаган белгилар рўйхати ҳосил бўлади (5-расм). Бу рўйхатда грек, араб алифболари, махсус белгилар жойлашган.

Зарур белгини ҳужжатга тушириш учун рўйхатдаги шу белги устига “сичқонча”нинг кўрсаткичи олиб келиниб, чап тугма икки марта босилади. Худди шунингдек, саҳифага тасвирларни тушириш учун бўлимнинг **Рисунок** бандига мурожаат қилинади, натижада экранда тасвирлар рўйхати ҳосил бўлади (6-расм). Танлаб олинган рўйхат-






7-расм.

даги тасвирлардан бирортасининг устига “сичқонча” кўрсаткичи олиб келиниб, чап тугма икки марта босилгандан кейин саҳифанинг курсор турган қисмида тасвир ҳосил бўлади. Бу тасвир устида таҳрир қилиш ишларини амалга оширишимиз мумкин. Масалан, тасвирнинг ўлчамларини ўзгартириш учун, тасвир (7-расм) устида “сичқонча” тугмаси босилгандан сўнг, кўрсаткич чегарасига олиб келиниб, тугма босилади ва чегара керакли жойга силжитилади.


### **7.5. Ҳужжатни форматлаш, шрифтларни ўзгартириш**

Матн компьютер хотирасига киритилгандан сўнг, уни босмага энг қулай ва чиройли тартибда, ҳужжатнинг мазмунини бўрттириб кўрсата оладиган кўринишда тайёрлаш зарур бўлади. Бу вазифани **Меню** нинг **Формат** бўлими амалга оширади. Унинг бандлари моҳияти қуйидагича:



- шрифтни танлаш;
- сўз боши, ҳошия, форматлаш;
- матни маркерлаш;
- матни чегаралаш ва ранглаш;
- матни устунларга бўлиш;
- матни текислаш;
- сўз боши бош ҳарфини танлаш;
- ёзилиш йўналишини танлаш;
- бош ёки кичик ҳарфни танлаш;
- ҳужжатни автоформатлаш;
- ҳужжатни расмийлаштириш;
- матнинг ёзилиш усулини танлаш.

Бу бўлимнинг **Шрифт** бандига мурожаат қилинганда, ҳарфларни тури, ўлчами, ранги, ёзилиш усулини танлашга доир мулоқотли дарча очилади. 8-расмда кўриб турганингиздек, мулоқотли дарча ўзининг менюсига эга. **Шрифт** банди ҳарфларнинг кўринишини танлайди. **Интервал** бан-



8-расм. Шрифтларни танлаш.




ди ёрдамида ҳарфлар ва сатрлар орасида-  
ги интерваллар танланади.

Анимация бўлими ёзувларнинг жи-  
лоланишини ҳосил қилиб беради.


Абзац бўлими фаоллаштирилганда  
ҳосил бўлган мулоқотли дарча ёрдамида  
ҳошиялар, сўз боши учун ўлчамлар тан-  
ланади, матннинг саҳифада жойлашиши

аниқланади.

Список бўлимида абзацларни кўп босқичли маркер-  
лаш усулини танлаб олишимиз мумкин (9-расм).



9-расм. Абзацни маркерлаш.




10-расм. Чегаралаш ва ранглар.

**Формат бўлимининг Границы и заливка банди матн бўлакларини чегаралаш ва чегараланган қисмларни ранглаш усулларини танлаш имконини яратади (10-расм). Бу мулоқотли дарчадан фойдаланиб амалга оширилиши мумкин бўлган вазифалар 11-расмда яққол кўрсатилган. Бу ерда чегаралаш чизиқларининг қалинлиги, турланиши, рангланиши, чегараланган соҳани ранглаб тўлдиришнинг хилма-хил вариантларини танлаш имконияти жуда кенг. Масалан:**

“Информатизациялаш ҳақида”ги, “ЭҲМ учун дастур ва маълумотлар базасининг ҳуқуқий ҳимояси ҳақидаги”, “Алоқалар ҳақидаги” қонунлар билан, Ўзбекистон Республикасини 2010 йилгача информатизациялаш, қайта қуришнинг миллий дастурлари ва телекоммуникацион тармоқни ривожлантириш ҳақидаги концепцияси яратилди.

Баъзи ҳолларда, масалан, рўзномаларда ҳужжатни устунлар кўринишида расмийлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу вазифани **Колонки** банди кўмагида амалга ошириш мумкин.

Абзацларнинг бош ҳарфини алоҳида ажратиб кўрсатиш учун **Буквица** бандига мурожаат қилинади ва натижада жорий абзацдаги вазият вужудга келади.



11-расм. Саҳифада матн ва тасвирларни чегаралаш ва ранглаш.


Хужжатнинг ишлатилиш мақсадига мувофиқ ҳар хил кўринишда жойлаштириш мумкин, бунинг учун **Библио-тека стилей ёки Стил**... бандларидан фойдаланишимиз мумкин.

**Библиотека стилей** ёрдамида жорий ҳужжат учун расмийлаштириш усули танланади. **Стил** ёрдамида абзац учун ёзилиш усули белгиланади.

**Фон**... банди ёрдамида ҳужжат фонини танлаб олинган ранг билан тўлдириш мумкин.

## 7.6. Хужжатларни таҳрир қилиш

Хужжатни компьютер хотирасига киритгандан кейин, кўпинча унинг матнини таҳрир қилиш, мавжуд камчиликларни бартараф қилиш зарур бўлади. Бу вазифани **Меню** нинг **Сервис** бўлими бандлари амалга оширади ва бу бандларнинг моҳияти қуйидагича:




грамматик ва стилистик хатоларни тузатиш;
ҳужжатнинг тилини белгилаш;
статистик маълумотлар;
файлнинг қисқача моҳияти;
белги ва сўзларни алмаштириш;
ўзгартиришни кўрсатиш ва солиштириш;
ўзгартиришларни жамлаш;
ҳужжатни ҳимоялаш;
файллардаги ҳужжатларни умумлаштириш;
конверт ва наклейка ҳосил қилиш;
макросни аниқлаш;
шаблонлар ва устқурмалар;
меню бандларини таҳрир қилиш;
Word нинг параметрлари;

**Word** нинг муҳим ютуқларидан бири унинг компьютерда мавжуд драйверлар ёрдамида турли халқларнинг тилларида ҳужжатлар тайёрлаш имконияти мавжудлигидир. Бунинг учун **Сервис** бўлимининг **Язык** бандидан **Выбрать язык** қисмига ўтилади. Ҳосил бўлган дарчадан мавжуд тил танлаб олинади (12-расм).

Танлаб олинган тил асосида киритилган ҳужжатдаги грамматик, стилистик ва орфографик хатолар **Правописание** банди ёрдамида тuzатилади.

*Эслатма.* Айрим компьютерлардан фойдаланувчилар ўз компьютерлари учун кирилл алифбосида ўзбек тилида ёзиш имкониятини яратганлар.



**Статистика** банди ёрдамида компьютер хотирасига киритилган ҳужжатнинг ҳажми, ундаги сўзлар, белгилар ва сатрлар сонини аниқланади.


**Автореферат** банди ёрдамида инглиз тилида ёзилган рисоланинг қисқача моҳиятини асосий сўзлардан фойдаланиб, изоҳ кўринишида олиш мумкин.

**Автозамена** банди кўп учрайдиган белгилашларни қулай кўринишга келтириш ва нотўғри сўзларни керакли тўғри сўзларга алмаштириш вазифасини бажаради.

**Исправления** банди ўзгартиришларни аниқлаб беради ва ҳужжатнинг дастлабки варианты билан солиштиради. Ҳосил бўлган дарчада солиштириш усули танлаб олинади.

**Объединить исправления** банди барча ўзгартиришларни бирлаштириб алоҳида файл кўринишида сақлаб қўяди.

**Установить защиту** банди ҳужжатни ҳимоялаш мақсадида калит ўрнатади, баъзи ўзгартиришларни тақиқлайди.



12-расм. Менюни таҳрир қилиш.

**Настройка...** банди фаоллаштирилганда мулоқот дарчаси ҳосил бўлади. Бу ерда банд менюсининг **Панели инструментов**, **Команды**, **Параметры** бўлимлари мавжуд бўлиб, биринчи бўлим ёрдамида ускуналар панелига қўшимча тугмалар мажмуасини қўшиш ёки кераксизини олиб ташлаш мумкин. **Команды** бўлими ёрдамида **Word**да ажратиб олинган ихтиёрий бўлимларни таҳрир қилиш мумкин. Бундан ташқари ускуналар панелига янги вази-фали тугмаларни қўшиш мумкин. Бунинг учун **Настройка** дарчасининг ўнг қисмидаги керакли ёрликнинг устига кўрсаткич олиб келиниб, у “сичқонча”нинг чап тугмаси босилган ҳолда кўчирилади.

## 7.7. Жадвал ташкил этиш


Жадвал ташкил этиш учун менюдаги **Таблица** бўлимига кириб, **Нарисовать таблицу** қатори танланади. Натижада экранда сўроқ вазифасини бажарган ҳолда сатр ва устунлар сонини киритишни талаб қилувчи ойна ҳосил бўлади. Керакли устун ва сатрлар сони киритилиб “Enter” ёки “OK” тугмалари босилади. Киритилган жадвалдаги сатр ёки устунлар сони кўп бўлганда уларни камайтириш учун керакли сатр танлаб олиниб, менюдаги **Таблица** бўлимига кириб, **Удалить ячейки** қатори танланади. Киритилган жадвалдаги сатрлар сони етмай қолганда уларнинг сонини ошириш учун ихтиёрий бир сатр танлаб олиниб, менюдаги **Таблица** бўлимига кириб, **Добавить строки** қаторига келиб, “Enter” тугмаси ёки “сичқонча”нинг ўнг тугмаси босилади. Жадвалдаги катакчалар ўлчамларини ўзгартириш учун менюдаги **Таблица** бўлимига кириб, **Высота и ширина ячейки..** қаторига келиб, “Enter” тугмачаси ёки “сичқонча”нинг ўнг тугмаси босилади, натижада катакчаларнинг ўлчамларини ўзгартириш имкони яратилади.

**Сортировка** банди жадвалдаги маълумотларни бирор белги бўйича ошиб ёки камайиб бориш кетма-кетлигида тартибга солади.



### Хужжатда тасвирлар чизиш

Ускуналар панелида саҳифага тасвирлар туширишга мўлжалланган махсус тугма бўлиб, фаллаштирилган ҳолда **Word** саҳифасининг куйи қисмида тасвирлар тушириш сатри пайдо бўлади.




Бу ерда мавжуд вазифали тугмалар ёрдамида ҳар хил чизмалар ҳосил қилиш учун имкониятлар очилади.

**Действия** тугмаси фаоллаштирилганда саҳифадаги тасвирнинг жойлашишини тартибга солиш, расмни матннинг устида ёки аксинча жойлаштириш ва ҳ.к. амалларни бажариши учун куйидаги мулоқотли дарча ҳосил бўлади.



Бу ердаги ҳар банд алоҳида мулоқот дарчасига эга. Масалан, **Порядок** бандига мурожаат қилинганда ҳосил бўлган дарчадаги қисм бандлар ёрдамида тасвирларни жойлаштириш тартиби аниқланади.

**Автофигуры** тугмаси саҳифада стандарт шакл ва чегаралаш белгиларини ҳосил қилади. Буларнинг жумласига турли чизиқлар, блок-схемалар киради.




**Основные фигуры** банди ёрдамида турли ҳужжатларда ишлатилиши мумкин бўлган чизма ва шакл элементларини ҳосил қилишимиз мумкин.

**Выноски** бандида тасвирларни изоҳлашда қулайлик туғдирувчи элементлар жамланган. Худди шу сингари бошқа бандларга мурожаат қилиб керакли элементларни матнга туширишимиз мумкин.

Тасвирларни таҳрир қилиш сатрида чизиқ, кўрсаткич, тўртбурчак, эллипс ҳосил қилувчи алоҳида вазифали тугмалар ҳам мавжуд.



Кўринишидаги вазифали тугма тасвирлар устига ёзув тушириш учун хизмат қилади.



Тугмаси WordArt дастури алифбосига тегишли турли шаклдаги жилоланувчи ҳарфлар, шiorлар ёзиш, зарварақларни тўлдиришда ишлатилиши мумкин.




Юқорида келтирилган тугмалар ёрдамида ёпиқ элементларни ранглаш, чизиқларни ва шрифтлар рангини ўзгартириш мумкин.

**Заливка** тугмаси тасвирнинг ёпиқ элементларини ранглайди, истеъмолчи хоҳиши бўйича тўлдириш усулини танлайди.




Қуйидаги энг сўнги тўртта тугма чизиқларнинг қалинлиги, чизиш усули, кўрсаткичлар йўналиши, шаклларнинг сояси ва ҳажмли элементларни ҳосил қилишга мўлжалланган.



**Тень** тугмаси тасвирларни соялари билан бирга ҳосил қилади. Соя туширишнинг 18 хил варианты мавжуд.

**Тип линии** тугмаси чизиқларнинг қалинлигини аниқлайди.

*Эслатма.* Тасвирлар сатрида юқорида ёритилгандан ташқари чизиқ, кўрсаткич, тўртбурчак, эллипс чизиш, расмлар тева-рагига ёзувлар ҳосил қилувчи тугмалар мавжуд. Уларнинг вази-фаси **Paint** дастури функцияларига ўхшаш бўлгани учун кейин-роқ батафсил тўхталамиз.



?

### Саволлар

Куйидаги бандларга жавоб ёзинг:

1. Word матн муҳаррирининг қандай имкониятлари мавжуд?
  2. Windows ни юклаш.
  3. Word матн муҳарририни юклаш.
  4. Маълумотларни киритиш.
  5. Киритилган маълумотни дискка файл шаклида ёзиш.
- Кириллча шрифтдан лотинча шрифтга ўтиш.
6. Дискдан файлни экранга чақариш.
  7. Матнни таҳрир қилиш ва хотирада сақлаш.
  8. Таҳрир қилинган қисмни бекор қилиш.
  9. Матн қисмини ажратиш, уни қирқиб олиш ва махсус жойга нусхалаш.
  10. Куюқ, оғма (курсив) ва одатдаги шрифтлар билан ишлаш.
  11. Шрифтларни ўзгартириш (матн белгиларини катталаштириш ва кичиклаштириш).
  12. Матнни саҳифаларга бўлиш.
  13. Матнни чапга, ўнгга ёки ўртага суриш.
  14. Махсус символлар билан ишлаш (математик, кимёвий формулалар билан ишлаш).
  15. Жадвал ташкил этиш ва уни маълумотлар билан тўлдириш. Формула ва функциялар билан ишлаш.
  16. Матнга график ва расмлар қўйиш.
  17. Word менюси буйруқлари билан ишлаш.
  18. Матнни кўздан кечириш.
  19. Матнни чоп қилиш.
  20. Word матн муҳарриридан чиқиш.
  21. Windows дан чиқиш.



## Машқлар

Қуйидаги математик формулаларни матн Word матн муҳарририда тайёрланг.

- $\operatorname{tg} \alpha = \frac{\sin \alpha}{\cos \alpha}$                        $\operatorname{ctg} \alpha = \frac{\cos \alpha}{\sin \alpha}$
- $\sec \alpha = \frac{1}{\cos \alpha}$                        $\operatorname{cosec} \alpha = \frac{1}{\sin \alpha}$
- $\sin^2 \alpha + \cos^2 \alpha = 1$ ;               $\sin \alpha \operatorname{cosec} \alpha = 1$
- $\cos \alpha \sec \alpha = 1$ ;                       $\operatorname{tg} \alpha \operatorname{ctg} \alpha = 1$
- $1 + \operatorname{tg}^2 \alpha = \sec^2 \alpha$ ;               $1 + \operatorname{ctg}^2 \alpha = \operatorname{cosec}^2 \alpha$
- $\sin (\alpha \pm \beta) = \sin \alpha \cos \beta \pm \cos \alpha \sin \beta$
- $\cos (\alpha \pm \beta) = \cos \alpha \cos \beta \mp \sin \alpha \sin \beta$
- $\sin 2\alpha = 2 \sin \alpha \cos \alpha$ ;               $\cos 2\alpha = \cos^2 \alpha - \sin^2 \alpha$
- $\sin 3\alpha = 3 \sin \alpha - 4 \sin^3 \alpha$        $\cos 3\alpha = 4 \cos^3 \alpha - 3 \cos \alpha$
- $\cos m x \cos n x = \frac{1}{2} (\cos (m-n) x + \cos (m+n) x)$
- $\sin m x \sin n x = \frac{1}{2} (\cos (m-n) x - \cos (m+n) x)$
- $\sin m x \cos n x = \frac{1}{2} (\sin (m+n) x + \sin (m-n) x)$
- $\sin \alpha \pm \sin \beta = 2 \sin \frac{\alpha \pm \beta}{2} \cos \frac{\alpha \mp \beta}{2}$
- $\cos \alpha + \cos \beta = 2 \cos \frac{\alpha + \beta}{2} \cos \frac{\alpha - \beta}{2}$
- $\cos \alpha - \cos \beta = 2 \sin \frac{\alpha + \beta}{2} \cos \frac{\alpha - \beta}{2}$

$$16. \quad \cos \alpha + \sin \alpha = \sqrt{2 \cos\left(\frac{\pi}{4} - \alpha\right)}$$

$$17. \quad \cos \alpha - \sin \alpha = \sqrt{2 \sin\left(\frac{\pi}{4} - \alpha\right)}$$

$$18. \quad 1 + \sin \alpha = 2 \cos^2 \left(\frac{\pi}{4} - \frac{\alpha}{2}\right)$$

$$19. \quad 1 - \sin \alpha = 2 \sin^2 \left(\frac{\pi}{4} - \frac{\alpha}{2}\right)$$

$$20. \quad 1 + \cos \alpha = 2 \cos^2 \frac{\alpha}{2}$$

$$21. \quad 1 - \cos \alpha = 2 \sin^2 \frac{\alpha}{2}$$

$$22. \quad 1 - \operatorname{tg}^2 \alpha = \frac{\cos 2\alpha}{\cos^2 \alpha}$$

$$23. \quad 1 - \operatorname{ctg}^2 \alpha = \frac{\cos 2\alpha}{\sin^2 \alpha}$$

$$24. \quad \frac{\alpha}{\sin \alpha} = \frac{\beta}{\sin \beta} = \frac{c}{\sin \gamma}$$

$$25. \quad a^2 = b^2 + c^2 - 2bc \cos \alpha$$

$$26. \quad b^2 = a^2 + c^2 - 2ac \cos \beta$$

$$27. \quad c^2 = a^2 + b^2 - 2ab \cos \gamma$$

$$28. \quad \sin (\pi n + \alpha) = (-1)^n \sin \alpha$$

$$29. \quad \sin (\pi n - \alpha) = (-1)^{n+1} \sin \alpha$$



Microsoft Excel

## ЭЛЕКТРОН ЖАДВАЛЛАР БИЛАН ИШЛАШ. MICROSOFT EXCEL 97 ДАСТУРИ

### Умумий маълумотлар

Excel Microsoft Office пакети таркибидаги дастур бўлиб, у Windows операцион тизими бошқарувида маълумотли электрон жадвалларни тайёрлаш ва қайта ишлашга мўлжалланган.

Excel да тайёрланган ҳар бир ҳужжат (маълумотли жадвал) ихтиёрий исм ва .XLS кенгайтмадан иборат файл бўлади. Excel да одатда бундай файл “Иш китоби” (Workbook) деб юритилади.

Microsoft Excel нинг асосий иш соҳаси — бу “Иш китоби” бўлиб, у бир ёки бир нечта иш варақларидан иборат. Иш варағида бухгалтер (ҳисобчи) китоби каби, сонлар, матнлар, арифметик ифодалар, ҳисоблар қатор ва устунларда жойлашган бўлади. Excel нинг бухгалтер китобидан асосий фарқи барча ҳисоб ишларини унинг ўзи бажаради, лекин маълумотларни киритиш фойдаланувчи зиммасида қолади.

Excel электрон жадвали 16384 қатор (row) ва 256 устун (column)дан иборат. Қаторлар 1 дан 16384 гача бўлган бутун сонлар билан тартибланган, устунлар эса лотин алифбосининг бош ҳарфлари (A, B, ... , Z, AA, AB, ... , IV) билан белгиланган. Қатор ва устун кесишмасида электрон жадвалнинг асосий таркибий элементи — ячейка (cell) жойлашган. Ҳар бир ячейкага сон, матн ёки формула тарзидаги маълумотлар киритилади. Устун кенглигини ва қатор баландлигини ўзгартириш ҳам мумкин. Жадвалнинг танланган ячейкасига ўтиш учун аниқ манзил (адрес) кўрсатилиши керак. У қатор ва устун кесишмасида, масалан A1, B4, F9, AB3 каби кўрсатилади.


## 8.1. Excel дастурини юклаш ва унда ишни тугаллаш

Excel 97 дастурини юклашдан олдин Windows 98 (Windows 95) дастурини юклаш лозим. Бу эса содда, яъни ҳозирги пайтда компьютер юкланиши билан амалга ошади.

Excel дастурини юклаш жараёни қуйидагича:

1. Компьютер ёқилади. Экранда мулоқот ойнаси пайдо бўлиб, фойдаланувчи исми ва пароли сўралса, улар киритилиб “Enter” тугмаси босилади.

2 “Сичқонча” кўрсаткичи экраннинг қуйи қисмида жойлашган Пуск (Start) тугмасига келтирилиб, чап тугмаси босилади.




1-расм. Excelга кириш.

3. “Сичқонча” кўрсаткичи “Программы” бандига келтирилади ва босилади (1-расм).

4. Дастурлар рўйхатидан Microsoft Excel танланади ва “сичқонча” тугмаси босилади, натижада Excel дастурининг зарварағи экранга чиқади (1-расм), сўнгра Excelнинг иш жадвали экранга чиқади (2-расм).

*Эслатма.* Windows 3.1 да Excel 5.0 версиясини юклаш юқоридагидан фарқли ўлароқ, Microsoft Office гуруҳида Excel пиктограммаси устида “сичқонча” тугмасини икки марта босиш орқали юкланади.



2-расм. Excel саҳифаси.


## 8.2. Excel меню бўлимлари тавсифи

Excel дастури ўз менюси ва ускуналар мажмуасига эга бўлиб, унинг менюсида қуйидаги бўлимлар мавжуд:

**Файл, Правка, Вид, Вставка, Формат, Сервис, Данные, Окно** ва ?

Юқорида келтирилган бўлимлар бандларининг шакли Microsoft Office дастурлариникига аксарият ҳолларда ўхшаш бўлса-да, мазмунан Excel нинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб тузилган. Бундан ташқари, баъзи бўлимлар фақат мазкур дастурга тегишли вазифаларни бажаради.

**Файл** буйруқлар тўплами кўмагида:



янги жадвал ташкил этиш;

хотирадаги жадвални очиш;

жадвални ёпиш;

жадвални хотирага киритиш;

файлга янги ном бериш;

файлни мослаштириб сақлаш;

ишчи соҳасини сақлаш;

саҳифа параметрлари;

чоп қилиш соҳасини бериш;

жадвални дастлабки кузатиш;

жадвални чоп этиш;

файлни керакли манзилга уза-  
тиш;

жадвалнинг хоссалари;

файллар мажмуаси;

чиқиш

каби амалларни бажариш мумкин бўлиб, қайд этилган ва-  
зифалар Microsoft Office гуруҳидаги дастурлар учун умумий-  
дир. Қўшимча **Сохранить рабочую область** ишлатилаётган  
дастурни экран учун жорий дастурга айлантиради. **Область**  
**печаты** дастурнинг белгиланган қисмини чоп этади.


**Параметры страницы** банди саҳифа ҳошиясини тан-  
лаш, колонтитул жойини белгилаш, варақнинг ўлчамла-  
рини ва чоп этиш усулини танлаш каби вазифаларни амал-  
га оширади.

**Отправить** банди ёрдамида ҳосил қилинган электрон  
жадваллар ташқи хотираларда сақлаш учун диск юритув-  
чиларига, интернет тармоқларидаги керакли манзилла-  
рига жўнатилади.

**Свойства** банди файл ҳақида умумий маълумот беради; масалан эгаллаб турган ҳажми, ёзилган пайти, охириги марта ўзгартиришлар киритилган санаси ва ҳоказо.

### Правка бўлими


**Правка бўлимидаги Заполнить** ва **Очистить** бандлари катакларнинг белгиланган йўналишда нухасини олади ёки тозалайди. **Удалить...** банди файл қисмини олиб **Outluck** китобига жойлаштиради. **Удалить лист** банди варақни йўқотади. **Переместить\ скопировать лист Excel** иш китоби саҳифасини керакли жойга силжитади ёки нухасини янги саҳифада ҳосил қилади. Қолган бандлар **Microsoft Office** гуруҳидаги дастурлар учун умумий бўлган вазифаларни бажаради.



### Вид бўлими


**Обычный** банди варақнинг Excel дастури учун табиий бўлган кўринишини экранда ҳосил қилади. **Разметка страницы** варақни чоп этишга тайёрлайди. **Строка формул** формулалар билан ишлаш сатрини экранда ҳосил қилади. **Представления** банди файлни чоп этишда қўшимча параметрларини киритади.

**Масштаб** банди жадвални экранда чиқариш ўлчамларини аниқлайди.




## Вставка бўлими

Бўлим бандлари катак, сатр, устун ва варақ устида амаллар бажариш учун мўлжалланган бўлиб, уларнинг мазмуни қуйидагича:




катаклар нусхасини олиш;
саҳифага янги сатр қўшиш;
янги устунлар қўшиш;
файлга янги варақ қўшиш;
диаграммаларни танлаш;
саҳифани ажратиш;
функциялар танлаш;
файлга ном бериш;
изоҳлар ҳосил қилиш;
тасвирларни чақириш;
хариталар ҳосил қилиш.

Мазкур бўлимнинг дастлабки тўртта банди дастур ишлаши давомида вужудга келувчи жорий вазифаларни (янги катак, устун, сатр ҳосил қилиш) бажаришга мўлжалланган. **Диаграмма** банди эса дастур натижаларини фойдаланиш қулай бўлган чизма, гистограмма, диаграмма кўринишларида ҳосил қилади (3-расм). Бандга мурожаат қилинганда экранда мулоқотли ойна ҳосил бўлади. Мазкур ойнада электрон жадвалда олинган натижаларни тасвирлашнинг 75 хил усули фойдаланувчи учун таклиф қилинади. Уларнинг орасидан, масалан, доиравий диаграмма танлаб олингандан сўнг, **Далее** тугмаси босилади ва экранда қийматларнинг чегарасини белгиловчи ва тасвир ҳошияларида изоҳли ёзувлар ҳосил қилувчи **Диапазон данных** деб номланувчи ойна пайдо бўлади (4-расм). Бу ерда керакли изоҳлар ёзилгандан сўнг **Далее** тугмаси орқали тасвирнинг параметрларини аниқловчи **Пара-**





3-расм. Диаграмма кўринишни тасвирлаш.

метры диаграммы деб аталувчи ойнага ўтилади ва тасвир номи, координата ўқларидаги белгилашлар ҳамда тасвир кўриниши аниқланади. Сўнгра диаграммани жойлаштириш усули белгиланиб, натижа саҳифага олинади (5-расм).



4-расм. Доиравий диаграммани танлаш.



5-расм. Диаграммаларни жойлаштириш.

*Масала.* Авиалицей ўқувчиларининг фанлар бўйича тўплаган баллари ва гуруҳнинг ўртача рейтинг натижалари (1-жадвал)ни Ехселда қайта ишлаб, натижаларни диаграмма кўринишида экранда ҳосил қилинг.

*Ечиш.* Ўқувчиларнинг ҳар бир фандан тўплаган баллари жадвал кўринишида киритилади ва гуруҳнинг фанлар бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\text{гуруҳнинг фандан ўзлаштириш фоизи} = \frac{\text{(ўқувчиларнинг фан бўйича баллар йиғиндиси)}}{\text{(ўқувчилар сони)}} \cdot \frac{100\%}{\text{(фан бўйича максимал балл)}}$$



Олинадиган натижа гуруҳнинг фан бўйича **оралиқ кўрсаткичи** бўлиб, у охириги сатрдан олдинги сатрда юқоридаги формула асосида ҳисобланган. Кейинги сатрда **дастлабки назорат** натижалари берилган ва эришилган кўрсаткичлар солиштирилган. Натижаларни солиштириш орқали гуруҳнинг ҳар бир фандан ўзлаштириши таҳлил қилинган.

Мазкур гуруҳ ҳар бир ўқувчисининг тўплаган **жами** баллари охириги устунда келтирилган ва олинган натижалар бўйича ўқувчининг умумий ўзлаштириш кўрсаткичи таҳлил қилинган.

Қуйида лицей ўқувчиларининг фанлардан тўплаган баллари бўйича гуруҳнинг ўртача рейтинг натижалари уч хил кўринишда тасвирланган. Ўқувчиларнинг фанлар

Фамилия	Адаб.	Алг.	Физ.	Хим.	Инф.	Инг.	Та-рих.	Жа-ми
Азимов	30	25	32	36	30	26	36	215
Ахмедов	22	15	25	25	22	21	21	151
Вахобов	36	26	27	30	31	29	38	217
Ухсумов	37	25	30	37	32	36	32	229
Нуримов	23	22	25	21	21	21	29	162
Норбеков	38	36	30	30	32	30	31	227
Охунов	30	13	16	22	22	20	30	153
Рахмонов	36	26	32	33	33	25	33	218
Рихсиев	32	26	25	35	30	29	29	206
Уракулов	34	27	27	36	34	30	37	225
Ор.назор.	84,18	65,65	70,94	80,1	76,8	69,2	79	
Дастлабки назорат	70	54	59	76	61	57	69	

бўйича ўзлаштиришининг барча фанлар ичидаги салмоғини доиравий диаграммада кўриш мақсадга мувофиқдир (6-расм). Натижаларнинг гистограмма кўриниши ўзлаштириш фоизини яққол аниқлаб беради (7-расм). Дастлабки ва оралиқ назорат натижаларини чизмали диа-




6-расм. Доиравий диаграмма.


7-расм. Гистограмма.

грамма орқали солиштириш таҳлил учун қулайдир (8-расм).

Диаграмма турига қараб Сиз ҳар хил қаралаётган масала бўйича маълумотлар олишингиз ва хулоса чиқаришингиз мумкин. Айтайлик, чизиқли ва гистограмма кўринишидаги диаграммалар, масалан, сотув ҳажмларини таққослашга қулай бўлса, доиравий диаграммалар соҳалар орасидаги боғлиқликни таққослашга ўнғай. Microsoft Excel нинг яна бир имконияти шундаки, диаграммани унинг турини танлаб олдиндан экранда кўриш мумкин. Бунинг учун Сиз **Просмотр результата** (Press and hold to view sample) тугмасини босишингиз мумкин ва диаграммалар тури ва кўринишини ўзингизга қулай қилиб танлашингиз ва сўнгра чоп қилишингиз мумкин.



8-расм. Чизиқли диаграмма.



9-расм. Гистограмма кўриниши.

### 8.3. Диаграмма тури ва кўринишини танлаш

**Мастер диаграмм** мулоқот ойнасида **Стандартные** (Standart type) бандини танлаймиз .

**Тип** (Chart type) гуруҳида Сиз **Гистограмма** (Column) бандини танласангиз, **Вид** (Chart subtype) гуруҳида гистограммалар кўринади. **Далее** (Next) тугмаси орқали диаграмма кўринишини алмаштиришингиз мумкин.


#### Алоҳида варақда диаграмма чизиш


**Вставка** (Insert) менюсига кириб **Диаграмма** (Chart) буйруғини танланг. **Мастер диаграмм** нинг мулоқот ойнаси очилади, ундан Сиз диаграмма турини ва кўринишини танланг.

**Стандартные** гуруҳини танлаб, **Тип** (Chart type) гуруҳида **Круговая** (Pie)ни, **Вид** (Chart subtype) гуруҳида юқори қатордаги биринчи диаграммани танланг, **Далее** >(Next) тугмасини босинг. Натижада **Мастер диаграмм**нинг мулоқот ойнаси очилади. **Название диаграммы** (Chart title) майдонида Сиз диаграммага ном қўйишингиз мумкин. **Подписи данных** (Data labels) ва **Подписи значений** (Data labels) гуруҳлари ёрдамида диаграммага изоҳлар беришингиз мумкин.

### 8.4. Форматлаш бўлими бандларининг вазифалари

**Excel** дастурида форматлаш асосан каттак, сатр ва устунларнинг устида бажарилади. Бўлим бандларида сатрнинг баландлиги, устуннинг эни, каттак чизиқларини ҳосил қилиш ва йўқотиш, янги варақ ҳосил қилиш, унга ном бериш вазифалари амалга оширилади.






10-расм.


**Стиль** бандида сатр ёки устун номи белгиланиши, каткакда маълумотларнинг берилиш ва тўлдириш усуллари аниқланади. Каткакда ёзувларнинг алифбоси ва ўлчамини белгилаш мумкин (10-расм).

## 8.5. Сервис бўлими

Мазкур бўлим бандлари Office муҳитидаги амалий дастурларни кўришга ўрнатилган бўлиб, мазмунни қўйидагича аниқланади.




матннинг хатосини аниқлаш;
белгини авто алмаштириш;
ўзгаришларни сақлаш;
китобга кириш; ўзгартиришларни белгилаш;
китобларни бирлаштириш;
дастурни ҳимоялаш;
катак қийматини таҳрир қилиш;
янги йўналишларини бериш;
боғланишларни ўрнатиш;
боғланишлар билан ишлаш;
макро маълумотлар;
янги устқурмалар киритиш;
ускуна панелини таҳрир қилиш;
жадвал хусусиятлари;
Web саҳифасида ишлаш;



11-расм. Excel жадвалларида рангларни тахрир қилиш

Excel дастурида фойдаланувчиларга иш жараёнини тартибга солиш, уларга устиворликлар\_белгилаш, китобга кириш учун рухсат бериш каби вазифаларни **Доступ к книге** банди бажаради.




12-расм. Excel жадвали хоссаларини танлаш

**Параметры банди дастур ҳақида умумий, қийматлар, ҳисоб ишлари, диаграммалар, ўзгартириш хусусиятлари ҳақида батафсил маълумотлар беради, баъзи хоссаларини таҳрир қилиш имкониятларини таъминлайди (11, 12-расмлар).**

## 8.6. Excelда қийматлар устида амаллар

**Данные бўлими бандлари катаклардаги қийматлар устида амаллар бажаришга мўлжалланган.**



қийматларини тартиблаш;
бирор белги бўйича саралаш;
бирор шаклда тартиблаш;
якуний натижаларни аниқлаш;
маълумотларни текшириш;
қийматларни жадвалга солиш;
маттни устунларга бўлиш;
қийматларни бирлаштириш;
янги тузилмалар олиш;
натижавий жадваллар тузиш;
ташқи маълумотларни киритиш;

Мазкур бўлимнинг дастлабки икки банди устун ёки сатр элементларини бирор белгиси бўйича саралаш ва тартиблаш вазифасини бажаради.

Форма банди танлаб олинган ҳисобот шакли бўйича сатр элементларини текшириш ва таҳрир қилиш ишларини амалга оширади.

Итого банди устун ёки сатр бўйича умумий натижаларни олиш шаклини белгилайди.

Кўйилган масала бўйича киритилаётган маълумотларнинг тўғрилигини текшириш **Проверка** банди орқали амалга оширилади. Бунда мулоқот ойнаси ҳосил бўлиб, киритилиши зарур бўлган маълумотлар хусусиятлари ва ҳосил бўлган хатоликлар ҳақидаги хабарнома мазмуни белгиланади.

Электрон жадвалда маълум қийматларнинг танлаб олинган қисми бўйича, бирор қонуният бўйича янги жадваллар ҳосил қилиш вазифасини **Таблица подстановки** банди бажаради.

Кейинги бандлар жадвал элементларини бирлаштириш, яхлитлаш ва ажратиш, ташқи тармоқлардан маълумотлар тўплаш учун хизмат қилади.

## **8.7. Excel да формула ва функциялар билан ишлаш**

### **Формула берилиши**

Excel да тайёрланадиган маълумотли жадваллар матн ёки сонлар билан тўлдирилишини айтиб ўтдик. Баъзан ячейкалардаги қийматлар устида айрим ҳисоблашларни бажариш зарурияти туғилади, бундай вазиятда формулалардан фойдаланилади.

Excel ячейкасидаги формуланинг дастлабки симболи ҳамма вақт “=” (тенглик) ҳисобланади. Сўнгра, арифметик операция белгилари билан ўзаро боғланган арифметик ифодалар терилади. Масалан, N8 ячейкасида

$$= A5 + 4 * B6$$

формула ёзилган бўлса, N8 нинг қиймати A5 ва тўртта B6 нинг йиғиндисидан иборатлигидан далолат беради.

Excelда ишлатиладиган *арифметик амаллар белгилари* қуйидагилар:

- + (қўшиш);
- (айириш);
- \* (кўпайтириш);
- / (бўлиш)
- ^ (даражага кўтариш).

## *Математик функциялар*

**PRODUCT** (<аргументлар рўйхати> (ПРОИЗВЕД) — аргумент қийматлари кўпайтмасини ҳисоблайди;

**SQRT** (сон) (илдиз) — соннинг квадрат илдизини ҳисоблайди;

**FACT** (сон) (ФАКТОР) — аргумент сифатида берилган бутун сонгача бўлган натурал сонлар кўпайтмасини ҳисоблайди;

**RAND** (тасодифий сон) — 0 ва 1 оралиғдаги тасодифий сонни ҳисоблайди.

**ABS** (сон) — аргумент қийматининг модулини ҳисоблайди;

**LN** (сон) — соннинг натурал логарифмини аниқлайди;

**EXP** (сон) — соннинг экспонентасини ҳисоблайди;

**SIN** (сон) — соннинг синусини ҳисоблайди;

**COS** (сон) — соннинг косинусини ҳисоблайди;

**TAN** (сон) — соннинг тангенсини ҳисоблайди (радианда);

## *Статистик функциялар*

**AVERAGE** (<аргументлар рўйхати>) — барча аргументлар қийматларининг ўрта арифметиғини ҳисоблайди;

**MAX** (<аргументлар рўйхати>) — аргументлар рўйхатидан энг каттаси (максимал сон)ни топади;

**MIN** (<аргументлар рўйхати>) — аргументлар рўйхатидан энг кичиги (минимал сон)ни топади;

**SUM** (<аргументлар рўйхати>) — барча аргументлар қийматларининг йиғиндисини ҳисоблайди.

**ДИСП** (<аргументлар рўйхати>) барча аргументлар учун дисперсиясини ҳисоблайди.

**ДОВЕРИТ** (a; b; n)

a — ишончилилик даражаси учун танлаб олинган қиймат. Масалан, a 0 га тенг бўлса, ишончилилик 100% ни ташкил қилади, агар a = 0,05 бўлса, ишончилилик даражаси 95% ни ташкил қилади.

b — танлаб олинган тажриба натижа тўплами учун ўртача фарқланиш бўлиб, олдиндан маълум деб фараз қилинади.

n — танланмадаги элементлар сони.

КВАДРОТК (<аргументлар рўйхати>) барча аргументлар учун квадрат фарқланишни аниқлайди.

### **Мантиқий функциялар**

Айрим амалий масалаларни ечишда ҳисоблашлар у ёки бу шартларга боғлиқ бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда IF шартли функциясидан фойдаланиш мумкин. Бу функциянинг формати куйидагича:

**IF (<мантиқий ифода>; 1-ифода; 2-ифода)**

Унинг ишлаш принципи куйидагича: <мантиқий ифода>нинг қиймати “чин” (1) бўлса, 1-ифода “ёлгон”; (0) бўлса, 2-ифода бажарилади.

## **8.8. Excel да иқтисодий масалаларнинг ечилиши**

*Масала.* Excel дастури ёрдамида куйидаги маълумотли жадвал тайёрлансин. Натижа жадвал ва диаграмма кўринишида чоп қилиш қурилмасига чиқарилсин:

### **Корхонанинг хизмат сафари харажатлари**

Т/р	Бориладиган жой	Йўл нархи	Кунлар сони	Кунлик харажат	Кишилар сони	Жами харажат
1.	Тошкент	800	5	150	4	
2.	Бухоро	860	4	150	5	
3.	Киев	18600	12	480	4	
4.	Москва	17800	10	510	6	
5.	Лондон	85000	15	1050	5	

Мазкур масала учун “Жами харажат” банди қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

“Жами харажат” = (2\* “йўл нархи” + “Кунлар сони” \* “Кунлик харажат” ) \* “Кишилар сони”

Excel дастури ёрдамида масалани ечишни қуйидаги режа асосида олиб борамиз.

### Иш режаси:

1. Excel ни юклаш.
2. Жадвал мавзусини киритиш.
3. Устун кенглигини аниқлаш ва киритиш.
4. Устун номини киритиш.
5. Жадвални маълумот билан тўлдириш.
6. Маълумотли жадвални дискка ёзиш.
7. Дискдан жадвални чақириш.
8. Охирги устун формуласини бериш.
9. Натижавий жадвални ҳосил қилиш.
10. Жадвални чоп қилиш.
11. Устунли ва доиравий диаграммалар ҳосил қилиш.
12. Диаграммаларни чоп қилиш.
13. Excel дан чиқиш.

*Ечиш.* 1. Windows 95 (Windows 98)ни юклаймиз. Сўнгра Пуск (Start) тугмаси орқали “ПРОГРАММЫ” бандини очиб, Microsoft Excel ни танлаймиз ва “сичқонча” чап тугмасини босамиз. Натижада Excel 97ни юклаш учун асосий мулоқот ойнаси очилади.

2. Жадвалнинг биринчи сатрига жадвал мавзусини киритамиз:

### КОРХОНАНИНГ ХИЗМАТ САФАРИ ХАРАЖАТЛАРИ

3. Устун ва сатр кенглиги етарли бўлмаганлиги сабабли уни керакли миқдорда ўзгартирамиз. Бунинг учун “сичқонча” кўрсаткичи орқали А, В, С, D, E, F устунларга мос келувчи чизиқни қистириб олиб лозим миқдорда сурилади.

4. Иккинчи сатрдан бошлаб, устунлар номларини киритамиз:

Т/р	Бориладиган жой	Йўл нархи	Кунлар сони	Кунлик харажат	Кишилар сони	Жами харажат
-----	-----------------	-----------	-------------	----------------	--------------	--------------

5. Ячейкаларни керакли маълумотлар билан тўлдирамиз:

Т/р	Бориладиган жой	Йўл нархи	Кунлар сони	Кунлик харажат	Кишилар сони
1.	Тошкент	800	5	150	4
2.	Бухоро	860	4	150	5
3.	Киев	18600	12	480	4
4.	Москва	17800	10	510	6
5.	Лондон	85000	15	1050	5

6. **Файл (File)** буйруқлар тўпламида **Сохранить как (Save as)** буйруғини берамиз. Компьютернинг **Имя файла** сўровига файл номини, масалан <comgas .xls> ни киритамиз.

7. Дискетдан жадвални юклаш учун **Файл (File)** буйруқлар тўпламидан **Открыть** бандини танлаймиз. Файллар рўйхатидан керакли файлни танлаб (хусусан, <comgas .xls>), “сичқонча” тугмаси босилади.

8. Охирги устун формуласини берамиз, хусусан шу устун биринчи сатри учун қуйидаги формула ўринли:

$$= (2 * C4 = D4 * E4) * F4$$

Қолган сатрлар учун ҳам худди шу формулаларни жорий эттириш учун, жорий сатр ва устун кесишувидаги ячейкани ўнг паст бурчагига сичқонча кўрсаткичи олиб келиниб, чап тугмаси босилган ҳолда сурилади, яъни

T/p	Бориладиган жой	Йўл нархи	Кунлар сони	Кунлик харажат	Кишилар сони	Жами харажат
1	Тошкент	800	5	150	4	$=(2*C4+D4*E4)*F4$
2.	Бухоро	860	4	150	5	$=(2*C5+D5*E5)*F5$
3.	Киев	18600	12	480	4	$=(2*C6+D6*E6)*F6$
4.	Москва	17800	10	510	6	$=(2*C7+D7*E7)*F7$
5.	Лондон	85000	15	1050	5	$=(2*C8+D8*E8)*F8$

9. Натижада қуйидаги жадвални ҳосил қиламиз:

T/p	Бориладиган жой	Йўл нархи	Кунлар сони	Кунлик харажат	Кишилар сони	Жами харажат
1.	Тошкент	800	5	150	4	94000
2.	Бухоро	860	4	150	5	11600
3.	Киев	18600	12	480	4	171840
4.	Москва	17800	10	510	6	244200
5.	Лондон	85000	15	1050	5	928750

10. Нативий жадвални чоп қилиш учун **Файл (File)** буйруқлар тўпламидан **Печать (Print)** буйруғини берамиз.

11. Дастан В ва G устундаги маълумотлар “сичқонча” кўрсаткичи орқали силжитиб ажратилади. Сўнгра, **Вставка** менюсининг буйруқлар тўпламидан **Диаграмма** банди танланади. Компьютернинг **На этом листе ёки На новом листе** сўровига мос жавоб танланади. Диаграмма кўриниши **Мастер диаграммдан** танланади, сўнгра **шаг (продолжить)** тугмасини босиш лозим.

12. Диаграммаларни (9-банддаги каби) **Файл** менюси буйруқлар тўпламидан **Печать** банди орқали чоп қилиш мумкин.

13. Ехседан чиқиш учун **Файл** менюсига чиқиб, дастлаб **Закрьть** банди устида “сичқонча” тугмаси босилади ва сўнгра шу менюдаги **Выход** бандига “сичқонча” кўрсаткичи келтирилиб босилади.

## 8.9. Тажриба натижаларини қайта ишлаш

*1 мисол.* Битта ускунада тайёрланган ва ихтиёрий равишда танлаб олинган 10 та асбоб устида синдириш тажрибаси ўтказилган бўлсин. Танланманинг мустақамлик чегараси қуйидаги тўпламни ҳосил қилди: (1345, 1301, 1368, 1322, 1310, 1370, 1318, 1350, 1303, 1299). Танланма дисперсиясини топиш талаб қилинади. Бу танланмага **ДИСП** функциясини қўллаш орқали қуйидаги натижани олишимиз мумкин.

ДИСП ((1345, 1301, 1368, 1322, 1310, 1370, 1318, 1350, 1303, 1299А)

754,3 тенг бўлади. Дисперсия қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$D = \frac{n \sum_{i=1}^n x_i^2 - (\sum_{i=1}^n x_i)^2}{n(n-1)}$$

*2 мисол.* 50 та йўловчининг ишга етиб келиш учун сарф қилган вақти ўртача 30 минутни ташкил қилиб, ўртача фарқланиш 2,5 бўлсин. Агар  $a = 0,05$  танлаб олинса, 95% ли ишонч даражасида **ДОВЕРИТ** (0,05; 2,5; 50) 0,692951 тенг эканлигини аниқлаш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, ишга етиб олиш учун сарфланган ўртача вақт  $30 \pm 0.692951$  минутни ташкил қилади. Ишонч оралиғи қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$d = x \pm (1 - a) \frac{d}{\sqrt{n}}.$$



## Машқлар

1. Ташкилот бўлимларида хизмат сафари харажатлари ҳисоби(минг сўм ҳисобида)

Т/р	Бўлимлар	Йиллар			Жами
		1998	1999	2000	
1.	Техника таъминоти	131,5	14,6	152,6	
2.	Ҳисобхона	141,6	112,7	114,6	
3.	Ходимлар бўлими	128,4	153,3	143,8	
4.	I Бўлим	132,3	173,2	202,1	
5.	II Бўлим	178,3	207,6	107,4	
6.	III Бўлим	672,4	709,2	221,6	
	Жами				

2. Ташкилот бўлимларида хизмат сафари харажатларининг ошиши (минг сўм ҳисобида)

Т/р	Бўлимлар	Йиллар		Ўшиш кўрсаткичи (% ҳисобида)
		1998	1999	
1.	Техника таъминоти	142,7	146,6	
2.	Ҳисобхона	124,5	117,7	
3.	Ходимлар бўлими	128,4	154,7	
4.	I цех	221,3	103,4	
5.	II цех	168,4	128,6	
6.	III цех	172,4	129,7	
	Жами			

3. Ташкилот ходимлари иш ҳақидан солиқ ажратиш ҳисоби (сўм ҳисобида)

Т/р	Фамилия, исми, шарифи	Маоши	Даромад солиғи (15 %)	Сугурта фонди (1 %)	Қўлга олиш
1.	Суяров А.	16800			
2.	Бектемиров Б.	13600			
3.	Усмонов А.	14600			
4.	Исокулов Н.	14200			
5.	Маъмирзаева М.	16600			
6.	Исломов М.	14600			

4. Ташкилот “олди-берди” операцияларидан солиқ ажратиш ҳисоби (сўм ҳисобида)

Т/р	Операция мавзуси	Умумий сумма	Сугурта (1 %)	НДС солиққа ажратма (18 %)	Қолди
1.	Иш ҳақи	2650000			
2.	Сотиб олиш	325000			
3.	Сотиш	418000			
4.	Сервис хизмати	158600			
5.	Электр энергияси	24000			
6.	Сув билан таъминлаш	33600			
	Жами:				

5. Уй-жой қурилиш ташкилотининг маҳсулот таннархини аниқлаш (минг сўм ҳисобида)

Т/р	Ишлатилган маҳсулот	Таннархи	НДС солиққа ажратма (18 %)	Қолди
1.	Кум	213,6		
2.	Цемент	214,3		
3.	Шағал	216,4		
4.	Сув	48,9		
5.	Электр энергия	27,6		
6.	Иш ҳақи	264,8		
	Жами:			

6. Корхонанинг сотилган маҳсулотидан олинадиган солиқ ҳисоби (сўм ҳисобида)

Т/р	Маҳсулот номи	Сони	Нархи	Солиққа ажратма (18 %)
1.	Фишт	27900	296000	
2.	Блок	61700	122800	
3.	Плита	2800	260000	
4.	Эшик	1070	195000	
5.	Дераза	1020	645000	
	Жами			

7. Жисмоний шахсларнинг жамғарма банкига қўйган суммасидан олган фойда ҳисоби (сўм ҳисобида)

Т/р	Фамилияси, исми, шарифи	Қўйилган сумма	Йиллик фойда (9 %)	Жами
1.	Суяров А.	115000		
2.	Абдуллаев Т.	95000		
3.	Ахмедов К.	144000		
4.	Шодмонов Ф.	85000		
5.	Сирлибоев Р.	76000		
6.	Юсупов С.	84000		

8. Авиалицей ўқитувчиларининг 2000/2001 ўқув йили юкламасини бажариш

Т/р	Фамилияси, исми, шарифи	Режа	Бажарди	% ҳисобида
1.	Алишеров А.	780	780	
2.	Алимардонов В.	806	798	
3.	Сулаймонов К.	810	804	
4.	Нуритдинова З.	504	506	
5.	Тоиров И.	715	730	
6.	Турсунов Б.	494	506	
7.	Юсупов М.	706	690	
8.	Сувонов У.	514	530	

9. Банк ходимлари иш ҳақини маҳаллий коэффициент ва зарарликни инобатга олиб ҳисоблаш

Т/р	Фамилияси, исми, шарифи	Маоши	Маҳаллий коэф.	Зарарл. коэф.	Жами
1.	Жавлиев Р.	4000	1,05	1,2	
2.	Хайдаров Б.	13000	1,05	1,3	
3.	Маматов В.Ю.	12800	1,1	1,3	
4.	Эшқобилов Б.Э.	15800	1,1	1,3	
5.	Алиев Н.	12200	1,1	1,3	
6.	Солиев К.	12400	1,1	1,2	
7.	Норматов Ф.	11200	1,1	1,3	
8.	Холмуродов Д.	11200	1,1	1,3	
	Жами:				

10. Ташкилот бўлимининг квартал бўйича ҳисоботи  
(сўм ҳисобида)

Т/р	Квартал	Товар ҳажми, (т.ҳис.)	1 тонна таннархи	Жами
1.	I квартал	205,6	224000	
2.	II квартал	207,7	21800	
3.	III квартал	208,8	22400	
4.	IV квартал	215,7	248500	
	1 тонна ўрт. нархи			

11. Корхонанинг 1999 йил ойлар бўйича умумий айланмадан маҳаллий бюджетга маблағ ўтказиш ҳисоби (сўм ҳисобида)

Т/р	Ойлар	Айланма сумма	Маҳаллий бюджетга ажратма (5%)
1.	Январь	120000	
2.	Февраль	226000	
3.	Март	326000	
4.	Апрель	228000	
5.	Май	225000	
6.	Июнь	324000	
7.	Июль	229000	
8.	Август	329000	
9.	Сентябрь	320000	
10.	Октябрь	410000	
11.	Ноябрь	415000	
12.	Декабрь	409000	

12. “Информатика ва ҳисоблаш техникаси” курси бўйича ўзлаштириш ҳисоби

Т/р	Гуруҳ	Талабалар сони	Тошпирганлар	% ҳисобида ўзлаштириш
1.	10- а синф	17	15	
2.	10- б синф.	14	12	
3.	10- в синф.	15	14	
4.	11-а синф	18	17	
5.	11- б синф	20	19	

13. Касб-хунар коллежининг 101-молия гуруҳи ойлик стипендиясидан олинadиган солиқ ҳисоби

Т/р	Талабанинг фамилияси, исми, шарифи	Стипендия	Даромад солиғи (15 %)	Суғурга доираси фонди (1 %)	Касаба уюшмаси (1 %)	Қўлга оладиган суммаси
1.	Тошпўлатов О.	4500				
2.	Абдурахманов С.	4500				
3.	Шомурадов Т.	4500				
4.	Алиев Р.	4500				
5.	Мухаммадиев Т.	4750				
6.	Тошпўлатов У.	4670				
7.	Тоиров А.	4500				
8.	Қувондиқов В.	4670				

14. Бўёқчилар бригадаларининг ойлик режасини ба-  
жариш ҳисоби (1999 йил, ноябрь)

Бригада номери	Режа (кварталлар)	Бажарилди (кв.метр)	% ҳисобида
1.	3500	3650	
2.	2800	2950	
3.	2700	2650	
4.	3100	3010	
5.	3200	3350	
6.	3200	3200	
7.	3400	3300	
8.	3800	3560	

15. Фирманинг I кварталда маҳсулотни сотишдан ол-  
ган даромади (минг сўм ҳисобида)

Т/р	Операция мазмуни	Ойлар			Жами
		январь	февраль	март	
1.	Сотиш ҳажми	205,7	304,8	215,6	
2.	Сотиб олишга кетган харажат	218,7	189,6	151,9	
3.	Келтириш сарфи	40,5	21,4	24,5	
4.	Фойда				

16. Ташкилот ходимлари иш хақидан солиқ ажратиш ҳисоби (сўм ҳисобида)

Т/р	Фамилияси, исми, шарифи	Маоши	Даромад солиғи (15 %)	Суғурта фонди (1 %)	Қўлга олиш
1.	Очилов А.	14100			
2.	Исломов М.	15300			
3.	Синдоров М.	11300			
4.	Бекмуродов И.	14300			
5.	Каримов Б.	12230			
6.	Боймирзаев К.	12230			
7.	Маъмирзаева М.	12300			

17. Фирма дўкони сотган маҳсулотидан олинган солиқ ҳисоби (сўм)

Т/р	Маҳсулот номи	Сони	Нархи	Солиққа ажратма (18 %)
1.	Компьютер IBM PC	214	457000	
2.	Телевизор SONU	344	582800	
3.	Магнитофон "Panasonic"	300	245000	
4.	Принтер "Epson"	230	185000	
5.	Сканер	140	215000	
	Жами:			

### 18. Умумий ҳаражатларингиз ҳисоби (сўм ҳисобида)

Т/р	Харажат мақсади	1 кунга харажат суммаси	2 кунга харажат суммаси	Ўсиш ҳисобида %
1.	Эрталабки нонушта	120	110	
2.	Тушлик	160	170	
3.	Кечки овқат	140	120	
4.	Маданий тадбирлар	100	130	
	Жами:			

### 19. Самарқанд автошоҳбекати рейсларидан тушадиган молиявий тўлов ҳисоби (1 кунлик)

Т/р	Бориладиган жой	Чипта сотилган йўлов.сони	Чипта нархи	Ўсиш ҳисобида %
1.	Тошкент	41	945	
2.	Андижон	35	1450	
3.	Бухоро	37	1030	
4.	Наманган	38	1670	
5.	Гулистон	35	810	
6.	Каттақўрғон	30	310	
7.	Навоий	36	520	
8.	Урганч	42	1480	
9.	Қарши	38	750	
10.	Термиз	41	1210	
	Жами:			

20. Ташкилот мижозлари билан молиявий айирбош-  
лаш ҳисоби

Т/р	Кварталлар		Молиявий айирбош. сўм	Ўсиш ҳисобида %
1.	I		115000	
2.	II		125400	
3.	III		234456	
4.	IV		248456	
	Жами:			

21. Корхона бўлимларининг йиллик фойда кўрсатки-  
чи ҳисоби (минг сўм)

Т/р	Йил		1999	2000	Ўсиш ҳисобида %
	Бўлим				
1.	I бўлим		245,6	324,6	
2.	II бўлим		344,7	725,73	
3.	III бўлим		481,7	681,3	
	Жами:				

22. Немис маркаси, америка доллари ва россия рубл-  
ларининг ўзбек сўмига нисбатан бозор таннархини 1999  
йил кварталлари бўйича аниқлаш

Т/р	Квартал				
	Валюта	I	II	III	IV
1.	Америка доллари	13,2	13,6	13,8	14,2
2.	Немис маркаси	12,1	12,3	12,5	13,6
3.	Россия рубли	101,1	102,0	102,1	101,9
	Жами:				

23. Сувоқчилар бригадаларининг ойлик режаларини бажариши (2000 йил, апрель)

Т/р	Бригада номери	Режа (қв.м. ҳисобида)	Бажарилгани	Ўсиш ҳисобида %
1.	1	3400	3100	
2.	2	2960	3200	
3.	3	3200	4160	
4.	4	2900	3450	
	Жами:			

24. Камолот фирмасининг квартал бўйича маҳаллий бюджетга ажратма ҳисоботи (1999 йил)

Т/р	Кварталлар	Айланма сумма	Маҳаллий бюджетга 15% ажратма
1.	I	1175000	
2.	II	211800	
3.	III	3151000	
4.	IV	4151000	
	Жами:		

25. Самарқанд — Тошкент авиарейси йўловчилари йўл ҳақи тўлови ҳисоби (сўм ҳисобида)

Т/р	Самолёт	Йўловчилар сони	Йўл ҳақи	Жами
1.	АН-24	57	3400	
2.	ИЛ-62	250	3800	
3.	ТУ-32	125	3460	
4.	ТУ-154	120	3460	
	Жами:			

26. Бухоро—Тошкент темир йўл поезда йўловчилари йўл ҳақи тўлов ҳисоби (сўм ҳисобида)

Номер	Йўловчилар сони	Йўл ҳақи	Жами
Ум.вақт	486	1350	
	360	1660	
	200	2350	

27. Корхонада мижозлар билан молиявий айирбош-лашнинг ойлар бўйича умумий ҳисоби

Ойлар	Айланма сумма	
Январь	1157510	
Февраль	1486750	
Ўсиш % ҳисобида		

28. Кинотеатр томошабинларига сотилган чипталар ҳисоби

Т/р	Сеанснинг бошланадиган вақти	Сотилган чипталар сони	Нархи сўм	Жами
1.	9 <sup>00</sup>	125	120	
2.	11 <sup>00</sup>	347	120	
3.	18 <sup>00</sup>	428	160	

29. Тошкент метрополитенидан фойдаланувчилар ҳисоби

Т/р	Ойлар	Йўловчилар сони	Йўл ҳақи сўм	Жами
1.	Январь	354061	25	
2.	Февраль	448375	25	
3.	Март	435485	3460	

30. Самарқанд тижорат коллежи талабалари стипендиялари ҳисоби

Т/р	Босқич	Талабалар сони	Стипендиялар миқдори	Жами
1.	1-босқич	36	3500	
2.	2-босқич	44	3500	
3.	3-босқич	48	3700	
	Жами:			




## ГРАФИК ТАСВИРЛАРНИ ЯРАТИШ ВА ТАХРИР ҚИЛИШ

### Microsoft Paint

#### 9.1. Умумий маълумотлар

**Paint** тасвирлар муҳаррири бўлиб, мазкур дастур турли хил расм ва шаклларни ҳосил қилиш ва қайта ишлашда фойдаланилади. Унда ҳосил қилинган тасвир бошқа амалий дастурларда қўлланилиши мумкин. Бу бобда **Windows 98** таркибига кирувчи **Paint** график муҳаррири ҳақида маълумот берилади. Айтиб ўтилгандек, дастур кўмагида оддий матнли жадвал ва диаграммалар ҳамда юксак савияли санъат асарларини яратиш мумкин. Ишни тоза оқ варақда шакл чизишдан ёки тайёр расмларни таҳрир қилишдан бошлаш мумкин. Дастур кўмагида Windows нинг бошқа дастурларида яратилган ихтиёрий матн ёки график маълумотлар нусхасини олиш ёки сканер қурилмаси ёрдамида ўта қийин талқиндаги санъат асарларидан нусха олиш, таҳрир қилиш ва чоп қилиш ишлари мажмуини бажариш мумкин.



1-расм. Paint дастурига мурожаат.

**Paint** ни ишга тушириш учун **Пуск** тугмаси орқали **Проводник** бандига кириб, унда **Program files** мажмуасидаги **Accessories** дастурининг **Mspaint** ёрлиғига мурожаат қилинади (1-расм).


Кўпчилик ҳолларда **Mspaint** ёрлиғи **Windows 98** иш столига кўчирилган бўлади. Бундай ҳолатда **Mspaint** ёрлиғи устида “сичқонча” тугмаси босилади ва дастур тезда ишга туширилади. **Paint** муҳарририга мурожаат қилингандан сўнг экранда дастурнинг таҳрир қилиш дарчаси пайдо бўлади. Дастур муҳитида **Paint**нинг шахсий менюси, жиҳозлаш мажмуаси ва ранглаш соҳаси мавжуд (2- расм).

### *Paint* менюсининг бўлимлари

**Paint** тасвир муҳаррирининг менюси бўлимлари қуйидагилардан иборат:


**Файл, Правка, Вид, Рисунок, Палитра, Справка.**

Менюнинг дастлабки икки бўлим бандлари **Windows 98** амалий дастурлари учун умумий бўлган вазифаларни ба-  
жаради.




2-расм. Дастур ойнасининг умумий кўриниши.

**Файл** бўлими бандлари қуйидаги вазифаларни бажариш учун мўлжалланган:





расм чизиш учун саҳифа очиш;
расмни хотирадан олиш;
тасвирни хотирага ёзиш;
тасвирни файлда сақлаш;
расмни дастлабки кузатиш;
саҳифа ҳолатини кўриш;
расмни чоп қилиш;
файлни бирор манзилга узатиш;
Windows иш столига боғланиш;
Windows иш столи ўртасига қўйиш;
охирги файллар;
Paintдан чиқиш.

**Правка** бўлими тасвирлар устида қуйидаги амалларни бажаради:



буйруқни бекор қилиш;
олдинги ҳаракатни такрорлаш;
тасвирни қирқиб олиш;
расм ёки шаклни нусхалаш;
бирор жойга расмни ўрнатиш;
ажратилган қисмни тозалаш;
барча қисмни белгилаш;
файлга тасвирни кўчириш;
бошқа файлдан кўчириш.


Вид бўлимида жиҳозлар мажмуаси — Набор инструментов, ранглаш соҳаси — Палитра, ҳолат сатри — Строка состояния, матн белгилари панели — Панель атрибутов текста ва тасвирни экранда тўла кўриш — Посмотреть рисунок каби амалларни бажариш мумкин. Масалан, матн ҳарфларини танлаш ва ўлчамларини ўзгартириш учун Панель атрибутов текста га мурожаат этилади (3-расм).




3-расм.

Рисунок бўлими кўмагида тасвирни акслантириш ( $90^\circ$ ,  $180^\circ$ ,  $270^\circ$  градусга расмни буриш) айлантириш, кенгайтириш ва оғдириш амаллари бажарилади. Тасвирнинг ўлчамлари ва ранглиниши **Атрибуты** банди ёрдамида бажарилади.

Палитра бўлимида тасвирларнинг ранглинишида қизғишлик, кўкишлик, яшиллик даражаси ва ёрқинлиги белгиланиб **Добавить в набор** тугмаси ёрдамида ранглиниш соҳасида янги ранг ҳосил қилинади (3-расм).





4-расм. Тасвир элементлари.

### *Жиҳозлаш мажмуаси*

Экраннинг чап қисмида жойлашган жиҳозлар мажмуаси ёрдамида саҳифадаги тасвирнинг керакли элементларини ҳосил қилиш, ажратиб олиш, нусхалаш ёки ўзгартириш мумкин (4-расм). Қуйида ҳар бир жиҳоз вазифаси билан танишамиз:

Ихтиёрий қирқиш

Ўчиргич

Ранг танлаш

Қалам

Пуркагич


Ёзув тушириш

Тўғри чизиқ

Тўртбурчак

Эллипс

Элемент танлаш



Тўртбурчак

қирқиш

Соҳани ранглаш

Тасвирни кенгайтириш

Мўйқалам

Эгри чизиқ

Кўпбурчак

Соҳа белгиларини

## Чизиқлар, ёзувлар ҳосил қилиш ва тасвирлар устида амаллар

Жиҳозлаш мажмуасининг ҳар бир тугмасидан фойдаланиб, тасвирнинг бирор элементини яратиш мумкин. Масалан, **Эгри чизиқ** тугмасидан фойдаланиб ихтиёрий чизиқни ҳосил қилиш мумкин.

Мазкур жиҳозлаш ускунаси эгри чизиқнинг 2 та эгилиш ҳолатини чизиши мумкин. Эгри чизиқни чизиш учун қуйидаги кетма-кетликда иш тутиш керак.

1. Эгри чизиқ ускунаси устида тугмани босиш.
2. Ускуналар мажмуасидан чизиқ қалинлигини танлаш.
3. “Сичқонча” кўрсаткичини расм соҳасининг чизиқ бошланадиган жойига келтириш ва чап тугмани босган ҳолда кўрсаткични керакли жойга кўчириш ва тугмани бўшатиш, натижада экранда тўғри чизиқ ҳосил бўлади.

4. Кўрсаткични тўғри чизиқ эгилиши лозим бўлган жойига келтириб, тугмани босган ҳолда керакли йўналиш бўйича чизиқни эгиш мумкин. Юқоридагиларни бажариб сиз бир эгилишли чизиқ ҳосил қиласиз.

5. Иккинчи эгри чизиқни ҳосил қилинган эгри чизиққа туташтириш учун кўрсаткични эгри чизиқнинг охириги нуқтасига олиб келиб, юқоридаги 3- ва 4-бандни бажаринг.

### *Тўғри тўртбурчаклар ва квадратлар чизиш*

**Прямоугольник** ускунасидан фойдаланиб, тўғри тўртбурчак, квадрат чизиш мумкин. Бунинг учун мазкур ускуна ҳамда тўғри тўртбурчакнинг тури танланади.

### **Paint** тасвирларига ёзув тушириш

1. Жиҳозлаш мажмуасидан  тугмаси босилади.

2. Тасвирда ёзув рамкасини керакли ўлчамини ҳосил қилиш учун “сичқонча” кўрсаткичи диагонал бўйича силжитилади.

3. Форматлаш панелидан шрифт тури, ўлчами ва ёзилиши танланади.

4. Рамканинг ичида “сичқонча” тугмаси босилади ва клавиатурадан матн киритилади.

5. Сўнгра ёзув жойини ўзгартириш ва рангини танлашимиз мумкин.

*Эслатма.* Форматлаш панелини экранга чиқариш учун Вид бўлимида **Панель атрибутов текста** бандига мурожаат қилинади.

### *Тасвирнинг нусхасини олиш.*

1. Жиҳозлар мажмуасидан  тугмаси

тўртбурчакли соҳани ажратиш учун босилади.

2. Кўрсаткич нусхаланувчи соҳага олиб келинади, белгилашнинг керакли ўлчами ҳосил қилинади.

3. **Правка** бўлимида **Копировать** банди фаоллаштирилади.

4. Кўрсаткич экраннинг керакли қисмига ўтказилиб, **Вставить** фаоллаштирилади.

5. Ажратилган бўлакнинг бир неча нусхасини олиш учун “сичқонча” кўрсаткичи клавиатурадаги **Ctrl** босилган ҳолда керакли жойга силжитилади. Бу жараёни бир неча марта қайтариш мумкин.

6. Экранда ҳосил бўлган тасвирни Windows иш столига кўчириш учун **Файл** бўлимида **Замостить рабочий стол Windows** га мурожаат этилади.

7. Жорий тасвир иш столининг ўртасига жойлашиши учун **В центр рабочего стола Windows** га мурожаат қилинади.

Демак, **Paint** дастури кўмагида фойдаланувчи учун зарур ихтиёрий тасвирни экранда ҳосил қилиш, файл кўри-

нишида хотирага киритиш, бошқа амалий дастурлар учун қулай кўринишга келтириш ва ниҳоят тасвирни чоп этиш мумкин.

?

### *Саволлар*






**Қуйидаги саволларга жавоб ёзинг:**








1. Paint ни юклаш.
2. Янги шакл ёки расмни экранда чизиш.
3. Экрандаги расмни хотирага файл кўринишида ёзиш.
4. Хотирадаги расмни экранга чақариш.
5. Расм қисмини ажратиш.
6. Расм қисмини махсус жойга ўрнатиш (нухалаш).
7. Расмни ўз жойидан кўрсатилган жойга кўчириш.
8. Янги расм келтириб қўйиш.
9. Расмни катталаштириш.
10. Расмни кичиклаштириш.
11. Чизиклар қалинлигини танлаш.
12. Бўёқ (ранглар)ни танлаш.
13. Расм ёнига (тагига, устига) ёзиш.
14. Ёзишда турли хил шрифтлардан фойдаланиш.
15. Катта расмларни экранда тўлиқ кўриш.
16. Рангларни таҳрир қилиш.
17. Рангни қўйиш ва сақлаш.
18. Босмага чиқариш қурилмасини танлаш.
19. Расмни босмага чиқариш.
20. Paint дан чиқиш.









### *Машқлар*



Қуйидаги машқларни ечишда қайд этилган иш режасининг барча бандлари кўламини бирма-бир бажаринг ва ҳисоботда бажарилган ишларни тавсифланг.

Берилган иншоот элементларини Paint дастури кўмагида чизинг ва натижани чоп этинг.

№ т/т	Шаклнинг номланиши	Геометрик кўриниш
1.	Текис арматура синчи	
2.	Текис арматура синчларидан ташкил топган фазоли синч	
3.	Арматуранинг пайвандланган туташмалари кесимлари	
4.	Арматуранинг пайвандланган туташмаси кесими	
5.	Арматуранинг бетон билан уланиш кесими	
6.	Кесими икки тарафлама Т ҳарфи шаклидаги тўсин	
7.	Арматуранинг қисилган элементлар кесими: а) пайвандланган синчлар билан	
8.	б) тўқима синчлар билан	

№ т/т	Шаклнинг номланиши	Геометрик кўриниш
9.	Арматуранинг хомутли кўриниши	
10.	Деформация чоклари а) жуфт устунлардаги ҳарорат чоклари	
11.	б) жуфт устунлардаги чўкиш чоклари	
12.	г) қўшимча оралиқнинг чўкиш чоклари	
13.	Чордоқ тошгахталари кўндаланг кесими шакллари:	
14.	а) айлана шаклидаги бўшлиқ билан	
15.	б) қирраларининг юқори тарафи билан	
16.	в) қирраларининг пастки тарафи билан	
17.	Сингсиз яхлит чордоқ конструкциялари а) бинонинг ташқи контурига тошгахтанинг таяниш кесими:	

№ т/т	Шаклнинг номланиши	Геометрик кўриниш
18.	б) тоштахтанинг устун қошига таяниш кесими	
19.	Устун қошларини арматуралаш кесимлари (текис арматура билан)	
20.	Арматура синчлари билан	
21.	Тўқима синчлари билан	
22.	Кўндаланг пайвандланган тўрлар билан	
23.	Марказий қистирмалар билан	
24.	Текис арматура синчлари билан	
25.	Темир-бетон пойдевор турлари: а) алоҳида	
26.	б) тасмали	

№ т/т	Шаклнинг номланиши	Геометрик кўриниш
27.	в) бир текис	
28.	Тартибли темир-бетон пойдевор турлари: а) устун ости	
29.	б) бутун пойдевор тоштахтаси	

### Умумий мулоҳазалар

Замонавий компьютерларда турли дастурлаш тиллари кенг қўлланилади. Бу дастурлар иқтисодиёт, бошқариш, хизмат кўрсатиш ва айниқса саноат ва ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида муҳим аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилишда баъзан ягона омилга айланмоқда. Бу эса ўз навбатида муҳандислик ва бошқариш соҳаси ходимлари учун компьютерлардан унумли ва оқилона фойдаланишни тақозо этади.

Компьютерда бирор муаммони ҳал қилиш бир неча босқичларга бўлинади. Авваламбор таҳлил қилинаётган жараён ёки иншоотнинг зарур жиҳатларини ўзида мумкин қадар тўла акслантирган математик инъикоси (моделли) тузиб олинади.





Математик модел формула ва тенгламалар тизими кўринишида ифодаланади. Ҳосил бўлган математик масалани ечиш учун энг мақбул ҳисоблаш алгоритми тузилади.

Аниқланган алгоритмга хос ҳисоблаш усули танлаб олинади ва бу усулни компьютер ва фойдаланувчи тушунадиган тилда хотирага жойлаштирилади.


Бирор алгоритмик тил асосида тузилган дастур бўйича олинган натижалар таҳлил қилинади ва улар асосида ўрганилаётган жараён учун хос бўлган умумий қонуниятлар аниқланади.

**Алгоритм** — бирор масаланинг ечилиши учун зарур бўлган буйруқларнинг тартибланган кетма-кетлиги бўлиб, одатда блок-схема шаклида берилади. Блок-схемалар қуйидаги элементлардан иборат бўлади:

-  — алгоритм бошланиши ва тугабини билдиради;
-  — бошланғич маълумотларни киритиш;
-  — арифметик ва мантиқий ифодаларни ҳисоблаш;



Қайд этилган блок-схемалардан фойдаланиб ихтиёрий масалани ечиш учун алгоритмлар тузиш мумкин, бунда алгоритмларнинг намунавий кўринишларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади:



1-расм. Чизиқли, тармоқланувчи, қайтарилувчан жараёнларнинг намунавий блок-схемалари.

Намунавий блок-схемалардан фойдаланиб ихтиёрий масала учун алгоритм тузиб, бирор алгоритмик тилда дастур яратиш мумкин.

Ҳозирги пайтга келиб, фойдаланувчилар орасида кенг тарқалган ва муҳандислик масалаларини ечишга мўлжалланган алгоритмик тиллардан бири 1969 йили швейцариялик олим Н. Вирт томонидан яратилган бўлиб, буюк француз олими Блез Паскал номи билан юритилади. 1981 йили Паскал тилининг халқаро стандарти таклиф этилди. Шахсий компьютерларда Борланд фирмасининг Турбо — Паскал диалекти кенг қўлланилади. Ҳозирги пайтда мазкур тилнинг 7 версияси фойдаланувчилар учун таклиф қилинган.

## 10.1 Турбо — Паскал муҳити

Турбо — Паскал дастурлар мажмуаси одатда қаттиқ дискда TP каталогда жойлаштирилган бўлади ва ўз ичига қуйидаги функцияларни олади:

— **TURBO.EXE** - дастурлар ҳосил қилиш учун мўлжалланган файл;

— **TURBO.HLP** — дастур учун зарур операторлар жамланмаси;

— **TURBO.TP** — тизимни конфигурациялаш файли;

— **TURBO.TPL** — Турбо — Паскалнинг қўшимча модуллари;

— **GRAPH.TPU** — тасвир дастурлари ишлатилиши учун зарур файл;

— **EGAVGA.BGI** — видеотизимларни мослаштирувчи драйверлар;

Мазкур каталогда **TURBO.EXE** файлига мурожаат қилингандан сўнг экранда Турбо—Паскал муҳитининг ўз меню сатрига эга бўлган таҳрир қилиш саҳифаси очилади (2-расм). Меню сатрида алоҳида вазифаларига эга бўлган ушбу бўлимлар мавжуд.

**File, Edit, Search, Run, Comple, Debug, Options, Windows, Help.**

Ҳар бўлим ўз бандларига эга бўлиб, уларнинг ичида ... белги билан тугаганлари алоҳида мулоқот дарчаларига



2-расм. Турбо-Паскал муҳитида саҳифанинг умумий кўриниши.

эга бўладилар. File бўлимига мурожаат этилганда ҳосил бўлган мажмуада Open ... банди компьютер хотирасидан Паскал файлларини экранга чақиритиш учун мўлжалланган. Мазкур банд фаоллаштирилганда мулоқот дарчаси ҳосил бўлиб, у ерда керакли файл каталог ичидан ахтарилади (3-расм).


New ёрдамида янги дастур матнини киритиш учун ойна очилади.

Save дастурни хотирага киритади.

Save as ... дастурни бирор ном остида хотирага киритади.

Save all барча файлларни хотирага киритади.

Change dir ... янги каталог ҳосил қилади.



3-расм. Файлни каталогдан ахтариш.

**Print** дастур матнини чоп этади.

**Get info ...** дастур ҳисоблаши давомида компьютер имкониятларидан фойдаланиш даражаси ҳақида маълумот беради.

**Dos sell** дастурдан вақтинчалик операцион тизимга чиқиб туриш имкониятини яратади.

**Exit** NC га чиқилади.

**Edit** Паскал дастурларини таҳрир қилиш вазифасини бажаради. Таҳрир қилиш даврида белгиланган бўлақлар устида амал бажариш учун клавиатурадаги тугмаларнинг куйидаги мажмуасидан фойдаланишимиз мумкин:

**Ctrl + K + B** — ажратилувчи бўлақнинг бошини белгилаш;

**Ctrl + K + K** — ажратилувчи бўлақнинг охирини белгилаш;


**Ctrl + K + C** — белгиланган бўлақнинг нусхасини олиш;

**Ctrl + K + V** — белгиланган бўлақни бошқа жойга кўчириш;

**Ctrl + K + Y** — белгиланган бўлақни ўчириш;

**Ctrl + K + P** — белгиланган бўлақни чоп этиш;

**Ctrl + K + H** — белгилаш амалини бекор қилиш.



— белгиланган бўлақни буферда сақланиши;

— белгиланган бўлақни олиб ташлаш;


— хотирага бўлақнинг нусхасини ўтказиш;

— бўлақ нусхасини дастурда ҳосил қилиш;

— алмашиш буфери мазмунини кўриш;

— саҳифани тозалаш.


**Search** бўлими белги ва сўзларни ахтариш ва алмаштириш вазифаларини бажаради:



- дастурда белги ва сўзни ахтариш;
- топилган белгини ўзгартириш;
- амални янгидан бажариш;
- рақами кўрсатилган қаторга ўтиш;
- кичик дастурни ахтариш;
- ҳисоблаш хатоликларини аниқлаш.

Мазкур бўлимнинг бандларига мурожаат қилинганда мулоқот дарчаси ҳосил бўлиб, у ерда бажарилаётган вазифаларни кўлами белгиланади, қаралаётган соҳа чегараланади.

**Run** бўлимида таҳрир қилинган дастурни ҳисобга ўтказиш бандлари жамланган:




- дастурни ҳисобга ўтказиш;
- таҳрир қилишни тўхтатиш;
- курсор турган жойгача ҳисоблаш;
- ҳисоблаш алгоритмини кўриш;
- сатрлаб ҳисоблаш;
- дастур параметрларини аниқлаш;

**Trace unto** банди дастурни белгиланган алгоритм бўйича қадамлаб ҳисоблайди, натижада мавжуд камчиликларни аниқлаш осонлашади.

**Step over** банди юқоридаги бандга ўхшаш вазифани амалга оширса-да, ҳисоблаш давомида процедураларнинг ичига кирмасдан ўтиб кетади.


**Debug** бўлимида 4 та банд бўлиб, уларнинг ҳар бири дастур ҳисоблашида юзага келувчи хатоликларни аниқлашни осонлаштириш вазифасини бажаради.



- ўзгарувчи қийматларини баҳолаш;
- тўхташ жойи ва қийматни кўриш;
- тўхташ сатрини танлаш;
- тўхташ нуқтаси амаллари.


**Evaluate/modify ...** банди дастур ҳисоблашида оралик ўзгарувчилар қабул қилган қийматларни кўриш учун мўлжалланган бўлиб, муурожаат этилганда экранда мулоқот дарчаси ҳосил бўлади. Мазкур дарчанинг биринчи сатрида қаралаётган ўзгарувчи ёзилади ва кейинги қаторда унинг жорий қиймати ҳосил бўлади.

**Watches** банди мулоқотли дарчаси қуйидаги кўринишда бўлади:



- дарчага ҳисоблаш ифодасини кўшиш;
- дарчадан ифодаларни йўқотиш;
- ифодаларни таҳрир қилиш;
- ҳамма ифодаларни йўқотиш.

Мазкур банднинг сатрларидан фойдаланиб сатрлаб ҳисоблаш усулида керакли ўзгарувчининг қабул қилаётган қийматлари узлуксиз кузатиб турилади. Зарур бўлганда ифодалар соҳасини таҳрир қилиш мумкин.



**Options** бўлим Турбо—Паскал муҳити айрим хоссаларини бошқариш учун мўлжалланган:

- компилятор;
- хотира ҳажми;
- мослаштирувчи (компановщик);
- жадваллар;
- фаолият шarti;
- опцияларни дискка ёзиш;
- опцияларни дискдан ўқиш.

**Compilier** банди мулоқот дарчаси (4-расм) ёрдамида ҳисоблаш пайтида қийматлар ўзгариши оралиқлари, кiritиш ва чиқариш назорати, математик сопроцессорни кўшиш ва шу каби вазифаларни амалга ошириш мумкин. Бунда [ ] ичида X бўлиши керак.

Compiler Options

force far calls       word align data  
 Overlays allowed     286 instructions

Runtime errors

range checking  
 Stack checking  
 I/O checking

Syntax options

STRICT C++ strings  
 Complete boolean eval  
 Extended syntax

Numeric processing

8087/287  
 Emulation

Debugging

Debug information  
 Local symbols

conditional defines

\_\_\_\_\_

OK       Cancel       Help

4-расм. Ҳисоблаш опцияларини танлаш.

Турбо—Паскал менюсининг навбатдаги бўлимлари компьютер экранидан натижа олишни мақбуллаштириш ва тизим ҳақида керакли маълумотларни тавсия қилиш вазифаларини бажаради.

Шундай қилиб, Турбо—Паскал муҳитида ишлаш учун зарур бўлган маълумотларнинг асосий қисми билан танишиб чиқдик. Эндиги асосий вазифа Паскал тилининг имкониятларидан фойдаланиб муҳандислик масалаларини компьютерда ечишдан иборат.

## 10.2. Паскал тили алфавити

Танлаб олинган алгоритм асосида қўйилган масалани компьютерда ечиш учун ҳар қандай алгоритмик тилнинг ўз алифбоси, буйруқлар мажмуаси ва махсус дастурлар жамланган кутубхонаси бўлиши зарур. Паскал тили алифбосини уч қисмга бўлиш мумкин:

— А дан Z гача бўлган лотин алифбоси ҳарфлари ва бўш жойни аниқловчи белги;

- 0 дан 9 гача бўлган араб рақамлари;
- махсус белгилар.

Махсус белгиларни ўз навбатида уч турга бўлинади:

1) +, —, \*, / — арифметик амаллар: қўшиш, айириш, кўпайтириш ва бўлиш амаллари белгиси;

2) солиштириш амаллари белгилари:

*1-жадвал*

Паскал белгиси	Математик кўриниши	Маъноси
=	=	Тенг
< >	≠	Тенг эмас
<	<	Кичик
<=	≤	Кичик ёки тенг
>	>	Катта
>=	≥	Катта ёки тенг

3) Тиниш ёки ажратиш белгилари:

. | , | ; | : | ( | ) | [ | ] | { | } | ' | := |

Фойдаланувчи томонидан бажарилиши лозим бўлган маълум ҳаракатни электрон ҳисоблаш машиналарига махсус сўзлардан ташкил топган операторлар ёрдамида етказилиб амалга оширилиши мумкин. Демак, компьютер учун оператор бажарилиши сўзсиз шарт бўлган буйруқдир.

Операторлар алгоритмик тилларда асосий тушунча бўлиб, ўз навбатида икки гуруҳга бўлинади: оддий ва мураккаб операторлар.

Оддий операторлар жумласига **Begin, end, Uses, Const, Label** киритилиши мумкин.

Мураккаб операторлар бир неча асосий операторларни ўз ичига олиши мумкин.

### 10.3. Паскал тилида қийматларнинг берилиши ва улар устида амаллар

Паскал тилида турли хил қийматлар ва ўзгарувчиларнинг кўринишлари устида амаллар бажариш мумкин. Буларнинг жумласига бутун, ҳақиқий ва комплекс сонлар, мантиқий қийматлар киради. Бутун сонларнинг кўриниши ўзгармаган ҳолда, ҳақиқий қийматлар фақат ўнли касрлар кўринишида берилади ва вергул нуқта билан алмаштирилади, масалан

$$0,24 = > 0.24 \quad -3,1415 = > -3.1415$$

$$0.000002 = 0.2 \cdot 10^{-5} \Rightarrow 0.2 \text{ E } -5.$$

Қийматлар устида бажарилган амаллар натижасини хотирада сақлаш учун Паскал тилида алоҳида эълон қилинувчи идентификаторлар (ўзгарувчилар) ишлатилади. Ҳар қандай идентификатор ҳарф билан бошланувчи махсус белгиларни ўз ичига олмаган ҳарф ва сонлар кетма-кетлигидан ташкил топган бўлади.

Масалан,

X, A1, summa, pi, PETROV, I4J5

5A, HER.9 идентификатор бўла олмайди. Идентификаторлар учун ҳеч қандай чеклашлар белгиланмаган, аммо улар 8 та символдан ошиши мақсадга мувофиқ эмас. Ҳар бир идентификатор қийматларнинг фақат битта кўринишини аниқлаши мумкин ва бир хил турдаги ўзгарувчилар устида амаллар бажарилади. Юқорида берилган қийматлардан ташқари мантиқий, символ, ҳамда муस्ताқил равишда аниқланувчи ўзгарувчиларнинг кўринишлари мавжуд. Паскал тилида уларнинг ҳар бири учун алоҳида амаллар бажариш тартиби мавжуд.

Ҳақиқий сонлар устида тўрт арифметик амал одатдаги кўринишда бажарилади:

$$XY \Rightarrow X*Y, \quad a:b \Rightarrow a/b, \quad f+g-r \Rightarrow f+g-r.$$

Арифметик амаллар бажариш тартибини сақлаш учун фақат оддий қавс ишлатилади.

$$\frac{x^2 + y^2}{x^2 - y^2} = \frac{(x+y)(x-y)}{(x+y)(x-y)}$$

Бутун қийматлар устида тўрт арифметик амалдан ташқари  $\text{div}$  — бутун бўлиш ва  $\text{mod}$  — қолдиқ қийматни топиш мумкин.

$$\begin{aligned} 7 \text{ div } 2 &= 3, & 3 \text{ div } 5 &= 0 \\ -5 \text{ div } 2 &= -2, & (-9) \text{ div } (-3) &= 3. \end{aligned}$$

$m \text{ mod } n$  фақат  $n > 0$  бўлган қийматлар учун маънога эга ва бу амал учун қуйидаги тенглик ўринли:

$$\begin{aligned} m \geq 0, & & m \text{ mod } n &= m - (m \text{ div } n) * n, \\ m < 0, & & m \text{ mod } n &= m + n - (m \text{ div } n) * n, \end{aligned}$$

демак  $m \text{ mod } n$  ҳамма вақт мусбат қиймат қабул қилади:

$$7 \text{ mod } 2 = 7 - (7 \text{ div } 2) * 2 = 7 - 3 * 2 = 1, \checkmark$$

$$-9 \text{ mod } 4 = -9 + 4 - (-9 \text{ div } 4) * 4 = -5 + 2 * 4 = 3. \checkmark$$

Юқорида келтирилган бутун бўлиш ва қолдиқ қийматни аниқлаш амалларининг бажарилиши натижасида фақат бутун сонлар ҳосил бўлади.

Мантиқий қийматлар Бул алгебраси амаллари ёрдамида ҳисобланади. Бул алгебраси асосига фикрлар ҳисоби қўйилган. Фикр деганда бирор жумлани тушунишимиз мумкин.

“ $3 \stackrel{?}{=} 2$ ”, “5 — тоқ сон”, “Тошкент — Америка пойтахти”.

“Ташқарида осмонни булут қоплаган”.

Бу ерда 1, 3-фикрлар ёлгон, 2-фикр рост, 4-фикр маълум шароитда рост, баъзи шартлар бажарилмаганда ёлгон бўлиши ҳам мумкин. Худди шу сингари “ $x > 0$ ” фикри х

нинг қийматига мос равишда рост ёки ёлгон қийматларни қабул қилиши мумкин. Бундан ташқари фикрлар ус-тида амаллар ҳам бажариш мумкин. Масалан, “ $x*y \neq 0$ ” фикри фақат “ $x \neq 0$ ” ва “ $y \neq 0$ ” ҳолида рост бўлади, “ $x*y=0$ ” фикри эса “ $x=0$ ” ёки “ $y=0$ ” бўлганда ҳам бажарилади.

Бул алгебрасида  $\neg$  — мантиқий инкор,  $\wedge$  — мантиқий кўпайтириш,  $\vee$  — мантиқий қўшиш амаллари мавжуд. Масалан,  $\neg A$  амалида  $A$  мантиқий ўзгарувчи ёки ифода рост қиймат қабул қилса, ёлгонга айланади ва аксинча.  $Y = \neg(x < 0)$  мантиқий ифода  $x$  нинг мусбат қийматларида рост қиймат қабул қилади. Шундай қилиб, мантиқий ўзгарувчилар фақат рост ёки ёлгон қиймат қабул қилиши мумкин.

Паскал тилида мантиқий амаллар ва қийматлар учун қуйидаги белгилашлар киритилган:

➤  
2-жадвал

Математик кўриниш	Паскал белгиси	Маъноси
$\neg$	Not	Инкор
$\vee$	Or	Қўшиш
$\wedge$	And	Кўпайтириш
1	True	Рост
0	False	Ёлгон

Қуйида Бул алгебраси амалларига мос бўлган Паскал ёзувларига мисоллар келтирамиз.

$$a > 0 \wedge \beta < 0$$

$$\neg \lambda \vee \mu \wedge a$$

$$(A \vee B) \wedge (B \vee E)$$

$$\text{alfa} > 0 \text{ and } \text{beta} < 0$$

$$\text{not } \lambda \text{ or } \mu \text{ and } a$$

$$(A \text{ or } B) \text{ and } (B \text{ or } E)$$

Мантиқий қийматлар устида Бул алгебраси амаллари қуйидаги тартибда бажарилади:

3-жадвал

U	V	$U \vee V$	$U \wedge V$	$\neg U$
true	true	true	True	False
false	true	true	False	True
true	false	true	False	False
false	false	false	False	True

Мантиқий қийматлар машина учун 0 ёки 1 га тўғри келганлигини ҳисобга олган ҳолда Бул алгебраси ҳар қандай компьютер ҳисобининг асосини ташкил этишини осон аниқлашимиз мумкин.

#### 10.4. Паскал тилида ўзгарувчиларни тавсифлаш

Маълумки, ҳар қандай қиймат ёки белги билан иш кўриш учун энг аввало уларга хотирада жой ажратиш зарур бўлади. Бунинг учун ишлатилиши зарур бўлган ўзгарувчи ёки ўзгармаслар Паскал тилида эълон қилиниши керак. Кўпчилик ҳолларда дастурларда ўзгармас қийматлар билан иш кўришга тўғри келади. Масалан,  $n=20$ ,  $e=2,71$  каби сонлар Паскал тилида қуйидагича эълон қилинади:

**Const pi =3.14; n = 20; e = 2.71.**

Умумий ҳолда ўзгарувчилар var (variable) оператори орқали қабул қилиниши мумкин бўлган қийматига қараб турларга бўлинади. Бутун сонлар ишлатилиш чегарасига қараб ҳар хил кўринишда эълон қилиниши мумкин:

◆ **byte**                      0 дан 255 гача қиймат қабул қилувчи ишорасиз бутун сон;

- ◆ shortint — 128 дан 127 гача қиймат қабул қилувчи ишорали бутун сон;
- ◆ word — 0 дан 65535 гача қиймат қабул қилувчи ишорасиз бутун сон;
- ◆ integer — 32768 дан 32767 гача қиймат қабул қилувчи ишорали бутун сон;
- ◆ longint — 2147483648 дан 2147483647 гача қиймат қабул қилувчи ишорали узун бутун сон.

Ҳақиқий сонлар учун қўйилган масалада ечимнинг аниқлик даражасига қараб қуйидаги операторлар ёрдамида идентификаторлар эълон қилиниши мумкин:

#### 4-жадвал

Идентификатор тури	Қийматлар оралиғи	Аниқлик даражаси	Эгаллаган ҳажми
real	2.9e-39..1.7e38	11-12	6 байт
single	1.5e-45..3.4e38	7-8	4 байт
double	5.0e-324..1.7e308	15-16	8 байт
extended	3.4e-4932..1.1e4932	19-20	10 байт

Фақат рост — **true** ёки ёлғон — **false** қийматларни қабул қилувчи мантиқий ўзгарувчилар **Boolean** оператори ёрдамида эълон қилинади.

Ҳар қандай идентификаторларни **ASCII** жадвалидаги кодлари билан иш кўриб, белгиларнинг ўзлари устида тегишли амаллар бажариш учун ўзгарувчиларни белгили кўриниши оператори **char** ёрдамида аниқланади.

Фойдаланувчининг дастурида *i, j, k* — бутун, *x, y, z* — ҳақиқий, *u, v, w* — мантиқий қийматларни қабул қилиб, *a, b, c* — белгили ўзгарувчилар турига кирсин. Бу ўзгарувчилар Паскал тилида қуйидагича эълон қилинади:

Var

**i,j,k: integer;**

**x,y,z: real;**

**u,v,w: boolean;**  
**a,b,c: char.**

Худди шу тахлитда ўзгарувчиларни бошқа мураккаб ва мустақил равишда аниқланувчи кўринишлари эълон қилиниши мумкин. Улар ҳақида кейинроқ батафсил тўхта-ламиз.

## 10.5. Дастур тузилиши

Паскал тилида тузилаётган ҳар қандай дастур маълум қонуниятларга асосланган бўлади ва бу тилдаги энг кичик дастур қуйидагича кўринишда бўлади:

**Begin**  
**End.**

Бу дастур ҳеч қандай вазифа бажармайди, лекин компьютер учун бу нарсанинг аҳамияти йўқ, энг муҳими дастурнинг бошланиши ва тугабини аниқловчи операторлар берилган. Демак, бу операторлар орасида фойдаланувчи учун зарур бўлган вазифаларни бажарувчи бошқа ҳар қандай операторларни жойлаштириш мумкин:

**Begin**  
Дастурнинг асосий қисми  
**End.**

Компьютерда бирор масалани ечиш учун бошқа дастурларга, ташқи қурилмаларга мурожаат қилиш мумкин, ўзгармас ёки янги ўзгарувчиларнинг кўринишларини эълон қилиш мумкин ва ҳ.к. Бу амаллар ҳамма вақт асосий дастурдан олдин эълон қилинади:

Шундай қилиб Паскал тилидаги дастур тузилиши қуйидаги кўринишга эга:

**Uses**      Ишлатилаётган кутубхона бўлимлари (модуллири)

**Label**      Дастурнинг асосий қисмида ишлатилаётган белги (метка)ларни эълон қилиш

<b>Const</b>	Ўзгармасларни эълон қилиш
<b>Type</b>	Янги ўзгарувчиларнинг турини муомалага киритиш
<b>Var</b>	Асосий дастурда муомалада бўлган ўзгарувчиларни эълон қилиш.

**ПРОЦЕДУРАЛАР**ни эълон қилиш.

**Begin**

Дастурнинг асосий қисми.

**End.**

Демак, ҳар қандай дастур юқорида берилган асосий тузилманинг хусусий ҳоли бўлиши мумкин ва улар ўз навбатида Паскал тилига хос бўлган асосий тушунчалар асосида ҳосил қилинади.

## 10.6. Паскал тилида махсус ва элементар функцияларнинг берилиши

Дастурчи томонидан ҳамма вақт ишлатилиб турувчи баъзи элементар ва алоҳида (махсус) вазифаларни бажарувчи функциялар компьютер хотирасига маълум номлар остида мурожаат учун қулай кўринишда киритилган.

$|x| \Rightarrow \text{abs}(x)$

$\sqrt{x} \Rightarrow \text{sqrt}(x)$

$x^2 \Rightarrow \text{sqr}(x)$

$\sin x \Rightarrow \text{sin}(x)$

$\cos x \Rightarrow \text{cos}(x)$

$\ln x \Rightarrow \text{ln}(x)$

$e^x \Rightarrow \text{exp}(x)$

$\text{arctg } x \Rightarrow \text{arctan}(x)$

Юқорида келтирилган элементар функциялардан фойдаланган ҳолда ҳар қандай математик ифодалар Паскал тилига ўтирилиши мумкин, масалан:

$$\begin{aligned} \cos^2 x & \Rightarrow \text{sqr}(\cos(x)) \\ \sin \ln x & \Rightarrow \text{sin}(\ln(x)) \\ |a+b| & \Rightarrow \text{abs}(a+b) \end{aligned}$$

Бутун сонни яхлитлаш ва бутун қисмни аниқлаш учун қуйидаги функциялар ишлатилади:

**Round(x), trunc(x).**

Паскал тили ёрдамида ҳарф ва сонларни ўзи билангина эмас балки уларни тартиб номери, яъни ўзгарувчиларнинг символ кўриниши билан ҳам ишлашимиз мумкин. Символлар учун қуйидаги функциялар ишлатилади:

- **Chr(n)**    n тартиб номерига мос келувчи белгини аниқлайди;
- **Ord(x)**    x белгининг тартиб номерини аниқлайди;
- **Pred(x)**    x дан олдинги белгининг тартиб номерини аниқлайди;
- **Succ(x)**    x дан кейинги белгининг тартиб номерини аниқлайди.

Кейинги келтирилган функциялар Паскал тилининг махсус функциялари деб аталади.

## 10.7. Паскал тилининг асосий операторлари

Фойдаланувчи томонидан таклиф этилган алгоритм асосида қўйилган масалани компьютерда ечиш учун Паскал тилининг бошқарувчи операторларини ишлатиш зарур бўлади. Бу операторлар оддий ва мураккаб кўринишга эга бўлади.

Берилган ифоданинг қийматини ҳисоблаб компьютер хотирасига жойлаштириш учун ўзлаштириш операторидан фойдаланиш мумкин. Бу оператор

**X:=A**

кўринишида ифодаланади.

Бу ерда

$X$  — ўзлаштирувчи идентификатор;

$A$  — ихтиёрий ифода;

$:=$  — ўзлаштириш белгиси.

Масалан,  $a = 2$  ни  $b = 3$  га кўпайтириб,  $c$  ни ҳосил қилиш учун ўзлаштирувчи оператордан фойдаланишимиз мумкин:

$$a:=2; b:=3; c:=a*b.$$

Бу ерда ўзлаштириш оператори ёрдамида  $a$ ,  $b$  идентификаторлар учун хотирада ажратилган ячейкаларда 2 ва 3 қийматлари ҳосил қилинади ва бу қийматлар ячейкалардан чақириб олиниб, ўзаро кўпайтирилиб хотирада  $c$  учун ажратилган ячейкага жойлаштирилади. Бундан ташқари дастур ҳисоблаши давомида хотирада бирор ўзгарувчи учун ажратилган жойда ҳар хил қийматларни ҳосил қилиш зарур бўлади. Масалан,

$$I:=1; I :=I+1.$$

Мазкур операторлар ёрдамида  $i$  ўзгарувчи дастур ишлаши давомида кетма-кет 1,2,3 ва ҳоказо сонларини қабул қилади.

Ўзлаштириш оператори учун қуйидаги амаллар бажарилиши мумкин эмас:

1.  $3:= i+2$ ; (ўзлаштириш операторининг чап қисмида ўзгармас )

2.  $x=2*ri+r$ ; (ўзлаштириш белгиси нотўғри берилган)

3.  $y:=x*+b/2$ ; (махсус белгилар кетма-кет ёзилган)

4.  $z:=\exp(x)$  (ўзлаштириш оператори тугалланмаган)

Ўзлаштириш оператори ёрдамида ихтиёрий ифодаларни ҳисоблаш ва натижаларни хотирага жойлаштириш мумкин.

Фойдаланувчи қўйилган масалани компьютерда ечиш жараёнида бошланғич қийматларни хотирага киритиши, ҳосил бўлган натижаларни ташқи қурилмаларга чиқаришига тўғри келади.

Киритиш оператори қуйидаги кўринишда берилиши мумкин:

**Read(A);**

Бу ерда А киритилиши зарур бўлган ўзгарувчилар рўйхати.

Масалан: 0.1, 3.72, 2800 лар a, b, c ўзгарувчилар учун бошланғич қиймат бўлсин.

**Read (a, b, c)** - a, b, c нинг қийматлари бир қаторда киритилади.

**Readln (a, b, c)** - a, b, c нинг қийматлари алоҳида қаторда киритилади.

Дастурда киритиш операторидан кейин ҳар бир бошланғич қийматларни пробел (бўш жой) ёрдамида киритиш таклиф этилади.

Хотирада ҳосил бўлган натижаларни фойдаланувчи учун керак бўлган кўринишда ташқи қурилмаларда ҳосил қилиш учун чиқариш оператори ишлатилади:

**Write(a);**

**Writeln(a);**

a-чиқарилиши зарур бўлган идентификаторлар рўйхати.

Чиқариш операторида ахборотларни матн кўринишига ва ишлатилаётган ўзгарувчининг турига мос равишда ташқи қурилмаларда жой ажратилиши зарур бўлади. Ахборотнинг матн кўринишини ташқи қурилмаларда ҳосил қилиш учун зарурий ифода ' ' белгилари орасига олинади. Бутун қийматлар учун керакли позициялар сони кўрсатилади. Ҳақиқий сонлар учун қийматнинг бутун қисмидан ташқари каср қисми учун ҳам жой ажратиш зарур бўлади. Бу ерда ҳақиқий сон ишораси ва нуқта учун ҳам жой ажратилганлиги сабабли, қийматнинг каср қисми учун ажратилган жой умумийсидан камида учтага фарқ қилиши зарур бўлади. Биз компьютерга қуйидаги вазифани бажаришни юклашимиз мумкин:

**a= 3,72    b=-0,0000001    c= a\*b.**

Қийматлар ҳисобланиб асл кўринишида компьютер экранда ҳосил бўлсин. У ҳолда чиқариш оператори қуйидагича кўринишда берилиши мўмкин:

```
program ss;  
  var  
    a,b,c: real;  
begin  
  a:=3.72; b:=-0.0000001; c:=a*b;  
  writeln ('a=',a:8:3,'b=',b:15:7,'c=',c:15:7);  
end.
```

Шундай қилиб, дастур асосида олинган натижаларни ташқи қурилмаларга чиқаришнинг асослари билан танишдик. Юқорида олинган ахборотлар ёрдамида чизикли алгоритмга хос бўлган дастурларни амалга ошириш имкониятига эга бўлдик. Энди чизикли ҳисоблаш жараёни дастурлашга оид мисоллар қараймиз.

1-мисол. Учбурчакнинг томонлари  $a=2,6$  м,  $b=9,2$  м ва  $c=4,2$  м эканлиги маълум бўлса, ҳар бир томонга туширилган баландликларни унинг маълум томонлари орқали ҳисобланг.

Маълумки, баландликлар қуйидаги муносабатлар ёрдамида ифодаланади:

$$h_a = (2/a) \cdot \sqrt{p(p-a)(p-b)(p-c)},$$

$$h_b = (2/b) \cdot \sqrt{p(p-a)(p-b)(p-c)},$$

$$h_c = (2/c) \cdot \sqrt{p(p-a)(p-b)(p-c)},$$

бунда

$$p = (a+b+c)/2.$$


Ҳисоблаш жараёнига мос алгоритм блок-схема тарзида 1-расмда келтирилган, мазкур блок схемани тузишда такрор ҳисоблашларни йўқотиш мақсадида

$$S = 2\sqrt{p(p-a)(p-b)(p-c)}$$

қўшимча ўзгарувчи киритамиз, шу боис

$$h_a = S / a, \quad h_b = S / b, \quad h_c = S / c \quad \text{бўлади.}$$

Демак, бизнинг мисолимизда блок-схема қуйидагича бўлади:



5-расм. Чизиқли алгоритм блок-схемаси.

Энди берилган топшириқ ҳисоблаш жараёнига мос алгоритмнинг Паскал тилидаги дастур матнини келтирамиз.

## Ҷизикли ҳисоблаш жараёнларини дастурлаш

Program Chizig;

var

a,b,c,p,s,ha,hb,hc:real;

begin

Write('A='); Readln(a);

Write('B='); Readln(b);

write('C='); Readln(c);

P:=(a+b+c)/2;

S:=2\*sqrt(p\*(p-a)\*(p-b)\*(p-c));

ha:=s/a; hb:=s/b; hc:=s/c;

Writeln('Ha=',ha:0:3);

Writeln('Hb=',hb:0:3);

Writeln('Hc=',hc:0:3);

end.

!

### Машқлар

Берилган масалани ечишнинг ҳисоблаш жараёнига мос алгоритми (блок-схема тарзида) ва Паскал алгоритмик тилида дастурини тузинг.

1. Учбурчак томонларининг узунликлари  $a=3,6$  м;  $b=4,8$  м;  $c=3,4$  м эканлиги маълум бўлса, унинг юзини топинг. Учбурчакнинг юзи Герон формуласи бўйича топилади:

$$S = \sqrt{p(p-a)(p-b)(p-c)}, \quad p = (a+b+c)/2.$$

2. Сувоқчилар бригадасининг биринчи сувоқчиси бир соатда  $a=5,46$  м<sup>2</sup>, иккинчи сувоқчиси  $b=61,76$  м<sup>2</sup>, учинчи сувоқчиси  $c=14,6$  м<sup>2</sup>, тўртинчи сувоқчиси эса  $d=12,46$  м<sup>2</sup> сиртни сувоқ қилиши маълум бўлса, бригада бутун иш куни мобайнида (7 соат) қанча кв. метр сиртни сувоқ қилади?

Изланаётган катталиқ

$$S = (a+b+c+d) \cdot t$$

формула билан ҳисобланади

3. Диагоналлари мос ҳолда  $d_1=15,6$  ва  $d_2=8,4$  улар орасидаги бурчак эса  $\alpha=\pi/4$  бўлган тўртбурчакнинг юзини ҳисобланг.

Масалани ечиш учун қуйидаги формуладан фойдаланинг:

$$S = d_1 d_2 \sin \alpha / 2.$$

4. Учбурчак томонларининг узунликлари  $a=2,3$  м;  $b=5,4$  м;  $c=2,8$  м эканлиги маълум бўлса, унинг бурчакларини топинг.  
Бурчаклар:

$$\alpha = 2 \arcsin \sqrt{(p-b)(p-c)(b-c)}.$$

$$\beta = 2 \arcsin \sqrt{(p-a)(p-c)(a-c)}.$$

$$\gamma = 2 \arcsin \sqrt{(p-b)(p-a)(b-a)},$$

бу ерда  $p = (a+b+c)/2$ .

5. Ясовчиси  $l=13,5$  м, асосларининг радиуси мос ҳолда  $R_1=4,6$  м ва  $R_2=8,5$  м бўлган кесик конуснинг тўла сирти юзини топинг.

Изланаётган сиртни ҳисоблаш:

$$S = \pi(R_1 + R_2)H + \pi R_1^2 + \pi R_2^2.$$

6. Параллелепипед қирраларининг узунликлари  $a=4,2$  м;  $b=5,8$  м ва  $c=6,6$  м эканлиги маълум бўлса, унинг ҳажмини ва диагоналинини ҳисобланг.

Бу ерда  $V = abs, d = \sqrt{a^2 + b^2 + c^2}.$

7. Кесими айлана бўлган ҳалқанинг кичик ва катта диаметрлари мос ҳолда  $d=4,6$  м ва  $D=6,5$  м га тенг бўлса, шу ҳалқа юзини топинг.

Бу ерда  $S = \frac{\pi}{4} (D^2 - d^2).$

8. Мингбулоқ нефт конида бир-биридан алоҳида иккита қудуқ қазила бошланди. Агар асосий нефт манбаига нисбатан бу қудуқларнинг чуқурлиги (энг қуйи нуқтаси координаталари), маълум бўлса, шу қудуқнинг чуқурлигини (энг қуйи нуқта-сигача бўлган масофани) топинг, бунда  $A(1900; 1600; 2200)$ ;  $B(2000; 1900; 1800)$ .

Маълумот учун формула:

$$d = |AB| = \sqrt{(x_2 - x_1)^2 + (y_2 - y_1)^2 + (z_2 - z_1)^2}.$$

9. Учбурчак шаклидаги тўсин томонларининг узунликлари  $a=2,4\text{м}$ ;  $b=4,8\text{м}$ ;  $c=3,6\text{м}$  эканлиги маълум бўлса, унинг медианасини берилган томонлари орқали топинг.

Медиана формуласи:

$$m_a = \sqrt{2b^2 + 2c^2 - a^2} / 2; \quad m_b = \sqrt{2a^2 + 2c^2 - b^2} / 2;$$

$$m_c = \sqrt{2a^2 + 2b^2 - c^2} / 2.$$

10. Учта моддий нуқтанинг массалари  $m_1=1,8$ ;  $m_2=1,4$ ;  $m_3=1,9$  ва мос ҳолда координаталари  $C_1(2;2)$ ;  $C_2(1;2)$ ;  $C_3(2;3)$  маълум бўлса, моддий нуқта оғирлик марказининг координаталарини топинг.

$$\begin{aligned} x_c &= (m_1 x_1 + m_2 x_2 + m_3 x_3) / m, \\ y_c &= (m_1 y_1 + m_2 y_2 + m_3 y_3) / m, \\ m &= m_1 + m_2 + m_3. \end{aligned}$$

11. Учбурчакнинг томонлари  $a=2,6\text{м}$ ;  $b=3,4\text{м}$ ;  $c=2,4\text{м}$  эканлиги маълум бўлса, унинг бурчакларини градус ўлчов бирлигида топинг.

Бурчаклар:

$$\cos A = \frac{b^2 + c^2 - a^2}{2bc}, \quad \sin B = \frac{b \sin A}{a}, \quad C = 180^\circ - (A + B).$$

12. Учбурчакнинг иккита томони ва улар орасидаги бурчаги маълум бўлса ( $a=4,4\text{м}$ ;  $b=2,6\text{м}$  ва  $C=\pi/4$ ), унинг учинчи томонини ва юзини топинг.

Маълумот учун формула:

$$c^2 = a^2 + b^2 - 2ab \cos C; \quad S = p(p - c) \operatorname{tg} C; \quad p = \frac{a + b + c}{2}.$$

13. Учбурчак шаклидаги тўсиннинг иккита томони ва улар орасидаги бурчаги маълум бўлса ( $C=\pi/4$ ), унинг учинчи томони,  $A$  ва  $B$  бурчакларини (радиан ўлчов бирлигида) ҳамда юзини топинг.

Маълумот учун формула:

$$\sin A = \frac{a \sin C}{c}, \quad \sin B = \frac{b \sin C}{c}.$$

$$S = \frac{bc \sin A}{2}, \quad c^2 = a^2 + b^2 - 2ab \cos C.$$

14. Учбурчакнинг битта томони ва иккита бурчаги маълум бўлса ( $A = 2,9$  см ва  $B = 45^\circ$ ,  $C = 60^\circ$ ), шу учбурчакка ташқи ва ички чизилган айланалар радиуслари ва  $A$  бурчагини топинг.

Маълумот учун формула:

$$A = 180^\circ - B - C; \quad R = \frac{a}{2 \sin A}; \quad r = 4R \sin \frac{A}{2} \sin \frac{B}{2} \sin \frac{C}{2}.$$

15. Учбурчакнинг битта томони ва учала бурчаги маълум бўлса ( $c = 4,7$  см,  $A = 60^\circ$ ,  $B = 90^\circ$ ,  $C = 30^\circ$ ),  $b$  ва  $c$  томонларини ҳамда шу учбурчакка ташқи чизилган айлана радиусини топинг.

Маълумот учун формула:

$$b = \frac{a \sin B}{\sin A}; \quad c = \frac{a \sin C}{\sin A}$$

$$p = \frac{a + b + c}{2}; \quad R = \frac{p}{4 \cos \frac{A}{2} \cos \frac{B}{2} \cos \frac{C}{2}}$$

## 10.8. Шартсиз ва шартли ўтиш операторлари

Компьютер ҳисоблаши жараёнида баъзи ҳолларда бошқаришни дастурнинг бирор қисмидан иккинчи қисмига кўчиришга тўғри келади. Бу вазифани шартсиз ўтиш оператори бажаради:

**Goto m;**

Бу ерда  $m$ — дастурда **label** оператори ёрдамида эълон қилинувчи нишонни аниқлайди. Масалан,

**Label m1,nk;**

---


**Goto m1;**

---

**m1:\_\_\_\_\_**

nk: \_\_\_\_\_ m1

Лекин кўпчилик масалаларда бошқаришни бирор шарт ёрдамида ўзгартиришга тўғри келади. Қуйида чизма кўринишида келтирилган функцияни аргументнинг ихтиёрий қиймати учун ҳисоблаш масаласини кўриб чиқайлик.



6-расм.


Чизма кўринишида келтирилган функцияни математик ифодалар ёрдамида (аналитик) ёзиб олиш ҳам мумкин.

$$y = \begin{cases} x^2, & \text{агар } |x| < 1 \\ 1, & \text{агар } |x| \geq 1 \end{cases} .$$

Берилган функция аргументнинг ихтиёрий қийматида ҳисоблаш масаласининг дастури йириклаштирилган блок-схемасини кўриб чиқамиз.

Дастур блок-схемаси 7-расмда келтирилган.

Қаралаётган масалада бошқариш олдиндан маълум бўлган шарт асосида бир оператордан иккинчисига ўзгартирилди. Бундай ҳоллар жуда кўп масалаларда учраганли-



7-расм.

ги сабабли ҳар қандай алгоритмик тилларда бўлгани каби Паскал тилида ҳам шартли ўтиш операторлари мавжуд:

**If B then A1 else A2;**

Бу ерда **B** — мантиқий ифода, **A1**, **A2** — ихтиёрий оператор ёки ифодалар. Оператор қуйидаги тартибда бажарилади: **B** — мантиқий ифоданинг рост қийматлари учун **A1** оператор, ёлғон қийматлари учун **A2** оператор бажарилади ёки ифодалар ҳисобланади. Масалан, юқорида ҳисоблаш алгоритми берилган функция учун шартли ўтиш оператори қуйидагича ёзилади:

**If abs(x) < 1 then y := sqrt(x) else y := 1.**

Баъзи ҳолларда шартли ўтиш операторининг қисқача кўринишини ишлатиш мақсадга мувофиқ бўлади:

**If B then A;**

Бу ерда **B** мантиқий ифоданинг рост қиймати учун **A** оператор бажарилади, акс ҳолда кейинги ихтиёрий оператор бажарилади.

Юқорида чизма кўринишида берилган функцияни аргументнинг ихтиёрий қиймати учун ҳисоблаш дастури-ни қараймиз:

```

Program f;
var
    x,y:real;
begin
    read(x);
if abs(x) <= 1 then y:=sqr(x) else y:=1;
    writeln ('y=',y:8:3);
end.

```

Тармоқланувчи ҳисоблаш жараёнларини дастурлашга оид яна бир мисол қарайлик.


Ушбу

$$y = \begin{cases} \frac{\sin x}{x^2 + 1}, & \text{агар } x < -1 \text{ бўлса,} \\ \arctg^2 x + e^{\sqrt[3]{x}}, & \text{агар } -1 \leq x \leq 1 \text{ бўлса,} \\ \ln(x + 1,8), & \text{агар } x > 1 \text{ бўлса} \end{cases}$$

функция қийматини ҳисоблаш алгоритми ва дастурини тузинг.

Масалани ечишнинг ҳисоблаш жараёнига мос алгоритм блок-схема тарзида 8-расмда келтирилган.

*if B then A<sub>1</sub> else A<sub>2</sub>*



8-расм.

Бу мисолни ҳисоблаш жараёнига мос алгоритмнинг Паскал дастури матнини келтирамиз.

### Тармоқланувчи алгоритмларни дастурлаш

```

Program tarmoq;
  Label 1,2,3;
  var x,y:real;
begin
  Write('X='); Readln(x);
  if x < -1 then goto 1;
  if x > 1 then goto 2;
  y := sqr(arctan(x)) + exp(1/3)*ln(x);
  goto 3;
1: y := sin(x)/(sqr(x)+1);
  goto 3;
2: y := log(x+1.8);
3: Writeln('X=',x,' Y=',y);
end.
  
```

!

## Машқлар

Параметрларнинг маълум қийматларида берилган функциянинг қийматини ҳисоблаш алгоритми ва дастурини тузинг.

$$1. y = \begin{cases} \sqrt[3]{x^2 + a^2}, & \text{агар } x^2 + a^2 < 4, \\ x + a, & \text{агар } x^2 + a^2 = 4, \\ \ln x, & \text{агар } x^2 + a^2 > 4. \end{cases}$$

(x = 3,4 ; a = 4)

$$2. y = \begin{cases} 3x^2 + 4\sqrt{a-x}, & \text{агар } a > x, \\ \sin \sqrt{3a+x}, & \text{агар } a = x, \\ e^{\sqrt{x+a}}, & \text{агар } a < x. \end{cases}$$

(x = π/2; a = 2,71)

$$3. y = \begin{cases} \sin^2 x, & \text{агар } |x| < \pi/4, \\ \sin(\operatorname{tg} x), & \text{агар } |x| = \pi/4. \end{cases}$$

(x = -π/4)

$$4. y = \begin{cases} a \sin \omega t, & \text{агар } |a - \omega t| < 1, \\ a \cos \omega t, & \text{агар } |a - \omega t| = 1, \\ atg \omega t, & \text{агар } |a - \omega t| > 1. \end{cases}$$

(a=3,78; ω = 1,52 ; t = 2,34)

$$5. y = \begin{cases} \sin \sqrt{x}, & \text{агар } x = \pi/2, \\ \operatorname{tg} \sqrt{x+1}, & \text{агар } x > \pi/2, \\ \sin(\cos x), & \text{агар } x < \pi/2. \end{cases}$$

$$6. y = \begin{cases} \sqrt[5]{x-\pi} + \sin \pi/2, & \text{агар } x = \pi/2, \\ \operatorname{arctg} \sqrt{x+1}, & \text{агар } x > \pi/2, \\ \sin(\cos x), & \text{агар } x < \pi/2. \end{cases}$$

$$7. y = \begin{cases} 3^{x-1}, \\ (x-1)^3, \\ 0 \end{cases}$$

агар  $x > 1$ ,

агар  $x < 1$ ,

агар  $x = 1$ .

( $x = 7,53$ )

$$8. y = \begin{cases} x^a + \ln|x+a|, \\ x^2 + e^{x-a}, \\ a^x + \sin \sqrt{x-a}, \end{cases}$$

агар  $x < 2|a|$ ,

агар  $x = 2|a|$ ,

агар  $x > 2|a|$

( $x = 3,15$ ,  $a = 2,85$ ,

$$9. y = \begin{cases} \frac{x^2 - x}{a^{x-1}} \\ x^2 - 2a \end{cases}$$

агар  $x > a$ ,

агар  $x \leq a$ .

( $x = 0,5$ ;  $a = 1/2$ )

$$10. y = \begin{cases} \operatorname{tg} x + a^x, \\ 0,5\sqrt{1+ax^2}, \\ \ln|\sin x|, \end{cases}$$

агар  $x < a$ ,

агар  $x = a$ ,

агар  $x > a$ .

( $x = 3,73$ ,  $a = 2,73$ )

$$11. y = \begin{cases} 4,7x + 1,2^x, \\ 2,5x + \ln|x+1,2|, \\ x^2 + 1,2x, \end{cases}$$

агар  $x < 1$ ,

агар  $1 \leq x \leq 2$ ,

агар  $x > 2$

( $x = 3,1$ )

$$12. y = \begin{cases} ax^3 + 3 \ln|a+x|, \\ 2ax + 3a^2x^2 \\ e^{\sqrt{ax+\sin x}} \end{cases}$$

агар  $|ax| < 1$ ,

агар  $|ax| = 1$ ,

агар  $|ax| > 1$ .

( $x = 1,4$ ,  $a = 2,2$ )

$$13. \quad y = \begin{cases} x + 3ax^2 + \cos x, \\ \sin|2a - x^2|, \\ x^2 + \operatorname{ctg}x^3, \end{cases} \quad \begin{array}{l} \text{агар} \quad |a| < x, \\ \text{агар} \quad |a| = x, \\ \text{агар} \quad |a| < x. \end{array}$$

( $x = \pi/4$ ,  $a = 2,5$ )

$$14. \quad y = \begin{cases} 4x + 4,3 \sin x, \\ 2 \sin x + x^3 + 1, \\ 1,5x = x^2 \end{cases} \quad \begin{array}{l} \text{агар} \quad x < 1, \\ \text{агар} \quad x = 2, \\ \text{агар} \quad 0 \leq x < 2. \end{array}$$

( $x = 3,5$ )

$$15. \quad y = \begin{cases} \sin \frac{x}{\sqrt{3x+x^2}}, \\ 2\sqrt{x + \sin(x-2)}, \end{cases} \quad \begin{array}{l} \text{агар} \quad x < \pi/2, \\ \text{агар} \quad x \geq \pi/2. \end{array}$$

( $x = 2,4$ )

Баъзи ҳолларда кўп қисмли дастурлар билан иш кўришга тўғри келади, дастурнинг керакли қисмига муайян шартнинг бажарилиши асосида ўтилади. Бундай масалалар учун Паскал тилида алоҳида оператор — вариант оператори ишлатилади.

### 10.9. Вариант оператори

Бу оператордан дастурда 3 ва ундан ортиқ шартлар асосида ишлашга тўғри келганда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, монитор экранида ҳафта кунларини чиқариш вазифаси қўйилган бўлсин:

Case kn of

```
1: writeln ('dushanba');
2: writeln ('seshanba');
3: writeln ('chorshanba');
4: writeln ('payshanba');
5: writeln ('juma');
6: writeln ('shanba');
7: writeln ('yakshanba');
end;
```

Дастурдан кўриниб турибдики, **kn** идентификатори қабул қилган қийматига мос равишда вариант операторининг керакли қисми амалга оширилади ва дастур ўз вазифасини **end** операторидан кейин одатдагидек амалга оширади. Умуман олганда бу операторда **kn** идентификатори ўрнида ихтиёрий ифода бўлиши мумкин ва улар қабул қилувчи қийматига мос равишда **case** операторининг керакли қисми амалга оширилади.

**Case** оператори қўлланилиши мақсадга мувофиқ бўлган татбиқий масалани кўриб чиқамиз:

**Case егг of**

**0 : writeln ('дастур беҳато ишламоқда');**

**2,4,6 : begin**

**writeln ('файллар билан ишлаш хатоси');**

**writeln ('ҳаракатларингизни қайтаринг');**

**end;**

**7..99 : writeln ('хато коди',егг);**

**else**

**writeln ('хато коди',егг, 'таклифномага қаранг');**

**end;**

Бу ерда **егг** мос равишда оператори ёрдамида хато коди экранда ҳосил бўлади. Умуман олганда **case** оператори ўхшаш вазифани амалга оширувчи бир неча **if** операторига нисбатан унумлироқдир.

Компьютерда ҳисоб бажариш ишларининг навбатдаги асосий вазифаларидан бири қайтарилиш жараёнларини амалга оширишдир.

## 10.10. Қайтарилиш жараёнларини дастурлаш

Қайтарилиш жараёнларини ҳисоблаш учун уч хил кўринишдаги операторлар мавжуд. Булардан биринчиси қайтарилиш жараёнини тўхташ шарти олдин берилган ушбу оператордир:

**While B do S;**

Бу ерда В– мантиқий ифода, S- ихтиёрий ифода ёки операторлар мажмуаси. Бу оператор “...бўлгунча бажар...” маъносини англатади, яъни **while** операторидан кейинги мантиқий ифода В рост қиймат қабул қилгунча **do** операторидан кейинги қаралаётган операторнинг танаси ҳисобланмиш S қайтарилиши давом этаверади.

Бу операторнинг ишлашини



$$n! = 1 \cdot 2 \cdot 3 \cdot 4 \cdot \dots \cdot n$$

факториал номи маълум бўлган қийматни ихтиёрий п учун ҳисоблашда кўриб чиқамиз:

**Program Faktorial;**

**Const n = 10;**

**Var**

**f,k: integer;**

**begin**

**f:=1;{факториалнинг бошланғич қиймати}**

**k:=1;{қайтарилиш параметрининг бошланғич қий-**

**мати}**

**while k<=n do**

**begin {-операторининг танасини бошланиши}**

**f:=f\*k;{факториалнинг ҳисобланиши}**

**n:=n+1;{параметрнинг ўзгариши}**

**end;{қайтарилиш жараёнида асосий ҳисобни тугатили-**

**ши}**

**writeln('faktorial=',f:4);{натижанинг босмага чиқа-**

**рилиши}**

**end.**

Бу операторда мантиқий ифода аниқланишида қайтарилиш жараёнининг чексиз давом этмаслигини таъминлаш керак.

Қайтарилиш жараёнида **Repeat** оператори

Юқоридаги оператордан фарқли равишда бу ерда қайтарилиш жараёнини тўхтатиш шарти энг охирида берилади:

## Repeat

---

---


---

until B;

Бу ерда биринчи оператор оператор танасининг бош-ланишини кўрсатса, охирги оператор унинг тугаганини аниқлайди. В мантиқий ифода рост қиймат қабул кил-гунча қайтарилиш жараёни давом этади. Repeat операто-ри ёрдамида компьютерда элементар функцияларни ҳисоблаш алгоритмини беришимиз мумкин. Мисол си-фатида экспоненциал функцияларни қараймиз:

$$e^x = 1 + x + \frac{x^2}{2!} + \dots + \frac{x^n}{n!} + \dots, \left| \frac{x^n}{n!} \right| < \varepsilon,$$

бу ерда  $\varepsilon$  қиймати олдиндан берилган чексиз кичик сон бўлиб қаторга ёйилган функцияни ҳисоблашдаги керакли аниқлик даражасини таъминлайди. Бу масалага мос бўлган ҳисоблаш алгоритмининг блок-схемасини келтирамыз:



9-расм.

Юқорида берилган блок-схема асосида экспоненциал функцияни ҳисоблаш дастурини қараймиз:

```
Program exp;
const eps=0.00001;
var
    x,y,p,s :real;
    n: integer;
begin
    read(x);
    s:=0;p:=1;n:=1;
repeat
    p:=p*x /n;
    s:=s+p;
    n:=n+1;
until abs(p)<=eps;
writeln('exp(x)=',s:12:6);
end.
```

Шундай қилиб, аргументнинг ихтиёрий қиймати учун экспоненциал функцияни ҳисоблаш дастурини ҳосил қилдик. Бу дастурда қайтарилишлар сони олдиндан маълум бўлмай, берилган шарт асосида аниқланади. Лекин кўпчилик масалаларда қайтарилишлар сони олдиндан маълум бўлади. Бундай ҳолларда параметрли қайтарилиш операторларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

### Параметрли қайтарилиш оператори

Бу оператор куйидагича берилади:

```
for i:=n1 to n2 do S;
```

бу ерда

i - қайтарилиш параметри;

n1 - параметр ўзгаришининг қуйи чегараси;

n2 - параметр ўзгаришининг юқори чегараси;

S - қайтарилиш жараёнида ҳисобланиши зарур бўлган ифода ёки бажарилиши керак оператор;

Юқорида келтирилган операторда қуйи чегара  $n_1$ , юқори чегара  $n_2$  дан кичик бўлиши зарур, яъни  $n_1 < n_2$ , акс ҳолда операторда **to** операторининг ўрнига **downto** оператори ишлатилади.

1-м и с о л. Бизга қуйидаги кўпҳадни  $x$  нинг ихтиёрий қийматида ҳисоблаш зарур бўлсин:

$$S = 1 + x + x^2 + \dots + x^n$$

Дастури:

```

Program sum;
  Const n:= 10;
  Var
    i : integer;
    x,S,p : real;
  begin
    read(x);
    S:=0; p:=1;
    For i:=1 to n do
      Begin
        p:= p*x;
        S:= S+p;
      end;
    writeln('s=',S:12:6);
  end.

```

Энди қуйидаги масалани қайтарилиш оператори ёрдамида дастурлаш масаласини кўриб чиқамиз.

2-м и с о л. Бу ерда берилган  $x$  учун кўпҳад кетма-кетлик орқали ҳисобланади.

$$L_{100}(x)=100, L_n(x) = x, L_{n+1}(x), n = 99,98, \dots, 1.$$

Дастури:

```

Program sum2;
  Const n:= 100;
  Var
    i : integer;

```

```

x,L,p : real;
begin
  read(x);
  L:=100;
  For i:=99 downto 1 do
    Begin
      L:= L*x;
      writeln('s=',S:12:6);
    end;
  end.

```

Бу мисолдан кўришиб турибдики, қайтарилиш чегараси ҳар хил бўлган ҳоллар учун параметрли қайтарилиш оператори ишлатилиши мумкин

Такрорланувчи ҳисоблаш жараёнларини дастурлашда қайтарилиш операторини ишлатишга яна бир мисол қарайлик.

3-мисол. Қуйидаги қўш йиғинди кўпайтманинг қийматини ҳисоблаш алгоритми ва дастурини тузинг:

$$\sum_{k=2}^5 + \prod_{n=2}^6 \frac{(k^{n+1} - \sqrt[n]{a})}{\ln(3k + n^k)}, a = 4,53$$

**ПАСКАЛ** алгоритмик тилидаги дастур матни:  
**Циклик таркибли алгоритмларни дастурлаш**

```

Program Siklik;
var a,y,p:Real;
    k,n:integer;
Begin
  y:=0;
  for k:=2 to 5 do begin p:=1;
  for n:=2 to 6 do begin
  p:=p*(exp((n+1)*ln(k))-(exp((1/n)*ln(a))))/
(ln(3*sqr(k)+exp((k)*ln(n))));
  end;
  y:=y+p;
  end;
  Writeln('Y=',y);
end.

```

Берилган қўш йигинди ёки кўпайтманинг қийматини ҳисоблаш алгоритми ва дастурини тузинг.

$$1. \prod_{k=1}^3 \prod_{n=3}^5 \frac{\sqrt{n^k + 1}}{\ln n}$$

$$2. \sum_{i=1}^4 \prod_{n=1}^5 \frac{\sqrt{i + 2n}}{\cos(n - i)}$$

$$3. \sum_{k=2}^4 \prod_{i=3}^6 \frac{\ln i + k^i}{\sqrt[k]{i + k}}$$

$$4. \prod_{k=1}^4 \prod_{n=2}^5 \frac{\cos(n^2 - k)}{3nk}$$

$$5. \sum_{k=2}^6 \prod_{n=k}^5 \frac{\ln k}{\sqrt{k + n^2}}$$

$$6. \sum_{k=2}^5 \sum_{n=4}^6 \frac{n^3}{k^4 + n^k}$$

$$7. \prod_{n=1}^6 \sum_{m=1}^{10} \frac{\sqrt{n + m}}{n^{m+1}}$$

$$8. \sum_{n=1}^4 \prod_{m=1}^5 \frac{\sqrt{n^m - m^n}}{n^m + m^n}$$

$$9. \sum_{k=1}^4 \prod_{n=3}^6 \frac{n^k}{n^2 + 3k + 1}$$

$$10. \prod_{n=2}^4 \sum_{m=n}^6 \sqrt{\operatorname{tg}(2n + m)}$$

$$11. \sum_{i=1}^5 \sum_{k=1}^4 \frac{2k^i + 5^i}{\ln|k + 1|^2}$$

$$12. \prod_{k=1}^4 \prod_{n=2}^5 \frac{(k + n)^{1/n}}{n^{k+1}}$$

$$13. \sum_{k=1}^5 \prod_{i=k}^4 \frac{k + i^2}{3^{k+1}}$$

$$14. \prod_{k=1}^5 \sum_{n=2}^7 \frac{k^n + 1,5}{\sqrt{n + k^2}}$$

$$15. \sum_{i=2}^4 \sum_{k=1}^7 \frac{\operatorname{tg} k}{k^i - k}$$

$$16. \sum_{i=1}^4 \prod_{k=4}^7 \frac{\ln k + a^i}{a^{i+k-1}}, a = 2,54$$

$$17. \prod_{k=1}^4 \prod_{n=2}^5 \frac{k(n+1)}{n(k+1)}$$

$$18. \prod_{k=1}^5 \sum_{n=2}^3 \frac{4^{n+k}}{\sqrt{k + n^k}}$$

$$19. \sum_{k=1}^3 \sum_{m=4}^5 \frac{\ln|m + k|}{\sqrt{k + k^{m-1}}}$$

$$20. \prod_{n=2}^4 \sum_{m=n}^5 \frac{\operatorname{tg} m}{n^2 + m^2}$$

$$21. \sum_{i=2}^5 \prod_{k=i}^6 \frac{k + i}{k^2 + 3k - i^2}$$

$$22. \sum_{k=1}^4 \sum_{n=2}^5 \frac{\sin(n + x^k)}{n + k^4}, x = 2,3$$

$$23. \sum_{k=2}^{11} \prod_{i=4}^6 \frac{\operatorname{tgi}}{i+2^k}$$

$$24. \prod_{k=4}^7 \prod_{i=5}^8 \frac{i^{k-3}}{k^4+i^4}$$

$$25. \sum_{k=3}^5 \sum_{n=4}^7 \frac{\sin k^n}{\sqrt{k+1}}$$

$$26. \prod_{k=1}^5 \sum_{n=2}^4 \frac{\sin(2k+1)}{3n^3+k^2+4}$$

$$27. \prod_{k=2}^4 \prod_{n=k}^5 \frac{\ln|k+n^2|}{n^3+k^2}$$

$$28. \sum_{k=1}^4 \sum_{n=2}^5 \frac{\ln n^k}{2k+n}$$

$$29. \sum_{i=2}^5 \prod_{k=i}^6 \frac{k^{k+1}}{k^2+i+1}$$

$$30. \prod_{k=1}^3 \sum_{n=k}^5 \frac{\ln|n-k^n|}{n^{k-1}+2nk}$$

## 10.11. Ўзгармасларнинг мураккаб кўринишлари ва ўзгарувчиларнинг турлари

Паскал тилида `const` оператори ёрдамида фақат ўзгармас қийматларни бериш билан чекланиш шарт эмас. Бу оператор ёрдамида белгиларни, сўзларни ва ячейкаларнинг манзилларини ҳам эълон қилиш мумкин:

### Const

`Sc='/';`{ўзгармас белги}

`Hc='тугмани босинг';`{ўзгармас сўз}

`Add=nil;`{ўзгармас манзил}

`Ok=true;`{манتيқий ўзгармас}

Паскал тилида ўзгармасларни эълон қилиш пайтида ихтиёрий арифметик, манتيқий ва солиштириш амалларини ҳам бажариш мумкин. Бундан ташқари ишлатилаётган ифодаларда элементар функциялар ҳам қатнашиши мумкин:

### Const

`Min=0;`

`Max=500;`

`Interval=max-min+1;`

`Key=chr(27);`{}

`Flag=ptr($0000,$00f0);`{}

Дастурда ҳисоблаш жараёни бошланган пайтда хотира ячейкаларида олдинги ҳисоблардан ҳосил бўлган қийматлар бўлиши мумкин. Бу қийматлар ишлатилаётган ўзгарувчиларда ҳосил бўлиши мумкин. Бундай ҳоллардан фориф бўлиш мақсадида **Const** операторида қуйидагича ўзгартириш киритилади:

```

Const
R: Real           =1.523;
I: integer       = -10;
Done: Boolean    = true;

```

Бу ўзгартириш натижасида ишлатилаётган ўзгармаслар керакли бошланғич қийматга эга бўлган мураккаб ўзгарувчиларга айланиб қолади. Умуман олганда мураккаб ўзгарувчилар ёрдамида битта идентификатор ёрдамида бир неча ўзгарувчиларни эълон қилиш мумкин. Ўзгарувчиларнинг бундай кўринишларига массивлар деб ном берилади. Масалан, кўпинча

$$\mathbf{b} = \{b_1, b_2, b_3, \dots, b_n\};$$

$$\mathbf{A} = \begin{pmatrix} a_{11} & a_{12} & \dots & a_{1n} \\ a_{21} & a_{22} & \dots & a_{2n} \\ \dots & \dots & \dots & \dots \\ a_{n1} & a_{n2} & \dots & a_{nn} \end{pmatrix}$$

каби вектор ва матрицалар билан иш кўрилади.

Юқорида келтирилган ўзгарувчиларда **A**, **b** идентификаторлари ёрдамида матрица ёки вектор элементлари берилиши зарур бўлади. Бу вазифани бажариш учун Паскал тилида массив тушунчаси киритилади. Масалан, юқоридаги ўзгарувчилар қуйидагича эълон қилинади:

```

Const
n=25;
var
b: array[1..n] of real;
a: array[1..n,1..n] of real;

```

Массивларни эълон қилиш жараёнида кўриниб турибдики, бир хил ёзувлар қайтарилиши учрамоқда. Бу қийинчиликлардан фориф бўлиш мақсадида Паскал тилида ўзгарувчиларнинг тури деган тушунча киритилади:

**Type**

**Vec=array[1..n] of real;**

**Mat=array[1..n,1..m] of char;**

**Var**

**a,b: vec;**

**x,y,z:mat;**

Ўзгарувчиларнинг тури ёрдамида фойдаланувчи ўзи ҳам мустақил равишда янги ўзгарувчилар турини киритиши мумкин.

Массивли ҳисоблаш жараёнларини дастурлашга оид мисол келтирамиз.

Мисол. А матрицанинг элементларини қуйидаги формула орқали аниқланг:

$$a_{ij} = \frac{\ln|i + j^3|}{\sqrt{i^3 + j}}, i = \overline{1,3}, j = \overline{1,3}.$$

А матрицанинг ҳар бир элементини А матрицанинг нормасига бўлиб, В матрицани ҳосил қилинг, яъни

$$b_{ij} = a_{ij} / \sqrt{\sum_{i=1}^3 \sum_{j=1}^3 a_{ij}^2}, (i = \overline{1,3}; j = \overline{1,3}).$$

**ПАСКАЛ** алгоритмик тилидаги дастур матни:

Массивли ҳисоблаш жараёнларини дастурлаш

**Program** Massiv;

**var** a,b:array[1..3,1..3] of real;

```

i,j:integer;
begin
for i:=1 to 3 do
for j:=1 to 3 do
a[i,j]:=(ln(abs(i+j*j*j)))/(exp(1/3)*ln(i*i*i+j));
s:=0;
for i:=1 to 3 do
for j:=1 to 3 do
s:=s+sqr(a[i,j]);
for i:=1 to 3 do
for j:=1 to 3 do begin
b[i,j]:=a[i,j]/sqr(s);
Writeln('B(' ,i,' ,',j,')=' ,b[i,j]);
end;
end.

```

!

### *Машқлар*

Берилган массивли ҳисоблаш жараёнларга доир ушбу машқларда масаланинг алгоритми ва дастурини тузинг.

1.  $A$  матрица ва  $B$  вектор берилган. Уларнинг кўпайтмаси  $C=AB$  ни топинг, бунда кўпайтириш

$$c_i = \sum_{j=1}^3 a_{ij} b_j$$

формула орқали бажарилади, бу ерда

$$A = \begin{pmatrix} 2 & 3 & 5 \\ 4 & 7 & 5 \\ 2 & 3 & 1 \end{pmatrix}; \quad B = \begin{pmatrix} 3 \\ 2 \\ 5 \end{pmatrix} \quad \text{деб олинг.}$$

2.  $A$  матрицанинг нормасини топинг:

$$A = \| a_{ij} \| \quad (i = \overline{1, n}; \quad j = \overline{1, m}).$$

Матрица нормаси таъриф бўйича

$\sqrt{\sum_{i=1}^n \sum_{j=1}^n a_{ij}^2}$  га тенг. Матрица элементларини ўзингиз танланг.

3.  $B$  квадрат матрица берилган, унинг изини ҳисобланг. Таъриф бўйича матрицанинг изи унинг асосий диагонали элементларининг йиғиндисига тенг, яъни

$$S = \sum_{i=j} a_{ij} = \sum_j a_{jj}.$$

Матрица кўринишини ўзингиз танланг.

4.  $a$  вектор берилган. Агар  $a_i > 0$  бўлса,

$$y = \sum_i \sqrt{a_i^2 + \ln a_i} \text{ ни, } a_i \leq 0 \text{ бўлса,}$$

$$z = \sum_i |a_i^3 + \sin a_i| \text{ ни ҳисобланг.}$$

5.  $A = \{a_{ij}\}$  матрицанинг элементларини ҳисоблаш матрицасини тузинг, у қуйидаги формула орқали топилади:

$$a_{ij} = b_{ij}^2 \sqrt[3]{c_{ij}}, \quad i = \overline{1,2}, \quad j = \overline{1,2}$$

$$B = \begin{pmatrix} 2,3 & -4,4 \\ 4,2 & 6,5 \end{pmatrix}, \quad C = \begin{pmatrix} -3,4 & 5,2 \\ 4,8 & -3,3 \end{pmatrix}.$$

6.  $a = \{a_1, a_2, \dots, a_n\}$  вектор элементларини ҳисоблаш дастурини тузинг, у қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$a_i = \begin{cases} e^{\sin \sqrt{i+2}}, & \text{агар } i \sin > 2 \text{ бўлса,} \\ \sqrt[3]{1 + 3,5^{i+1}} & \text{агар } i \sin \leq 2 \text{ бўлса, } (i = \overline{1, n}, \quad n = 12) \end{cases}$$

7.  $x_i$  вектор элементларини

$$x_i = \frac{\sqrt{a_i + b_i + c_i}}{\sqrt[3]{a_i b_i c_i}} \text{ формула билан ҳисобланг.}$$

$a_i, b_i, c_i$  вектор элементларини ўзингиз танланг.

8.  $x = \{2; 3; 4; -4, 5; 2, 8; 6, 3\}$  вектор берилган. Ушбу

$$y = \frac{\sum_{j=1}^n \ln|x_j + 2,5|}{\prod_{i=1}^0 x_i^2} \quad \text{ифоданинг қийматини ҳисобланг.}$$

9.  $y_i$  вектор элементлари қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$y_i = 0,5 \sin(i^2 + 1,2), \quad i = \overline{1,8}$$

$$s = \frac{\prod_{i=1}^8 |y_i^2 - 1,5y_i|}{\sum_{i=1}^8 \sqrt[3]{y_i^2 + 1,5}} \quad \text{ифоданинг қийматини ҳисобланг.}$$

10.  $a$  векторнинг элементлари қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$a_i = e^{3\sqrt{i+1}}, \quad i = \overline{2,10}$$

$$z_i = \frac{a_i^2 + 2 \prod_{i=2}^8 a_i^3}{b + \ln|a_i + 1|} \quad \text{вектор элементларини ҳисобланг,}$$

бу ерда  $b = 4,5$ .

11.  $a$  ва  $b$  векторлар берилган:

$$a = \{1,5; 1,3; 2,3; 2,3\},$$

$$b = \{-3,2; 3,7; 5,3; 2,5; 3,8\}$$

$$c_{ij} = (a_i + b_j^2) \ln(a_i^2 + b_j), \quad (i = \overline{1,3}; j = \overline{1,4})$$

ни ҳисобланг.

12.  $a$  вектор берилган:

$$a = (2; 3; 4; 5; 6).$$

Қуйидаги йиғиндини топинг:

$$y = \sum_{i=1}^5 (\ln a_i + x^i), \quad \text{бунда } x = 2.$$

13.  $x = (3,2; 4; 5; 6,3)$  эканлиги маълум бўлса,

$$u_i = \sqrt{1 + x_i^2} \ln|x_i + 2,5| \text{ ни ҳисобланг.}$$

14.  $x = (1,5; 2,4; 3,5; 4,7)$  вектор берилган,  $y$  вектор элементларини қуйидаги формула ёрдамида топинг:

$$y_i = 2,5\sqrt{x_i^2 + 1}, \quad i = \overline{1,4}$$

15.  $a$  векторнинг элементлари қуйидагича аниқланади:

$$a_i = \begin{cases} \cos(2i^2) & \text{агар } i < 2 \text{ бўлса,} \\ \ln i + 3^i & \text{агар } i \geq 2 \text{ бўлса;} \end{cases} \quad i = \overline{2,5}$$

шу векторнинг нормаси, яъни

$$\|a\| = \sqrt{\sum_i a_i^2} \text{ ни топинг.}$$

16.  $A$  матрица берилган:

$$A = \begin{pmatrix} 3,3 & -1,4 & 5,6 \\ -2,7 & 2,5 & 2,3 \\ 3,7 & 4,5 & 0,4 \end{pmatrix}$$

Шундай  $B$  матрицани топингки, унинг элементлари қуйидаги формула орқали аниқлансин:

$$b_{ij} = \frac{\operatorname{tg}(i + j^2)}{\sum_i \sum_j a_{ij}}$$

17.  $z = \{2,5; 3,5; 7,7; 4,7; 8,3\}$  бўлса,

$$y = \sum_{i=1}^5 \frac{\ln z_i}{2^i} \text{ ни топинг.}$$

18.  $a = \{4; 5; 6\}$  ва  $b = \{2; 3; -4\}$  эканлиги маълум бўлса,

$$y_i = \prod_{i=1}^3 a_i^2 b_i \text{ ни ҳисобланг.}$$

$$19. a_{ij} = \begin{pmatrix} 3 & 4 \\ 5 & 6 \end{pmatrix} \text{ ва } b_{ij} = \begin{pmatrix} 1 & 2 \\ 3 & 4 \end{pmatrix} \quad (i, j = \overline{1,2}) \text{ эканлиги маълум}$$

бўлса,

$$c_{ij} = a_{ij}^2 + b_{ij} / \sqrt{\sum_i \prod_j a_{ij}^3} \text{ ни топинг.}$$

20. A матрица берилган:

$$A = \begin{pmatrix} 0,5 & 2,3 & 4,2 \\ 0,4 & 4,4 & 3,7 \\ 7,2 & 0,5 & 1,2 \end{pmatrix}$$

$$\|A\|_1 = \sqrt{\sum_i \sum_j a_{ij}^2} \text{ ва } \|A\|_2 = \sum_i \sum_j |a_{ij}| \text{ ларни ҳисобланг.}$$

## 10.12. Ўзгарувчиларнинг белги ва матн кўринишлари

Турбо—Паскалда ўзгарувчиларнинг белги ва матн кўринишлари **char**, **string** операторлари ёрдамида эълон қилинади. **Char** туридаги ўзгарувчининг қиймати компьютер хотирасида мавжуд бўлган белгиларни қўштирноқ ичига олиб ёзилишига тўғри келади. Бунда белгиларнинг ASCII даги тартиб номери билан иш кўрилади, масалан уларнинг коди берилиши ёки соннинг олдига # қўйиш орқали белгини ўзи аниқланади:

$$\begin{aligned} \#97 &= \text{chr}(97) = \text{'a'} \quad \{\text{a белгиси}\} \\ \#0 &= \text{chr}(0) = \quad \quad \quad \{\text{нол белги}\} \\ \#32 &= \text{chr}(32) = \text{' ' } \quad \{\text{бўш жой}\} \end{aligned}$$

Бошқарувчи белгилар деб аталувчи 1 дан 31 гача тартиб номерига эга бўлган ўзгарувчилар олдига ^ белгисини қўйиб клавиатура тугмасидаги берилиши орқали ишлатилиши мумкин:

$$\begin{aligned} \text{^a} &= \#1 = \text{chr}(1) \quad - \text{1-код} \\ \text{^b} &= \#2 = \text{chr}(2) \quad - \text{2-код} \end{aligned}$$

$\wedge$  = #26 =chr(26) – 26-код

$\wedge$ [ = #27 =chr(27) – 27-код

$\wedge$ \_ = #31 =chr(31) –31-код

Ўз ичига максимал 255 белгини жойлаштира олувчи ўзгарувчиларни матн кўриниши **string** оператори ёрдамида эълон қилинади. Масалан,

**Var**

**S32 :string[32];**

**S255 :string[255];**

кўринишида эълон қилиш билан ўзгарувчи **S32** орқали 32 белгилар матнни, **S255** орқали эса белгилар сони 255 дан ошмаган матнни сақлашимиз мумкин. Матнлар устида амал бажаришга доир дастурни келтирамиз:

**Var**

**Ch:char;**

**St:string;**

**Begin**

**St :='hello';**

**Ch :=st[1];**

**{Ch:=h;}**

**St[2]:='E';**

**{St:='hEllo'}**

**Ch :='x';**

**St :=ch;**

**{St:='x'}**

**End.**

Бундан ташқари белги ва матнлар устида кўшиш ва солиштириш амалларини бажариш ҳам мумкин:

**Var**

**s1,s2,s3 : string;**

**begin**

**s1:='Салом ';**

**s2:='дўстим';**

**s3:=s1+s2;**

**{s3:='Салом дўстим'}**

**s3:=s3+'!!!';**

**{s3:='Салом дўстим !!!'}**

**end;**

Матнлар устида солиштириш амаллари қуйидагича берилади:

'abcd'='abcd'

'abcd'<>'abcde'

'abcd'>'abcD'

{чунки'd'>'D'}

Матнлар устида юқорида келтирилган амаллардан ташқари махсус амалларни ўзгартиришларни бажариш мумкин. Бу вазибаларни энг мақбул ва тушунарли кўринишда амалга ошириш учун махсус кичик дастурлар тузилади ва уларга мурожаат қилиб керакли натижаларни олиш мумкин.

### 10.13. Қисм дастурлар ва уларнинг турлари

Энг оддий қисм дастурлар сифатида компьютер хоти-расига киритилган элементар функциялар учун тузилган дастурларни қараш мумкин. Худди шу сингари дастурда жуда кўп марта мурожаат қилинувчи ихтиёрий мураккаб ифодаларни ҳисоблашни алоҳида номлаб асосий дастурнинг эълонлар бўлимига ўтказиш орқали қисм дастурлар ҳосил қилиниши мумкин:

#### **Procedure Исм;**

Бу қисм дастурлар процедура-операторлар деб аталади ва параметрларга эга бўлмайди ва асосий дастурда фақат исми билан иштирок этади. Фараз қилайлик, монитор экранида юлдузларни ҳосил қилиш зарур бўлсин. У ҳолда

```
Program star;
```

```
Const n=100;
```

```
Procedure stars;
```

```
Var
```

```
  I:integer;
```

```
Begin
```

```
  For i:=1 to n do
```

```
    Writeln('*');
```

```
End;
```

```
  Begin
```



```

Stars; writeln('экранда 100 та юлдуз');
Stars; writeln('экранда 200 та юлдуз');
End.

```

### Процедура-функциялар

Юқорида келтирилган дастурдан кўриниб турибдики, процедура-операторларга керакли марта мурожаат қилиб ихтиёрий миқдорда юлдузларни экранда ҳосил қилиш мумкин. Лекин уларнинг қўлланилиши баъзи ҳолларда ноқулайликка олиб келиши мумкин. Бундай ҳолларда процедура-функциялардан фойдаланилади. Уларнинг кўри-ниши қуйидагича бўлади:

```

Function({Параметрлар рўйхати}): {процедура қиймати-нинг тури};

```

Берилган иккита массив элементлари йиғиндилари ва қўпайтмаларининг энг кичик ёки энг катта қийматлари-ни аниқлаш масаласини кўрамыз.

```

Program minimax;
Const n=100;
Type
    Vek=array[1..n] of real;
Var
    I:integer;
    x,y:real;
    a,b,c:vek;
function min(a:vek): real;
var
    i:integer;
begin
    min:=a[1];
    for i:=1 to n do
        if a[i]<min then min:=a[i] ;
    end;
function max(a:vek): real;
var
    i:integer;

```

```

begin
max:=a[1];
for i:=1 to n do
if a[i]>max then max:=a[i] ;
end;
begin
for i:=1 to n do read(a[i]);readln;
for i:=1 to n do read(b[i]);readln;
for i:=1 to n do c[i]:=a[i]+b[i];
x:=min(c); y:=max(c);
writeln('min=',x:12:4,'      max=',y:12:5);
for i:=1 to n do c[i]:=a[i]*b[i];
x:=min(c); y:=max(c);
writeln('min=',x:12:4,'      max=',y:12:5);
end.

```


Бу дастурнинг асосий қисмида эълон қилинган ўзгарувчилар умумий, процедуранинг ичида эълон қилинган ўзгарувчилар хусусий деб номланади ва фақат процедуранинг ичида фаолият кўрсатади.

Мисол. Қуйидаги функция қийматини ҳисобланг:

$$S = \sqrt{a^2 + b^2 + \sin^2 ab} + \sqrt{a^2 + c^2 + \sin^2 ac} + \sqrt{b^2 + c^2 + \sin^2 bc}$$

бу ерда  $a = 0,51$ ;  $b = 4,72$ ;  $c = 2,31$ .

Берилган топшириқнинг ҳисоблаш жараёнига мос алгоритмни блок-схема кўринишда келтирамиз:



10 расм.

## Машқлар

А туркум:

Процедура-функция ёки қисм-дастурдан фойдаланиб функциялар қийматини маълум оралиқларда берилган қадамлар билан ҳисоблаш алгоритмини ва дустирини тузинг.

Вариант тартиби	Функция	Оралиқлар ва қадамлар
1	2	3

1.  $y = 2x^3 + \sqrt[3]{x+1}$        $[-2;0]$  да  $\Delta x=0,2$ ;  $[0;1]$  да  $\Delta x=0,1$ ;  
 $[2;5]$  да  $\Delta x=0,5$ .
2.  $y = \ln^3 \sqrt{x^2 + 4x + 2}$        $[0;1]$  да  $\Delta x=0,1$ ;  $[2;4]$  да  $\Delta x=0,5$ ;  
 $[5;8]$  да  $\Delta x=1$ .
3.  $y = x^2 \cos x$        $[0;\pi/2)$  да  $\Delta x=\pi/12$ ;  
 $[\pi/2;\pi]$  да  $\Delta x=\pi/10$ ;  $[\pi;2\pi]$  да  $\Delta x=\pi/4$
4.  $y = \arctg \sqrt{x^2 + 1}$        $[-2;0]$  да  $\Delta x=0,2$ ;  $[0;0.5]$  да  $\Delta x=0,1$ ;  
 $[0.5;1]$  да  $\Delta x=0,05$ .
5.  $y = \sin x^3 + \sqrt{x+1}$        $[-1;1]$  да  $\Delta x=0,2$ ;  $[1;2]$  да  $\Delta x=0,1$ ;  
 $[2;3]$  да  $\Delta x=0,4$ .
6.  $y = \cos 2x + \sqrt{x+1}$        $[0;1]$  да  $\Delta x=0,2$ ;  $[1;2]$  да  $\Delta x=0,1$ ;  
 $[2;5]$  да  $\Delta x=0,5$ .
7.  $y = \tg x^3 + \sqrt{x^3 + 1}$        $[0;1]$  да  $\Delta x=0,4$ ;  $[1;2]$  да  $\Delta x=0,1$ ;  
 $[2;4]$  да  $\Delta x=0,4$ .
8.  $y = 2x^3 + \sqrt[3]{x+1}$        $[-2;0]$  да  $\Delta x=0,2$ ;       $[0;1]$  да  $\Delta x=0,1$ ;  
 $[2;5]$  да  $\Delta x=0,5$ .

9.  $y = 3x^3 + \sqrt{x+1}$  [-1;0]да  $\Delta x=0,4$ ; [0;1]да  $\Delta x=0,1$ ;  
[2;3]да  $\Delta x=0,5$ .
10.  $y = \ln x^3 + \sqrt{x+1}$  [-2;0]да  $\Delta x=0,4$ ; [0;1]да  $\Delta x=0,1$ ;  
[2;4]да  $\Delta x=0,4$ .
11.  $y = \sin x + \sqrt[3]{x+1}$  [-2;0]да  $\Delta x=0,5$ ; [0;1]да  $\Delta x=0,1$ ;  
[2;6]да  $\Delta x=0,4$ .
12.  $y = \cos x + \sqrt{x+1}$  [-2;0]да  $\Delta x=0,4$ ; [0;1]да  $\Delta x=0,1$ ;  
[1;3]да  $\Delta x=0,2$ .
13.  $y = \operatorname{tg}x + x + 1$  [-2;0]да  $\Delta x=0,2$ ; [0;1]да  $\Delta x=0,1$ ;  
[1;5]да  $\Delta x=0,4$ .
14.  $y = \sin 2x + x + 1$  [-2;0]да  $\Delta x=0,1$ ; [0;1]да  $\Delta x=0,1$ ;  
[2;4]да  $\Delta x=0,4$ .
15.  $y = \cos x + \ln x + 1$  [2;3]да  $\Delta x=0,1$ ; [3;5]да  $\Delta x=0,5$ ;
16.  $y = \operatorname{tg} 2x + \sqrt[3]{x+2}$  [-2;0]да  $\Delta x=0,2$ ; [0;1]да  $\Delta x=0,1$ ;  
[2;5]да  $\Delta x=0,5$ .
17.  $y = 2\sin x + x + 2$  [-4;0]да  $\Delta x=0,2$ ; [0;1]да  $\Delta x=0,1$ ;  
[2;5]да  $\Delta x=0,5$ .
18.  $y = \operatorname{ctg}x + x + 1$  [-4;0]да  $\Delta x=0,5$ ; [0;1]да  $\Delta x=0,1$ ;  
[2;5]да  $\Delta x=0,4$ .
19.  $y = 3\cos x^2 + x + 1$  [-3;0]да  $\Delta x=0,5$ ; [0;1]да  $\Delta x=0,1$ ;  
[2;5]да  $\Delta x=0,4$ .
20.  $y = 4\sin x + \sqrt{x+2}$  [-2;0]да  $\Delta x=0,4$ ; [0;1]да  $\Delta x=0,1$ ;  
[2;5]да  $\Delta x=0,2$ .
21.  $y = 2\sin x^3 + \sqrt{x+3}$  [-4;0]да  $\Delta x=0,4$ ; [0;1]да  $\Delta x=0,1$ ;  
[2;5]да  $\Delta x=0,2$ .

22.  $y = 2x \sin x + \sqrt[3]{x+3}$  [-4;0]да  $\Delta x=0,2$ ; [0;1]да  $\Delta x=0,1$ ;  
[2;5]да  $\Delta x=0,4$ .
23.  $y = 2\operatorname{tg}x + \sqrt[4]{x+3}$  [-2;0]да  $\Delta x=0,4$ ; [0;1]да  $\Delta x=0,1$ ;  
[2;5]да  $\Delta x=0,4$ .
24.  $y = 2x^3 + \sqrt[4]{x+2}$  [-4;0]да  $\Delta x=0,2$ ; [0;1]да  $\Delta x=0,1$ ;  
[2;5]да  $\Delta x=0,5$ .
25.  $y = 2\cos x^3 + x$  [-2;0]да  $\Delta x=0,4$ ; [0;1]да  $\Delta x=0,1$ ;  
[2;5]да  $\Delta x=0,5$ .
26.  $y = 2\sin x + x + 3$  [-2;0]да  $\Delta x=0,4$ ; [0;1]да  $\Delta x=0,1$ ;  
[2;5]да  $\Delta x=0,4$ .
27.  $y = 2\operatorname{tg}x + x + 2$  [-2;0]да  $\Delta x=0,5$ ; [0;1]да  $\Delta x=0,1$ ;  
[2;5]да  $\Delta x=0,5$ .
28.  $y = 3\sin x^3 + x + 1$  [-2;0]да  $\Delta x=0,4$ ; [0;1]да  $\Delta x=0,1$ ;  
[2;5]да  $\Delta x=0,5$ .
29.  $y = 4x + \sqrt{x+2}$  [-2;0]да  $\Delta x=0,5$ ; [0;1]да  $\Delta x=0,1$ ;  
[2;5]да  $\Delta x=0,5$ .
30.  $y = 3x^3 + \sqrt[3]{x+1}$  [-2;0]да  $\Delta x=0,2$ ; [0;1]да  $\Delta x=0,1$ ;  
[2;5]да  $\Delta x=0,5$ .

## 10.14. Процедура-дастурлар

Қисм дастурлар ичида имконияти жиҳатидан анча самарали ҳисобланаётгани процедура-дастурлардир:

**Procedure** Исм ({кир. Парам.}; var { чиқ. Парам.});

Бу қисм дастурда киритилувчи ва чиқарилувчи параметрлар миқдорига муайян чегара қўйилмайди. Процедура-дастурлар ёрдамида масалани дастурлаш анча қулай бўлади:

```

Program minimax;
Const n=100;
Type
    Vek=array[1..n] of real;
Var
    I:integer;
    x,y:real;
    a,b,c:vek;
procedure minimax(a:vek;var min,max:real);
var
    i:integer;
begin
    min:=a[1]; max:=a[1];
    for i:=1 to n do
        begin
            if a[i]<min then min:=a[i] ;
            if a[i]<max then max:=a[i] ;
        end;
    end;
begin
    for i:=1 to n do read(a[i]);readln;
    for i:=1 to n do read(b[i]);readln;
    for i:=1 to n do c[i]:=a[i]+b[i];
    minimax(c,x,y);
    writeln('min=',x:12:4,'      max=',y:12:5);
    for i:=1 to n do c[i]:=a[i]*b[i];
    minimax(c,x,y);
    writeln('min=',x:12:4,'      max=',y:12:5);
end.

```

Қисм дастурлар тузишга оид мисол келтирамиз.

1- мисол.  $y = e^3 + \sqrt{x^2 + 1,5x}$  функциянинг қийма-  
тини  $-2 \leq x \leq 2$  оралиқда  $\Delta x = 0,4$  қадам билан,  $3 \leq x \leq 5$  ора-  
лиқда  $\Delta x = 0,5$  қадам билан,  $6 \leq x \leq 10$  оралиқда  $\Delta x = 1$  қадам  
билан ҳисобланг.

## ПАСКАЛ алгоритмик тилидаги дастур матни:

```
{ қисм-дастурга доир дастурлар тузиш }
Program Qism (input,output);
var
i:real;
Procedure Qism-Dastur(x:real);
var
y:real;
Begin
y:=exp(exp(1/3)*(sqr(x)+1.5*x));
Writeln('X=',x);Writeln('Y=',y);
end;
begin
i:=-2;
repeat
Qism-dastur(i);i:=i+0.4;
until i>=2;
i:=3;
repeat
Qism-dastur(i);i:=i+0.5;
until i>=5;
i:=6;
repeat
Qism-dastur(i);i:=i+1;
until i=10;
end.
```

Шундай қилиб, кенг ўқувчи оммаси фойдаланаётган ҳар қандай алгоритмлар қисм дастурлар ёрдамида компьютер хотирасида фойдаланувчилар учун энг қулай кўринишда сақлаб қўйилиб Турбо-Паскал кутубхонасини ташкил этиш мумкин бўлади. Кутубхонада дастурлар ишлатилиш турига қараб модулларга бўлинади.

!

### *Машқлар*

Саралаш алгоритмларига доир берилган топшириқларда масаланинг ҳисоблаш жараёнига мос дастур тузилсин.

**Э с л а т м а:** Вектор ёки матрица элементларини ўзингиз танланг.

1.  $X(10)$  вектор элементларини ўсиб бориш тартибида жойлаштиринг.

2.  $A(10 \times 10)$  матрицанинг манфий ва мусбат элементлари ўрнини мос ҳолда 0 ва 1 сонлари билан алмаштиринг.

3.  $A(5 \times 5)$  матрицанинг мусбат элементларини топинг, уларни  $B$  векторга ёзинг.

4.  $A(10 \times 10)$  матрицанинг ҳар бир сатри элементларининг ўрта арифметигини топинг ва уни  $B$  массивга ёзинг.

5.  $A(8 \times 8)$  матрицанинг ҳар бир устуни элементларининг ўрта геометригини топинг ва уни  $B$  массивга ёзинг.

6.  $A(10 \times 10)$  матрицанинг бош диагонали элементлари йиндисини топинг.

7.  $A(10)$  вектор элементларини шу массивда ўсиб бориш тартибида жойлаштиринг.

8.  $X(12)$  вектор элементларини камайиб бориш тартибида  $Y(12)$  векторда жойлаштиринг.

9.  $A(10 \times 10)$  матрицанинг ҳар бир сатри элементлари орасида энг кичигини топиб, уни  $B$  матрицага ёзинг.

10.  $A(10 \times 10)$  матрицанинг энг кичик элементини ва у жойлашган сатр ҳамда устун тартибини аниқланг.

11.  $X(10)$  вектор (массив) нинг манфий элементларини кетма-кет  $Y$  векторга ёзинг.

12.  $A(16)$  векторнинг тоқ ўринларида жойлашган элементларини  $B$  векторга кетма-кет ёзинг.

13.  $X(20)$  векторнинг дастлабки 3 та манфий элементларини ва унинг ўринларини топинг.
14.  $A(10 \times 15)$  матрицанинг мусбат ва манфий элементлари сонини аниқланг.
15.  $A(10 \times 8)$  матрицанинг манфий элементларининг кўпайтмасини топинг.
16.  $A(5 \times 5)$  матрицанинг устунларида жойлашган элементлари (ўрни)ни мос ҳолда сатрларида жойлашган элементлари (ўрни)га алмаштиринг.
17.  $A(15 \times 15)$  матрицанинг бош диагонал элементларини бир ўлчовли  $B(15)$  массивга ёзинг.
18.  $X(15)$  векторнинг энг кичик элементи (ўрни)ни энг катта элементи (ўрни)га алмаштиринг.
19.  $A(10 \times 10)$  матрицанинг ҳар бир сатрида жойлашган элементлари йиғиндисининг энг каттасини топинг.
20.  $A(10 \times 10)$  матрицанинг бош диагонали элементлари орасида энг кичигини топинг ва у жойлашган сатр тартибини аниқланг.
21.  $A(10 \times 20)$  матрицанинг 10-устунида жойлашган элементларнинг энг каттасини топинг ва у жойлашган сатр тартибини аниқланг.
22.  $A(10 \times 12)$  матрицанинг элементларини бирор массивда сатр бўйича йиғинг ва ҳосил қилинган массив элементларининг энг кичигини топинг.
23.  $A(10 \times 14)$  матрицанинг ҳар бир сатрида жойлашган элементларнинг энг кичигини топиб, уни  $B(10)$  массивга ёзинг.
24.  $A(20)$  векторнинг дастлабки учта энг кичик элементи ва унинг ўрнини топинг.
25.  $A(10 \times 10)$  матрицанинг манфий элементларини бирор массивда ёзинг.
26.  $A(10 \times 10)$  матрицанинг манфий элементлари орасида энг каттасини топинг.
27.  $A(6 \times 6)$  матрицанинг тоқ ўрнида жойлашган элементлари ўрнини жуфт ўринда турган элементлари билан кетма-кет алмаштиринг.
28.  $A(6 \times 6)$  матрицанинг энг катта элементи ўрнига шу матрицанинг энг кичик элементини ва аксинча, энг кичик элементи ўрнига энг катта элементини ёзинг.
29.  $A(5 \times 5)$  матрицанинг бош диагонали элементлари орасида энг каттасини топиб, у жойлашган устунни  $B(10)$  массивга ёзинг.
30.  $A(10 \times 10)$  матрица манфий элементларининг нисбатини топинг.

## 10.15. Турбо—Паскал модуллари ва уларнинг ишлатилиши

Паскал тили яратилиши даврида дастурчилар томонидан бир неча модуллар яратилган:

**System** — ўзида стандарт процедуралар ва функцияларни сақлайди. Бу модул дастурда ҳамма вақт мурожаат учун тайёр туради ва алоҳида мурожаат қилиш шарт эмас.

**Crt** — Экран, клавиатура ва динамикнинг ишлашини мувофиқлаштириш учун хизмат қилади.

**Graph** — компьютерда чизмалар ва тасвирлар ҳосил қилиш бўйича тузилган процедураларни ўз ичида сақлайди.

**Printer** — принтерлар билан ишлаш учун мўлжалланган.

Модулларга мурожаат қилиш учун **program** операторидан сўнг **uses** орқали модулларнинг исмлари ёзилади.

**Uses system,crt,graph;**

Шундан сўнг бу модулларга тегишли барча функциялар ва процедураларга мурожаат қилиш мумкин.

Турбо—Паскал ўз навбатида дастурчи томонидан ўзининг модулларини тузиш имкониятини беради:

**Init Модул\_исми;**

**Interface**

.....

{модулнинг очик қисми — интерфейс бўлаги}  
**implementation**

.....

{модулнинг ёпик қисми}  
**begin**

.....

**инициализация қилиш**

.....

**end;**

**Interface** ва **implementation** операторлари ўртасида модулнинг очик қисми жойлаштирилиб, у ерда константа-

лар, қийматларнинг турлари, ўзгарувчилар, процедура ва функциялар номлари келтирилади. Процедураларнинг асосий қисми implementation операторидан кейин ёзилиб улар кўринмас ҳолатда бўлади. Шундай қилиб, турли вазифаларни бажарувчи функциялар ёки процедуралар модулларга бирлаштирилади. Модуллар аввалдан ҳосил қилинган бўлиши мумкин ёки фойдаланувчи ўзининг хусусий модулларини яратиши мумкин.

## System модули

Бу модулнинг процедура ва функциялари ҳар қандай дастур учун автоматик тарзда ишлатиш учун тайёр туради ва уни оператори ёрдамида эълон қилиш зарурати бўлмайди. Масалан, элементар функцияларга ҳамма вақт мурожаат этишимиз мумкин. Худди шунингдек, белгилар устида амал бажарувчи функциялар билан танишган эдик. Улардан ташқари матнлар устида амаллар бажарувчи қуйидаги функцияларни келтиришимиз мумкин.

**Concat (s1,s2,...,sn:string):string;**

Матнлар кетма-кетлигини қўшиш (конкатенция) амалини бажаради.

**Copy(s:string;index,count:integer):string;**

Матнларни керакли қисмининг қўшимча нусхасини олиш учун хизмат қилади. Бу ерда **s** — бошланғич матн, **index** — матнда ажратилиб олинаётган қисмдаги биринчи белгининг тартиб номери, **count** — ажратиб олинаётган қисмдаги белгилар сони.

**Delete(var s:string;index:integer;count:integer);**

Матнларнинг керакли қисмини ўчириш учун хизмат қилади. Бу ерда **s** — бошланғич матн, **index** — матнда ажратилиб олинаётган қисмдаги биринчи белгининг тартиб номери, **count** — ажратиб олинаётган қисмдаги белгилар сони.

**Length(s:string):integer;**

Матннинг узунлигини аниқлайди.

Юқорида келтирилган функциялардан фойдаланган ҳолда матнларни қўшиш, нусхасини олиш каби амалларни бажарамиз:

```
Var
  A,B,C,E,D:string;
  I:integer;
begin
  A:='мени кутгил,';
  B:='ва';
  D:='мен қайтарман';
  C:=concat(A,D,B);
  E:=copy(C,5,7);
  insert('ўлимларни қолдириб доғда',E,10);
  i:=length(E);
  writeln(A,' ',B,' ',C,' ',E,' ',i:4);
```

## 10.16.Компьютер экранига ахборотларни чиқариш

Компьютер экранида матн ҳолатида 80 та белгили 25 та қатор жойлашади. Қаралаётган режимда ҳар хил менюлар ҳосил қилиш ва динамик билан ишлаш учун Турбо—Паскал кутубхонасидаги модулига тегишли функция ва процедуралардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади:

**Clrscr;**

Экранни тозалайди ва курсорни экраннинг юқори чап бурчагига жойлаштиради.

**Textcolor(color);**

Матннинг рангини аниқлайди.

**Textbackground(color);**

Экранда ҳосил бўлувчи рангни аниқлайди.

**Gotoxy(i,j);**

Экрандаги *i* қатор ва *j* устундаги нуқтага курсорни олиб келиб жойлаштиради.

**Write(s);**

Курсор турган жойдан бошлаб матнни экранга чиқаради.

**Inslide;**

Курсор турган қаторни белгилардан бўшатади.

**Clreol;**

Курсор турган қаторни ўчиради.

**Delay(n);**

Дастур бажарилишини  $n$  миллисекундга тўхтатиб туради.

**Sound(m);**

Динамикни олдиндан берилган  $m$  частотада ишлашини таъминлайди.

**Window(x1,y1,x2,y2);**

Компьютер экранида матн учун ойна ҳосил қилади. Бу ерда  $x1, y1$ — ойнанинг юқори чап бурчаги координаталари,  $x2, y2$ — ўнг паст бурчаги координаталари. Қуйидаги дастур экранда матн учун ойна ҳосил қилиш усулларидан бирини аниқлайди.

**Uses crt;**

**Begin**

**Textbackground(black);** {экран қора рангда}

**Clrscr;** {экрanni тозалаш}

**Textbackground(brown);** {ойнани рангини танлаш}

**Window(36,11,44,14);** {ойна ўлчамини аниқлаш}

**Clrscr;** {ойна ичмини тозалаб, керакли рангини бе-

риш}

**Gotoxy(1,2);**

**Textcolor(blink+blue);** {матнни жимирловчи кўк

рангда бериш}

**Write('\* \*');** {кўзни ҳосил қилиш}

**Textcolor(white)** {матн оқ рангда};

**Gotoxy(5,3);**

**Write('^');** {бурун}

**Gotoxy(1,4);**

**Write('####');** {оғиз}

**End.**

## 10.17. Тасвирларни ҳосил қилиш. Graph модули

Экранда тасвирларни ҳосил қилиш учун график режимига ўтиш зарур бўлади. Бу режимда матн режимидан фарқли экран ранг-баранг нуқталар — pixel лар тўпламидан ташкил топган тўртбурчакдан иборат бўлади.

Экраннинг ҳолатини адаптерлар белгилайди ва улар бир-биридан экранга мумкин қадар кўп нуқталар жойлаштира олиш ва ранг-барангликни ошириш имконияти билан фарқланади. Ҳозирги пайтга келиб, имконияти жиҳатидан афзаллиги билан ажралиб турувчи SVGA (Super Video Graphics Adapter) адаптери компьютер экранида 1400x800 нуқтани 256 хил рангда ҳосил қилиши мумкин.

Компьютер одатда матн режимда ишлайди. Экранни график режимга ўтказиш учун қуйидаги функциядан фойдаланилади:

### **Initgraph (GD,GM,Path);**

Бу ерда **GD** - драйвер номери, **GM** — режим номери, **Path** — драйверни сақлаб турувчи файлга ўтиш йўли. Агар **Path** ўрнида “белги турган бўлса, драйвер жорий каталогдан ахтарилади. Агар 0 га тенг бўлса, бу драйвер учун график режимни энг мақбул варианты компьютер томонидан автоматик равишда танланади. Баъзан 0 ўрнида **Detect** константаси ҳам ишлатилади.

График режимдан чиқиш учун **Closegraph** функцияси ишлатилади.

Экранда нуқта ва турли хил чизиқларни ҳосил қилиш учун қуйидаги функциялар ишлатилади:

- **Putpixel (X,Y,color);** — экранда X,Y координатали нуқтани color рангида ҳосил қилади.

- **Getpixel(X,Y);** — экрандаги X,Y координатали нуқта рангининг рақамини аниқлайди.


- **SetColor (color);** — чизиқларни рангини белгилайди. **Color** га — 0 дан 15 гача қиймат берилиб, 16 хил рангни ҳосил қилади. 0 —Black (қора), 15 —White (оқ), яъни рақамларнинг ўрнига рангларнинг инглизча номлари ҳам ёзилиши мумкин.

- **Line(X1,Y1,X2,Y2);** —  $X1, Y1$  нуктадан  $X2, Y2$  нуктагача кесма ҳосил қилади: ( $X2, Y2$ )




( $X1, Y1$ )

- **Circle(X,Y,R);** —  $X, Y$  марказга эга ва  $R$  радиусли айланани чизади.



- **Rectangle(X1,Y1,X2,Y2);** —  $X1, Y1$  юқори чап ва  $X2, Y2$  пастки ўнг учларга эга бўлган тўртбурчакни чизади.



- **Arc(X,Y,Stang,Endang,Radius);** — ёй чизади.  $X, Y$  — мос айлана маркази. **Stang** ва **Endang** — ёй бурчакларининг бошланғич ва охириги қийматлари. **Radius** - айлана радиуси.



- **DrawPoly(NumPointes, PolyPointes);** — кўпбурчакни чизади. **NumPointes** — кўпбурчак учлари сони. **PolyPointes** — кўпбурчак учлари координаталари берилган массив.




График режимида экраннинг эни ва баландлиги бўйича нуқталарнинг сони адаптернинг турига боғлиқ бўлиб, турлича бўлади. Горизонтал ва вертикал йўналиш бўйича нуқталар сони учун ўзгармаслар `getmaxx` ва `getmaxy` кiritилган.

1 - мисол. Учларининг координаталари (10,20) ва (10,100) бўлиб *Ox* ўқига перпендикуляр кесмани ясанг.

**ПАСКАЛ алгоритмик тилидаги дастур матни:**

```
uses
  Crt, Graph;
var
  Gd, Gm : Integer;
begin
  Gd := Detect; InitGraph(Gd, Gm, "");
  Setcolor (red);
  Line(10,20,10,100);
  ReadLn;
  CloseGraph;
end.
```

Натижада экранда талаб қилинган — *Ox* абсциссалар ўқига перпендикуляр кесма ҳосил бўлади.

2 - мисол. Диагоналининг координаталари (50,150) ва (200,50) бўлган тўғри тўртбурчак ясанг.

**ПАСКАЛ алгоритмик тилидаги дастур матни:**

```
uses
  Crt, Graph;
var
  Gd, Gm : Integer;
begin
  Gd := Detect; InitGraph(Gd, Gm, "");
  Rectangle(50,150,200,50);
  ReadLn;
  CloseGraph;
end.
```

Натижада экранда талаб қилинган тўғри тўртбурчак ҳосил қилинади.

3 - м и с о л. Маркази (80,80), радиуси 60 бўлган айлана чизинг.

**ПАСКАЛ** алгоритмик тилидаги дастур матни:

uses

Graph;

var

Gd, Gm : Integer;

begin

Gd := Detect; InitGraph(Gd, Gm, “”);

Circle(80, 80, 60);

ReadLn;

CloseGraph;

end.


Натижада экранда талаб қилинган айлана ҳосил қилинади.

Шакллар чизиш.


SetColor(color) функцияси чизиқларнинг рангини белгилагани каби қуйидаги функция

• Setfillstyle(Style,Color); — шаклларни ранглаш ва тўлдириш усулини белгилайди. Бу ерда у 0 дан 12 гача қиймат қабул қилиб, тўлдириш усулини белгилайди.

• Bar(x1,y1,x2,y2); — жорий ранг ва тўлдириш усули билан тўртбурчак шаклини ҳосил қилади:



• Bar3D(x1,y1,x2,y2,Depth,Top); — жорий ранг ва тўлдириш усули билан параллелепипед чизади. Depth — ўзгарувчиси параллелепипед “чуқур”лигини белгилайди. Мантикий Top ўзгарувчисининг рост қийматида параллелепипеднинг юқори ёғи чизилади, акс ҳолда чизилмайди:



• **Fillellipse (x,y, Xradius,Yradius);** - рангланган эллипсни чизади. Xradius — эллипснинг эни, Yradius эса баландлигидир.



• **Fillpoly(Numpointes,PolyPointes);** — рангли кўпбурчакни чизади. NumPointes — кўпбурчак учларининг сони. PolyPointes — кўпбурчак учлари координаталари берилган массив.




График адаптерларнинг турига мос равишда компьютер экранда ҳосил бўлувчи ранглار сони ҳар хил бўлиши мумкин. Шу сабабли рангларнинг умумий сони учун **Getmaxcolor** ўзгармаси киритилган.

4-мисол. Маркази (140,110) бўлган ва баландлиги 60 - pixel ва ўлчамлари нисбати 6/14 тенг эллипс шакли ясалсин.

**ПАСКАЛ** алгоритмик тилидаги дастур матни:

```
uses
  Graph;
var
  Gd, Gm : Integer;
begin
  Gd := Detect; InitGraph(Gd, Gm, "");
  if GraphResult <> grOk then Halt(1);
  Setfillstyle(2,4);
  Bar(0,0,getmaxx,getmaxy);
  Setfillstyle(11,7);
  Fillellipse(140, 110, 60,140);
  ReadLn;
  CloseGraph;
end.
```

!

*Машқлар (биринчи тур)*

Учларнинг координаталари  $(X_i; Y_i)$  ва  $(X_k; Y_k)$  бўлган кесмани ва шу координатали диагонали бўлган тўғри тўртбурчакни чизинг.

Топшириқ тартиби	Координаталари	
	$(x_i ; y_i)$	$(x_k ; y_k)$
1.	10,10	80,120
2.	20,20	40,120
3.	5,5	55,95
4.	30,30	150,90
5.	20,20	160,110
6.	25,25	60,160
7.	40,40	110,80
8.	10,10	100,150
9.	25,30	120,90
10.	15,15	110,90
11.	20,20	20,90
12.	15,10	150,30
13.	30,30	100,80
14.	40,40	120,190
15.	10,10	120,110
16.	15,15	110,120
17.	20,20	140,160
18.	40,40	40,120
19.	25,25	135,95
20.	40,40	40,120
21.	20,20	135,95
22.	25,25	130,200
23.	15,20	140,120
24.	15,15	150,80
25.	20,20	120,90
26.	10,10	40,90
27.	10,10	200,90
28.	20,20	100,110
29.	0,0	110,90
30.	20,20	100,20

## Машқлар ( иккинчи тур)

Марказининг координаталари (X;У) бўлган, радиуси (бош бурчаги, охири бурчаги ва овали) берилган айлана ёки ёй, сектор, эллипс)лар чизилсин.

Т/р	Марказ координ.	рад.	Ранг	Бош бурчаги	Охир бур.	Овал	Ай.	Ей	Сектор	Эллипс
1.	(120, 30)	70	1	1	1,8	3/4	Ҳа	Ҳа	йўқ	Ҳа
2.	(140, 40)	90	1	1	-1	1/4	Ҳа	Йўқ	Ҳа	Ҳа
3.	(100, 100)	50	1	-1.2	-3	-	Ҳа	Йўқ	Ҳа	Йўқ
4.	(50, 50)	60	1	1.2	3	-	Ҳа	Ҳа	йўқ	Йўқ
5.	(140, -100)	60	1	-	-	5/16	Ҳа	Йўқ	йўқ	Ҳа
6.	(190, 40)	90	1	-1.1	-1.2	5/6	Ҳа	Йўқ	Ҳа	Ҳа
7.	(140, 50)	80	1	-1.2	-2.6	2	Ҳа	Ҳа	Ҳа	Ҳа
8.	(80, 20)	60	1	-1.2	-1.6	4	Ҳа	Йўқ	Ҳа	Ҳа
9.	(110, 140)	50	1	1	1.8	2	Ҳа	Ҳа	йўқ	Ҳа
10.	(145, 60)	90	1	-	-	3/4	Ҳа	Ҳа	йўқ	Ҳа
11.	(110, 20)	80	1	1.4	2.2	-	Ҳа	Ҳа	йўқ	Йўқ
12.	(120, 30)	80	1	1.8	2.8	2/7	Ҳа	Ҳа	йўқ	Ҳа
13.	(190, 50)	70	1	-	-	2/5	Ҳа	Йўқ	йўқ	Ҳа
14.	(140, 60)	80	1	1.4	2.2	-	Ҳа	Ҳа	йўқ	Йўқ
15.	(100, 80)	70	1	1.2	2.4	3/7	Ҳа	Ҳа	йўқ	Ҳа
16.	(160, 60)	80	1	1	-3	2/9	Ҳа	Йўқ	йўқ	Ҳа

Т/р	Мар-каз координ.	рад.	Ранг	Бош бурчаги	Охир бур.	Овал	Ай.	Ей	Сектор	Эллипс
17.	(100, 140)	70	1	1	1.8	2	ҳа	ҳа	йўқ	Ҳа
18.	(120, 40)	90	1	1.8	-2.9	-	ҳа	ҳа	ҳа	Йўқ
19.	(140, 60)	100	1	-1	-1.5	2/7	ҳа	Йўқ	ҳа	Ҳа
20.	(120, 40)	110	1	0.9	-1.2	2	ҳа	Йўқ	ҳа	Ҳа
21.	(110, 20)	70	1	1	1.8	3	ҳа	ҳа	йўқ	Ҳа
22.	(140, 50)	80	1	1	-2	2/4	ҳа	Йўқ	ҳа	Ҳа
23.	(190, 40)	110	1	-1.2	-1.3	3/4	ҳа	Йўқ	ҳа	Ҳа
24.	(140, 30)	80	1	-	-	2/3	ҳа	Йўқ	йўқ	Ҳа
25.	(80, 20)	60	1	-1.2	-1.8	4	ҳа	Йўқ	ҳа	Ҳа
26.	(100, 80)	70	1	2.1	-2	4/7	ҳа	Йўқ	ҳа	Ҳа
27.	(110, 120)	80	1	1	1.8	2	ҳа	ҳа	йўқ	Ҳа
28.	(110, 30)	60	1	1.2	2.4	3/9	ҳа	ҳа	йўқ	Ҳа
29.	(160, 110)	90	1	-1.4	-2.8	3	ҳа	Йўқ	ҳа	Ҳа
30.	(120, 40)	90	1	1.8	-2.9	-	ҳа	ҳа	ҳа	Йўқ

*Эслатма:* Берилган вариантларда ҳосил қилинувчи шакл учун “Ҳа”, кераксизи учун “йўқ” изоҳи берилган.

## График режимида матнлар ҳосил қилиш.

Ҳарфларни чизиш учун қуйидаги функциялардан фойдаланишимиз мумкин.

• **SetTextStyle(Font,Direction,Size);** — жорий шрифтни ўлчами ва йўналишини белгилайди. **Font** — шрифт турини, **Direction** — матнни чиқарилиш йўналишини(чапдан ўнга ёки пастдан юқорига), **Size** — шрифт ўлчамини белгилайди.

• **SetTextJustify(horiz,vert);** — матнни вертикал ва горизонтал чизиқ бўйича текислаш вазифасини бажаради.

• **OutTextXY(X,Y,Textstring);** — **Textstring** матнни X, Y координатали нуқтадан бошлаб ёзади.

Берилган матнни экранда ҳосил қилишни қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз:

uses

**Graph;**

**var**

**Gd, Gm : Integer;**

**begin**

**Gd := Detect; InitGraph(Gd, Gm, ‘');**

**if GraphResult <> grOk then Halt(1);**

**Setfillstyle(1,7);**

**Bar(0,0,getmaxx,getmaxy);**

**SetTextjustify(1,1);**

**SetTextStyle(4,1,8);**

**Setcolor(0);**

**OutTextXY(Getmaxx div 2,Getmaxy div 2, 'GAME OVER');**

**Setcolor(2);**

**OutTextXY(Getmaxx div 2+2,Getmaxy div 2+2, 'GAME OVER');**

**Setcolor(4);**

**OutTextXY(Getmaxx div 2+4,Getmaxy div 2+4, 'GAME OVER');**

**ReadLn;**

**CloseGraph;**

**end.**

## MS DOS OTнинг асосий буйруқлари

1-жадвал

№	Буйруқ	Бажарадиган вазифаси
1.	[диск]:	Бошқа дискка ўтиш.
2.	CD	Жорий каталогни алмаштириш.
3.	CLS	Компьютер экранини маълумотлардан тозалаш.
4.	COPY	Файлларни нусхалаш.
5.	DATE	Сана шақида маълумот ёки уни нусхалаш.
6.	DEL	Файлни ўчириш.
7.	DELTREE	Каталогни барча файллари билан ўчириш.
8.	DIR	Каталогдаги мавжуд файллар рўйхатини бериш.
9.	DiskCopy	Дискетни нусхалаш.
10.	FA	Файл атрибутини ўзгартириш.
11.	FC	Файлларни таққослаш.
12.	FIND	Файлни қидириш.
13.	FOR	Цикл ташкил этиш.
14.	FORMAT	Дискни форматлаш.
15.	GOTO	Пакетли файлда белгига ўтиш.
16.	IF	Пакетли файлда шартни текшириш.
17.	LABEL	Дискка белги қўйиш.
17.	MD	Янги каталог ташкил этиш.
18.	MOVE	Файлни бошқа каталогга кўчириб ўтказиш
19.	NDD	Диск яроқлилигини текшириш.
20.	PAUSE	Пакетли файл бажарилишини тўхтатиш.
21.	PRINT	Файлни чоп қилиш.
22.	PROMPT	MS DOS таклифномаси кўринишини ўрнатиш.
23.	QU	Файлни қайта тиклаш.
24.	RD	Каталогни ўчириш.

25.	REM	Пакетли файлда изоҳ бериш.
26.	REN	Файл номини ўзгартириш.
27.	SYSinfo	Компьютер шақида маълумот олиш.
28.	TIME	Жорий вақт шақида маълумот олиш ёки уни ўзгартириш.
29.	TYPE	Файл мазмунини экранга чиқариш.
30.	VER	MS DOS версияси номерини чиқариш.
31.	VOR	Диск белгисини чиқариш.

2-илова

## NORTON COMMANDER қобиқ дастури меню буйруқлари

НСнинг инглизча  
версиясида

НСнинг русча  
версиясида

Функционал  
туғмаларда

Left (Right)  
Brief\*\*  
Full\*\*  
Info\*\*

Левая (правая)  
Краткий  
Полный  
Информацион-  
ная панель

Tree\*\*  
Quick view\*\*

Дерево  
Быстрый  
просмотр

Compressed File\*\*  
Link

Сжатый файл  
Связь компьюте-  
ров

On/off

Включение/ вы-  
ключение панели

Ctrl+F1(F2)

Name\*\*  
Extension\*\*  
Time\*\*  
Size\*\*  
Unsorted\*\*

По именам  
По расширениям  
По времени  
По размеру  
Нерассортиро-  
ванные

Ctrl+F3

Ctrl+F4

Ctrl+F5

Ctrl+F6

Ctrl+F7

Re-read

Повторное чте-  
ние

Filter...

Фильтр

Drive... <b>Files</b>	Дисковод <b>Файлы</b>	Alt+F1(F2)
Help	Справка	F1
User menu	Меню пользова- теля	F2
View	Просмотр	F3
Edit	Редактирование	F4
Copy	Копирование	F5
Rename or move	Перемещение или переименование	F6
Make directory	Создание катало- га	F7
Delete	Удаление	F8
File attributes	Атрибуты файла	
Select group	Выделение груп- пы	Gray+
Deselect group	Отмена выделе- ния группы	Gray-
Invert selection	Инверсия выделе- ния	Gray*
Restore selection	Восстановление выделения	
Quit	Выход из NC	F10
<b>Commands</b>	<b>Команды</b>	
NCD tree	Дерево каталога	Alt+F10
Find file	Найти файл	Alt+F7
History	Хронология	Alt+F8
EGA lines	Строки EGA	Alt+F9
System information	Системная информация	
Swap panels*	Поменять места- ми панели	Ctrl+U
Panels on/off	Включить/ вы- ключить панели	Ctrl+O
Compare directories	Сравнить катало- ги	
Terminal Emulation	Эмуляция терми- нала	
Menu file edit	Редактировать меню пользова- теля	
Extension file edit	Редактировать файл расширений	

<b>Options</b>	<b>Опции (параметры)</b>	
Configuration...	Конфигурация	
Editor...	Текстовый редактор	
Confirmation...	Подтверждение	
Compression...	Выбор метода сжатия	
Auto menus*	Автоменю	
Path promrt*	Путь в приглашении	
Key bar*	Строка функциональных клавиш	Ctrl+B
Full screen*	Полный экран	
Mini status*	Мини статус	
Clock*	Часы	Shift+F9
Save setup*	Сохранить установки	

3-илова

**MICROSOFT WORD процессори меню буйруқлари**

<b>Инглизча версияда</b>	<b>Русча версияда</b>	<b>Тугмалар</b>
<b>File</b>	<b>Файл</b>	
New...	Создать	Ctrl+N
Open...	Открыть...	Ctrl+O
Close	Закрыть	Ctrl+F4
Save	Сохранить	Ctrl+S
Save As...	Сохранить Как...	
Save All	Сохранить все	
Find File...	Поиск файла...	
Summary Info...	Сводка...	
Templates...	Шаблоны...	
Page Setup...	Параметры страницы...	
Print Preview	Просмотр	Ctrl+P
Print...	Печать...	
<имена файлов>	<имена файлов>	

Exit	Выход	
<b>Edit</b>	<b>Правка</b>	
Undo	Отменить	Ctrl+Z
Cut	Вырезать	Ctrl+X
Copy	Копировать	Ctrl+C
Paste	Вставить	Ctrl+V
Paste Special...	Специальная вставка...	
Clear	Очистить	Del
Select All	Выделить все	Ctrl+A
Find...	Найти...	Ctrl+F
Replace...	Заменить...	Ctrl+H
Go To...	Перейти...	Ctrl+G
Auto Text...	Автотекст...	
Bookmarks...	Закладка...	
Links...	Связи...	
Object	Объект	
<b>View</b>	<b>Вид</b>	
Normal**	Нормальный	
Outline**	Структура документа	
Page Layout**	Разметка страницы	
Master Document	Главный документ	
Full Screen	Полный экран	
Toolbars...	Панели инструментов...	
Ruler*	Линейка	
Header and Footer	Колонтитулы	
Footnotes	Сноска	
Annotetions	Примечания	
Zoom...	Масштаб...	
<b>Insert</b>	<b>Вставка</b>	
Break...	Разрыв...	
Page Numbers...	Номера страниц...	
Annotation	Примечание	
Date and Time...	Дата и время...	
Field...	Поле...	
Symbol...	Символ...	
Form Field...	Поле формы...	

Footnotes...	Сноска...	
Caption...	Название...	
Cross-References...	Ссылка...	
Index and Tables...	Оглавление и указатели...	
File...	Файл...	
Frame	Кадр	
Picture...	Рисунок...	
Object...	Объект...	
Database...	База данных...	
<b>Format</b>	<b>Формат</b>	
Font...	Шрифт...	
Paragraph...	Абзац...	
Tabs...	Табуляция...	
Border and Shading...	Обрамление и Заполнение...	
Columns...	Колонки...	
Change Case...	Регистр...	
Drop Cap...	Буквица...	
Bullet and Numbering...	Список...	
Heading	Нумерация	
Numbering...	заголовков...	
Auto Format...	Автоформат...	
Style Gallery...	Таблица стилей...	
Style...	Стиль...	
Frame...	Кадр...	
Picture...	Рисунок...	
Drawing	Рисованный	
Objects...	объект...	
<b>Tools</b>	<b>Сервис</b>	
Spelling...	Орфография...	F7
Grammar...	Грамматика...	
Thesaurus...	Синонимы...	Shift+F7
Hyphenation...	Перенос слов...	
Language...	Язык...	
Word Count...	Статистика...	
Auto Correct...	Автокоррекция...	
Mail Merge...	Слияние...	
Envelopes and Labels...	Конверты и наклейки...	

Protect	Установить защи- ту...	
Document...		
Revisions...	Исправления...	
Marco...	Макрокоманда...	
Customize...	Настройка...	
Options...	Опции...	
<b>Table</b>	<b>Таблица</b>	
Insert Rows	Вставить строки	
Delete Rows	Удалить строки	
Merge Cells	Объединить ячей- ки	
Split Cells...	Разбить ячейки...	
Select Row	Выделить строку	
Select Column	Выделить столбец	
Select Table Table	Выделить таблицу	Alt+Num 5
Auto Format...	Автоформат таблицы...	
Cell Height and Width...	Высота и ширина ячейки...	
Headings	Заголовки	
Convert Table to Text...	Преобразовать таблицу в текст...	
Sort...	Сортировка...	
Formula...	Формула...	
Sprit Table	Разбить таблицу	
Gridlines*	Линии сетки	
<b>Windows</b>	<b>Окно</b>	
New Windows	Новое окно	
Arrange All	Упорядочить все	
Sprit	Разбить	
<список окон до- кументов>	<список окон до- кументов>	



## Жавоблар ва кўрсатмалар

### I БОБ

1. Информатика фан сифатида ахборотлаш жараёнлари қонуниятларини ўрганади. Информацион жараён кенг тушунча бўлиб, маълумотларни жамлаш, узатиш, сақлаш, тўплаш, қидириш ва истемолчига беришгача бўлган жараёнларни ўзида жамлайди.

2. Маълумот хабар кўринишда берилади. *Хабар* — бу маълумотни сўзлашув, матн, тасвир, жадвал, сонли маълумотлар ва ҳоказо кўринишидаги туридир.

3. Ахборот турлари биологик, социал ва элементар бўлиши мумкин. Кишилиқ жамиятидаги ахборотлар — *социал*, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсидаги ахборотлар — *биологик*, табиатдаги бошқа ахборотлар — *элементар* маълумотлар дейилади.

4. Маълумотнинг учта асосий хоссаси мавжуд: *атрибутив*, *прагматик* ва *динамик*.

5. Маълумотнинг *атрибутив* хоссаси шундайки, унингсиз информация мавжуд эмас, *прагматик* хоссаси — маълумотни амалиёт учун қўлланилиш даражасини белгилайди, *динамик* хоссаси — уни вақт бўйича ўзгариш жараёнини белгилайди.

6. Ахборот *байт*ларда ўлчанади.

7. Иккинчи авлод машиналарида лампалар ўрнига транзисторлар ишлатилади.

8. Ҳозирги замон компьютерлари тўртинчи авлод машиналарига мансуб.

9. Француз олими Блез Паскал томонидан 1642 йилда яратилган жамлаш машинаси биринчи ҳисоблаш машинаси деб қабул қилинган.

10. 1 Кбайт  $2^{10}$  битга тенг.

11. 1 Гбайт  $2^{30}$ байтга тенг.

12. 300 Кбайт  $75 \cdot 2^{15}$  битга тенг.

13. 256 бит  $2^5$  байтга тенг.

14. 1024 Мбайт  $2^{20}$  килобайтга тенг.

15. Ахборот хотирада сақланиши учун машина тилига ўтказилади. Ахборотни маълум бир қонун-қоида асосида компьютерда қайта ифода-лаш *кодлаш* дейилади.

16. Ўнлик саноқ системасидаги сон ўтказилиши лозим бўлган саноқ системасининг асосига кетма-кет бўлинади ва бу жараён токи бўлинма бўлувчидан кичик бўлгунга қадар давом эттирилади ва ҳосил қилинган қолдиқ ҳадлар бўлинмадан бошлаб чапдан ўнга қараб тартибланади.

17. Ихтиёрий асосли сонни ўнли саноқ системасига ўтказиш учун

$$N = \{(g a_m + a_{m-1}) g + a_{m-2} \} g + a_{m-2} \} g + \dots + a_0$$

формуладан фойдаланилади, бу ерда  $a_m$  — рақам,  $g$  — санок система-сининг асоси.

18. Юқоридаги формулада  $g = 8$ .

19. Юқоридаги формулада  $g = 2$ .

20. Санок системалари ҳисоблаш жараёнини мақбуллаштириш учун ишлатилади.

## II БОБ

1. *Арифметик мантиқий қурилма* — арифметик ва мантиқий ҳисоблаш амалларини бажаради.

2. *Бошқариш қурилмаси* — дастур бажарилиш жараёнини ташкил қиладди.

3. *Ёдда сақлаш қурилмаси ёки жорий хотира* — маълумот ёки дастурларни ўзида сақлайди.

4. *Ташқи қурилмалар* жумласига принтер, модем, мультимедиа, сканер, стример киради.

5. IBM PC компьютери қуйидаги учта асосий қисмдан иборат. *Тизимли (системали) қисм* — Компьютерни бошқариш ва ҳисоблаш ишларини бажаради. *Монитор (дисплей)* — матнли ёки график кўринишидаги маълумотларни экранда тасвирлайди. *Клавиатура* — компьютерга белгиларни киритиш қурилмаси.

6. *Принтер* (босмага чиқариш қурилмаси) — матнли ёки график кўринишидаги маълумотларни қоғозга чиқариш учун мўлжалланган. *“Сичқонча”* — маълумотларни компьютерга киритишни энгилаштиради. *Модем* — телефон тармоқлари орқали бошқа компьютерлар билан маълумотлар алмашинишда ишлатилади. *Компакт диск учун диск юритувчи* — маълумотларни компакт дисклардан ўқиш ёки унга ёзиш имконини беради. *Сканер* — қоғоздаги маълумотларни компьютер экранига тасвирий равишда кўчириш имконини беради. *Стример* — маълумотларни магнит ленталарида сақлаш учун хизмат қиладди. *Овозли харита* — овоз (музиқа, овоз ва ҳ.к.) ёзиш ва эшитишни таъминлайди.

7. *Микропроцессор* ҳажм жиҳатидан унча катта бўлмаган, атиги бир неча кв. сантиметр сатҳга эга бўлган электрон схема бўлиб, унинг кўмагида барча ҳисоблашлар ҳамда маълумотлар алмашинуви бажарилади. IBM PC туридаги компьютерларда асосан Intel фирмаси ишлаб чиқарган микропроцессорлар ўрнатилган.

8. Микропроцессор маълумот ёки дастурларни айнан хотирадан олади ва натижаларни унга ёзади. Жорий маълумотлар сақланувчи *хотира* кўпинча жорий хотира деб юритилади. Компьютернинг имкониятлари бевосита унга ўрнатилган жорий хотира ҳажмига боғлиқ. Компьютерда жорий хотира 1 Мбайт ёки ундан кам бўлса, у фақат MS DOS OT муҳитида ишлашга яроқли. Агар жорий хотира 4 Мбайт бўлса, компьютер MS DOS OT, Windows 3.1. муҳитида ишлайди. 8 Мбайт жорий хотира янги операцион тизимлар, хусусан Windows 95 муҳити, унда ишловчи MS OFFICE дастурларида ишлаш имконини беради. Агар компьютер жорий хотираси 32 М байт ва ундан катта бўлса, локал тармоқларда (Internet, электрон Почта - E mail) ишлаши, компьютерлараро суратли маълумотлар ёки видеофильмлар алмашиниши ва улар устида ишлаш имконини беради. IBM PC компьютерида яна хотиранинг BIOS (доимий хотира), CMOS (ярим доимий хотира) турлари мавжуд бўлиб, уларда компьютер қурилмаларини текширувчи дастурлар, операцион тизимни юклаш ва компьютер қурил-

маларига хизмат кўрсатиш функцияларини бажарувчи дастурлар сақланади. *Қаттиқ диск (Винчестер)* — компьютерда ишлаш жараёнида ишлатилган маълумотларни доимий хотирада сақлаш учун ишлатилади.

9. Компьютерларда *“сичқонча”* дан ташқари, баъзан *трекбол, трек-пойнт* каби ташқи қурилмалар ишлатилади. Уларнинг функцияси *“сичқонча”* каби бўлади. Компьютерга уланадиган қурилмалардан яна бири *диск юритувчилар* бўлиб, дискетлардаги маълумотларни ўқиш ва унга ёзишда ишлатилади. Кенг тарқалган дискетлар одатда 3,5 ёки 5,25 дюйм ҳажмда бўлиб, мос холда уч дюймлик ва беш дюймлик дискетлар деб юритилади. Дискетлар маълумотларни ёзиш ҳажми билан бир-биридан фарқланади. Одатда уч дюймлик дискетлар 1,44 Мбайт ҳажмга, беш дюймлик дискетга 360 Кбайт ва ундан кўп ҳажмга эга бўлган маълумот ёзиш мумкин. Шунинг таъкидлаш лозимки, дискетни биринчи мартаба ишлатишдан олдин уни форматлаш лозим. Бу эса махсус дастурлар, хусусан DOS FORMAT дастури ёрдамида бажарилиши мумкин.

10. Компьютерга уланадиган қурилмалардан яна бири компьютернинг *монитори (дисплей)* ҳисобланади. У телевизор каби бўлиб, унда матнли ёки график маълумотлар тасвирланади. Мониторлар рангли ёки рангсиз (монохрон) бўлиб, улар бир-биридан ўлчамлари бўйича фарқланадилар. Мониторларда тасвирлар горизонтал ва вертикал бўйича 640x480 нуқтадан 1600x1280 нуқтагача бўлиши мумкин.

11. Компьютерда мавжуд дастурларни учта турга бўлиш мумкин: *Амалий дастурлар* — фойдаланувчи бевосита ишлаши учун мўлжалланган дастурлар, масалан, матн ва расм муҳаррирлари ва ҳ.к.; б) *Тизимли дастурлар* — компьютер қурилмаларининг ишчи ҳолатини назорат қилувчи ва бошқарувчи дастурлар; в) *инструментал тизимлар* — компьютер учун янги дастурлар тузишни таъминлаш тизими.

12. *Стример* — магнит лентали кассетага маълумотларни ёзиш қурилмаси. Каттиқ дискдаги маълумотлар нусхасини олиб қўйиш учун стример кенг ишлатилади. Стримерлар бир-биридан ҳажми билан фарқ қилади, яъни битта кассетада ҳажми 20 Мбайтдан 40 Гбайтгача маълумот ёзиш мумкин.

13. *Факс-модем* расми телефакс маълумотларни компьютерлараро алмашиш имкониятини яратади. Айни вақтда ишлатилаётган факс-модемларнинг баъзилари овоз алмашиш имкониятларига ҳам эга. Модемлар бир-биридан маълумот узатиш тезлиги билан фарқланади. Улар одатда секундига 2400 дан 33600 белгигача маълумотни узатиш имкониятига эга.

14. *Компакт диск учун диск юритувчилар* компакт дискдан махсус маълумотларни, овозли хариталарни, ўйинларни, маълумотларни ўқиш учун мўлжалланган. Компакт диск ҳажми 640 Мбайтгача бўлади.

15. *Сканер* қоғозлардаги маълумотларни компьютер хотирасига ўтказиш учун хизмат қилади.

16. *Мультимедиа* — тасвирли маълумотлар билан ишлашга қодир бўлган восита ҳисобланади. “Мультимедиа” сўзи лотинча media сўзидан олинган бўлиб, “маълумот ташувчи восита” деган маънони англатади. Мультимедиа компьютерлари сўз, мусиқа ва бошқа овозли маълумотлар, видео маълумотларни қабул қилади ва улар устида ишлайди. Мультимедиа компьютерлари албатта компакт дисклар учун махсус диск юритувчилар, овозли хариталарга эга бўлиши ҳамда камида Pentium / 75 Мгц ёки 486Sx/25Гц тезликдаги микропроцессор, жорий хотираси 4Мбайт ва қаттиқ диск ҳажми 160 Мбайт ҳамда 640x480 нуқтали рангли видео тизимга эга бўлиши керак.

17. **Принтер** (чоп қилиш қурилмаси) — ҳар хил (матнли, график ёки расм) маълумотларни қоғозга чоп қилиш учун хизмат қилади. Принтер қурилмаси маълумотларни оқ-қора ёки рангли тарзда чоп қилиши мумкин. Принтерларнинг юзлаб хили бўлиб, улар одатда матрицали, пуркагичли ва лазерли турларга бўлинади.

18. Бирор ташкилот доирасида компьютерлараро ўзаро маълумотлар алмашинувини таъминлаш учун хусусий тармоқ ишлатилади. InterNet халқаро алоқа тизими ёрдамида миллионлаб компьютерларни ўзаро бирлаштирилади.

### III БОБ

1. Компьютер автоматик равишда қуйидаги тартибда юкланади:

- компьютер электр тармоғига уланганда;
- компьютер қисмида жойлашган “Reset” (ёки Power) тугмаси босилганда;
- бир вақтда {Ctrl},{Alt} ва {Del} тугмалари босилганда;

2. Компьютер юклангандан кейин экранда MS DOS OT нинг C:\ > таклифномаси пайдо бўлади. Агар экранда NORTON COMMANDER дастурининг дарчаси даставвал пайдо бўлса, F10 тугма босилиб ва компьютер сўровига “YES” (ҳа) жавобини бериш орқали MS DOS OT га кириш мумкин.

3. MS DOS OC юклангандан сўнг экранда C:\ > ёки A:\ > таклифнома пайдо бўлади. MS DOS OT нинг буйруқлари клавиатурада териб киритилади. Масалан, диск мундарижасини экранга чиқариш учун буйруқ қаторида C:\ > dir “Enter” буйруғи берилади.

4. Кириллча шрифтдан лотинча шрифтга ўтиш компьютер турига қараб фарқланади. Баъзи компьютерларда “Ctrl”, баъзиларида 2 марта “Shift” ёки “Ctrl”, “Shift”, “Alt” тугмалари комбинацияси (биргаликда) босилади.

5. Янги файл яратиш учун буйруқ қаторида `copy con "Файл номи"` буйруқ киритилиб 2 марта “Enter”, сўнгра F6 ёки “Ctrl-Z” тугмалар мажмуаси босилади.

Масалан, анкета маълумотлари ёзилган файл ташкил қилиш қуйидагича бўлади:

`C:\ > copy con anketa "Enter"`

Керакки маълумотлар клавиатурадан териб киритилади. Матн териб бўлингач F6 ёки “Ctrl+Z” тугмалари биргаликда босилади. Экранда файл ташкил этилганлиги ҳақида хабар пайдо бўлади.

6. Файлни ўчириш учун буйруқ қаторида `(C:\ >) del anketa "Enter"` буйруғи берилади.

7. Файлни қайта номлаш учун буйруқ қаторида `ren anketa <файлнинг янги номи> "Enter"` буйруғи берилади.

8. Файлдан нусха олиш учун буйруқ қаторида `copy <файл номи> <файл номи ёки манзил> "Enter"` буйруғи берилади. Бир нечта файлни бирлаштириш учун, масалан, f1, f2, f3 файлларни кетма-кет бирлаштириб f4 файлига ёзиш лозим бўлса, буйруқ қаторида `copy f1+f2+f3 f4 "Enter"` буйруғи берилади.

9. Файлни дискдан қидириш учун буйруқ қаторида `file find <Файл номи> "Enter"` буйруғи берилади.

10. Бехосдан ўчирилган файлни тиклаш учун буйруқ қаторида `unerase <Файл номи> "Enter"` буйруғи берилади.

11. Каталог яратиш учун буйруқ қаторида `md < каталог номи >` “Enter” буйруғи берилади.

12. Жорий дискни алмаштириш учун масалан, C дискдан A дискка ўтиш учун `C:\ > A:` “Enter” буйруғи берилади.

13. Каталог мундарижасини кўриш учун буйруқ қаторида `dir [ диск : ] [ манзил ]` “Enter” буйруғи берилади.

14. Каталогга кириш учун буйруқ қаторида `cd < каталог номи >` “Enter” буйруғи берилади.

15. Каталогдан чиқиш учун буйруқ қаторида `cd . .` “Enter” буйруғи берилади.

16. Каталогни ўчириш учун буйруқ қаторида `rd < каталог номи >` “Enter” буйруғи берилади.

17. Файл мазмунини экранга чиқариш учун буйруқ қаторида `type < Файл номи >` “Enter” буйруғи берилади.

18. Экрандан маълумотларни тозалаш учун буйруқ қаторида `CLS` “Enter” буйруғи берилади.

19. Матнли файлни чоп қилиш учун буйруқ қаторида `Copy < файл номи > rpn` “Enter” буйруғи берилади.

20. Дискетни, масалан, A дискетни форматлаш учун буйруқ қаторида `format a:` “Enter” буйруғи берилади, албатта бунинг учун MS DOS нинг DOS FORMAT буйруғи ишлаши зарур. Буйруқ киритилгандан сўнг экранда `Insert new diskette to arive x: and strike ENTER when ready` — “Дискетни ўрнатинг ва “Enter” тугмасини босинг” деган хабар пайдо бўлади.

Агар дискет йўлаги ишдан чиққан бўлса, `Track 0 bad- disk unusable` (0 йўлак ишдан чиққан, дискет яроқсиз) хабари пайдо бўлади, акс ҳолда `FORMAT another (Y/N)?` (Яна форматлайсизми? Y — ҳа, N — йўқ)? хабари пайдо бўлади).

21. Компьютердан жорий йилнинг кун, ойи ҳақида маълумот олиш учун буйруқ қаторида `date` “Enter” буйруғи берилади.

23. Компьютерни ўчириш қуйидаги тартибда амалга оширилади:
- бажарилаётган дастур ёки буйруқ тамомланади;
  - дискет диск юритувчидан олинади.
  - ёқилган бўлса чоп қилиш қурилмаси ўчирилади.
  - монитор ўчирилади.
  - компьютер ўчирилади.

## IV БОБ

1. NC ни юклаш учун MS DOS OT буйруқлар қаторидан NC “Enter” буйруғи берилади. Агар компьютер Windowsга юкланган бўлса, NCга мос ёрлик устида “сичқонча” тугмаси босилади. Натижада экраннинг юқори қисмида NC нинг иккита тўғри бурчакли дарчаси очилади. Экраннинг қуйи қисмида NC нинг функционал тугмалари тавсифи билан жойлашган бўлади.

2. NC да ёрдам олиш учун F1 (Help) тугмасини босиш лозим.

3. NC да янги файл ташкил қилиш учун “Shift”-”F4” тугмалари бир-галикда босилади, компьютернинг Enter new File(файл номини киритинг) сўровига файл номи берилади. Киритиладиган матн клавиатура ёрдамида терилади. Матн дискетга ёзилиши учун F2 (Save) тугмаси босилади.

4. Файл мазмунини кўриш учун, кўрсаткич (курсор) файл устига келтирилиб, F3 (View) тугмаси босилади.

5. Файлни таҳрир қилиш учун кўрсаткич ёрдамида файл ажратилиб сўнгра F4(Edit) тугмаси босилади. Лозим бўлган ўзгартиришлар кўрсаткич ва клавиатура кўмағида амалга оширилади. Таҳрир қилинган файлни хотирада сақлаш учун F2(Save) тугмасини босиш лозим.

6. Файл ёки файллар гуруҳини нусхалаш учун (файллар гуруҳи Insert тугмаси орқали олдиндан ажратилган бўлиши лозим) F5 (Copy) тугмаси босилади. Экраннинг ўрта қисмида файл ёки файллар нусхаси кўчирилмаган манзил ҳақида сўров пайдо бўлади. Қўшимча маълумот киритилмаса, бошқа дарчада жойлашган очиқ каталогга файл ёки файллар гуруҳи нусхаланadi. Матнли файлни чоп қилиш учун F5(Copy) босилгандан кейин, компьютернинг манзил сўровига чоп қилиш қурилмасининг стандарт номи rpn киритилади.

7. Файлни қайта номлаш учун кўрсаткич номи ўзгартириладиган файлга келтирилиб, F6 (Rename) тугмаси босилади. Компьютер сўровига файлинг янги номи берилади.

8. Файл, файллар гуруҳини ўчириш учун кўрсаткич ёрдамида ўчириладиган файл ва файллар гуруҳи ажратилиб, F8 (Delete) тугмаси босилади.

9. Янги каталог ташкил қилиш учун F7(MKDir) тугмаси босилади ва каталог номи киритилади.

10. Каталогга кириш учун кўрсаткич каталог устида ост каталогдан чиқиш учун каталогда мавжуд бўлган қисм каталог ва файллар бош (энг юқори ўнг қисми) қисмида жойлашган .. (икки нуқта) га кўрсаткич келтирилиб "Enter" босилади.

11. Каталогни қайта номлаш учун F6 тугмаси босилади ва янги ном киритилади.

12. Каталогни ўчириш учун, у дастлаб кўрсаткич ёрдамида танланади ва сўнгра F8(Delete) тугмаси босилади.

13. Дарчада каталог дарахтини шажарасини кўриш учун "Alt-F10" тугмалар бир вақтда босилади.

14. Чап ёки ўнг дарчага диск мундарижасини чиқариш учун мос ҳолда, "Alt-F1" ёки "Alt-F2" тугмалари босилади.

15. Дарчалар билан ишлаш буйруқлари қуйида келтирилган.

16. Тав — бир дарчадан бошқа дарчага ўтиш; Ctrl-O — экрандан дарчани олиб ташлаш ва чиқариш; Ctrl-P — экрандан фаоллашмаган (кўрсаткич бўлмаган) дарчани олиб ташлаш ва чиқариш; Ctrl-U — дарчалар ўрнини алмаштириш; Ctrl-F1 — экрандан чап дарчани олиб ташлаш ва чиқариш; Ctrl-F2 — экрандан ўнг дарчани олиб ташлаш ва чиқариш; Alt-F1 — чап дарчага бошқа диск мундарижасини чиқариш; Alt-F2 — ўнг дарчага бошқа диск мундарижасини чиқариш.

17. Дискдан файлни қидириб топиш учун "Alt-F7" тугмалари мажмуаси босилади ва файл номи (ҳеч бўлмаса номининг дастлабки белгилари) киритилади.

18. Дискдаги бўш жойни аниқлаш учун "Ctrl-L" тугмалари биргаликда босилади. Экранда диск жойи ҳақида маълумот ҳосил бўлади. Маълумотни олиб ташлаш учун яна бир бор "Ctrl-L" тугмалари биргаликда босилиши лозим.

19. Дискдаги файллар гуруҳини: — исми бўйича саралаш учун Ctrl-F3; кенгайтмаси бўйича саралаш учун Ctrl-F4; Ctrl-F5; ҳажми бўйича саралаш учун Ctrl-F6; асл жойлашган ҳолида саралаш учун Ctrl-F7 тугмалар комбинациясидан фойдаланиш мумкин.

20. NSнинг бошқа меню буйруқлари билан ишлаш учун F9(Pull Down) тугмаси орқали юқорида тавсифи келтирилган ва келтирилмаган қолган NC буйруқларини бажариш мумкин.

21. NSдан чиқиш учун F10(Quit) тугмаси босилади ва компьютер сўровига Y(ха) жавоби берилади.

## V БОБ

1. Лексиконни юклаш учун NSда LEXICON каталогига дастлаб кирилади, сўнгра кўрсаткич lex.exe каталогига келтирилиб "Enter" тугмаси босилади.

2. Экрандан менюга чиқиш учун F10 тугма босилади, аксинча менюдан экранга қайтиш учун ESC тугмаси босилади.

3. Лексиконда ёрдам олиш учун F1 тугмаси босилади. Навбатдаги ёрдам саҳифаси қайта F1 тугмаси босилиши билан очилади. Матнни таҳрир қилишга қайта тушиш учун ESC тугмаси босилади.

4. Матнни киритиш учун дастлаб кўрсаткич матн киритилиши лозим бўлган жойга келтирилади ва матн клавиатурадан териб киритилади. Лексиконда бир шрифтдан бошқа шрифтга ўтиш учун, F9 тугмаси босилади. Бунда Лексикон маълумот қаторида "рус" банди "Lat" билан алмашади ва аксинча. Маълумот қаторида бундан ташқари кўрсаткич турган сатр ва устун тартиби, файл номи, сана, кун вақти, шрифт тартиби кўрсатилган бўлади. Бош ҳарфларни киритишда "Shift" тугмасидан фойдаланилади, уни фиксирлаш учун "Capslock" тугмаси ишлатилади.

5. Матнни таҳрир қилиш учун, хусусан ортиқча ёки нотўғри белгилар кетма-кетлигини олиб ташлашда "Del", "Bask Space" тугмалари ишлатилади. Бунинг учун кўрсаткич таҳрир қилинаётган жойга келтирилади. "Del" тугмаси орқали кўрсаткич ўнг томондаги белгилар кўрсаткич тагига суриб ўчирилади. "Bask Spase" тугмаси ёрдамида кўрсаткич чап томондаги белгилар кўрсаткич чапга сурилиб ўчирилади. Бундан ташқари "Shift Del" тугмалар комбинацияси билан курсордан ўнгга турган қатор бутунича, "Shift-Bask Spase" тугмалар комбинацияси ёрдамида кўрсаткичдан қатор бошигача бўлган барча белгилар ўчирилади.

6. Матнни файл кўринишда сақлаш учун "Текст" буйруқлар тўпламига кирилади, сўнгра "Сохранить" банди кўрсаткич билан танланади ва "Enter" тугмаси босилади. Муҳаррир матн ёзилаётган файл номини сўрайди, файлга ном берилади.

7. Матнни дискдан қақириш учун Лексикон юкланган компьютерда F10 тугма билан менюга кирилади, бунда "Текст" менюсига кириб "Загрузить" банди устига курсор келтириб "Enter" босилади. Компьютер файл номини киритишни сўрайди, файл номини киритиб "Enter" тугмасини босиш орқали дискдаги матнли файлни юклаш мумкин.

8. Матн қисмлари билан ишлаш учун дастлаб уни ажратиш лозим. Бутун қатор бўйича ажратиш учун F3, матн қисмини ажратиш учун "Shift - F3" тугмалари биргаликда босилиб чап, ўнг, қуйига ва юқорига кўрсаткичлар ёрдамида керакли қисм ажратилади. Ажратилган қисмни олиб ташлаш ёки "чўнтакка" олиш учун Ctrl - F3 тугмаси босилади. Тўла қаторни матннинг бошқа қисмига нусхалаш учун кўрсаткич мазкур жойга келтирилиб Ctrl - F4 тугмалари биргаликда, матн қисмини нусхасини кўчириш учун Shift - F4 тугмалари биргаликда босилади.

9. Матнни ўнг, чап ва ўрталаштириш чегараларини ўрнатиш учун қуйидаги тугмалар ишлатилади: Alt—F5— матнни чапга суриш; Alt—F6 матнни ўнгга суриш; F8 — матнни ўртага суриш. Дастлаб, керакли қисм F3 ёрдамида ажратилган бўлиши лозим. Ажратишни бекор қилиш айтиб ўтилгандек F4 тугмаси ёрдамида бажарилади. Матн чегарасини ўрнатиш учун “Абзац” менюсига кириб “Границы” банди ёрдамида чап (Левая), ўнг (Правая) чегараларига мос миқдорлар киритилади (миқдорлар қиймати миллиметрларда берилади). Бутун бир абзацни форматлаш учун кўрсаткич абзац бошига келтирилиб Ctrl—F8 тугмаси босилади.

10. Матнни чоп қилишдан олдин уни саҳифаларга бўлиш лозим. Бу бош менюнинг “Страницы” банди ёрдамида бажарилади. Таркибида қуйидаги меню ости буйруқлар мавжуд. *Расставить* — матнда саҳифалар ўрнатади; *Шаг* — қаторларо интервал ўрнатади; *Высота* — саҳифа узунлигини интервалда ўрнатиш имконини беради; *Нумерация* — саҳифани номерлашни бошқаради; *Убрать* — матнда саҳифа номерини олиб ташлайди; *Каталог* — чўнтакда матн мундарижасини тайёрлайди.

11. Лексиконда матнлар ва унинг қисмлари одатдаги оғма (курсив) ярим қуюқ (полужирный), тагига чизиб ёзилган шрифтларда бўлиш мумкин. Бир шрифтдан бошқа шрифтга ўтиш учун “Alt—F1—F4” тугмалар мажмуи ишлатилади. “Alt—F1” шрифтни номер бўйича ўрнатади. 0—одатдаги шрифт; 1—оғма; 2—ярим қуюқ шрифт; 3—ярим қуюқ оғма; 4—қуйи индекс; 5—юқори индекс; 7—грек алфавити ва математик белгилар. Alt—F2 — тагига чизиб ёзишни ўрнатади ва олиб ташлайди; Alt—F3 — оғма шрифтни ўрнатади ва олиб ташлайди; Alt—F4 — ярим қуюқ шрифтни ўрнатади ва олиб ташлайди. Жами Лексиконда 36 шрифтни (ШРО—ШР9 ва ШРА—ШР7) ишлатиш мумкин.

12. Лексиконда 10 та ойна мавжуд бўлиб бир неча ойнага турли матнларни юклаш ва таҳрир қилиб, сўнгра мақбул равишда бирлаштириш мумкин. Ойнага ўтиш учун Alt ва ойна номери берилади. “Ins” тугмасини босиб ойна ўлчамларини керакли миқдорда “←,↑,→,↓” кўрсаткичлар кўмагида ўзгартириш мумкин. Бу ойнадан матн қисмини бошқа ойнага олиб ўтиш саккизинчи банддаги каби бўлади.

13. Лексиконда жадваллар ва диаграммалар тез ва соз тузилади. Бунинг учун “Alt”, “\_” тугмалар босилади, сўнгра — “Shift — ←”, “Shift — →”, “Shift — ↑”, “Shift — ↓” — чизик чизиш; — “Ctrl — ←”, “Ctrl — →”, “Ctrl — ↑”, “Ctrl — ↓” — чизикни ўчириш; — “Enter” тугмасини босиб иккилик чизик чизишга ўтиш; — “Esc” ни босиб чизишни бекор қилиш мумкин.

14. Баъзан Лексиконда ишлаш жараёнида MS DOS OT га чиқиш зарурати туғилади. Шундай вазиятда менюдан DOS буйруғи ёрдамида MS DOS га чиқишингиз мумкин, Лексиконга қайтиш Exit буйруғи ёрдамида бўлади.

15. Матнни чоп қилиш учун “Текст” бандига кириб “Печать” меню бандини танлаш лозим. Сўнгра кўрсаткич “Старт” (айрим версияларида “Начать”) бандига келтирилади ва “Enter” тугмаси босилади. Ҳар бир саҳифа чоп қилинишдан сўнг компьютер қоғоз қўйилишини (“Вставьте страницы”) хабар қилади, бунда қуйидаги бандлардан бирини танлашингиз мумкин. “Enter” — кейинги саҳифани чоп қилиш. “Пробел” — саҳифани тушириб қолдириш. Esc — чоп этишни тугатиш.

16. Лексиконда ишни тугалаш учун F10 тугмаси ёрдамида менюга чиқиб, кўрсаткич “Выход” бандига келтирилади ва “Enter” тугмаси босилади.

1. Windowsни юклаш. Windows дастурини ишга тушириш учун Norton Commander панелидан кўрсаткич ёрдамида Windows каталогини топиб, "Enter" тугмаси босилади. Каталог ичидан win.com файлини топиб, "Enter" тугмасини босиш лозим. Юклаш жараёни фойдаланувчи томонидан ўзгартирилган бўлиши мумкин.
2. **Пуск** (Юклаш) тугмаси Windows нинг барча дастурларини ишга тушириши мумкин ва Windows дан хавфсиз чиқиш мумкин.
3. Иш столига янги жилд ёки ёрликларни қўшиш учун "сичқонча"-нинг ўнг тугмаси бирор бўш жойда босилади ва ҳосил бўлган мулоқот дарчасидан **Создать** банди фаоллаштирилади. Натижада ҳосил бўлган иккиламчи мулоқот дарчасидан керакли бўлими танлаб олиниб, тизим кўргазмаси бўйича янги ёрлик ёки жилд иш столида ҳосил қилинади. Сўнгра уларга зарурий дастурлар мажмуасини жойлаштириш ва ном бериш орқали фойдаланишимиз мумкин.
4. **Пуск** тугмаси ёрдамида **Программы** бўлимига мурожаат этилганда, иккиламчи дарча ҳосил бўлиб, ундан фойдаланувчи ўзи учун зарур деб ҳисоблаган дастурларни танлаши мумкин. Бу дастурлар орасида асосийлари компьютерларни вирусдан ҳимояловчи, файлларни архивлаштирувчи, Office, стандарт, бошловчи ва амалий дастурлар ҳисобланади. Масалан, **Программы — Стандартные — Служебные** кетма-кетлигидан фойдаланган ҳолда диск ҳолатини назорат қилиш, тозалаш, текшириш каби ишларни амалга ошириш мумкин.
5. Windows нинг барча дастурлари дарчада жойлашган бўлиб ўз меню сатрига эга бўлади, яъни ҳар бир дастур учун алоҳида муҳит яратилган бўлиб, у ерда махсус буйруқлар ва кўрсатмалар мавжуд. Дастур ойнасининг юқори қаторида дастур номи, тагида меню сатри жойлашган. Ҳар бир менюда шу гуруҳга мансуб бандлар мавжуд, бу бандлар ўз навбатида қисм-бандларга бўлинади. Қисм-бандларнинг баъзилари кўрсаткичига эга ва улар навбатдаги дарчаларига эга бўлади.
6. **Файл** бўлими ёрдамида янги файл ташкил қилиш, хотирадан файлни экранга чиқариш, экранни файлдан тозалаш, файлни хотирага киритиш, файлни бирор ном билан хотирада сақлаш, файлнинг бирор вариантыни сақлаб қолиш, саҳифа учун ҳошия, варақнинг ўлчами, қоғозни узатиш усуллари берилди. Хужжатларни чоп этиш усули аниқланади. **Файл** танланган йўналиш бўйича жўнатилади.
7. **Менюнинг Правка** бўлими ёрдамида саҳифанинг ажратилган қисмини хотиранинг алмаштириш (буфер) қисмига жўнатиш, ажратилган қисмининг нусхасини олишга тайёрлаш, ажратилган қисмини керакли жойга қўйиш мумкин. **Файлда** керакли белги ёки сўзни топади ва уни алмаштиради.
8. **Windows** дастурларидан фойдаланишда ускуналар панели муҳим аҳамиятга молик. Бу ерда берилган тугмалар меню бўлимларидаги кўпчилик бандларнинг вазифасини фойдаланувчи учун қулай кўринишда бажаради.
9. Ускуналар панелида янги вазифали тугмалар ҳосил қилиш учун дастур менюсида **Вид** қисмининг **Панель инструментов** бандидаги **Настройка** бўлимига мурожаат қилинади. Натижада экранда иккиламчи дарча ҳосил бўлиб, у ерда **Панель инструментов**, **Команды** бандларидан фойдаланган ҳолда жорий дастурнинг **Меню** қисмлари ёки ускуналар панелига ўзгартиришлар киритиш ва янги вазифали тугмалар ҳосил қилиш мумкин.

10. **Менинг компьютерим ёрлиги** файл ёки дискларни кўриш учун қулайлик туғдиради ва у ерда қаттиқ диск, тармоқдаги диск ва компакт диск:ли кўриш мумкин. Компьютер тизими ёки чоп этиш қурилмасини созлаш, Web саҳифаси ҳужжатлари билан танишиш, ҳамда тармоқдаги компьютерлар билан боғланиш мумкин

11. Вид қисмида саҳифа ҳолатини аниқлаш, саҳифани ишчи кўринишини ҳосил қилиш, интернетта мурожаат этиш, ёрлиқни турли кўринишлари ва уларни тартиблаш мумкин.

12. Бошқариш панелидаги ёрлиқлар вазифаси ва имкониятлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз: Аудио, видео ва компакт дисклар учун дастурларни ўрнатиш. Компьютерни локал тармоқларда ишлаши учун мослаштириш. Тизим ва амалий дастурларда ишлатиш учун шрифтлар ўрнатиш. Жорий компьютер тизими ҳақида умумий маълумотлар олиш. Экран кутиши ҳолатидаги тасвирни танлаш, дарчаларни расмийлаштириш. Компьютерни ташқи тармоқларга улаш. Интернет тармоқлари билан боғланишда хавфсизликни таъминлаш. Янги қурилмаларни улаш учун керакли дастурни ўрнатиш. Компьютерда фойдаланувчилар фаолиятини тартибга солиш, калит ўрнатиш.

13. **Экран ёрлиги** дастурига мурожаат этилганда мулоқотли дарча ҳосил бўлиб, унда *Фон, Заставка, Оформление, Эффекты, Интернет, Настройка* каби қисмлар мавжуд. **Фон** фаоллаштирилганда иш столидаги кўринишини берилган файллар рўйхатидан танлаб олиш имконияти ҳосил бўлади. Худди шу сингари **Оформление** қисми фаоллаштирилиб дарчаларнинг рангларини, шрифтларини танлаш ва ўзгартириш мумкин. Бунинг учун танлаб олинган дарча бўлагининг ранги ва ёзувлари **Размер** ва **Цвет** тугмалари орқали ўзгартирилади. **Эффекты** қисми орқали иш столидаги дастур учун белгиланган ёрлиқларнинг кўринишини ўзгартириш мумкин. Бунинг учун **Сменить значок** тугмасига мурожаат қилинади ва экранда иккиламчи мулоқот дарчаси ҳосил бўлиб у ердан керакли ёрлиқ нишони танлаб олиниб, белгиланган дастурнинг янги ёрлиги сифатида ишлатилиши мумкин. **Настройка** банди ёрдамида экрандаги рангларнинг жилоланишини яхшилаш, янги ранглар ҳосил қилиш, шаклларни ранглашда тўлдириш усулини танлаб олиш мумкин бўлади.

14. **Бошловчи (Проводник)** дастури Windows 98 тизимида моҳияти бўйича Norton Commander қобиқ дастурининг файл ва каталоглар устида бажариладиган тегишли буйруқларни ўзида мужассамлаштирган. Дастурнинг ўз меню сатри бўлиб, унинг бандлари **Менинг компьютерим** менюсидан деярли фарқ қилмайди ва номланиши айнан сақланган. Лекин таҳририй дарча икки қисм — ўнг ва чап бўлақларидан иборат. Дарчанинг чап қисмида жилдлар дарахти, ўнг қисмида эса белгиланган жилдга мос кичик жилд ва файллар рўйхати келтирилган.

15. Бирор керакли файлни топиш учун Менюнинг **Сервис** қисмидаги **Поиск** бандига мурожаат қилиниб, ҳосил бўлган мулоқотли дарчада излаётган файлнинг белгиси киритилади.

16. **Пуск** тугамсидаги *Завершение работы* қисми ёрдамида Windows дан чиқиш мумкин.

## VII БОБ

1. **Word** — Windows амалий дастурларидан ҳисобланиб, матнли ҳужжатларни тузиш, кўздан кечириш, таҳрир қилиш ва чоп этиш учун хизмат қилувчи дастур бўлиб, Windows иловалари гуруҳига киради. **Word** —

матнли ва тасвирий маълумотлар устида юздан ортиқ операцияларни бажарувчи ва матнли дастурлар синфига кирувчи энг такомиллашган амалий дастурлардан бири ҳисобланади. Word ёрдамида ихтиёрий кўринишдаги ҳужжатни жуда тез ва сифатли тайёрлаш мумкин. Дастурнинг яна бир қулайлик томони шундан иборатки, унда бир нечта ҳужжатлар билан ишлаш, яъни уларни кўшиш, биридан иккинчисига керакли жойни олиб кўчириш, матн ёнига тасвир тушириш, ҳарфларни исталган шаклда етарлича катта форматда чоп этиш мумкин.

2. Word дастури одатда дастурлар диспетчерининг Microsoft Office бўлимида жойлашган бўлади. Word дастурини ишга тушириш учун “сичқонча” кўрсаткичини Word ёрлигининг устига келтириб, унинг чап тугмасини икки марта босиб, стандарт усулда ишга тушириш мумкин.

3. Маълумотлар кетма-кет клавиатурадан териб киритилади. Киритилаётган маълумот кўрсаткич турган жой — позицияга жойлашади. Бош ҳарфлар “Shift” тугмасини босиб туриб кетма-кет мос клавиатурадан терилади. Кириллча шрифтдан лотинча шрифтга ўтиш Word версияларида бир-биридан фарқ қилади, масалан айрим Word версияларида “Shift” тугмасини 2 марта босиш билан бир шрифтдан бошқа шрифтга ўтилса, бошқа версияларида “Shift, Ctrl, Alt” тугмалари комбинацияси ёки алоҳида босиш билан ўтилади.

4. Матн терилгач уни дискка ёзиш лозим. Бунинг учун “сичқонча” чап тугмасини File (Файл) менюсида босамиз, мазкур буйруқ остидан Save AS (Сохраниш қак...) банди танланиб, яна бир бор “сичқонча” чап тугмаси босилади. Натжжада экранда файл номини киритиш ҳақида сўров пайдо бўлади. Ўз навбатида файл номи киритилиб, “сичқонча” тугмаси (ОК тугмаси) босилади.

5. Дискдан файлни экранга чақиритиш учун File (Файл) буйруқлар тўпламидан Open (Открыть) банди танланади ва “сичқонча” тугмаси босилади. Файллар рўйхатидан керакли файл “сичқонча” кўрсаткичи билан ажратилади ва ОК босилади. Файлни экранга Ctrl+O тугмаларини бир вақтда босиш орқали чақиритиш ҳам мумкин.

6. Экрanga чақирилган файлни таҳрир қилиш учун кўрсаткич таҳрир қилинаётган жойга келтирилади. Агар маълумот киритилиши лозим бўлса, у терилади, ўчирилиши лозим бўлса Del ёки Bask Space тугмаларидан фойдаланилади. Таҳрир қилинган матнни хотирада сақлашни (File) (Файл) буйруқлар тўпламидан Save (Сохраниш) банди билан ёки Ctrl+S тугмаларини босиш орқали бажариш мумкин. Бу ишни File (Файл) буйруқлар тўпламидаги Save All (Сохраниш все) банди ёрдамида ҳам бажариш мумкин.

7. Таҳрир қилинган қисмни бекор қилиш учун Edit (Правка) буйруқлар тўпламига кирилади, ундан Undo (Отменить) банди танланиб, ОК босилади. Бу ишни Ctrl+Z тугмалари мажмуаси билан ҳам амалга ошириш мумкин.

8. Матн қисмини ажратиш учун кўрсаткич ажратилган қисм бошига (охирига) олиб келинади, “Shift” тугмасини босиб туриб “сичқонча” кўрсаткичини ажратиб олиш керак бўлган қатор (белги) гача олиб борилади, сўнгга Ctrl+X тугмалари ёки (қайчи белгиси) ёрдамида қирқиб олинади. Кўчирилиши лозим бўлган жойга кўрсаткич келтирилиб, Ctrl+V билан қирқиб олинган қисмни махсус жойга нусхалаш мумкин. Бу ишлар кетма-кетлиги бевосита меню бандлари ёрдамида ҳам бажарилиши мумкин: буйруқлар тўпламидан Gut (Вырезать) буйруғи билан ажратилган матн қисми қирқиб олинади ва Paste (Вставить) буйруғи ёрдамида керакли жойга нусхаланади.

9. Матнда турли хил шрифтлардан фойдаланиш учун Format (Формат) буйруқлар тўпламидан Font (Шрифт) банди ёрдамида керакли турдаги шрифтни танлаш мумкин.

10. Киритиладиган белгиларни катталаштириш (кичиклаштириш) учун “сичқонча” кўрсаткичи ёрдамида менюдаги чап ёнида жойлашган “↓ (↓)” кўрсаткичлардан фойдаланилади.

11. Киритилган маттни чапга, ўнгга ва ўртага суриш учун, дастлаб сурилиши лозим бўлган матн ажратилади (8-бандига қаранг), сўнгра менюдаги мос ҳолда қаторни чапга, ўнгга ва ўрталаштириш белгилари устида “сичқонча” тугмаси босилади.

12. Маттни саҳифаларга бўлиш учун Insert (Вставка) буйруқлар тўпламига кирилади, Page (Номера страници ...) буйруғи ёрдамида саҳифага бўлиш учун зарурий миқдорлар (қатор оралиғи, дастлабки саҳифа тартиби, чапдан, ўнгдан, юқоридан, қуйидан чегаралар ва ҳ.к.) берилади ва ОК да “сичқонча” чап тугмаси босилади.

13. Математик, кимёвий формула ва муносабатларни ёзиш учун WORD да махсус белгилар мавжуд. Улардан фойдаланиш тартиби қуйидагича: WORD нинг бош меню буйруқлари рўйхатидан “Insert” (Вставка) буйруқлар тўплами танланади, шу буйруқлар тўпламидан Symbol ... (Белги...) буйруғи устига “сичқонча” кўрсаткичи келтирилиб унинг тугмаси босилади. Натижада экранда бир гуруҳ белгилар пайдо бўлади. Керакли белги кўрсаткич ёрдамида танланади ва Paste (Вставить) банди ёрдамида мазкур белги қўйилади. Шуни ёдда тутиш лозимки, дастлаб матнда кўрсаткични белги қўйиладиган жойга келтириш лозим. Белги очилган экрандан дастлабки матн жойлашган экранга қайтиш учун Close (Закрыть) бандига “сичқонча” кўрсаткичи келтирилиб унинг чап тугмаси босилади.

14. Матнда жадваллар устида ишлаш учун, Table (Таблица) буйруқлар тўпламига кирилади, ундан жадвалда қанча сатр ва устун бўлиши ҳақида маълумот бериш мумкин. Жадвалнинг бир ячейкасидан иккинчи навбатдаги ячейкага ўтиш учун “Tab” тугмаси босилади ёки “сичқонча” кўрсаткичи билан ихтиёрий ячейка танланиб, унинг чап тугмаси босилади. Матн ёки сонли миқдорлар бевосита клавиатурадан териб киритилади. Қўшимча қатор қўйиш учун Table (Таблица) буйруқлар тўпламидан Insert Rows (Вставить строка), олиб ташлаш учун Delete Rows (Удалить строки), формула ёзиш учун Formula (Формула...) ва ҳ.к. буйруқларидан фойдаланилади.

15. Матнда графиклар чизиш учун WORD экранининг қуйи чап қисмида жойлашган график элементлари белгиларидан фойдаланиш мумкин. Тайёр расм ёки кадрларни матнга нусхалаш учун Format (Формат) буйруқлар тўпламидан Frame ... (Кадр) ёки Picture... (Рисунок) буйруқлардан фойдаланиш мумкин. Paint расм муҳарририда тайёрланган расмларни ҳам матнда ишлатиш мумкин.

16. WORD да мавжуд бўлган меню буйруқлар тўплами ушбу қўлланишнинг илова қисмида келтирилган. Юқорида қайд этилган асосий буйруқлар тўпламидан ташқари асосий меню буйруқларига кирувчи View (Вид) буйруқлар тўплами билан маттни нормал ҳолатида, саҳифаларни жойлашиш, экран бўйича тўлиқ, линейка (чизғич) қўйиб қўриш мумкин. Tools (Сервис) буйруқлар тўплами кўмагида матн имлосини орфография, грамматика, сўзларни бўғин кўчирилиши, тили ва ҳ.к. жиҳатлари билан назорат қилиш, Windows (Окно) буйруқлар тўплами билан янги ойналар очиб ишлаш мумкин.

17. Матн тайёр бўлгач, уни босмага чиқаришдан олдин бир кўздан кечириш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун File(Файл) буйруқлар тўпламидан Print Preview (просмотр) банди танланади, “сичқонча” чап тугмаси босилади. Натижада экранга матн неча саҳифада бўлса ўшанча саҳифалар бўйича жойлашган ҳолати чиқади. Бу ҳолатни менюдаги ойна белгиси ёрдамида ҳам пайдо қилиш мумкин.

18. Матнни чоп қилиш учун File (Файл) буйруқлар тўпламидан print ... (печать) буйруғи танланади ва “сичқонча”нинг чап тугмаси босилади. Албатта бунинг учун даставвал чоп қилиш қурилмаси ёқилган ва унга қоғоз қўйилган бўлиши лозим, акс ҳолда компьютер мос ҳолда чоп қилиш қурилмасини улашни ёки қоғоз қўйишни таклиф қилади.

19. WORD матн муҳарриридан чиқиш учун File (Файл) буйруқлар тўпламидан Exit (Выход) буйруғи танланади ва “сичқонча” чап тугмаси босилади. Экрандаги матн таҳрир қилинган бўлиб хотирада сақланган бўлса, WORD дан қўшимча сўровсиз чиқилади, акс ҳолда матнни сақлаш ёки хотирада сақлашингиз ҳақида сўров пайдо бўлади. Керакли жавоб берилгач, компьютер WORD билан ишини тугаллайди.

20. Windows да чиқиш учун дастлаб барча ойналар ёпилган, барча дастур ва буйруқлар билан иш тугалланган бўлиши лозим. Шундай ҳолатда File (Файл) буйруқлар тўпламидан Exit(Выход) танланиб “сичқонча” тугмаси босилади ёки Alt+F4 тугмаларини биргаликда босиб Windows ишини тугаллаш мумкин.

## IX БОБ

1. *Paint ни юклаш.* Paintни ишга тушириш учун Windows таъминлаш дастурининг рекузитларидан Paint белгисини танлаб, “сичқонча” нинг чап тугмасини босиш лозим.

2. *Янги шакл ёки расми экранга чизиш.* Paint юклангандан сўнг унинг дарчаси экранда ҳосил бўлади. Экраннинг юқори қисмида дастур менюси, қуйи қисмида расм ёки шакл чизиш учун расм ва фон танланадиган бандлари, чап томонида шакл чизишда ишлатиладиган жиҳозлар тўплами ҳосил бўлади. Керакли жиҳоз ва ранг “сичқонча” ёрдамида танланиб, даставвал “Файл” буйруқлар тўпламидан “Создать” бандида “сичқонча” чап тугмасини босиш лозим.

3. Экранда бирор шакл ёки расм ҳосил қилингандан сўнг, уни файл кўринишидаги хотирага ёзиш учун кўрсаткични “Файл” буйруқлар тўпламига келтириб, “сичқонча” тугмачасини босамиз. Сўнгра “Сохранить” банди танланади, компьютер сўровига файл номи клавиатурадан киритилади. Натижада экрандаги расм хотирага ёзилади.

4. *Хотирадаги расми экранга чақирриш* учун “Файл” буйруқлар тўпламидан “Открыть” банди танланади ва хотирада мавжуд бўлган файллар рўйхатидан керакли файл танланади ва “сичқонча” тугмаси босилади.

5. *Экранда ҳосил қилинган расмнинг бирор қисмини ажратиб олиш* учун дастлаб, “Правка” буйруқлар тўпламига кирилади. Сўнгра “Вырезать” банди танланиб, кўрсаткич ёрдамида қирқиб олиниши лозим бўлган қисм ажратиблиб, “сичқонча” тугмаси босилади.

6. *Расм қисмини махсус жойга ўрнатиш* учун дастлаб “Правка” буйруқлар тўпламига кириб, “Вырезать” ёрдамида қирқиб олинган қисм, шу буйруқлар тўпламидаги “Копировать” буйруғи ёрдамида расмни махсус жойга келтириб қўйиш мумкин.

7. Расмни ўз жойидан кўрсатилган жойга қўйиш учун “Правка” буйруқлар тўпламидан “Вставить” банди танланиб, расмни кўрсатилган жойга қўйилади.

8. Янги ҳосил қилинган расмни, бошқа жойга нухалаш учун “Правка” буйруқлар тўпламига кириб, “Копировать” банди ёки “Вставить” бандидан фойдаланилади.

9. Расмнинг ўлчамини ўзгартириш учун “Вид” буйруқлар тўпламига кириб, “Масштаб” банди танланади, ҳамда “сичқонча” чап тугмаси босилади.

11. Чизиқлар қалинлигини танлаш учун жиҳозлар мажмуасида чизиқларга оид тугма босилиб, мажмуани пастки қисмидан чизиқлар қалинлиги танланади.

12. Бўёқ (ранглар) ни танлаш учун “Палитра” буйруқлар тўпламига кириб, “сичқонча” кўрсаткичи “Палитра” бандида босилади, сўнгра керакли ранг танланади.

13. Расм теварагига (ёнига, тагига, устига) ёзиш учун кўрсаткич дастлаб ёзилиши лозим бўлган жойга келтирилади, “Обычный” банди ёрдамида, ярим куюк белги (ёзув)лар “Полужирный” банди кўмагида, оғма белгилар клавиатура қурилмасидан терилади.

14. Ёзишда турли хил шрифтлардан фойдаланиш учун А буйруқлар тўпламига кириб, саҳифа устида “сичқонча” ўнг тугмаси босилиб “Панели” атрибутов текста дан керакли шрифт тури ҳар хил ўлчамда танланади.

15. Катта расмларни экранда тўлиқ кўриш учун “Вид” тўпламига кирилади ва “сичқонча” кўрсаткичи “Просмотр рисунка” бандига келтирилиб, чап тугма босилади, натижада экранда расм тўлиқ кўринади.

16. Рангларни таҳрир қилиш учун “Палитра” бўлимида “Изменить палитры” фаоллаштирилади ва мулоқот дарчасида ранг таҳрир қилиниб “Добавить в набор” ёрдамида ранглар соҳасига янги ранг киритилади. Сўнгра кўрсаткич ёрдамида рангни таҳрир қилиш (ўчириш, бошқа рангга алмаштириш) мумкин.

18. Босмага чиқариш қурилмасини танлаш учун “Файл” буйруқлар тўпламига кирилади ва “Выбор принтера” бандида “сичқонча” тугмаси босилади ҳамда керакли босмага чиқариш қурилмаси танланади.

19. Расмни босмага чиқариш учун “Файл” буйруқлар тўпламига кирилади ва “Печать” бандида “сичқонча” тугмаси босилади. Бу ерда олдиндан босмага чиқариш қурилмаси ёқилган бўлиши лозим.

20. Дастурдан чиқиш учун “Файл” буйруқлар тўпламига кириб, “Выход” банди кўрсаткич ёрдамида танланади ва “сичқонча” тугмаси босилади.

## АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси конституцияси. —Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Баркамол авлод — Ўзбекистон тарраққиётининг пойдевори. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонунлари. — Т.: “Шарқ”, 1998. 64-б.
3. Ўрта махсус, касб-хунар таълими давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамаси қарори. “Маърифат” газетаси. 2000 йил, 4 ноябрь.
4. *Шафрин Ю.* Основы компьютерной технологии. Учебное пособие. — М.:1997.
5. *Фигурнов В.Э.* IBM PC для пользователя. М.: ИНФРА М. 1998.
6. *Рахмонқулова С.И.* IBM PC шахсий компьютерларида ишлаш. Т.: НМК “Шарқ” — INSTAR, 1996.
7. *Рыжков В.* Microsoft Excel 2000, Санкт-Петербург. “Питер”, 2000.
8. *Холматов Т.Х., Тайлақов Н.И.* Информатика ва ҳисоблаш техникаси. Ўқув қўлланма. Самарқанд. 1994.
9. *Холматов Т.Х., Тайлақов Н.И.* Амалий математика, дастурлаш ва компьютернинг дастурий таъминоти. -Т.: “Меҳнат”, 2000.
10. *Холматов Т.Х., Тайлақов Н.И., Назаров У.А., Турматов Т.* Информатика ( Маъруза матнлари). Т.:,2000.
11. *Поляков Д.Б., Круглов И.Ю.* Программирование в среде турбо паскаль.— М.:Изд-во МАИ,1992.
12. *Микляев А.П.* Настольная книга пользователя IBM PC “Салон-3”, М.: 2000.

## МУНДАРИЖА

Кириш .....	3
-------------	---

### I БОБ. ИНФОРМАТИКА ФАНИНИНГ МАЗМУНИ ВА ВАЗИФАЛАРИ, РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

1.1. Информатика фанининг мазмуни ва унинг бугунги тараққиёт даражаси .....	5
1.2. Ҳисоблаш техникасининг яратилиши ва ривожланиш тарихи .....	10
1.3. Шахсий компьютерларнинг яратилиш тарихи .....	14
1.4. Ахборотларни кодлаш .....	16
1.5. ЭҲМнинг арифметик асоси. Саноқ системалари .....	17

### II БОБ. IBM PC ТУРИДАГИ ШАХСИЙ КОМПЬЮТЕРЛАР

2.1. IBM PC компьютерининг асосий қурилмалари .....	23
2.2. Қўшимча қурилмалар .....	25
2.3. Микропроцессор .....	26
2.4. Хотира турлари ва компьютер имкониятлари .....	26
2.5. Компьютерга уланадиган қурилмалар .....	28

### III БОБ. MS DOS ОПЕРАЦИОН ТИЗИМИ ВА УНИНГ БУЙРУҚЛАРИ

3.1. Компьютер билан дастлабки мулоқот .....	36
3.2. Компьютерни ишга тушириш .....	37
3.3. Компьютерни ўчириш .....	38
3.4. Компьютерга маълумотларни киритиш. Клавиатура билан ишлаш .....	39
3.5. Компьютер қурилмаларининг мантиқий номлари .....	40
3.6. Каталог ва диск юритувчи .....	42
3.7. MS DOS таклифномаси ва буйруқни киритиш .....	43
3.8. MS DOS ОТнинг асосий буйруқлари .....	44
3.9. Файлнинг яроқлилигини текшириш Диск ва каталоглар устида амаллар .....	48
3.10. Компьютердан жорий йилнинг куни, ойи ҳақида маълумот олиш ва унга киритиш .....	51

### IV БОБ. NORTON COMMANDER ҚОБИҚ ДАСТУРИ

4.1. Қобиқ дастурлар ҳақида умумий маълумотлар .....	55
--	----

4.2. Norton Commander дастурини юклаш ва ундан чиқиш .....	56
4.3. NC менюсида ишлаш .....	58
4.4. Клавиатура ва “сичқонча”ни ишлатиш .....	61
4.5. NC дарчаси ва унинг устида амаллар .....	62
4.6. Функционал тугмалар .....	63
4.7. NC да диск билан ишлаш .....	65

## V БОБ. ЛЕКСИКОН МАТН МУҲАРРИРИ

5.1. Лексиконни юклаш ва ундан чиқиш .....	70
5.2. Лексикон менюси билан ишлаш .....	71
5.3. Матнни киритиш ва таҳрир қилиш .....	72
5.4. Матн қисмини ажратиш ва шриффт ўрнатиш .....	73

## VI БОБ. WINDOWS ОПЕРАЦИОН ТИЗИМИ

6.1. Windowsни юклаш ва ундан чиқиш .....	82
6.2. Windows иш столи ва унинг ёрликлари .....	82
6.3. Пуск тугмаси ва унинг бўлимлари билан ишлаш .....	84
6.4. Windows дастурлари дарчаси ва менюси .....	86
6.5. Правка бўлими бандлари ҳақида умумий маълумотлар .....	89
6.6. Менинг компьютерим дастурида ишлаш .....	92
6.7. Бошқариш панели .....	93
6.8. Экран ёрлиғи .....	94
6.9. Ҳужжатларни чоп этиш .....	97
6.10. Бошловчи. Файл ва жидлар устида амаллар .....	98
6.11. Калькулятор .....	101
6.12. Stylus — таржимон дастури .....	104

## VII БОБ. MICROSOFT WORD 97 МАТН МУҲАРРИРИ. ҲУЖЖАТЛАРНИ ЯРАТИШ ВА ТАҲРИР ҚИЛИШ

7.1. Word ни ишга тушириш ва ундан чиқиш .....	108
7.2. Word менюсининг бўлимлари .....	110
7.3. Вид бўлими. Ҳужжатларнинг турли кўринишлари .....	111
7.4. Ҳужжатни расмийлаштириш ва саҳифага тасвирлар тушириш .....	113
7.5. Ҳужжатни форматлаш, шрифтларни ўзгартириш .....	116
7.6. Ҳужжатларни таҳрир қилиш .....	120
7.7. Жадвал ташкил этиш .....	123

## VIII БОБ. ЭЛЕКТРОН ЖАДВАЛЛАР БИЛАН ИШЛАШ. MICROSOFT EXCEL 97 ДАСТУРИ

8.1. Excel дастурини юклаш ва унда ишни тугаллаш .....	131
--	-----

~ 89

8.2. Excel меню бўлимлари тавсифи .....	132
8.3. Диаграмма тури ва кўринишини танлаш .....	140
8.4. Форматлаш бўлими бандларининг вазифалари .....	140
8.5. Сервис бўлими .....	141
8.6. Excelда қийматлар устида амаллар .....	143
8.7. Excel да формула ва функциялар билан ишлаш .....	144
8.8. Excel да иқтисодий масалаларнинг ечилиши .....	146
8.9. Тажриба натижаларини қайта ишлаш .....	150

## IX БОБ. ГРАФИК ТАСВИРЛАРНИ ЯРАТИШ ВА ТАҲРИР ҚИЛИШ

9.1. Умумий маълумотлар .....	164
-------------------------------	-----

## X БОБ. ТУРБО – ПАСКАЛ АЛГОРИТМИК ТИЛИ

10.1 Турбо – Паскал муҳити .....	178
10.2. Паскал тили алфавити .....	183
10.3. Паскал тилида қийматларнинг берилиши ва улар устида амаллар .....	185
10.4. Паскал тилида ўзгарувчиларни тавсифлаш .....	188
10.5. Дастур тузилиши .....	190
10.6. Паскал тилида махсус ва элементар функцияларнинг берилиши .....	191
10.7. Паскал тилининг асосий операторлари .....	192
10.8. Шартсиз ва шартли ўтиш операторлари .....	200
10.9. Вариант оператори .....	207
10.10. Қайтарилиш жараёнларини дастурлаш .....	208
10.11. Ўзгармасларнинг мураккаб кўринишлари ва ўзгарувчиларнинг турлари .....	215
10.12. Ўзгарувчиларнинг белги ва матн кўринишлари .....	222
10.13. Қисм дастурлар ва уларнинг турлари .....	224
10.14. Процедура-дастурлар .....	229
10.15. Турбо—Паскал модуллари ва уларнинг ишлатилиши .....	234
10.16. Компьютер экранига ахборотларни чиқариш .....	236
10.17. Тасвирларни ҳосил қилиш. Graph модули .....	238
Иловалар .....	247
Жавоблар ва кўрсатмалар .....	254
Адабиётлар .....	268



*Ахмедов Акрам Бурхонович  
Тайлақов Норбек Исақулович*

## **ИНФОРМАТИКА**

*Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари учун дарслик*

*Муҳаррир Ш. Тожиёв  
Бадий муҳаррир Ж. Гурова  
Техн. муҳаррир У. Ким, Т. Харитоновна  
Мусаҳҳиҳлар: М. Раҳимбекова, Ш. Орипова  
Компьютерда тайёрловчи Л. Абкеримова*

Теришга берилди 25.07.2001. Босишга руҳсат этилди 10.10.2001.  
Формати 84x1081/32. Офсет босма усулида босилди.  
Шартли б. т. 14,28. Нашр т. 10,2. Нусхаси 25000.  
**Буюртма № 70.** Баҳоси шартнома асосида.

Тошкент 700129, “Ўзбекистон” нашриёти, Навоий кўчаси, 30.  
Нашр № 85-2001.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси 1-босмаҳонасида  
босилди. 700002, Тошкент, Сағбон кўчаси, 1-берк кўча, 2-уй.